

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИНГ МУҲИМ
ВОҚЕАЛАРИ ВА САНАЛАРИ

СОЛНОМА

2017 йил

Мухаррир:

А. Қаюмов

Техник муҳаррир:

К. Егубаев

Наشريёт лицензияси: А1 №182. 08. 12. 2010.

«Adabiyot uchqunlari»

Тошкент шаҳар, Ўқчи кўчаси, 109-уй.

МЧЖ «ADAD PLYUS» босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.

Босишга _____ йил рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/6. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Адади ___ дона.

Буюртма рақами № _____

ISBN _____

ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИНГ
МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ ВА САНАЛАРИ

СОЛНОМА

2017 йил

Тошкент – 2019

УЎК
ББК

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон энг янги тарихининг муҳим воқеалари ва саналари. Солнома. 2017 йил. – Т.: «Адабиёт учкунлари», 2019. – 548 б.

Мазкур илмий-оммабоп нашр Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан жой олган 2017 йилда рўй берган муҳим воқеалар, мамлакатимиз мустақиллиги ва тараққиёти учун сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар қисқача тарихий таҳлиллар орқали баён қилинган. Ундан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда олий ўқув муассасаларининг талабалари ва профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган. Шунингдек, китоб материалларидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Солнома ФЗ-2016-0908223644 «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (4 жилд)» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Ушбу илмий-оммабоп китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказининг Илмий-методик кенгаши томонидан муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (баённома №12 «10» ноябрь 2018 йил).

Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи:

тарих фанлари доктори, профессор М.А. Рахимов

Тўпловчи-муаллифлар:

тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим И.М. Шамсиева
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори А.Т. Замонов

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори Х.Э. Юнусова
сиёсий фанлар номзоди Ф.Х. Ўсарова
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори К.К. Сагдуллаев
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори О.Б. Абдимўминов

ISBN

© ЎзР ФА Тарих институти, 2019
© ЎзР ФА хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, 2019

Кириш	4
Январь	8
Февраль	40
Март	93
Апрель	140
Май	192
Июнь	242
Июль	278
Август	311
Сентябрь	355
Октябрь	408
Ноябрь	453
Декабрь	507

СЎЗ БОШИ

«Ўзбекистон энг янги тарихининг муҳим воқеалари ва саналари» нашрни яратиш бугунги кунда Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, ёшларда мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш зарурияти билан белгиланади. Шу нуқтаи – назардан ёш авлодда Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даврида олиб борилган ислохотлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва ривожлантириш, кенг жамоатчилик оммаси ва айниқса таълим олувчи ёшларда Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосий ривожланиш босқичлари ҳақидаги қарашларни шакллантириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги жараёнларни умумжаҳон тарихий жараёнлар контекстидаги ривожини кўрсатиш долзарбдир.

Айниқса, 2016 йилдан кейин Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат раҳбари этиб сайланганидан сўнг мустақил Ўзбекистон тарихида янги бир босқич бошланди. Бу халқни янада яқинроқ тушуниш, доимий мулоқотни йўлга қўйиш, модернизация жараёнларини тезлаштириш ва энг муҳими инновацион ёндашув асосида ҳаётимизни янгича куриш даврига старт берилди. Юқорида тамойилларга ҳуқуқий асос сифатида Президент Ш.Мирзиёев томонидан тақлиф қилинган ва кенг халқ муҳокамасидан сўнг амалга татбиқ этила бошланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да кўзда тутилган мамлакатимизни модернизация қилишнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қатори таълим тизимини ҳам такомиллаштириш, соҳа учун янги имкониятлар яратишни талаб қилмоқда¹. Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [Электрон ресурс]. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>.

стратегиясида белгиланган устувор вазифалар доирасида амалга ошириладиган барча ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари 5 йиллик солнома орқали таҳлил этилиши ҳам Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фани олдидаги вазифалардан биридир.

Солнома – бу тарихий жанр бўлиб, унда тарихий воқеалар йилма-йил ёки кунма-кун ёзиб борилади. Византияда солноманинг аналоглари *хроникалар* дейилган, ўрта асрлар Фарбий Европасида эса *анналлар* ёки *хроникалар* деб юритилган. Солномалар ёзиш бизнинг юртимизда ҳам қадимги даврлардан бошланган. Жумладан, Амир Темурнинг Ғиёсиддин Али, шайбоний Абдуллахоннинг Муҳаммад Қодир каби воқеанавислари бўлиб, тарихда солномалар *рисола*, *тазкира*, *ёдном*, *маноқиб* (*биографиялар*) *шажаралар*, *насабнома*, *қисса ёки тарихлар* деб номланган.

2017 йилнинг муҳим саналари «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида юз берган воқеа-жараёнлар тафсилоти ҳамда уларга берилган изоҳларни ўз ичига олади. 2017 – йил мамлакатимиз тарихида либерал ислохотлар ва шиддатли ўзгаришлар даври бўлди. Жумладан, *ижтимоий-сиёсий соҳада*: олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Стратегия мамлакатимизнинг 2017-2021 йиллардаги тараққиёт йўлини белгилаб берди. Шунингдек, 2017 йили фуқаролар мурожаатларида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишини белгилаб берувчи «Маъмурий ислохотлар концепцияси» қабул қилинди, мактабгача таълим муассасаларининг янги шакллари жорий этишга қаратилган Мактабгача таълим вазирлиги, илғор хорижий таж-

риба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди.

Ташқи сиёсат соҳасида: давлатимиз раҳбарининг йил давомида Қозоғистон, Туркменистон, Россия ҳамда Корея, Туркия мамлакатларига давлат ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янги босқичга кўтарди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрьдаги БМТ Бош Асамблеясининг 72-сессиясидаги чиқиши ҳам тарихий бўлиб, унда терроризмга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини қайд этди. Шавкат Мирзиёев Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити доирасида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажар билан учрашди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди ҳамда шу йилнинг ўзида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Иқтисодий соҳада ҳам салмоқли ўзгаришлар рўй берди: корхоналарни режадан ташқари текшириш бекор қилинди, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Сентябрь ойида Ўзбекистон миллий валютаси – сўмнинг эркин конвертацияси очилди ва бу валюта сиёсатини либераллаштириш йўлида кўйилган муҳим қадам бўлди.

Маънавий-маърифий соҳада: Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди ва 30 июнь Ўзбекистонда «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Йилнинг муҳим жиҳатларидан яна бири «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг

қабул қилиниши бўлди. Унга кўра, илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва чоп этиш ишларини мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур илмий-оммабоп солнома Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан жой олган 2017 йилда рўй берган муҳим воқеалар, мамлакатимиз мустақиллиги ва тараққиёти учун сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар қисқача тарихий таҳлиллар орқали баён қилинган. Ушбу китоб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда олий ўқув муассасаларининг талабалари ва профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган. Шунингдек, китоб материалларидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

*М.А. Рахимов,
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ директори*

ЯНВАРЬ

3 ЯНВАРЬ

Наманган вилояти Чуст туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янгидан бунёд этилган замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

«Косонсой қурилиш сервис» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилган қишки сузиш ҳавзасига жамғарма ҳисобидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Сувни иситиш, тозалаш ва янгилаб туриш илғор ва тежамкор технологияларга асосланади.

4 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (бизнес омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказди.

Семинарда тадбиркорлик фаолиятини изчил ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни қабул қилиш назарда тутилгани таъкидланди.

5 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Президент тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кута-

ётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига оид қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда 2017 йил 1 январдан кучга кирган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва уни кенг жамоатчиликка етказиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг имкониятлар беришга, иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда «Адолат» СДП фракцияси олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилди.

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиздаги миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Фестиваль доирасида тасвирий санъат асарлари, миллий либослар, хунармандлик маҳсулотлари кўргазмалари намойиш қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ижодига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётининг ёрқин намояндаларидан биридир. Узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиздаги болалар нашриётлари, босма нашрлар, электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатган А.Обиджон серқирра ижодкор сифатида адабиётимиз мухлислари, хусусан, ёш китобхонлар қалбидан жой олган. Шоирнинг асарлари театрларда сахналаштирилган, уларнинг асосида «Тилсимой – ғаройиб кизалоқ», «Мешполвоннинг саргузаштлари» каби бадиий фильмлар, бир қатор анимацион фильмлар суратга олинган.

6 ЯНВАРЬ
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, партия ҳамда унинг фракцияси олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, банк омонатлари таркибидаги муддатли ва жамғармали омонатлар салмоғини ошириш мақсадида бир қатор янги омонат турларини жорий этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилни мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиши муносабати билан «Қишлоқ қурилиш банк» янги – «Мулоқот» ва «Манфаат» омонат турларини ҳам жорий қилди. Мулоқот» омонатига миллий валютада 6 ой муддатга, «Манфаат» омонатига 12 ой муддатга маблағлар қабул қилинади ва ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади. Банк томонидан 8 январь – Прокуратура ходимлари куни муносабати билан «Хуқуқ ҳимоячиси», 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан ҳимоячиси», 25 январь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан «Орзулар парвози» номли миллий валютадаги янги омонат турлари ҳам жорий қилинди. «Қишлоқ қурилиш банк» жорий этган яна бир омонат тури «Фортуна» деб номланиб, мазкур омонатга 6 ой ва 12 ой муддатга маблағлар қабул қилинади

7 ЯНВАРЬ
Президент Шавкат Мирзиёев прокуратура ходимлари билан учрашди.

Учрашувда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, прокуратура органлари масъул ходимлари ва фахрийлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги қонунига мувофиқ, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади.

9 ЯНВАРЬ
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Тошкентда Афғонистон Ислом Республикаси

ташқи ишлар вазири ўринбосари Ҳикмат Халил Карзай билан учрашди.

Учрашувда икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Афғонистондаги қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Ҳайратондан Мозори Шарифга-ча темир йўл линияси қурилган. Мамлакатимизнинг кўмаги билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилган.

Тошкент Фотосуратлар уйида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Менинг армиям – менинг фахрим!» деб номланган танлов-кўргазма ўтказилди.

Кўргазмада юзга яқин ижодий ишлар намойиш этилди. Мазкур танловдан кўзланган мақсад Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқларни халқимиз, айниқса, ёшларга етказишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида мамлакатимиз шахмат федерациясининг 2016 йил якунлари ва 2017 йилдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда 2016 йилда шахматчиларимиз қирқга яқин нуфузли мусобақада иштирок этиб, 40 олтин, 15 кумуш ва 12 бронза медални, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган «Осиё миллатлар кубоги»да икки йўналишда кумуш медални кўлга киритганлиги таъкидлаб ўтилди. Тадбирда қайд этилганидек, ёшлар терма жамоаси аъзолари Мўғулистонда ўтказилган Осиё чемпионатида 10 медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 7 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон вакиллари Сочи шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасидаги ўтказилган жаҳон чемпионатида 36,5 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

10 ЯНВАРЬ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизим-

лари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2016 йилда комплекс бўйича жами 6,28 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига 4,49 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати мос равишда 124,2 фоиз ва 129,7 фоизни ташкил этганлиги, инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилганлиги ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиғи билан бажарилишига эришилганлиги қайд этилди.

11 ЯНВАРЬ
«Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарор автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадида қабул қилинди.

«Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.

Мазкур Фармон ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинди. Тузиладиган комиссия зиммасига аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумла-

дан, ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш, нашриётлар томонидан чиқариладиган бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан, электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимининг ҳолатини ўрганиш каби вазифалар юклатилди.

12 ЯНВАРЬ
«Ургут», «Ғиждувон», «Кўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Дадам бетоб» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун намойиши бўлиб ўтди.

Фильм «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган. Фильмда ўзбек халқининг оилапарвар, юртпарвар экани, оилани муқаддас билиши, миллий анъаналарга содиқлиги тараннум этилган. Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр – Зулфиқор Мусоқов. Постановкачи оператор – Азиз Арзиқулов. Постановкачи расом – Мария Сашина. Асосий ролларни Феруза Саидова, Юлдуз Ражабова, Фарход Абдуллаев, Баҳриддин Абдуллаев, Хайрулла Саъдиев каби актёрлар ижро этган.

Кураш халқаро ассоциацияси 2016 йил яқунларига кўра турли номинациялар бўйича йилнинг энг яхшиларини эълон қилди.

Сухроб Худойбердиев Кураш халқаро ассоциацияси томони-

дан «Йилнинг энг яхши техника соҳиб», деб эътироф этилди. Хиндистоннинг Коччи шаҳрида йигирма ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида кураш бўйича VIII жаҳон чемпионати ўтказилди. Нуфузли чемпионатда дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан беш юзга яқин спортчи 15 вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро беллашди. Мусобақада муваффақиятли қатнашган полвонларимиз 9 олтин, 3 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритди. Мазкур нуфузли мусобақа «Йилнинг энг яхши чемпионати», деб топилди.

Тошкент молия институтида «XXI аср – интеллектуал авлод асри» шиори остидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Икки босқичда ташкил этилган ёш олимлар анжуманининг ҳудудий босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида ўтказилди. Уларда 1 минг 600 га яқин ёш олим ва талаба ўзларининг илмий мақолалари билан иштирок этди. Биринчи босқичда фахрли ўринларни қўлга киритган 122 нафар иштирокчи республика конференциясида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

14 ЯНВАРЬ Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни ва мамлакатни ўрта муддатли истикболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом эттириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиқтисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлаганлиги қайд этиб ўтилди.

17 ЯНВАРЬ Ўзбекистон» спорт мажмуида олий лига жамоалари ўртасида мини футбол бўйича XXI мамлакат чемпионатининг учинчи тур ўйинлари бошланди. Унда 11 жамоа ўзаро баҳслашди.

Дастлабки учрашувда «Олмалик» – «Локомотив» 5:2, «Металлург» – «Максам-Чирчиқ» 2:0, «Когон» – «Нафис» 3:0, «Дўстлик АIN» – «Бунёдкор» 3:2 ҳисобида натижалар қайд этилди.

18 ЯНВАРЬ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг билан учрашув бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон – Германия» парламентлараро гуруҳи раҳбари Рустам Комилов мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Учрашувда меҳмонларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, қўмиталар, фракциялар ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти ҳамда ундан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва унинг фракцияси олдига турган долзарб вазифалар кизгин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) фаолияти самарадорлигини ошириш мавзуга бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди.

Палата раиси А.Шайхов ва бошқалар иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига

жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш, хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масала эканлигини ва бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида таниқли мусаввир Собир Қутлимуратов ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Бепоеън ўлкам бўйлаб» деб номланган кўргазмадан расом ижодига мансуб турли жанрлардаги 50 га яқин картина ўрин олган. Мусаввирнинг «Амударёда ой балқиган тун», «Баҳор», «Гуллаган дарахтлар», «Филқалъа», «Бухоро», «Боғда», «Мўйноқдаги уй», «Олтин куз», «Қиш», «Оқтош ижодий уйи», «Қуёшни кутаётганлар» асарлари томошабинларга манзур бўлди.

«Истиқлол» санъат саройида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган маданий дастур бўлиб ўтди.

Мазкур дўстлик ҳамда санъат кечаси Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Танланган асарлар», унинг қорақалпоқ тилида нашр этилган «Рухлар исёни» достони ва адабиётшунос Р.Иноғомовнинг «Шоирлик қисмати номли чоп этилган китоблар тақдими ўтказилди.

Унга адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, талабалар тақлиф этилди. Тадбирда тақдими ўтказилган китоблардан юз нусхаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан университетнинг Ахборот-ресурс марказига тақдим этилди. Эркин Воҳидов ижодига бағишланган видеоролик намойиш этилди ва шоир ижодидан намуналар ўқилган.

19 ЯНВАРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллерни қабул қилди.

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон ва Жаҳон банки ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик электр-энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида Жаҳон банкининг 2,8 миллиард доллар маблағи жалб этилган 33 қўшма лойиҳани ўз ичига олади.

Нуқусда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов бошқарган йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонлик теннисчи Денис Истомин «Катта дубулға» туркумига кирувчи «Australian open – 2017» мусобақасининг яққалик баҳсларида сербиялик Новак Жоковични мағлубиятга учратиб, учинчи даврага йўл олди.

Д.Истомин «Australian open – 2017» мусобақасининг дастлабки даврасида хорватиялик Иван Додигни мағлубиятга учратди. У навбатдаги даврада дунёнинг иккинчи рақамли теннисчиси сербиялик Новак Жоковичга қарши кортга чиқди. Учрашувнинг биринчи сетида Денис рақибига қарши тезкор ўйин намойиш этди ва 7:6 ҳисобида зафар кучди. Учрашувнинг иккинчи ва учинчи сетларини 7:5, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Новак тўртинчи сетда тай-брекда маҳоратли теннисчимизга қаршилиқ кўрсата ол-

мади. Сўнги хал қилувчи бешинчи сетда Денис Истомин кучли рақибига нисбатан ҳар томонлама устун эканини исботлади ва 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

20 ЯНВАРЬ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Шавкат Мирзиёев Хўжайли тумани марказий шифохонасига ташриф буюрди, шифохонадаги шароит билан танишди, қабул, рентген, диагностика ва қатор бошқа бўлимларни кўздан кечирди. Шифокорлар билан мулоқотда малакали тиббий кадрлар етиштириш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, хизмат малакасини ошириш, шифохоналар қуришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шундан сўнг Президент «Мурувват» аёллар интернатига бориб, ушбу муассаса фаолияти билан танишди.

Тумандаги 69-мактаб ўқитувчилари билан бўлган мулоқот чоғида мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, бу ерда лицей ва коллежларнинг бўлғуси муносиб ўқувчиларини тайёрлаш ва умуман Ватан равнақи учун малакали кадрлар тарбиялаш ишларини такомиллаштириш мавзуида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Агросаноат маркази қурилаётган участкага таширф буюрди.

Президент одамлар бошланган ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилиши учун жорий йил якунигача 40 кўп қаватли турар-жой биноси барпо этиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисида кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон» қишлоқ врачлик пунктида бўлди.

Шифокорлар билан суҳбат асносида аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолияти алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

Президент Шуманай тумани Жумабой Бозоров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабига таширф буюрди. Ундан сўнг, «Агросервис МТП» масъулияти чекланган жамиятининг Қанликўл тумани филиалида ҳам бўлиб, баҳорги дала ишларига пухта тай-

ёргарлик кўриш ҳақида фикрлашди.

Туманда пахта майдонини босқичма-босқич қисқартириб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Қанликўл педагогика коллежида бўлган мулоқотда Президентимиз коллеж мутахассисликларини замон талабига мос равишда ўзгартириш, туман иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун зарур кадрлар тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Қўнғирот – Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши бошланиши билан танишди. 101 километрлик ушбу сув тармоғи ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 7 минг куб метр сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади. Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Франция таракқиёт агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш бўйича лойиҳа тақдими бўлиб ўтди.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари О.Очилов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Виолет Биет де Вилмор хоним мазкур лойиҳа Самарқанд шаҳрида экологик ва санитар-эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ҳудуд ўрганилиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Тақдимотдан сўнг франциялик меҳмонлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари лойиҳа амалга ошириладиган ҳудуд, шаҳардаги чиқинди йиғишга ихтисослашган корхоналар ва чиқинди йиғиш пунктлари фаолияти билан танишди.

Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан суратга олинган «Дадам бетоб» бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида суратга олинган янги бадий фильмда мушфик аёл бошига тушган ҳаёт

синовлари, ирода, қатъият ва сабот, меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатлари ҳар қандай шароитда ҳам турли таназулларни енгиши, салбий ҳолатлардан асраши ҳақида ҳикоя қилинади Режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг фильмида асосий ролларни Юлдуз Ражабова, Феруза Саидова, Фарҳод Абдуллаев сингари актёрлар ижро этган. Постановкachi оператор – Азиз Арзиқулов.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалар фаолиятини янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

21 ЯНВАРЬ

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни Нукус шаҳрида қуриладиган полимер маҳсулотлари заводи участкасига ташриф буюриб, мазкур корхона билан ёнма-ён барпо этиладиган энергия тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод лойиҳаси билан ҳам танишди.

Президент замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилинган Нукус темир йўл вокзалини бориб кўрди. Президентимиз бу ерда хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаби қурилиш участкасига ташриф буюрди. Мактаб лойиҳасини такомиллаштириш, хусусан, бино олдида майдон барпо этиш ва бу ерда Ибройим Юсупов ҳайкалинини ўрнатиш бўйича тавсиялар берди. Мактаб базасида кичик босмахона ташкил этиб, турли адабиётларни таржима қилиб, чоп этиш лозимлиги таъкидланди.

Президент Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида бўлди. Институтда ҳақиқий илмий муҳит яра-

тиш, хориж тажрибасини ўрганиш, халқаро клиникалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Президент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Ҳар бир мурожаатни адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш, раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлашини таҳлил қилиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди. Президент Нукуснинг Ерназар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

23 ЯНВАРЬ

Тошкент шаҳрида *медиа-ҳафталик* ва халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Унда 1 300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» лойиҳасининг муҳокамасида иштирок этдилар.

Мамлакатимиз тадбиркорлари Германия пойтахти Берлин шаҳрида ўтказилган «Яшил ҳафта – 2017» қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро ярмаркасида ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этишди.

«Яшил ҳафта – 2017» қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йирик халқаро ярмаркаси бўлиб, унда 66 мамлакатдан 1 минг 650 фирма ва компания иштирок этди. Мазкур форумда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни етиштириш ва қайта ишлашга оид энг сўнги ютуқлар намойиш этилди. Ярмарка доирасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Германия – Ўзбекистон савдо ваколатхонаси ўртасида Германияда мазкур жамғарма ваколатхонасини очишга оид битим имзоланди.

24 ЯНВАРЬ

Республика Байналмилал маданият марказининг 25 йил-

лиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони эълон қилинди ва ушбу фармонга мувофиқ Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида миллий маданий марказлар фаоллари билан учрашди ва учрашувда ушбу муҳим масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратиб, миллий маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур барча ишлар амалга оширилишини таъкидлади ҳамда Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Республика Байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзuida тасвирий, фото ва халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари фаолиятини акс эттирган тасвирий санъат асарлари, фотосуратлар қаторида ҳар бир миллатнинг хунармандлиги, либослари, амалий санъат намуналари намойиш этилди. Кўргазма доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» VI дўстлик ва маданият фестивалининг ғолиблари тақдирланди.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида ўзбек кино санъати усталари томонидан яратилган «Устюртга йўл» номли бадий фильм тақдироти бўлиб ўтди.

Ушбу фильм Марказий Осиё минтақасида энг йирик лойиҳа – Сурғил қони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси ҳақида бўлиб, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Қорақалпоқфильм» студияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида суратга олинган «Устюртга йўл» бадий фильми адиблар Гулистон Аннақличева ва Абдуқаноқ Йўлдошев сценарийси асосида режиссёр, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Абдувоҳид Ғаниев томонидан суратга олинган.

Кинокартинадаги ролларни Минажиддин Узоқбоев, Акбархўжа

Расулов, Адиз Ражабов, Наргиза Салоимонова, Шахзода Магчонов, Кўпжурсин Алланазаров, Абдураим Абдуваҳобов каби актёрлар ижро этишган.

Ўзбекистон давлат санъат музейида «Қуёшли замин: Исроилдан Ўзбекистонга» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазмадан Исроил расомлар уюшмаси аъзолари Александр Постел, Иосиф Капелян, Герман Непомняший, Григорий Фирер, Андриан Жудренинг ўттиздан зиёд асари ўрин олган. «Қуддус», «Довуд минораси», «Ал-Ақсо масжиди» каби асарлар Исроил тарихи, маданий қадриятлари, хушманзара табиати ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкентда мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўн бир жамоа ғолиблик учун кураш олиб бораётган чемпионатнинг навбатдаги тур баҳсларидан сўнг «Олмалиқ» жамоаси очколар сонини 41 тага етказиб, мусобақа жадвалида етакчилик қилди. «Олмалиқ» жамоаси мазкур турда «Локомотив»ни 5:2, «Максам-Чирчик»ни 6:2, «Бунёдкор»ни 3:1, Пахтакор»ни 7:0, «Металлург»ни 11:2 ҳисобида енгиб, «Дўстлик-АИН» клуби билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Пешқадам жамоа билан дуранг ўйнаган «Дўстлик-АИН» иккинчи ўринда бораётган бўлса, «Ар-дус» жамоаси учинчи поғонани банд этди.

25 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида қабул қилинди ва унга кўра, ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана – 30-январ кунини кенг нишонлаш, 2-сентябр кунини Хотира куни сифатида ёд этиш

белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти якунларини ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, Банкротлик тўғрисидаги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Навоийда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Қ.Турсунов бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил ишлар самарасида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 5 миллиард сўмни ташкил этганлиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 5,9 фоиз, жумладан, ҳудудий саноат маҳсулотлари 15,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари 12, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари 9,3, чакана савдо айланмаси 15,1, умумий хизматлар 15,5 фоизга ошганлиги таъкидланди.

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида аёллар жамоалари ўртасида мини футбол бўйича XIII Ўзбекистон чемпионатининг 1-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Бу турнирда 9 жамоа бош соврин учун кураш олиб борди. Мусобақанинг марказий учрашувларидан бири Қаршининг «Севинч» ва пойтахтимизнинг «Пахтакор W» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувда қаршилиқлар 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

26 ЯНВАРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимизда Ватан тақдири учун масъулият туйғусини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари мазкур билим юртида курсантлар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламент юқори палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижроси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари ахбороти эшитилди. Ахборотда қайд этилганидек, 2017 йилнинг 13 январь ҳолатига кўра, амнистия тўғрисидаги қарор жами 39748 нафар шахсга нисбатан татбиқ қилинди. Шулардан 26265 нафари жиноий жавобгарликдан ҳамда жиноий жазодан озод этилди.

«International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган медиа-хафталик давом этди.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида белгиланган учинчи йўналиш – мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш масалалари медиа-хафталик доирасида қизғин муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари Ш.Исмоилов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори Ш.Тешаев, Давлат солиқ кўмитаси раиси ўринбосари, Солиқ академияси ректори Э.Гадоев, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси ўринбосари Р.Аминов, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Икромов ва бошқалар Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Самарқандда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вило-

ятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳоқими Ҳ.Оқбўтаев бошқарган йиғилишда 2016 йилда вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 14 триллион 60 миллиард сўм ёки 108,7 фоизни ташкил этгани таъкидланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4, халқ истеъмоли моллари 12,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,3 фоизга кўпайди, кўрсатилган хизматлар 13,3 фоиз ўсганлиги, 2 минг 305 янги кичик бизнес субъекти рўйхатга олинди, уларнинг сони 16,2 мингтага етганлиги қайд этилди.

Бухорода 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳоқими Ў.Барноев бошқарган ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,9 фоизга ошганлиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,3, қурилиш-пудрат ишлари 9,2, хизмат кўрсатиш 15,2, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 7 фоиз ўсганлиги қайд этилди.

Сирдарёда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳоқими Ғ.Мирзаев бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилганлиги, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,6 фоиз ошиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,6, қишлоқ хўжалиги 5,6, қурилиш ишлари 9,3, чакана товар айланмаси 13 фоиз ўсганлиги эътироф этилди. 2016-2018 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг 2016 йилдаги ижроси доирасида қиймати 298 миллиард сўмликдан зиёд ҳамда 9 миллион долларлик 2 мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб, 21 минг 467 янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида 2016 йил якунлари ва 2017

йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2016 йили вилоятда 30 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилганлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Ангрен иссиқлик электр станциясида 130-150 мегаватт қувватга эга энергоблок иш бошлаганлиги, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида қуйилган занжирли арматура ва изоляторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, электрлаштирилган Ангрен – Поп темир йўлининг ташқи электр тармоқлари подстанциялари қурилганлиги алоҳида таъкидланди. 2016 йил якунлари бўйича вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 7,1 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6, қурилиш-пудрат ишлари 1,8, хизмат кўрсатиш 16,7, чакана савдо айланмаси 14,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 5,5 фоизга ошди.

Қашқадарёда 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳоқими З.Рўзиев бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 5,9 фоизга ўсганлиги, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57,1 фоизни ташкил этганлиги ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,2, қурилиш-пудрат ишлари 9,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,5, хизматлар ҳажми 16,3, чакана савдо айланмаси 14,6 фоизга ошганлиги қайд этилди.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида «Театр ва драматургия ривожидида ёш ижодкорларнинг ўрни» мавзuida семинар-тренинг ўтказилди.

Унда замонавий ва тарихий мавзуларда сахна асарлари яратишда ёш драматургларнинг ўрни, устоз-шоғирд анъаналари, ёш актёрларнинг сахна нутқи, маданияти ва ижрочилик маҳорати масалалари хусусида сўз юритилди. Драматургия, режиссура, актёрлик, рассомлик санъати бўйича машғулотлар ўтказилди. Семинар доирасида драматург Иззат Султоннинг «Иймон» драмаси асосида қўйилган спектакль намойиш этилди.

Қозоғистонда ўтказилаётган халқаро турнирда теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Санжар Файзиев муваффақиятли иштирок этди.

Санжар яққалик баҳслари биринчи даврасида ҳиндистонлик Вижай Сундар Прашантни, иккинчи даврада польшалик Андрея Капашани мағлубиятга учратди. Нуфузли турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги баҳсларида С.Файзиев қозоғистонлик Тимур Хабибулин билан ярим финалга чиқди. Улар дастлабки учрашувда Чехия вакиллари Марек Генгел ва Томаш Папикни 6:4, 7:6, чорак финалда россиялик Маркос Каловелонис ва Денис Матсукевични 7:6, 4:6, 10:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Тошкентда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ва ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати бошланди.

60 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида Николай Розанов ҳамда Елизавета Шусь марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтган бўлса, 60, 400 ва 1500 метрга югуришда Суннат Исмоилов, Анвар Саримсоқов, Шоҳрух Давлатов, Нигина Шарипова, Элмира Газизова ва Ширин Абдуллаева шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Узунликка сакрашда Ўғилой Абдулазизова биринчи ўринни кўлга киритди. Бешкураш бўйича баҳсларда Александра Юркевская ғалаба қозонди.

Тошкентда шахмат бўйича 8-12 ёшли ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Саккиз ёшли болалар ўртасидаги баҳсларда Алихон Авазхон, Ҳумоюн Бекмуродов, Ҳумоюн Синдоров, Шаҳром Каримов, Муҳаммадиқбол Анваржонов, Асрорбек Омонов, Шерали Равшанов, Хондамир Элмирзаев икки очкодан жамғарди. Афрўза Ҳамдамова, Дилнура Азаматова, Махфуза Бобожонова, Гулҳаё Мажидова, Шарофат Сайдалиева, Муслима Ҳамидова ва Моҳинур Эргашалиева ҳам икки партияни ўз фойдасига ҳал қилди.

Ўн ёшгача болалар баҳсида Исломбек Синдоров, Султон Турсунов, Абдулбосит Шарифжонов, Расулбек Абдуллаев, Ақобирхон Сайдалиев ва Умархон Фахриддинхўжаев мусобақани мағлубиятсиз давом эттирди.

Ўн икки ёшгача иштирокчилар ўртасида Жавохир Синдоров, Ҳадиятулло Муҳаммедов, Шоҳжаҳон Усмонов, Олмос

Раҳматуллаев, Файзулла Ҳалимжонов, Мирфайз Суннатов, Мафтуна Бобомуродова, Моҳинур Ҳабибуллаева, Омина Назарова, Муслима Абдумаликова, Рухшона Абдушукурова, Рухшона Башридинова ва Сабина Собирова пешқадамлар сафида боришди.

27 ЯНВАРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф Хивадаги Ичан-қалъа мажмуасидан бошланди. Президент Хоразмнинг туризм борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезюрар поезда катновини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Хоразм Маъмун академиясига ташриф буюрди Академияда илмий йўналишларни кенгайтириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни амалиётга кенг жорий қилиш, олимларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Президент Хива туманидаги «Болтабой оқсоқол» фермер хўжалигида ташкил этиладиган балиқчилик комплекси лойиҳаси ҳамда «Хива насли парранда» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилиши режалаштирилган паррандачилик маркази лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Хива тумани Чодра қишлоғида Хурсанд Мадримов ва Оллаберган Раҳимов хонадонларига кириб, уларнинг турмуш шароити, даромадлари билан қизикди.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманида ташкил этиладиган илгизлама ишлаб чиқариш корхонаси, замонавий типдаги чорвачилик комплекси, Ўзбекнефтгаз» компанияси томонидан ташкил этилаётган пластмасса заводи лойиҳалари билан танишди.

Президент ушбу лойиҳаларнинг рентабеллиги билан қизикди. Бундай корхоналарни бошқа туманларда ҳам ташкил этиш, одам-

ларни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Богот туманида 200 гектар майдонда тоқзор ташкил этиш лойиҳаси билан ҳамда Ҳазорасп туманига ташрифи чоғида Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлайдиган Тошсоқа магистрал каналида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу стратегик зона қурилишида сифат ва муддатга эътибор қаратиш, чет элларда унинг имкониятларини тарғиб қилиш орқали хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасида «Тошкент-Аэро» иқтисослаштирилган божхона комплекси билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан божхона органлари тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Германия пойтахти Берлин шаҳрида «Яшил ҳафта – 2017» қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро ярмаркаси давом этди.

Унда Ўзбекистон компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Мирзаев раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси халқаро ярмарка иштирокчилари билан ўзаро алоқа ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга оид музокаралар олиб борди. Тадбиркорларимиз ушбу халқаро ярмаркада 27 январгача Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Австрия, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларнинг фирма ва компаниялари билан жами 151,2 миллион долларлик экспорт шартномалари

имзолади.

Тошкентда Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг 2016 йил ақсунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 160 минг 300 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилаётган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича зарур инфратузилмани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчиларининг эътибори миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга доир чора-тадбирлар муҳокамасига қаратилди. Мазкур йўналишда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ислохотларни давом эттириш, ҳудудларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм соҳасини тараққий эттириш борасида қатор тақлифлар илгари сурилган.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида рангасвирчи рассом Муҳаммаджон Тожимирзаевнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

М.Тожимирзаевнинг ижод намуналари Брюссель, Москва, Рига ва бошқа шаҳарларда ўтказилган кўрғазмаларда намойиш этилган. Унинг ижодида ҳаёт ва ҳақиқат манзарасига кенг ўрин берилган.

Бу чизмалар шунчаки ранглар билан эмас, фалсафий мушоҳада йўғрилган шакл ва чизиклар билан ифода этилади. Кўргазмада муаллифнинг саксондан ортиқ ижод намунаси намойиш этилди.

Республика олимпия захиралари коллежида энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ва ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақанинг ушбу кунда ядро улоқтириш бўйича ўтган баҳсларда София Бурҳонова ҳамда Григорий Камуля энг юкори натижани қайд этган бўлса, еттикураш беллашувида Олег Пошвин биринчи бўлди. Узунликка ва уч ҳатлаб сакрашда Никита Логинов, Дмитрий Пупко, Оксана Молчанова, Виктория Дирдина олтин медални қўлга киритди. 3000 метр масофага югуришда Ғолиб Эргашев шоҳсупанинг энг юкори поғонасидан жой эгаллади.

28 ЯНВАРЬ

Шавкат Мирзиёев Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали билан танишди.

Ушбу тиббиёт маскани негизида Россия Федерациясининг А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш режалаштирилган. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали негизида И. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда клиника ташкил этилмоқда. Унда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари очилади.

Президент Охунд бобо масжиди қурилиш участкасида бўли Нуронийлар билан суҳбатда ёшларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Президент Комилжон Отаниёзов номидаги ижод маркази қурилиш участкасини бориб кўрди.

Бу ерда ҳофиз ҳайкалини барпо этиш, қурилиш лойиҳасини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Урганч шаҳридаги

11-болалар мусиқа ва санъат мактабида меҳнат фахрийлари, санъат ва адабиёт намояндалари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ҳақида сўз борди. Шунинг билан Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи ниҳоясига етди.

30 ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь – Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди кунини муносабати билан Самарқандга ташриф буюрди.

Президент Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Куръон тиловат қилинди. 30 январь Ислом Каримов таваллуди кунини муносабати билан мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди, Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда эҳсон оши берилди. Самарқанд ва Тошкентдаги маросимларда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Тошкент давлат аграр университетида «Ўзбекистонда ресурс тежамкор, илғор агротехнологияларни қўллаб лимон, ёнғоқ ва ёнғоқ мевали ўсимликлар қўчатларини етиштириш, плантациялар барпо қилиш: муаммолар ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда келгусида лимон, ёнғоқ, писта етиштиришнинг ресурс тежамкор технологияларини ривожлантириш, кенг плантациялар барпо этиш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чораларини янада кенгайтириш борасида келишиб олинди. Тадбир доирасида фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари етиштирган маҳсулотларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Республика олимпия захиралари коллежида энгил атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги ҳамда мамлакат чемпионати яқунланди.

Ўзбекистон энгил атлетика федерацияси томонидан ёш истеъдод эгаларини саралаш мақсадида ташкил этилган мусобақанинг 200, 800, 5000 метр масофага югуриш баҳсларида Жалолиддин

Ҳамроқулов, Хуршид Аҳмадалиев, Роман Штукан, Наргиза Низомиддинова, Лидия Асанова, Екатерина Тунгускова биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Отабек Бердиев 3000 метрга тўсиклар оша югуришда марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди.

Тошкентда бокс бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ўтказилди.

Фотимахон Турсунбоева, Турсуной Раҳимова, Азиза Ёқубова, Ёдгорой Мирзаева, Мафтуна Мелиева, Нафисахон Асқарова, Гавҳар Мирзаева, Гўзал Исмамова ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг бош соврини Жиззах вилояти жамоасига насиб қилган бўлса, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи, Андижон вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Баландликка сакраш бўйича рақобатлашган ўғил-қизлар ўртасида Дмитрий Мельситов ҳамда Сафина Саъдуллаева шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Нукусда спортнинг таэквондо (WTF) тури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати ўтказилди.

Мусобақанинг 2006-2008 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги баҳсларида Хўжайли туманидан А.Айтмуратов, Нукус туманидан Б.Пўлатов, Чимбой туманидан А.Махсетбоев, Амударё туманидан С.Ражапова, Нукус шаҳридан К.Тўлқинова, Шуманай туманидан З.Қидрниёзова барча рақиблари устидан ишончли ғалаба қозониб, биринчи ўринни эгаллади.

1999 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги беллашувларда Хўжайли туманидан О.Жумабоев, М.Раҳимбоев, О.Қалжанов, Нукус шаҳридан Б.Исоқбоева, Ж.Кенжебоева, тахиятошлик Г.Ўнғарбоева ғолиб бўлди. Умумжамоа ҳисобида Хўжайли тумани спортчилари биринчи ўринни қўлга киритди, кейинги ўринларга Нукус шаҳри ва Амударё тумани жамоалари сазовор бўлди.

Наманганда Ислом Каримов хотирасига бағишлаб дзюдо ҳамда ўзбек жанг санъати бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Дзюдо бўйича мусобақаларда Наманган шаҳридан Р.Иномов, А.Бойхонов, Ж.Мамасолиев, Поп туманидан О.Авазбеков, Наманган туманидан А.Тожимирзаев, З.Жамолитдинов, Янгикўрғон туманидан М.Абдулҳакимов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни

эгаллади. Ўзбек жанг санъати бўйича Тўрақўрғон туманидан Н.Комилжонова, Наманган шаҳридан М.Баҳриддинова, М.Абдусатторова, М.Набижонова, К.Аҳмедов, А.Мирсаидов, А.Анваров, Э.Жаҳонгиров ғолиблик шохсупасига кўтарилди.

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида XIII Ўзбекистон чемпионати-нинг биринчи босқич биринчи тур учрашувлари яқунланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси «Оққўрғон»ни (Тошкент вилояти) 7:0, «Аланга-Сўғдиёна»ни (Жиззах) 11:0, «Юзробод»ни (Тошкент) 10:0, «Бахмал»ни (Жиззах) 8:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, «Севинч» (Қарши) билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. «Севинч» клуби эса тўртта учрашув ўтказиб, 10 очко билан иккинчи ўринда борди. Пешқадам билан дуранг ўйнаган жамоа «Юзробод»ни 13:2, «Пахтакор Woman»ни (Тошкент) 6:1, «Шўртан Lady»ни (Ғузор) 3:1 ҳисобида енгди. «Пахтакор Woman» 9 очко билан учинчи ўринда бораётган бўлса, «Шўртан Lady», «Юзробод» ва Нукуснинг «Қирқ қиз» жамоалари 6 очкодан жамғарди.

Тошкентда шахмат бўйича 8-12 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг олтинчи тур баҳслари яқунланди.

Ўн икки ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда тошкентлик Жавоҳир Синдоров олти имкониятдан олти очко жамғариб, мусобақа жадвалида яқкапешқадам бўлиб турди. Саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида тошкентлик Ҳумоюн Бегмуродов, Ҳумоюн Синдоров ва самарқандлик Камрон Каримов, Афрўза Ҳамдамова, Шарофат Сайдалиева ва сирдарёлик Асила Ботирбекова ҳисобида беш очкодан тўплади. Ўн ёшгача болалар баҳсида тошкентлик Исломбек Синдоров ва самарқандлик Ақобирхон Сайдалиев олти партиянинг тўрттасида ғалаба ва иккитасида дуранг натижа қайд этиб, ўз ёш тоифасида етакчилик қилаётган бўлса, қизлар ўртасида самарқандлик Гулдона Каримова ва навоийлик Барчиной Шокиржонова беш очкодан жамғарди.

Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўсмирлар ўртасидаги анъанавий турнир яқунланди.

2001-2002 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасидаги баҳслар

финалида Азамат Лукмонов Азиз Дадабоевни 7:5, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Валентина Шлейн сўнгги ҳал қилувчи учрашувда Сетора Нормуродовага қарши қортга чиқиб, 7:5, 6:0 ҳисобида зафар кучди. Ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида эса Лутфинисо Аҳметова ва Самандар Абдумаликов олтин медални қўлга киритди.

Пойтахтимизда бокс бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги ўтказилди.

Фотимахон Турсунбоева, Турсуной Раҳимова, Азиза Ёқубова, Ёдгорой Мирзаева, Мафтунна Мелиева, Нафисахон Асқарова, Гавҳар Мирзаева, Гўзал Исматова ўз вази тоифаларида биринчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг бош соврини Жиззах вилояти жамоасига насиб қилган бўлса, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи, Андижон вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. Баландликка сакраш бўйича рақобатлашган ўғил-қизлар ўртасида Дмитрий Мельситов ҳамда Сафина Саъдуллаева шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Нукусда спортнинг таэквондо (WTF) тури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 200 га яқин спортчи иштирок этди. Мусобақанинг 2006-2008 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги баҳсларида Хўжайли туманидан А.Айтмуратов, Нукус туманидан Б.Пўлатов, Чимбой туманидан А.Махсетбоев, Амударё туманидан С.Ражапова, Нукус шаҳридан К.Тўлқинова, Шуманай туманидан З.Қидрниёзова барча рақиблари устидан ишончли ғалаба қозониб, биринчи ўринни эгаллади. 1999 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги беллашувларда Хўжайли туманидан О.Жумабоев, М.Раҳимбоев, О.Қалжанов, Нукус шаҳридан Б.Исоқбоева, Ж.Кенжебоева, таҳиятошлик Г.Ўнғарбоева ғолиб бўлди. Умумжамоа ҳисобида Хўжайли тумани спортчилари биринчи ўринни қўлга киритди, кейинги ўринларга Нукус шаҳри ва Амударё тумани жамоалари сазовор бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Республика хотин-қизлар «Олима» уюшмасининг

йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда зиёли аёлларнинг оила ва жамиятда маънавий соғлом муҳит қарор топиши, ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида ҳамда аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар тарғиботидаги алоҳида ўрни хусусида ҳам сўз юритилди. Тадбирда уюшма аъзолари томонидан илм-фан соҳасида изланаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан фикр алмашилди.

31 ЯНВАРЬ

Тошкентнинг Миробод туманида Спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий иншоотда спорт зали ва футбол майдони, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Мактаб жаҳон андозаларига жавоб берадиган спорт жиҳозлари билан таъминланди. Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги Спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида қатор спорт турлари билан 750 дан ортиқ спортчи мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 65 нафари Ўзбекистон терма жамоалари аъзоларидир.

Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси саралаш босқичида Баҳрайннинг «Ал-Ҳидд» клуби билан баҳслашди.

16-дақиқада Акмал Шораҳмедов узатган жарима тўпини Шаҳбоз Эркинов боши билан рақиб дарвозасига жойлаб, ҳисобни очди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, айни шу вазият яна такрорланди. Фақат бу гал Игорь Голбан голга муаллифлик қилди: 2:0. Ўйиннинг иккинчи ярмида қаршилик футболчилар «Ал-Ҳидд» дарвозасига яна иккита тўп киритди. «Насаф» жамоаси аъзолари Дониёр Нарзуллаев ва Драган Черан рақиб дарвозасига аниқ зарба йўллаб, жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабасига ўз ҳиссасини қўшди. Учрашувда 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Насаф» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг плей-офф босқичига йўл олди.

Бухорода «Халқ манфаатлари – энг олий кадрият» мавзуси-

да илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда олималар ҳам илмий фаолият билан бирга, навқирон авлод камолотига масъул экани таъкидланди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида олималарнинг жойларда бўлиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатликка оид тиббий билимларни тарғиб этиши, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, оилавий ажримларнинг олдини олиш, китобхонликка қизиқишни янада кучайтириш мавзуларидаги тадбирларда фаол иштирокига эътибор қаратилади.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Китоб – маънавият бешиги» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда китобхонликнинг бугунги аҳволи ва муаммолари, китоб ва китобхонлик маданияти, электрон кутубхоналар ва хизмат кўрсатишнинг инновацион йўналишлари хусусида фикр алмашилди. Бадиий жиҳатдан юксак, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрамлари ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

ФЕВРАЛЬ

1 ФЕВРАЛЬ

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда жойларда халқ билан бевосита мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.

Мамлакатимизда Америка Қўшма Штатлари капитали иштирокида ташкил этилган 164 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган АҚШ инвестициялари ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Президент ва Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси ўртасида бўлиб ўтган музокарада савдо-иқтисодий, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узок муддатли ҳамда кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» номли китоби «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.

Китобдан Президентимизнинг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ўрин олган. Рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йил-

даги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига атрофлича баҳо берилган.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси йил сайин ошиб бормоқда. 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 454 миллион долларни ташкил қилди. Мамлакатимизда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда, АҚШ фирма ва компаниялари юртимизда ваколатхоналарини очган. Улар автомобилсозлик, нефть-кимё, тўқимачилик ва энгил саноат, озик-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

Наманганда расом, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳиби Эркин Азизовнинг «Муқаддас юртим, бетакрор Ўзбекистоним!» номли ижодий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Эркин Азизов юртимизнинг бетакрор табиати, бой тарихимиз, қадимий миллий кадриятларимиз, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини ранглар воситасида тараннум этиб келаётган мусаввирлардан бири. Банкда ташкил этилган кўрғазма ноанъанавийлиги билан барчанинг эътиборини тортди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур жамоа тарихи ва ижод йўли, атоқли санъат намояндалари томонидан сахналаштирилган ҳамда ижро этилган асарлар, амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи музей ташкил қилинди.

Музейда 1914 йилдан бугунги кунга қадар театр ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотоасарлар, турли ролларни талқин этган санъаткорлар образлари ўрин олган. Музей бешта бўлимдан иборат бўлиб, йиллар кесимида тақсимланади. Келажакда экспонатлар сонини янада кўпайтириш, қўйиладиган асарлар кўламини кенгайтириш режалаштирилган.

Жиззахда Республика Байналмилал маданият марказининг

25 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон – умумий уйимиз» деб номланган дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль иштирокчилари миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталар экан, унинг асосида мамлакатимизда тили, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, барча миллатлар эмин-эркин, аҳилликда яшаши учун давлатимиз томонидан зарур шароит яратилганини алоҳида таъкидлади. Тадбир доирасида вилоят миллий маданий марказлари томонидан амалий санъат ва халқ бадийи хунармандлиги, турли тиллардаги тарихий, бадий, публицистик китоблар кўрғазмалари намойиш этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида битирувчилари учун «Карьера куни» тадбири ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимиздаги 130 дан зиёд, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия вазирликлари, Марказий банк ҳамда тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси сингари давлат ва нодавлат ташкилотлари, компания ҳамда фирмалар ўзларидаги бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ташкилотларга битирувчи ёшлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг замонавий усулда билим ва малака тақдимотлари ҳам уюштирилди.

2 ФЕВРАЛЬ

«Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорда пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилиш, улар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратишга доир қатъий чоралар белгиланган.

Тошкентда шахмат бўйича 8-12 ёшли ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Саккиз ёшгача бўлган спортчилар ўртасида тошкентлик

Хумоюн Бегмуродов саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади. Самарқандлик Камрон Каримов иккинчи, пойтахтлик Алихон Авазхонов учинчи бўлди. Қизлар ўртасида пойтахтлик Одина Олимова 7,5 очко билан олтин медални қўлга киритган бўлса, самарқандлик Афрўза Ҳамдамова кумуш ва тошкентлик Нозима Валиева бронза медал билан тақдирланди.

Ўн ёшгача ўғил болалар мусобақасида тошкентлик Ислombok Синдоров ва самарқандлик Ақобирхон Сайдалиев саккиз очкодан жамғарди. Кўшимча кўрсаткичлар бўйича Ислombok ғолиб, деб топилди. Учинчи ўрин пойтахтлик шахматчи Умархон Фахриддинхўжаевга насиб этди. Қизлар мусобақасида самарқандлик Гулдона Каримова олтин, навоийлик Барчиной Шокиржонова кумуш, самарқандлик Рухсона Раҳимбердиева бронза медални қўлга киритди.

Ўн икки ёшгача ўғил болалар баҳсида пойтахтлик Жавохир Синдоровга тенг келадиган рақиб топилмади. Тошкент вилоятидан Олмос Раҳматуллаев иккинчи, бухоролик Мирфайз Суннатов учинчи бўлди. Қизлар ўртасида тошкентлик шахматчилар Мафтуна Бобомуродова, Моҳинур Ҳабибуллаева ва сурхондарёлик Умида Омонова совринли ўринларни эгаллади.

3 ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

Фармонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагилар маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишига

муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига тақдим этиладиган «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш назарда тутилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президент Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган жойда қуриладиган йўл ўтказгич билан танишди. Мазкур йўл ўтказгич 6 полосали бўлиб, умумий узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр. Кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун умумий узунлиги 131,6 метр бўлган иккита ер усти ўтиш йўлаги ҳам бор. Қурувчиларга ишнинг тез ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сергели туманида бунёд этиладиган замонавий кўп қаватли уй-жойлар билан танишди.

Сергели туманида 2016-2017 йиллар режасига асосан 4284 хонадондан иборат 102 замонавий кўп қаватли уй-жой қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, уйлар оилаларга имтиёзли ипотека кредити орқали берилди. Мазкур уй-жойлар тақсмотида адолат мезонига қатъий риоя этилиши керак. Шунда халқимизнинг кайфияти яхши, ҳаётдан рози бўлади. Эртанги кунга ишончи ортади, деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев Яккасарой туманидаги «Яккасарой кичик саноат зонаси» давлат унитар корхонасига ташиф буюрди.

Президент технопарк ҳудудидаги лойиҳалар билан танишар экан, бундай кичик саноат зоналарини пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этиш, уларда кичик бизнес вакилларига кенг имтиёзлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Мазкур корхоналарнинг хорижий ҳамкорлар топишига кўмаклашиш лозимлиги, бу уларнинг чет эл бозорларига чиқиши ва маҳсулотлари экспортини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Сергели туманида бунёд этиладиган «Тошкент металлургия заводи» хорижий корхонаси қурилиш лойиҳаси билан танишди.

Заводга Италия, Германия, Австрия каби давлатларда ишлаб чиқарилган илғор ва замонавий ускуналар келтирилади. Корхо-

нада автомобилларга кузов ишлаб чиқариш учун металл листлар, қурилишда ишлатиладиган турли металл черепицалар, профнастил ҳамда маиший техникалар учун металл листлар тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1000 дан зиёд иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши бошланиши билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шахрининг Олмазор ва Бешёғоч кўчалари кесишувидаги ҳудудда барпо этилаётган кўп тармоқли спорт комплекси қурилишини кўздан кечирди.

Комплекснинг бинолари Хумо қуши шаклида барпо этилади. Иншоот икки мажмуадан иборат бўлиб, ундан 60x30 метр ўлчамдаги асосий ва машқ муз ареналари жой олади. Умумий майдони 74 минг квадрат метрли ташкил этадиган иншоот тўрт қаватдан иборат бўлади. Мобиль ўриндикларга эга бўлган сарой спорт мусобақалари ўтказиш зали сифатида 14 минг, концерт зали сифатида 10 минг томошабинга мўлжалланган. Асосий бинода 300 ўринли машқ аренаси ҳам лойиҳалаштирилган. Аренда хоккей матчлари, шорт-трек, фигурали учиш, кёрлинг бўйича мусобақалар билан бир қаторда баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича ҳам беллашувларни ўтказиш имконияти яратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги Шоирлар хиёбонида бир гуруҳ адиблар билан учрашди.

Учрашувда бу масканни янада обод қилиш, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни китобга ошно қилиш, машҳур адибларимиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш мақсадида уларни бу даргоҳга мунтазам равишда жалб этиш ҳақида сўз борди. Шоирлар хиёбони шундай маскан бўлиши керакки, шоирларимизнинг шеърлари бу ерда мунтазам жаранглаб туриши зарур, деди Президент.

Фарғонада «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида вилоят миллий маданий марказлари фаолиятига бағишланган кўргазмалар намойиш этилди. Бадиий жамоа-

ларнинг тинчлик, ватанпарварлик, дўстлик ва бағрикенгликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари янгради.

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида «Эзгулик наволари» номли хайрия концерти бўлиб ўтди.

Анъанага кўра тадбирнинг бошланишида ўтган йилнинг натижалари ва университет ривожланишининг устувор йўналишлари айтиб ўтилди.

Концертда Ватан, истиқлол, тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси «Дэвис кубоги»нинг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳи дастлабки босқич баҳсларини сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши бошлади.

Мусобақанинг яққалик баҳсларида мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Дак Хи Лини 4:6, 6:2, 7:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, теннисчимиз Санжар Файзиев Хёнг Чунгга 4:6, 4:6, 7:6, 6:4, 0:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида инглиз тили ўқитувчиларига мўлжалланган «Инглиз тили мулоқот учун асосий воситадир» номли халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда 250 нафар иштирокчи, жумладан, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, Марказий Осиёдан келган америкалик мутахассислар, муаллимларни ўқитиш ва малакасини ошириш марказлари ходимлари, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчилари ҳамда чет эллик мутахассислар қатнашди. Анжуман доирасида ялпи мажлислар, маҳорат сабоқлари, китоб лотереяси ва соҳага оид бошқа қизиқарли машғулотлар ўтказилди.

6 ФЕВРАЛЬ

Мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллуди куни муносабати билан юртимизнинг турли гўшаларида адабий-бадиий учрашувлар, шеърят кечалари ўтказилди.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ва Тошкент

юридик коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Буюк Навоийга эҳтиром» деб номланди. Унда адабиётшунос ва тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндalари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тадбирда Алишер Навоий асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни, уларда илгари сурилган шарқона одоб, ибo, мардлик ва жасорат, эл-юртга садоқат, ота-онага ҳурмат, муҳаббат ғоялари нечоғлик аҳамиятли эканлиги борасида сўз борди. Улуғ шоир ижодига оид маърузалар ўқилди, сахна кўринишлари асосида мушоира ва баҳру байт ташкил этилди.

Тошкентнинг «Чинобод» санаториясида Алишер Навоий таваллуди кунини муносабати билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Навоий асарлари халқимизнинг маънавий хазинасига айланган бўлиб, ундаги эзгу ғоялар ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди.

Эронда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

Нуфузли турнирнинг ҳал қилувчи финал баҳсида О.Каримов ва И.Каримов мезбон теннисчилар Сайид Мехршод ва Муҳаммад Мирзойига қарши кортга чиқди. Учрашувда рақибларидан ҳар тарафлама устунлик қилган Одил ва Искандар 6:3, 4:6, 10:6 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритди.

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси «Дэвис кубоги»нинг Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳи дастлабки босқич баҳсида Жанубий Корея терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўйинларида дастлабки кунги баҳсдан сўнг умумий ҳисоб 1:1 бўлиб турган эди. Иккинчи кунини эса терма жамоа аъзолари жуфтлик баҳсларида ўзаро куч синашди. Унда Денис Истомин ва Санжар Файзиев Хён Чунг ва Ёнг Кию Лимга қарши кортга чиқди. Мурасасиз кечган беллашувда теннисчиларимиз беш сет якунига кўра ғалабага эришди. Учрашувнинг сўнгги баҳси мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин ва мезбон теннисчиси Сун Ву Квон ўртасида ўтди.

Денис Истомин кейинги сетларни 7:6, 6:2, 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Тошкентда рапид – тезкор шахмат бўйича ўтказилган рейтинг турнирида ўттиздан зиёд шахматчи ғолиблик учун баҳслашди.

Тўққиз турдан иборат мусобақада Тошкент вилоятидан Темур Имомов андижонлик Ҳасанбой Аҳмедов, тошкентлик Хайридин Муродов, Сайид Усмон Шамсиддин, Сухробжон Авалбоев, Саидамир Ҳотамов, Сарварбек Олимжоновни енгиб, тошкентлик Мохинур Ҳабибуллаева, Ҳадиятулло Муҳаммедов ва қашқадарёлик Абдумалик Абдусалимов билан дуранг ўйнади. Тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғарган Т.Имомов олтин медални қўлга киритди. Тўққиз партида 7,5 очко жамғарган Сухробжон Авалбоев қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Абдумалик Абдусалимов 7 очко билан кучли учликдан ўрин олди.

7 ФЕВРАЛЬ
«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташиқ сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида

хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 январдаги мажлисда белгиланган вазифалар ижроси, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президент соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, раҳбарлар масъулияти ва шахсий жавобгарлиги хусусида атрофлича тўхталди. Президентимиз доридармон воситалари ноқонуний равишда баланд нархда сотилишига йўл қўймаслик, халқ манфаатларини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментда «Ишонч телефонлари» ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилиш тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш ишлари тизимли равишда олиб борилиши ва қатъий назоратда эканлигини кўрсатди.

Бухоро туманидаги «Работак» маҳалла фуқаролар йиғинида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида ҳар бири 16 хонадонга мўлжалланган иккита қўшқаватли ва майдони 2 сотихдан иборат ўнта бир қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Работак маҳалласидаги 2017 йил дастури ҳисобидан янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар ҳудудда давом этаётган бунёдкорлик ишларининг дебочаси. Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига қадар бу ерда ҳар бири 4 сотихдан иборат яна 130 дан зиёд тўрт хонали уй ўз эгаларига топширилади.

Тошкентда юртимиздаги халқ ҳунармандлиги ҳудудий мактабларининг амалий-безак санъати буюмлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда барча вилоятлардан ҳунарманд сулолалар қатнашиб, ипак, пахта, газлама, ёғоч ва металлдан қадимий анъаналар асосида тайёрлаган буюмларини намойиш этди. Бугунги кунда

юртимизда 18 мингдан зиёд уста миллий ҳунармандликнинг 25 тури бўйича фаолият юритмоқда. Ярмаркада иштирок этган 30 дан ортиқ халқ устасининг аксарияти ҳунарманд сулолалар вакилларидир. Ярмаркада гўзал ва нафис Марғилон матолари ҳам намоёниш этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асарининг рус тилига, Ойбекнинг «Навоий» романининг инглиз тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилган китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди томонидан буюк мутафаккирнинг «Хазойин ул-маоний» асарини жаҳоннинг ўн тўрт тилида нашр этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа доирасида «Хазойин ул-маоний» илк бор рус тилида «Сокровищница мысли» деб номланган тўплам ҳолида нашр этилди. Ушбу тўплам филология фанлари номзоди К.Панченко томонидан тузилди.

Қирғизистонда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда боксчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, саккизта медални қўлга киритди.

91 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Сардор Ёрмухамедов олтин медални қўлга киритди. Вазни 75 килограммлик чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувларда қатнашган Козимбек Мардонов терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди. Турнирда Рустамжон Исмоилов кумуш, Нодир Мирзахмедов, Улуғбек Комилов, Алиёр Норалиев, Одил Арслонов, Ҳасанхон Баротов бронза медали билан тақдирланди.

Токио университети, Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети, Япония халқаро университети (бизнесни бошқариш), шунингдек Нагоя, Ёкогама, Хирошима университетлари профессорларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Иномжон Маджидов қабул қилди.

Учрашувда ЖДС лойиҳаси бўйича 2017-2018 лойиҳа йилида кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш масалалари муҳокама қилинди. Вазирлик томонидан суҳбатлар ва танлов жараёнларида инobatга олиниши зарур бўлган жиҳатлар, республи-

камиз олий таълим тизимидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилди. Тадбирда Япония халқаро ҳамкорлик маркази (ЖИСЭ) Бош ваколатхонаси вакиллари ҳам иштирок этишди.

8 ФЕВРАЛЬ

«Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида қабул қилинди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Парламенти Депутатлар палатаси раиси Я.Гамачек бошчилигидаги делегация аъзолари Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмонлар дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Делегация аъзолари Мирзо Улуғбек расадхонаси, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Амир Темур макбарасида бўлди. Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «PULSAR GROUP BREWERY» Ўзбекистон – Чехия қўшма корхонаси фаолияти билан танишув ҳам таассуротларга бой бўлди.

Гулистон шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 165 киши иш билан таъминланди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ярмаркада таклиф этилган иш ўринларининг 75 фоизидан зиёди тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасида «Божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзуида ташкил этилган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда давлат божхона хизмати органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, постларни замонавий сканер ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритилди. 2016 йил давомида божхона органлари томонидан турли мазмундаги аудио ва видео маҳсулотлар ёзилган 5 мингдан ортиқ контрафакт маҳсулот аниқланиб, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилишининг олди олинди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Бадий ижодкорлар уюшмаси фотошўъбаси аъзоларининг ҳисобот кўргазмаси очилди.

Кўргазмада А.Жумаев, Р.Шагаев, Е.Володина, В.Гончаренко, Р.Шарипов, В.Жирнов, К.Минайченко, В.Соколов, В.Шлосберг, В.Левкович, С.Дехқонов, Р.Исломов, Ғ.Шуқуров ва бошқа муаллифларнинг икки юзга яқин иши намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Сўз мулки султонлари» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмада мусаввирларнинг «Алишер Навоий Самарқандда», «Фарҳод ва Ширин», «Баҳром яшил қасрда», «Май ва най», «Заҳриддин Муҳаммад Бобур портрети», «Камолиддин Бехзод иш устида», «Бобурни ёд этиб» каби ўттиздан ортиқ асари муҳлислар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзудаги илмий-назарий анжуман ташкил этилди.

Анжуманда навоийшуносликнинг долзарб масалалари беш шўъбада муҳокама қилинди. «Алишер Навоийнинг илмий мероси ва матншунослик масалалари» секциясида буюк шоирнинг лирик мероси матншунослиги, «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг танқидий матнини тузиш, Қўқон адабиёти музейида сақланаётган Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини тадқиқ этишнинг долзарб жиҳатлари қамраб олинган. Илмий-назарий анжуман билан мамлакатимизда Алишер Навоий ижодини тарғиб этиш борасидаги янги конференциялар туркуми бошлаб берилди.

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига чиқди.

Мазкур босқичда «Бунёдкор» жамоаси Қатарда «Ал-Жайш» меҳмони бўлди. Унда «Бунёдкор» жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига йўл олди. Яна бир жамоа – Қаршининг «Насаф» клуби Осиё чемпионлар лигасидаги иштирокини плей-офф босқичида тўхтатишга мажбур бўлди. Саудия Арабистонида «Ал-Фатх» жамоаси билан баҳслашган «Насаф» кичик (0:1) ҳисобда имкониятни бой берди ва гуруҳ босқичига чиқа олмади.

«Осиёда ўқитувчиларни касбий тайёрлашда гендер масалаларнинг баҳоланиши» мавзусида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги бош илмий-методик марказда ўқув-семинари ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Бош илмий-методик Марказ томонидан ташкил этилган ўқув-семинарида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, ЮНЕСКО ваколатхонаси ходимлари, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари ҳамда амалиётчи-мутахассислар иштирок этишди. Ўқув семинари иштирокчилари ўртасида қуйидаги йўналишларда анкета-сўровномалари ўтказилди:

– ўқитувчиларни касбий тайёрлаш бўйича дарсликлар муаллифлари учун; - ўқитувчилар тайёрлаш учун таълим дастурлари ва ўқув материалларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар раҳбарлари учун;

– мактаб дарсликларини гендер баҳолаш учун; - ўқитувчиларни касбий тайёрлаш бўйича ташкилотлар учун ва бошқалар.

9 ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси раиси Ян Гамачек бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Чехиянинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама муноса-

батларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди. Тадбирда меҳмонларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, кўмиталар, фракциялар ва депутатлик гуруҳларининг фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида ҳам Чехия делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, иктисодиёт, тиббиёт, маданият ва таълим, илм-фан, қишлоқ хўжалиги йўналишларида йўлга қўйилган ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президент кейинги вақтларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилганини қайд этди.

Президент жиноятларни очиш борасида ҳам қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ҳафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни, деб эълон қилишни таклиф этди. Йиғилишда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг турмуш шароитини яхшилаш, ички ишлар органлари тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Шавкат Мирзиёев профилактика инспекторлари малакасини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги академияси ва вилоятлардаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда махсус курслар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани Учтепа қишлоғида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйлар фойдаланишга топширилди.

Янги уйлар қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши тавсияси билан

биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжманд ёш оилаларга берилди. Уйлар ёш оилаларга манзур бўлмоқда. 2017 йилда вилоятда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 908 уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, Жиззах шаҳрида 210 хонадонга мўлжалланган 5 та 7 қаватли уй, 2 та «Камолот» уйи бунёд этилади.

Навоийда «Янги турдаги минерал ўғитлар – юқори ҳосилдорлик, хавфсизлик ва иқтисодий барқарорлик омили» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

«Навоийазот» акциядорлик жамияти ташаббуси билан ташкил этилган ва «Ўзкимёсаноат», «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ходимлари, фермерлар иштирок этган тадбирда саноат корхоналари мутахассислари, олимларнинг кимёсаноатда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш истиқболлари, ўсимликларни турли зараркунанда ва ҳашаротлар, хавфли касалликлардан ҳимоя қилишда кимёвий аралашмалар тайёрлашнинг янги босқичлари хусусида маърузалар тингланди.

Самарқандда бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида 112 корхона-ташкilot 1 минг 200 дан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 84 фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 314 коллеж битирувчиси билан тўрт томонлама шартнома имзоланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар миллий маънавиятимизни юксалтириш, буюк аجدодларимизнинг бой мероси, ижод мактабини мукамал ўрганиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар юксак натижалар бераётганини таъкидлади. Кечада шоир ғазаллари билан қуйланувчи ашулалар, шоир ижодидан намуналар янгради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Алишер Навоий – Шарқнинг буюк шоири, мутафаккири, давлат арбоби» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда шоирнинг бунёдкорлик ишлари, эл-юрт фаровонлиги йўлида кўрсатган жонбозликлари ҳақида ҳам фикр юритилиб, бу халқимиз учун улкан ифтихор ҳамда авлодларга юксак намуна эканлиги алоҳида қайд этилди, Навоий ижодидан парчалар ўқилиб, талабалар ижросида сахна кўриниши намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий ижоди – миллий маънавий хазинамиз дурдонаси» мавзuida видеомулоқот ташкил этилди.

Видеомулоқотда буюк бобокалонимиз ўз асарларида улуғлаган эл-юрт равнақи, ободлиги, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашдек эзгу ғоялар бугунги жамиятимиз ҳаёти, юрти-мизда кечаётган изчил ислоҳотларга ҳамоҳанг эканлиги айtilди. Улуғ шоиримиз ижодига оид маърузалар тингланди, асарларидан сахна кўринишлари намойиш қилиниб, мушоира ва баҳру байт ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасига 1948 йили улуғ бобомиз номи берилган. Ушбу масканнинг «Нодир нашрлар» бўлимида Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари сақланади. Бу ерда китобхонлар учун Навоий асарларининг электрон варианты ҳам яратилган. Тадбир доирасида шеърят кечаси, Навоий ижодига оид фильм намойиши ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзониинг «Самарқанд сайқали» асари асосида шу номдаги тарихий драма сахналаштирилди.

Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллиги арафасида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган сахна асарида улуғ шоирнинг Самарқандда кечган йиллари, бу ерда олган таҳсиллари ҳақида ҳикоя қилинади. Спектаклдаги ролларни театрнинг маҳоратли актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Б.Раҳимов, С.Ҳақимов, шунингдек, Ф.Расулов, У.Рўзиева, Х.Баратов, А.Тоштемиров сингари истеъдодли ёшлар ижро этди.

10 ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Термиз туманидаги «Gold Agro Fresh» агрофирмаси фаолияти билан танишди ва бу ерда етиштирилаётган маҳсулотларнинг турини кенгайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш, одамларнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ингичка толали пахта хомашёсини қайта ишлаш корхонаси, зараркунандаларга қарши курашишга қаратилган ишланмалар, лимон ва писта етиштиришга ихтисослашган плантациялар лойиҳалари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда олиб борилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президент Ангор туманида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилган «Huashen Silkworm Pro» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона лойиҳаси билан танишди.

Президент мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхонвоҳасида серҳосил ипак курти парваришlash учун табиий иқлим ва қулай шароитлар етарли эканини таъкидлади. Сурхондарё вилоятига сафари давомида Ангор туманидаги Занг гиламбоб қишлоғида Шоди бобо Хушбоқов хонадонида бўлди ва у кишининг умр йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар ва набираларнинг тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Президент Шерободтуманидаги Абу Исо Мухаммадат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мажмуани обод масканга айлантириш, зиёратчиларга қулай шароитлар яратиш бўйича тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги

«Гуржак-1» массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, бу ерда аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди.

Президент ёш оила Ўктам Абдуллаев ва Малоҳат Жумаева хонадонида бўлиб, уларни янги уйга кўчиб ўтгани билан табриклади. 3 хонали уйнинг ҳовлисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш учун томорқа бор. Шавкат Мирзиёев 16 хонадондан иборат икки қаватли уйда яшаётган уй соҳиблари билан ҳам суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз туманида ташкил этиладиган балиқчилик комплекси лойиҳаси билан танишди.

Корхонада Вьетнам технологияси асосида Африка лаққаси, карп каби балиқлар етиштирилади. Комплексида 500 тонна балиқни қайта ишлаш, 105 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш лойиҳаси билан танишди. Лойиҳада вилоятдаги гидротехника иншоотлари, канал ва бошқа сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини қуришга қаратилган 122,7 миллион долларлик чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада вилоятнинг Шеробод, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги 103,5 минг гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари федерацияси кенгашига қарашли «Термиз марвариди санаторияси» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди. Учқизил сув омбори бўйидаги баҳаво ҳудудда жойлашган 140 ўринли ушбу сихатгоҳда беморлар физиотерапия ва маъданли сув, қум ва қуёш нурлари орқали даволанади. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур ҳудудда дам олиш комплекси қуриш бўйича зарур топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида «Олмалик конметаллургия комбинати» акциядорлик жамияти томонидан барпо этилаётган цемент заводи қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 212,8 миллион доллар бўлган ушбу саноат корхонасида йилига 1,5 миллион тонна портландцемент ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхона ишга тушгач, бу ерда мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Маҳсулотнинг асосий қисми ички

талабни қондиришга йўналтирилади. Лойиҳачи ва қурувчилар билан суҳбатда қурилиш суръатларини жадаллаштириш, сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Навоийда барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Кўрғазмада фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари намойиш этилди. Кармана туманидаги «Кармана Ал-Азиз Авиценна» масъулияти чекланган жамиятида табиий гиёҳларни қуриштириш ва қадоклаш йўлга қўйилган. Навоий шаҳридаги «Bagil medical new technology» қўшма корхонасида замонавий технологиялар асосида бир марталик шприц ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкентнинг Сергели туманидаги «Асл ойна» акциядорлик жамиятида Италиядан келтирилган янги линия ишга туширилди.

Ҳозирга қадар корхонада Германияда ишлаб чиқарилган технология асосида 130 хилдаги дизайнда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган эди. Янги линия кўмагида турфа хил кўриниш ҳамда сизимдаги рангли ва рангсиз шиша идишлар тайёрлаш янада кўпаяди. Нархи 11 миллион еврони ташкил этувчи мазкур технология «Капиталбанк»дан олинган сармоя эвазига харид қилинди. У бошқа турдош технологияларга нисбатан электр энергиясини 10 фоизга тежайди. «Асл ойна» ички бозор эҳтиёжига ишлаш билан бир қаторда, ўтган йили 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. 2017 йилда бу кўрсаткични 4 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Иқтисодиётни бошқаришни янада либераллаштириш шароитида банк тизимининг барқарорлиги: қонунчилик ва амалиёт» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда тижорат банкларининг активлари устидан мониторинг ўтказишнинг янги усуллари ва механизмларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бир

қанча қонунларига ўзгартиш ҳамда кўшимчалар киритиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Москва шаҳрида «Продэкспо – 2017» озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз компания ва корхоналари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашди.

Халқаро кўргазмада МДХ давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва Эрон каби 50 дан ортиқ мамлакатдан 2 мингдан зиёд иштирокчи ўз маҳсулотлари билан қатнашди, 29 мамлакатнинг миллий экспозицияси ташкил қилинди. Мазкур халқаро кўргазмада тадбиркорларимиз томонидан 64 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари имзоланди.

Тошкентдаги «Гулшан» маданият саройида буюк мутафакир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда буюк шоирнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Учрашувда иштирокчилар томонидан улуғ ижодкорнинг ғазаллари, дostonларидан парчалар, ёш шоирларнинг Алишер Навоийга бағишлаб ёзган шеърлари ўқилди.

Тошкент давлат юридик университетида «Замонавий илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда «Юридик фанлар ва жамият тараққиёти: таъсир ва акс таъсир», «Замонавий юридик таълим тизимида амалий-касбий тайёргарликни ривожлантириш масалалари», «Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти», «Илмий-тадқиқот натижаларини амалиётда қўллашнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

11 ФЕВРАЛЬ

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига таширфининг иккинчи кунини Термиз шаҳрида ташкил этиладиган замонавий перинетал, урология ва офтольмология марказлари лойиҳаси билан танишишдан бошлади.

Президент мазкур лойиҳалар билан танишар экан, соҳани янада такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида яратилаётган бу шароитлардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир ишни сифатли, пухта амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ва муҳташам Санъат саройи мажмуаси қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 7 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этадиган ушбу замонавий ахборот-кутубхона маркази 223 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлади. Унинг фойдаланишга топширилиши вилоят ёшлари салоҳиятини юксалтириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш, изланувчан ўқувчилар ва талабаларнинг илмий-оммабоп, бадиий, тарихий, тарбиявий-маърифий адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида «Жануб текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Амудар Текс» Ўзбекистон – Англия қўшма корхонаси ҳамда Шеробод туманида барпо этиладиган «SHEROBOD TEXTILE INVEST» масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари билан танишди.

«SHEROBOD TEXTILE INVEST» масъулияти чекланган жамиятида ўрнатиладиган замонавий технологиялар йилига 17 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Корхона қурилишига 46 миллион доллар маблағ сарфланади. Шеробод туманининг «Сеплон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида бунёд этиладиган корхона ишга туширилиши билан 700 киши иш билан банд бўлади.

Президент Термиз шаҳрида барпо этилаётган ғўзапоя ва қамишдан ДСП ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси билан танишди.

«Термиз таъминот» масъулияти чекланган жамияти негизда барпо этилаётган корхонада йилига 30 минг кубметр ДСП маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 4,2 гектар майдонда 2,9 миллион доллар эвазига қад ростлайдиган янги мажмуа-

да 160 иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ва «Комфорт инерт сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилаётган гранит ва габбро тошларидан қурилишбоп пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш, Термиз механика заводини кенгайтириш лойиҳалари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида бунёд этиладиган кўп қаватли арзон, замонавий уй-жойлар, деҳқон бозори ва савдо комплекси, замонавий истироҳат боғи лойиҳалари билан танишди.

Комплексада деҳқон бозори павильонлари, иккита кўп қаватли замонавий супермаркет, автомобиллар турар жойи қуриш ва йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Президент Термиз шаҳрида ёшлар боғи лойиҳаси билан танишар экан, уни шаҳар аҳолиси фарзандлари билан сайр қиладиган, ҳордик чиқарадиган масканга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев Сурхондарё бўйида бунёд этилаётган «Амударё» болалар соғломлаштириш маркази, бу ерда болажонлар учун ташкил этиладиган инфратузилма объектлари лойиҳаси билан ҳам танишди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи дунёнинг 100 та энг кучли ёш иқтисодчилари рейтингига киритилди.

Дунёнинг 100 энг кучли ёш иқтисодчилари орасида Англия банки, Гарвард, Стэнфорд университетлари, Париж Иқтисод мактаби номзодларини ортда қолдириб, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети иқтисод фани ўқитувчиси Рауфхон Салахўжаев 32-ўринни эгаллади. Рауфхон Салахўжаев «Иқтисодий ўсишнинг чуқур омиллари» бўйича тадқиқот олиб бораётган кам сонли олимлардан. Илмий иши давлатларнинг иқтисодий ривожланишида интеллектуал капитал ва бозор институтларининг ролини тадқиқ этишга бағишланган. Рауфхоннинг 20 га яқин илмий мақоласи «Intelligence», «Kyklos», «Environmental Research» каби дунёнинг етакчи илмий журналларида чоп этилган, «Forbes» агентлиги, «National Policy» институти томонидан юқори баҳоланган.

13 ФЕВРАЛЬ
Тошкентда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган декоратив амалий санъат кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Кўрғазмада халқ хунармандлиги анъаналарини давом эттираётган усталар, жумладан, Риштон кулолчилик, Бухоро зардўзлик ва миллий либос мактаблари вакиллари иштирок этди. Кўрғазма доирасида маҳорат дарслари ташкил этилди. Иштирокчилар тасвирий санъат, ганчкорлик ва каштадўзликда ўзини синаб кўриш имконига эга бўлди. Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидан парчалар ўқилди.

Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича «Катта дубулға» туркумидаги нуфузли турнирда Шарофиддин Лутфуллаев кумуш медални қўлга киритди.

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган спортчимиз словениялик Матиаз Трбовч, россиялик Роберт Мшвидобадзе, бразилиялик Эрик Такабатаке ва Жанубий Корея вакили Чаннёнг Кимни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Андижон шаҳрида 2000-2001 йилларда туғилган йигит-қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда енгил атлетика федерацияси томонидан ташкил этилган чемпионатда 250 га яқин спортчи ғолиблик учун ўзаро рақобатлашди. Узунлик, баландлик ва уч хатлаб сакраш баҳсларида Жавоҳир Нориев, Даниил Карл, Дониёр Қўчқоров, Камола Саидова, Ольга Шлентова олтин медални қўлга киритди. Олтикураш баҳсларида Элдор Намозбоев 3698 очко тўплаб шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллаган бўлса, бешкурашда Роксана Худоёрова 3300 очко билан биринчи бўлди. Ядро улоқтириш бўйича куч синашган ёш атлетлар ўртасида Рашид Содиқов, Зебинисо Камолиддинова ғалаба қозонди.

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Россияда ўтган халқаро турнирда иккита медални қўлга киритди.

Вазни 59 килограммгача бўлган курашчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган Феруз Тўхтаев барча рақибини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Вазни 80 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Жонибек Отабеков кумуш медални кўлга киритди.

Тошкентда шахмат бўйича 14-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида икки юзга яқин шахматчи ғолиблик учун баҳслашди.

Тошкентлик Сухробжон Авалбоев 4,5 очко билан етакчилик қилди. Қашқадарёлик Умар Исомов ва тошкентлик Сардор Болтаев 4 очко билан кучли учликда. Ўн олти ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев 5 очко билан мусобақа жадвалида пешқадамлик қилди. Тошкентлик шахматчилар Саидакбар Сайдалиев, Шамсиддин Воҳидов, қашқадарёлик Абдумалик Абдусалимов ва самарқандлик Далер Воҳидов 4 очко билан совринли ўринларни эгаллашга даъвогарлик қилишди. Қизлар мусобақасида қашқадарёлик Холида Намозова беш имкониятдан беш очко жамғарган. Тошкентлик Асал Салимова ва сирдарёлик Зебо Абдуллаева 4 очкодан тўплашди.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар баҳсида ФИДЕ устаси Ортиқ Ниғматов 4,5 жамғариб, яқин таъқибчилари тошкентлик Георгий Шванов ва фарғоналик Асилбек Собировни ярим очкога ортда қолдирди. Қизлар ўртасида хоразмлик Нилуфар Ёқуббоева бешта турда 4,5 очко билан биринчи ўринда боришди.

Навоий шаҳрида «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Анжуманда мутафаккир асарларини дунё тилларига таржима қилиш, замонавий ўқувчига етказиш борасидаги илмий изланишлар самараси таҳлил этилди. Конференцияда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига оид кўرғазма ташкил этилиб, «Фарҳод» маданият саройида мамлакатимизнинг таниқли актёр ва санъаткорлари томонидан сахна кўриниши ижро этилди, шоир ғазалларидан намуналар ўқилди.

Франция Республикасининг Версал академияси қошидаги Серж Понтуаз педагогика олий мактаби (ЭСПЭ) халқаро алоқалар

бўлими бошлиғи Паскал Буассонне ва ходимлари Изабел Лоруа, Мод Керфорнелар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига таъриф буюрдилар.

ЎзМУ ректори Авазжон Мараҳимов хорижлик меҳмонларга Миллий университет тарихи ва унинг мамалакатимиз илм-фани тараққиётига қўшиб келаётган ҳиссаси, бугунги кундаги халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўзлаб берди. Паскал Буассонне ЭРАСМУС+ халқаро алмашинув лойиҳаси доирасида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлари ҳақида маълумот берди. Ўзаро суҳбат давомида Франциянинг Серж Понтуаз педагогика олий мактаби (ЭСПЭ) ва ЎзМУ ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида «Наркомания ва одам савдосига қарши курашиш» мавзусида профиллактик тадбирлар ўтказилди.

Тадбирда мутахассислар томонидан ёшлар орасида содир этилаётган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг салбий оқибатлари, дунё тинчлигига раҳна солувчи мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг таъсиридан ёшларимизни асрашнинг омиллари, шунингдек, гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда тиббий асоратлари тўғрисида маълумотлар берилди. «Умр заволи» номли ҳужжатли фильм намойиш этилиб, талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоблар олишди.

14 ФЕВРАЛЬ

«Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний кадрларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ва-

танга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

«Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, бу борада лойиҳалаштириш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш мақсадида **қабул қилинди**. Фармонда тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитасини ташкил этиш назарда тутилди.

Республика биржа марказида Ягона дастурий-техник комплекснинг имкониятлари ҳамда афзалликларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ДТКнинг ишга туширилиши уюшган савдоларга қимматли қоғозлар чиқариш технологиясини ўзгартириб, уни сотиш буюртмаси инвестиция воситачилари томонидан бевосита брокерлик тизимида, қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига ўтказиш ҳамда ҳаракатни тўхтовсиз амалга ошириш имконини вужудга келтирди. Тадбир давомида, шунингдек, «Ўзбекистон капитал бозорида энг яхши» танловининг 2016 йил якунлари бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусиқали академик драма театри ижодий сафар билан Андижонга келди.

Театр жамоаси Андижон шаҳридаги Бобур ҳайкали пойига гуллар қўйди. Меҳмонлар Андижоннинг диққатга сазовор жойлари, вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, Андижон олимпия захиралари коллежи, қиличбозлик мажмуасида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароитлар билан танишди, спортчилар билан суҳбатда бўлди. Анди-

жонлик театр санъати мухлислари учун Ўш театр жамоасининг Жалил Сиддиқов асари асосида Набижон Мамажонов томонидан сахналаштирилган «Айқўл Манас» спектакли намойиш этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишлаб «Бобур асарлари билимдони» танлови ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан ташкил этилган танловнинг якуний босқичида Бобур асарларининг 36 билимдони иштирок этди. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги танловда Бўстон академик лицейи ўқувчиси Г.Рейимбоева биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Эллиққалъа тиббиёт коллежи ўқувчиси С.Болтабоевага, учинчи ўрин Бўстон ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Р.Юсуповга насиб этди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди.

Бобур ижоди бетакрорлиги, халқчиллиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрини қозонган. Бобур Алишер Навоий ижодини чуқур ихлос билан ўрганган, ғазалларини ёд олган. Унинг яхшилик, одамийлик, одоб-ахлоққа оид ғазаллари Алишер Навоий ижодидан руҳланиб, таъсирланиб яратилгани илмий тадқиқотчилар ва адабиёт ихлосмандларига яхши маълум. Кечада Бобур ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди. Шоир ижодидан намуналар ўқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан «Юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг аҳамияти» мавзуида видеомулоқот ташкил этилди.

Унда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари билан нафақат ўзбек, балки Шарқ халқлари бадиий тафаккурини, маданиятини янги

боскичга кўтаргани таъкидланди. Тадбирда Бобур ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли маълумотлар берилди. Талабалар томонидан Бобур ғазаллари ва рубоийларидан намуналар ўқилди.

Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда шоир номи билан аталувчи вилоят мусикали драма ва комедия театри жамоаси томонидан Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган сахна кўриниши намойиш этилди, ёш ижодкорлар шоир ғазалларидан намуналар ўқиди. Бобур ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Тадбир доирасида Бобур боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Бобур ва бобурийлар ҳаёти, ижодий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, «Бобур библиографияси»нинг тўлдирилган иккинчи нашрини чоп этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маърузалар тингланди.

«Истиқлол» санъат саройида маданият, санъат, бадий ижод, журналистика ва спорт соҳаларида салмоқли ютуқ ва муваффақиятларга эришган бир гуруҳ ижодкорлар ва спортчиларни «Эътироф – 2016» мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. \

«Эътироф» мукофоти билан тақдирлаш маросими 2014 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2017 йил илк бор ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати номзодларга онлайн овоз берди. Бу йил мукофотга номзодлар «Театр, кино ва оммавий томошалар», «Эстрада, анъанавий, опера хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва рақс санъати», «Тасвирий ва амалий санъат», «Бадий ижод, журналистика ва телевидение», «Спорт», «Эътибор, эҳтиром, эъзоз» йўналишларида қирқ тўққиз номинация бўйича аниқланди.

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида аёллар жамоалари ўртасида мини футбол бўйича XIII Ўзбекистон чемпионатининг 2-тур ўйинлари бошланди.

Дастлабки кун ўйинлари голга бой бўлди ва қуйидаги натижалар қайд этилди: «Юзробод» (Тошкент шаҳри) - «Оққўрғон» (Тошкент вилояти) 4:1, «Бахмал» (Жиззах вилояти) - «Аланга С» (Жиз-

зах шаҳри) 2:1, «Шўртан Lady» (Ғузор шаҳри) - «Тошкент ахборот технологиялари университети – ТАТУ» (Тошкент шаҳри) 3:3, «Севинч» (Қарши шаҳри) - «Қирқ қиз» (Нукус шаҳри) 8:0, «Аланга С» (Жиззах шаҳри) - «Пахтакор W» (Тошкент шаҳри) 0:7.

15 ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилди. Таъкидландики, кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, илмий-техникавий, нефть-газ, қурилиш, озиқ-овқат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқаришга қаратилган қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши устидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокамасига бағишланган мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилишда давлат ветеринария хизмати назорати остида бўлган

юкларни экспорт қилиш, импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтказиш учун рухсатномалар бериш тартибини, маҳаллий ҳамда импорт қилинадиган ветеринария дори воситаларига ва озуқабоп қўшимчаларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаларини бериш тартибини тасдиқлаш билан боғлиқ қонуности ҳужжатлари ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги бошқа рухсат берувчи қонуности ҳужжатлари бугунги кунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмагани айтиб ўтилди. Мажлис яқунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия хам раиси Р.Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишув ҳуқуқий асос бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръат билан ривожланмоқда. Россия Федерацияси мамлакатимизнинг ташқи савдо ҳамкорлари орасида етакчи мавқега эга. 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексида Тошкент авиация транспорт прокуратураси билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун очик мулоқот ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан тадбиркорларга божхона соҳасида жорий қилинган янги қулайликлар ва енгиликлар ҳамда божхона органларига юкланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Тошкентда «Марказий Осиёда транспорт ва логистика бизнес-уюшмаларини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Икромов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Э.Стипрайс, Латвия стивидор компаниялари уюшмаси президенти У.Папанс ва бошқалар дунёда мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, экспортга тайёрлаш ва транспортировка қилиш ишларини комплекс бажариш аҳоли фаровонлиги ва мамлакатлар ўртасидаги экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тошкентдаги «Китоб олами» маънавий-маърифий савдо мажмуасида миллий маънавиятимизнинг буюк намояндлари Алишер Навоий ҳамда Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб адабий-музика кеча бўлиб ўтди.

Мазкур мажмуада мамлакатимиздаги нашриёт уйлари ва хорижий матбаа корхоналари томонидан нашр этилган минглаб китоблар, жумладан, Навоийнинг 10 жилдлик асарлари, Бобурнинг «Бобурнома»си ва девонлари китобсеварларга тақдим этилмоқда. Мажмуанинг «Ёш китобхон клуби» аъзолари Навоий ва Бобур ижодидан тайёрлаган баҳру байт ва Тошкент маданият коллежи ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар янгради. Тадбир сўнггида «Зукко китобхон» викторинаси ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалар топширилди.

Тошкентдаги «Чорсу» спорт мажмуасида бадминтон бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Россияда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган турнирда спортчиларимиз Сергей Фомин ва Камола Умарова муваффақиятли катнашишди. Нуфузли мусобақанинг жуфтлик баҳсларида С.Фомин австриялик шериги Нил Оберлеитнер билан мезбон теннисчилар Давид Георгадзе ва Руслан Мугтасимовни 6:4, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Камола Умарова халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида қозоғистонлик Зибек Қулабоева билан биргаликда биринчи даврдан муваффақиятли ўтди.

Тошкентдаги «Ором» 38-умумтаълим мактабида ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Р.Эрматов 2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирларда ҳакамлик қилмоқда. У беш маротаба «Осиёнинг энг яхши ҳаками», деб тан олинди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда «Жаҳоннинг энг яхши ҳаками» сифатида эълон қилди. 2015 йили футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири – «Globe Soccer Awards» совринини қўлга киритди. Равшан Эрматов Ислом Каримов фармонларига мувофиқ 2010 йили «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, 2014 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва 2015 йил «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

16 ФЕВРАЛЬ
«Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодиётини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини тубдан юксалтириш, аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У. Муҳаммадиев ҳисобот билан сўзга чиқди. Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ўзи томонидан

қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида депутатларга маълумот берди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар қишлоқ хўжалигининг изчил ислоҳ этилаётгани, фермерлик ва агробизнес ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасида юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалаётгани, аграр соҳага жорий этилаётган янги технологиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш имкониятини кенгайтираётганини таъкидлади. Савдо-саноат палатасининг маълумотига кўра, бугунги кунда юртимизда 160 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўттиз олти мингдан ортиғи кўп тармоқли йирик субъектдир.

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусикали академик драма театри жамоаси ижодий сафар билан Фарғона вилоятида бўлди.

Фарғона санъат коллежида бўлиб ўтган учрашув самимий мулоқотга бой бўлди. Мазкур санъат масканида таҳсил олаётган 495 йигит-қиз 7 йўналишда миллий ва жаҳон санъатини ўрганмоқда. Коллеж ўқувчилари орасида мамлакатимиз ва халқаро танловларда совриндор бўлганлар бор. Театр ижодий жамоаси репертуаридан жой олган сахна асарлари, келгусидаги ижодий режалар ҳақида ёшларга маълумот берилди. Ислом Каримов номидаги Театр-концерт саройида Ўш театр жамоасининг Жалил Сиддиқов асари асосида сахналаштирилган «Айқўл Манас» спектакли намойиш этилди.

Тошкентда ёшлар ўртасида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Чемпионатнинг дастлабки кунда 60 метрга югуришда Суннат Исмоилов ва Лилия Манасипова ғолиб бўлди. Ушбу масофага тўсиқлар оша югуришда Анвар Сафаров ҳамда Наталья Асанова биринчи ўринни қўлга киритди. 400 метрга югуришда Мурод Муҳаммадрасулов, 1500 метрга югуришда Евгений Фадеев марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Узунликка сакрашда Ири-

на Белова, бешкурашда Елизавета Шусь шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Тошкентда гандбол бўйича Марказий Осиё чемпионати яқунланди.

Кескин ва мурасиз баҳсларга бой бўлган мусобақада Урганч давлат университети гандболчилари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Республика олимпия захиралари коллежи вакиллари иккинчи ва Қозоғистонинг «Намис» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

17 ФЕВРАЛЬ

«Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида қабул қилинди. Шунингдек, қарор асосида 9 та илмийтадқиқот муассасаси Фанлар академияси таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўйми ва Навоий бўлими ташкил этилди, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти қайта йўлга қўйилди.

Тошкентда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик самараларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда Буюк Британия капитали иштирокида тuzилган қарийб 550 корхона фаолият юритмоқда. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгаши савдо-иқтисодий ҳамкорликни, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни кенгай-

тиришда муҳим ўрин тутмоқда. Анжуманда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалга оширилган лойиҳалар ва уларнинг самаралари, ушбу йўналишлардаги ҳамкорлик истикболлари ҳақида сўз юритилди.

Тошкентда шахмат бўйича 14-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида Нодирбек Ёқуббоев ва Нилуфар Ёқуббоева ўз ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақанинг ўн олти ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳслари Нодирбек Ёқуббоев ғалабаси билан яқунланди. Шоҳруҳ Алиқулов, Сарварбек Олимжонов, Аҳмад Нуруллаев, Саидакбар Сайдалиев, Абдумалик Абдусалимов, Шамсиддин Воҳидов ва Бобур Эшбоевни енгган Нодирбек Далер Воҳидов ва Музаффар Эминжонов билан дуранг ўйнади ҳамда 8 очко билан Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қолган совринли ўринлар Саидакбар Сайдалиев ва Далер Воҳидовга насиб этди. Шу ёшдаги қизлар баҳсида Ситора Сапарова олтин, Ҳолида Намозова кумуш, Раъно Абдуҳолиқова бронза медаль билан тақдирланди. Ўн саккиз ёшгача қизлар мусобақасида Нилуфар Ёқуббоева ҳам олтин медални қўлга киритди. Б.Абдусатторова 8 очко билан иккинчи, Ҳ.Абдукаримова 6 очко билан учинчи бўлди. Ўғил болалар ўртасида Ортиқ Ниғматов биринчи, Асилбек Собиров иккинчи, Георгий Шванов учинчи ўринни эгаллади.

Ўн тўрт ёшгача ўғил-қизлар баҳсларида Сардор Болтаев, Умар Исомов, Сухробжон Авалбоев, Юлия Хегай, Дилбар Ҳамроева, Дилрабо Маъмурова ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз стол теннисчилари Латвиянинг Рига шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.

Юздан зиёд спортчи катнашган турнирда Ислом Султонов барча рақибини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчиларимиздан Мархабо Маъдиева, Сўғдиёна Мадалиева, Румия Лутфулина, Муҳриддин Ражабов, Абдулазиз Анорбоев бронза медални қўлга киритди. Турнирда мамлакатимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Тошкентда "Ёшлик" спорт мажмуасида мини-футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида XIII Ўзбекистон чемпионати-нинг биринчи босқич иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатнинг иккинчи турида Қаршининг «Севинч» клуби Нукуснинг "Қирқ қиз" жамоасини 8:0, Жиззахнинг «Аланга-Сўғдиёна» жамоасини 4:0, «Оққўрғон»ни (Тошкент вилояти) 5:1, "Бахмал БЎСМ"ни (Жиззах) 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Икки тур натижасига кўра, саккизта учрашувнинг еттасида ғалаба қозониб, биттасида дуранг ўйнаган "Севинч" жамоаси 22 очко билан мусобақа жадвалида етакчилик қилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Ғузорнинг «Шўртан Lady» клуби билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнаб, "Қирқ қиз" ва «Пахтакор Woman»ни (Тошкент) бир хил – 4:1 ҳисобида енгди. Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси 20 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. «Пахтакор Woman» 15 очко билан учинчи ўринда бўлса, «Шўртан Lady» 14, «Юзробод» (Тошкент) 12 ва «Қирқ қиз» 7 очко жамғарган ҳолда кучли олтиликда бормоқда.

20 ФЕВРАЛЬ Миллий матбуот марказида «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кунда «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил қилинган ҳудудий дистрибьюторлик марказлари ҳамда уларнинг кўмир омборлари фаолият юритмоқда. «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналар томонидан ҳар йили 4 миллион тоннага яқин кўмир қазиб олинади. «Кўмир саноатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва модернизация қилиш» бўйича дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди, унга кўра, умумий қиймати 690,5 миллион долларлик 6 инвестицион лойиҳа амалга оширилади.

Тошкентда Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан ўтказилган мамлакат чемпионатида ғолиблар аниқланди.

Турли масофаларга югуриш баҳсларида Суннат Исмоилов, Улуғбек Муртазоев, Мурод Магомедрасулов, Евгений Фадеев, Роман Штукан, Лилия Манасипова, Камилла Мирсолиева, Гулҳаё

Раҳимова, Зулфизар Абдуллаева, Сабина Талачева, Хуснида Аҳмедова марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. 60 метрга тўсиқлар оша югуришда Анвар Сафаров ва Наталья Асанова биринчи ўринни эгаллади. Узунликка, баландликка ва уч ҳатлаб сакрашда Никита Логинов, Темур Раҳматуллаев, Руслан Қурбонов, Ирина Белова, Александра Юркевская шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қизлар ўртасидаги бешкураш баҳсларида Елезавета Шусь, ўғил болалар ўртасидаги еттикурашда Азиз Сейтожиев мамлакатимиз чемпионлигини кўлга киритди. Ядро улоқтиришда Руслан Қурбонов ва Ирина Белова олтин медалга сазовор бўлди.

Тошкентдаги «Чорсу» спорт мажмуасида бадминтон бўйича эркаклар ва аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида юзга яқин спортчи яқкалик, жуфтлик ва аралаш жуфтлик йўналишлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Чемпионатнинг яқкалик баҳсларида А.Бахшуллаев, А.Хўжаев, А.Саватюгин, С.Содиқова, Е.Баринава ва Ш.Шавкатова шохсупага кўтарилди. Жуфтликлар баҳсида А.Бахшуллаев ва А.Хўжаев, С.Содиқова ва В.Муштакова барча рақибларини мағлубиятга учратиш, олтин медални кўлга киритди. Аралаш жуфтликлар ўртасида Т.Каримов ва С.Содиқова ғалаба қозонди.

Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида ватерпол бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ушбу мусобақада ўғил болалар ўртасида Наманган вилояти жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Қизлар ўртасида Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби жамоаси шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

21 ФЕВРАЛЬ Сирдарё вилоятининг Ховос туманида «Тадбиркор – бунёдкор» деб номланган кўрғазма ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилоятидан кичик бизнес ва ишлаб чиқариш корхоналари учун янги технологиялар етказиб берувчи 30 дан ортиқ корхона ва савдо уйи 150 дан зиёд турдаги ускуна ва жиҳозлар билан қатнашди. Тадбир давомида

ускуна ва жиҳозлар харид қилиш бўйича кўплаб шартномалар имзоланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Москва шаҳридаги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг 110 йиллик юбилейида иштирок этди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон-Россиянинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда икки давлат олий таълим муассасалари алоқаларини кенгайтиришдаги ҳамда республикамизнинг иқтисодий ва молия соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги улкан ҳиссаси, шунингдек, университет ташкил топганининг 110 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «В.И.Гришинни «Дўстлик» ордени билан тақдирлаш ҳақида»ги ПФ-4959-сонли фармони ва табриги ўқиб эшиттирилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари М.Каримов Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети ректори В.И.Гришинга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев номидан «Дўстлик» ордени ва қимматбаҳо совғаларни тантанали равишда топширди.

22 ФЕВРАЛЬ
«Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органининг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Фармондаги яна бир аҳамиятли жиҳат – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиши бўлди. Фармонда судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва суд кадрлари захирасини тайёрлаш учун судлар тузилмасига судья

ёрдамчиси, судья катта ёрдамчиси лавозимларини киритиш назарда тутилди.

Тошкентда Ўзбекистон – Швеция бизнес форуми бўлиб ўтди.

Форумда Ўзбекистоннинг геология ва минерал ресурслар, транспорт инфратузилмаси, савдо-саноат, энергетика соҳаларидаги муваффақиятлари, Швециянинг ахборот технологиялари, тоғ-кон, электр-энергетика, қурилиш каби соҳалардаги компаниялари фаолияти ҳақида маълумот берилди. Анжуманда Ўзбекистон билан Швеция ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Шу куни Ўзбекистон ва Швеция ишбилармонлари ўртасида кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Миллий матбуот марказида «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 2016 йилдаги фаолияти яқунлари ва жорий йилдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Компания маҳаллий экспортчилар мулкрий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида 500,8 миллиард сўмлик шартномалар тузган. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича қабул қилинган мажбуриятлар 263,5 млрд. сўмни ташкил этди. Компания қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, экспортчи тадбиркорлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Тадбиркорлик субъектлари, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида тўртта янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Швейцариянинг «Bionovatic» компанияси билан ҳамкорликда «Биологиялашган қишлоқ ҳўжалиги ва унинг органик деҳқончиликдаги ўрни» мавзусида семинар ўтказди.

Семинарда Ўзбекистонда органик қишлоқ ҳўжалигининг амалдаги ҳолати ва истиқболлари, техник ва иқтисодий асослари, органик маҳсулотлар етиштириш, ўсимликларни озиклантириш ва ҳимоя қилишнинг биологик усуллари, органик қишлоқ ҳўжалиги тамойиллари ва усуллари ҳақида маърузалар тингланди. «Bionovatic» компанияси биологик препаратлар ишлаб чиқариш

борасида тақдимот ўтказди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши аъзолари Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида аҳоли билан мулоқот ўтказди.

Партия фаоллари ташаббуси билан тумандаги «Холмўминов Зоҳид» фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориевнинг хонадо-нида ўтказилган кўргазмали ўқув-семинарда касб-хунар коллеж-ларини битираётган қизлар, уй бекалари иштирок этди. Партия томонидан 2016 йилда ўтказилган «Ишбилармон аёл» кўрик-танловининг мамлакат босқичида иккинчи ўринни эгаллаган Ша-рофат Нориева семинар иштирокчиларини ўзининг фермерлик фаолияти билан таништирди. Семинар иштирокчилари тадбиркор-нинг иссиқхонада гул етиштириш тажрибаси билан танишди.

Фарғона шаҳри ҳудудидан оқиб ўтадиган Марғилонсой ка-налига микро ГЭС ўрнатилиб, ишга туширилди.

Фарғона политехника институти олимлари томонидан яратил-ган мазкур иншоот мамлакатимизда илк бор ихтиро қилинган од-дий сув генераторидир. Тадқиқот жараёнида 6 устун-траншейдаги кўча ёритиш чироклари шаҳар электр тармоқларидан узиб қўйилиб, қурилма ёрдамида ёритиб кузатилди. Соатига 50 киловатт электр энергияси ишлаб чиқарадиган генератор электр энергиясининг узлуксизлигини таъминлаши аниқланди. Содда ишланган ва кам харажат талаб этадиган ушбу чархпалак ГЭС электр энергиясини тежаш ва унинг узлуксизлигини таъминлашда қўл келади.

Жиззахда автопойга бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 10 дан ортиқ спорт клуби иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти техник ва амалий спорт турлари маркази автопойгачилари биринчи ўринни эгаллади ва Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Иккинчи ўринга Жиззах вилояти ўқув спорт-техника клуби, учинчи ўринга Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани автоспорт клуби жамоалари сазовор бўлди.

23 ФЕВРАЛЬ «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармо-ни эълон қилинди.

Мазкур Фармонга кўра, 93 та шахснинг аризалари қаноатлантирилди ва улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комис-сиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамла-катимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.

Президент икки мамлакат ўртасидаги самарали ва ўзаро ман-фаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, бунинг учун аввало савдо, инвестициявий технологиялар ва транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ва мустақамлаш лозимлиги, бу савдо ва маданият соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар ярати-ши алоҳида таъкидланди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Очилбой Раматов мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Асқар Мамин иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорликни яна-да ривожлантириш бўйича икки мамлакатда ҳам фойдаланилмаган имкониятлар кўп эканини таъкидлади.

Тошкентдаги Маданият ва санъат кўргазмаси залида Халқ

билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан «Чегара билмас ижод» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ рассоми В.Бурмакин, Маданият ва санъат кўргазмаси зали директори ўринбосари Ғ.Ражабов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намён этиши учун яратилган шароитлар уларни Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Кўргазмада муаллифларнинг икки юзга яқин асари экспозицияга қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Санъат саройида Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри иштирокида «Она юрт оҳанглари» концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестрининг зарбли, дамли, торли ва камонли чолғу асбобларидан тараладиган миллий ва жаҳон мумтоз мусиқа оҳанглари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур туйғуларини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Концерт дастуридан ўзбек ва жаҳон мумтоз композиторларининг асарларидан намуналар, опералардан ариялар, замонавий мусиқий асарлар ўрин олди.

Тошкент Фотосуратлар уйида моҳир рассом Солижон Маматқулов ижодига бағишланган «Икки инсон» деб номланган бадий кўргазма ташкил этилди.

С.Маматқулов асарлари бир қатор ижодий танловларда муваффақият қозониши билан бирга АҚШ, Болгария, Германия, Греция, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатлардаги галереялар, шахсий тўпламларда сақланмоқда. Кўргазмадан юздан ортиқ асар ўрин олган.

Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ёш шахматчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида стипендия жорий этди.

Стипендия ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар фонди доирасида Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг халқаро ва республика

мусобақаларида яхши натижаларга эришган, яхши хулқ-одобли, ўқув-машғулотлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этадиган спортчи-ўқувчиларига стипендия комиссияси қарорига асосан тўланади. Айни пайтда комиссия қарорига кўра, шахмат бўйича жаҳон, Осиё ва мамлакат мусобақалари чемпион ва совриндорлари бўлган 31 нафар ўқувчи ойлик стипендия соҳибига айланди. Шахмат бўйича ўн тўрт ёшгача ўғил болалар ўртасида жаҳон чемпиони Шамсиддин Воҳидов стипендияга муносиб, деб топилди.

24 ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида янги қуриладиган объектлар, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ишлаб чиқариш корхоналари лойиҳаларини кўздан кечирди. Жумладан Қарши туманидаги Президентга биринчилардан бўлиб кўрсатилган лойиҳа 2017-2019 йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича манзилли дастур бўлиб, унда 17 корхона ташкил этиш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЛТ Текстиль Интернейшнл» Ўзбекистон – Хитой–Нидерландия қўшма корхонаси, Яккабоғ туманидаги собиқ «Яккабоғ текс» корхонаси негизида барпо этиладиган «Universal Taqqiyot Tekstil» қўшма корхонасига қўшимча инвестиция киритиш, Қарши шаҳридаги собиқ пахта тозалаш заводи негизида ташкил этиладиган «Wood Décor Production» қўшма корхонаси, Ғузор туманидаги собиқ пахта тозалаш корхонаси негизида газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция, «Нишон кўзгу» кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан Қарши шаҳрида чорва молларини автоматизациялашган қушхона, гўштни сақлаш ва қадоклаш комплекси лойиҳалари ҳамда Яккабоғ туманида ташкил этиладиган «Қорабайир отчилик мажмуаси» билан танишди.

Президент Косон туманида барпо этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳасини кўздан кечирди.

Мажмуа қурилиши учун 12 гектар, чорва молларига озуқабоп экинлар етиштириш учун 750 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда йилига 4 минг 280 тонна сут ва 210 тонна гўшт етиштириш, 140 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Президент чорвачилик комплексиغا хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришlash, етиштирилган маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Президент «Қарши насос станциялар каскадини қайта тиклаш - III фаза» лойиҳаси билан танишди.

Ушбу лойиҳа вилоятда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилиши таъкидланди. Лойиҳа Қарши насос станциялар каскадининг 1-6-насос станцияларининг 9 насос агрегатини янгилаш, 850 метр қувурларни янгилаш, сув келтирувчи канални лойқадан самарали тозалаш ишларини амалга оширишни кўзда тутади.

Президент «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ва «Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» лойиҳалари билан танишди.

Лойиҳа доирасида йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газни қайта ишлаш орқали 1,5 миллион тонна юқори сифатли «Евро-5» талабларига жавоб берадиган синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади. Шундан 743 минг тоннаси дизель ёқилғиси, 311 минг тоннаси авиакеросин, 431 минг тоннаси нафта ва 21 минг тоннаси суюлтирилган газни ташкил этади. Янги завод ишга туширилиши натижасида иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини қаноатлантириш ва нефть импорти ҳажмини камайтириш орқали хорижий валюта сарфини тежашга эришилади.

Президент Қарши туманидаги «Нукробод» қишлоқ фуқаролар йиғинининг Якка ёғоч массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойларни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев янги уй соҳибларидан бири Алишер Аҳмедов хонадониди бўлиб, бу ерда яшаш учун яратилган қулай шароитлар билан танишди, дилдан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Мирмирон массивидаги янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишди.

Ушбу иссиқхона 25 гектар майдонда металл, тахта, плёнка ва бошқа маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда барпо этилади. Бу ерда лимон, мандарин ва папайя каби цитрус мевалар, помидор, бодринг, гулқарам, ҳар хил кўкатлар етиштирилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида иссиқхонада йилига 3 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги «Қарши лезер» қўшма корхонасида бўлиб, Қашқадарё вилоятида чармпойабзал соҳасини янада ривожлантириш дастури, мевасабзаот етиштириш, янги логистика маркази ташкил қилиш, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманларида токзорлар барпо этиш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар билан танишди.

«Қарши лезер» қўшма корхонасида амалга оширилаётган қиймати 9,1 миллион долларлик лойиҳа намойиш этилди. Лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юқори сифатли, рақобатбардош тайёр чарм ишлаб чиқариш, йилига 45 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Босқичма-босқич ишга тушириладиган корхонада 300 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларга асосан коллеж битирувчилари қабул қилинади.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказиладиган «UzBuild Tashkent – 2017», «MebelExpo Uzbekistan – 2017» ҳамда «Aquatherm Tashkent – 2017» ихтисослаштирилган халқаро кўرғазмалари олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

«Uzbuild Tashkent – 2017» қурилиш ва интерьер кўрғазмаси ускуналар, технологиялар, қурилиш материаллари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчиларнинг истеъмолчилар билан амалий мулоқоти учун самарали восита ҳисобланади. «MebelExpo Uzbekistan – 2017» халқаро кўрғазмаси ўн тўртинчи

бор ўтказилмоқда. Унда 19 мамлакатнинг 110 дан зиёд компанияси энг янги технологиялар ва маҳсулотларининг сара намуналарини тақдим этади. «Aquatherm Tashkent – 2017»да иситиш, сув таъминоти, сантехника, сунъий иқлим ҳосил қилиш, ҳавони тозалаш, сунъий ҳовузлар, сауна ва спа тизимлари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар иштирок этиши режалаштирилди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида мамлакатимизнинг Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик алоқалар ўрнатганининг йигирма беш йиллигига бағишланган «Хитой маданияти ва санъати кунлари» фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фестивалда «Хитой маданий мероси», «Табиат манзаралари» ҳамда «Янги йил байрами» мавзулари асосида хунармандчилик намуналари, графика ва рангтасвир асарлари, фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирда ҳар икки мамлакатнинг миллий урф-одатларини ифодаловчи, дўстлик ришталарини тараннум этувчи куй-кўшиқлар ижро этилди. Фестиваль доирасида Хитой хаттотлик санъати ва қоғоз бўлақларини қирқиш орқали турлитуман байрам ашёларини яшаш бўйича маҳорат дарслари ташкил этилади, «Хитой бўйлаб саёҳат: байрамлар» номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

25 ФЕВРАЛЬ

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Хитойнинг «Zhengzhou Beston Amusement Equipment Co. Ltd.» компаниясида ишлаб чиқариладиган замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатиш, замон талаблари асосида спорт ва болалар майдончалари қуриш режалаштирилмоқда. Президент боғда яшил майсазорларни кўпайтириш, турфа гул ва манзарали дарахтлар экиш, бу ерга ташриф буюрувчилар учун барча шароитларни яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президент Қарши шаҳридаги аввалги «Насаф» стадиони ҳудудида барпо этилаётган кўп тармоқли сузиш ҳавзаси

ва замонавий дам олиш мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

4,7 гектар майдонда қурилаётган 25x11 метр ўлчамдаги икки сузиш ҳавзаси ҳудудда сув спорти турларини янада оммалаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, келажакда жаҳон ва Олимпия чемпионларини тарбиялашга хизмат қилади.

Президент Жайхун кўчасида қурилаётган 5 қаватли замонавий турар жой бинолари лойиҳаси билан танишди.

Ушбу кўчада аҳоли учун 25 та ана шундай кўп қаватли уй барпо этиладиган бўлди. Ҳудудда давр талаблари асосида фаолият юритадиган ресторанлар, супермаркетлар, иссиқ нон ва озиқ-овқат дўконлари, кафе ва чойхоналар, гўзаллик салонлари, сартарошхона ва автотураргоҳлар қуриш режалаштирилди.

Шавкат Мирзиёев Қарши туманида маиший чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳасини кўздан кечирди.

«Universal max service» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллион доллардан иборат.

Президент Қарши шаҳрида қурилаётган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиаллари лойиҳалари тақдимотида ҳам иштирок этди.

Президентимиз, бу марказларнинг ташкил этилишидан мақсад аҳолига янада кўпроқ қулайликлар яратиш, уларнинг соғлигини ишончли ҳимоя қилиш эканини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси лойиҳаси билан танишди. Энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланиши кутилаётган шифохонада вирусли гепатитнинг олдини олиш, диагностика ва даволаш ишлари олиб борилади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Халқ қабулхоналарини халқ билан мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш учун ташкил этдик, деди давлати-

миз раҳбари. Ҳар бир мурожаат ҳал этилиши, адолат таъминланаётганини одамлар сезиши керак.

Президент Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов хайкали, Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳи реконструкцияси лойиҳалари билан танишди.

Президент Абдулла Орипов хайкали лойиҳасини такомиллаштириш, бу ерда шоир номидаги мактаб ва унинг ижодига бағишланган музей ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари бу қадамжони кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, аллома асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берди.

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотография санъати мактаб-студияси битирувчиларининг ҳисобот кўргазмаси очилди.

Кўргазмада намоён этилаётган суратларда мактаб-студия битирувчиларининг миллий ҳаёт тарзимиз, оила, табиат, спорт ва бошқа мавзулардаги ишлари фотографиянинг турли жанрларида, ўзига хос изланишлар асосида акс этирилган. Шу табаррук заминга муҳаббат, гўзал анъаналаримизга содиқлик, халқимизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром барча суратлар мавзусининг бош ғоясидир.

27 ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейида «Шарқ нафис санъати ёшлар нигоҳида» номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси Бехзод Ҳожиматов ва мазкур олий таълим муассасаси талабаларининг миниатюра ва хаттотлик санъатига доир ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Кўргазмага миниатюрарчи ёш рассомларнинг миниатюра ва хаттотлик санъатига оид олтимшдан ортиқ асари қўйилган.

Таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирикларининг Фужайра шаҳрида ўтказилган «Fujairah Open – 2017» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этди.

Кадетлар баҳсида мамлакатимиз вакиллари Амирбек Тўраев, Азизбек Раҳмонбердиев ва Даниил Ким барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Жавоҳир Холмуродов кумуш медаль билан тақдирланди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда спортчимиз Зухра Очилова шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой эгаллади. Шунингдек, Ислон Йўлдошев, Динора Мухторова ҳамда Феруза Содиқова ўз вазн тоифаларида бронза медалга сазовор бўлди. Катталар баҳсида Никита Рафалович, Шухрат Салаев, Нигора Турсункулова кумуш, Валентин Хегай, Максим Рафалович, Темур Ўролов, Мафтуна Эргашева, Светлана Осипова бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари «Fujairah Open – 2017» халқаро турнирида 3 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалига сазовор бўлди.

Ёш теннисчи Ясмينا Каримжонова Қозоғистонда ўтказилган «Capital Cup – 2017» халқаро турнирида икки бор шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ясмينا финалда мезбонлар вакили Дарья Детковскаяни 6:3, 6:4 ҳисобида енгиб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Я.Каримжонова ҳамда Д.Детковская жувфтлик беллашувларида ҳамкорликда ўйнаб, финалда россиялик Ирина Бабкова ҳамда Мая Горбуновани 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Malaysian Open – 2017» халқаро турнирида Сабина Шарипова саралаш баҳсларида малайзиялик Теивия Селваражони 6:1, 6:2, нидерландиялик Синди Бургерни 4:6, 7:6, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, асосий тур баҳсларига чиқди.

Россияда ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Иброҳим Норматов 91 килограммдан оғир бўлган боксчилар ўртасида бронза медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Германия, Тожикистон, Беларусь, Украина, Мўғулистон, Латвия ва Молдовадан келган боксчилар ғолиблик учун рингга кўтарилди.

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Осие чемпионолар лигасининг гуруҳ босқич иккинчи тури доирасида Бирлашган Араб Амирикларининг «Ал-Аҳли» клубини қабул қилди.

«Локомотив» аъзолари 20-сонияда ҳисобни очди. Марат Бикмаев узатган тўпни Саламат Қутибоев боши билан рақиб дарвозасига аниқ жойлаб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлимда «Марат Бикмаев 57-дақиқада ҳисобни 2:0 га етказди. Шу тариқа «Локомотив» жамоаси дастлабки уч очкони қўлга киритди.

Болгариянинг Варна шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз ёш спортчилари муваффақиятли иштирок этди.

Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган баҳсларда Ислом Баҳромов, Мирзобек Раҳматов ва Жалғас Бердимуродов биринчи ўринни эгаллади. М.Раҳматов, шунингдек, ёш полвонлар орасида «Энг яхши техника соҳиби» номинациясида ғолиб бўлди. Тўрабек Тиркашев ва Фазлиддин Намозов бронза медал билан тақдирланди. Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда Рустам Жўраев ва Баҳодир Аслонов ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Рамазон Ибодов, Муҳаммадали Мухторов ва Ҳасанбой Раҳимов эса учинчи ўринни эгаллади.

Баҳрайнда бўлиб ўтган велоспорт бўйича Осиё чемпионати-нинг ўсмирлар ўртасидаги шахсий биринчилик пойгаларида спортчимиз Искандар Шодиев учинчи натижани қайд этди.

Малайзияда ўтказилган каратэ бўйича нуфузли турнирда спортчимиз Сарвар Муродуллаев муваффақият қозонди.

Осиёнинг ўн етти мамлакатидан энг кучли каратэчилар беллашган турнирда Сарвар олтин медалга сазовор бўлди.

28 ФЕВРАЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Ташқи разведка хизмати директори Сергей Нарискинни қабул қилди.

Сўхбат чоғида экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Россия Ташқи разведка хизмати директори давлатларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик даражасини юқори баҳолади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ипотека-банк»

акциядорлик-тижорат банки аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, уй-жой куриб битказилгач, бириктирилган хонадонни сотиб олиш истагидаги фуқаро банкка бир қатор ҳужжатлар тақдим этиши зарур. Ариза, кредит олувчининг паспорт нусхаси, кредит олувчининг охириги 12 ойда олган даромадлари тўғрисидаги маълумотлар шулар сирасидандир. Эътиборлиси, кредит олувчига яна бир қатор солиқ имтиёзлари ҳам яратилганидир. Бунда кредит олувчининг ўзи ёки оила аъзоларининг кредит бўйича ойлик тўловларни қайтариш учун йўналтирган маблағи солиққа тортилмайди. Шунингдек, кредит тўлиқ қайтгунига қадар хонадон учун мол-мулк солиғи тўланмайди.

Ўзбекистон давлат драма театрида «Атиргуллар қисмати» деб номланган янги спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

Қўчқор Норқобилов ва Хосият Рустамова қаламига мансуб ушбу сахна асари файзли оилага бека, комил фарзандларга она бўлиш экани ҳақида ҳикоя қилади. Асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова, артистлар Муҳаббат Абдуллаева, Тамара Мирмақсудова, Нафиса Тошматова, Изроҳат Муродова, Юлдуз Ҳайдарова, Шахло Ҳожиева ижро этишди.

МАРТ

1 МАРТ

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компанияларидан бири «Женерал Электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

Учрашув чоғида ушбу компания билан узоқ муддатли, айниқса, юқори технологик тармоқлардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш истикболлари муҳокама қилинди. Учрашувда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ компанияси вице-президентининг мамлакатимиз вазирликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якунида иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида меморандум имзоланди.

«Ўзэкспомарказ»да қурилиш материаллари, мебель ва маиший ускуналар маҳсулотлари «UzBuild Tashkent – 2017», «MebelExpo Uzbekistan – 2017», «Aquatherm Tashkent – 2017» халқаро кўргазмалари очилди.

Кўргазмада қурилиш ва пардозлаш материаллари, уларни ишлаб чиқариш технологиялари, хонадон ва офис мебеллари, интерьерлар, кўргазмасида иситиш ва совутиш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, ҳавони тозалаш техникаси, сантехника ва сув ҳавзалари ускуналари тақдим қилинди. Жорий йилдан бошлаб «UzBuild Tashkent» ўз тараққиётини янги босқичга кўтариб, «ITE» компаниясининг ушбу тармоқдаги тадбирлари туркумини «WorldBuild Tashkent» бренди остида давом эттиради. Ташкилотчиларнинг фикрича, «MebelExpo Uzbekistan – 2017» мебель ва ёғочга қайта ишлов бериш бозори конъюнктураси ва ўсиш даражаси, янги мавсум учун замонавий мебель трендлари, янги технология ва ноу-хаулар ҳақида қимматли маълумотлар майдони бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Сабина Шарипова Куала-Лумпур шаҳридаги «Malaysian Open – 2017»

халқаро турнирининг асосий тўр бахслари биринчи даврасида ғалаба қозонди.

Истеъдодли теннисчи Одил Каримов россиялик Никита Скибинскийни мағлубиятга учратиб, иккинчи даврада қозоғистонлик Сундет Нагиметовни синовдан ўтказадиган бўлди. Олеся Ким россиялик Евгения Сафронова устидан 6:3, 6:2 ҳисобида зафар кучди.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасида вазирлик томонидан яна бир янгилик жорий қилинди.

«Таълим муассасалари билан ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усуллари жорий этиш, ота-оналар билан таълим тизимида оид муаммоларни жойида ҳал этиш, бу борада аҳоли билан яқиндан доимий мулоқотни тизимли ташкил қилиш мақсадида шу йилнинг 1 мартидан бошлаб республикадаги барча умумтаълим мактабларида «Ота-оналар билан мулоқот хонаси» ташкил этилди.

2 МАРТ

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев билан суҳбатда Ўзбекистон ва БМТ ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамда очиқ мулоқотга асосланган муносабатлар қарор топгани қайд этилди. Учрашувда Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро алоқалари тобора кенгайиб бораётгани, иқтисодиёт, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, маданият ва таълим йўналишларидаги ҳамкорлик самаралари алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енчани қабул қилди.

Президент БМТнинг глобал хавфсизлик ва барқарорликни

саклаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ҳамда бугунги куннинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда тутган муҳим ўрнини алоҳида қайд этди.

Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Иснод» бадий фильмининг тақдироти бўлиб ўтди.

Кинокартинада содда қизларни алдаб, чет элларга сотиб юбориш ҳолатлари тележурналист Жамиланинг саъй-ҳаракатлари самарасида фош этилади. Сценарий муаллифи ҳамда постановкачи режиссёрлар – Рихсивой Муҳаммаджонов, Абдувоҳид Ғаниев. Фильмдаги асосий ролларни Дилноза Кубаева, Шохрух Ҳамдамов, Баҳора Арслонова, Шаҳзода Матчонова, Раъно Шодиева, Феруза Мустафоева ижро этган.

Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» болалар марказлари ўртасидаги «Миллий рақслар» кўрик-танловининг вилоят босқичида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 126 ўқувчи иштирок этди. Танловда иштирокчилар маҳорати жамоавий ва якка рақс ижрочилиги бўйича синовдан ўтказилди. Жамоавий ижрочилик бўйича Жиззах шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг «Ниҳол» жамоаси, якка ижрочилик бўйича Дўстлик тумани «Баркамол авлод» болалар маркази аъзоси Севара Норматова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. «Энг чиройли ижро маҳорати», «Ўзига хос миллий рақс ижроси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

3 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаони қабул қилди.

Учрашувда 2017-2019 йилларга мўлжалланган кўшма дастур доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр тармокни модернизация қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муқобил энергетика-

ни ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқа йўналишларга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Такехико Накао Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари билан танишди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни кенг жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмлари тўғрисида маърузалар тингланди.

Наманганда «GS1 Халқаро стандартлар тизими, тушунчаси ва унинг афзалликлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинар иштирокчиларига юртимиздаги GS1–халқаро автоматик идентификациялаш ва маҳсулотларни рақамлаш тизимидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, бу тизимнинг стандарт ва ечимларига штрихли кодлаш, маълумотларни электрон узатиш ва синхронлаштириш, радиочастотали идентификациялаш бўйича, шунингдек, ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларни штрихли кодлаш, штрих кодланган маҳсулотларнинг савдо жараёнларидаги, экспорт қилишдаги ва оմборхона ҳисобини юритишдаги афзалликлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йилнинг 10 мартидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 10000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқариши тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан кўргазма ташкил этилди.

Экспозицияда рассомлар М.Шувалованинг «Аёл – гул», «Дуо» ва «Бодом ранг», О.Жуманиёзованинг «Севги фаришта-си», «Кўриқловчи фаришта», «Уч фаришта», Н.Латипованинг «Лилиялар», М.Ўлмасованинг «Лолақизғалдоқлар», «Ёмғирли кун», Н.Орипованинг «Баҳор», «Қизил атиргуллар», «Анор», О.Залевскаянинг «Заррин гулдаста», «Гуллаётган новда», И.Шиннинг «Баҳор», «Куз» каби асарлари тақдим этилди.

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси биринчи тур ўйинлари бошланди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Локомотив» жамоаси сафарда «Машъал» клуби меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва дастлабки уч очкони қўлга киритди. «Динамо» жамоаси Бекободда биринчи тур ўйинини ўтказиб, мезбонлар – «Металлург» жамоаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритди. «Пахтакор» клуби ўз майдонида «Қизилқум» жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жамшид Искандаровнинг иккита ва Станислав Андреевнинг битта голи мезбонларга ғалаба келтирди. «Қизилқум» жамоасининг ягона голига Азамат Алланиёзов муаллифлик қилди.

Пойтахтимизда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларда Мухриддин Тиловов Машраб Пардаев, Элшод Исоқов, Анвар Оллоёров, Фарид Амруллоев ва Дониёр Султонбоевни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Сардор Нуриллаев, Ҳикматулла Тўраев, Давлат Бобонов, Яхё Имомов, Шерали Жўраев ва Мухсин Ҳисомиддинов ҳам ўз вазн тоифаларида мамлакат чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасида Муқаддас Кубеева, Диёра Келдиёрова, Дилдор Шерметова, Мухайё Иброҳимова, Гулноза Матниёзова, Кумуш Йўлдошева, Раҳима Йўлдошева биринчи ўринни эгаллади.

4 МАРТ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича нуфузли турнир – Бутунжаҳон бокс серияси (WSB)нинг VII мавсуми баҳслари бошланди.

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Uzbek Tigers» жамоаси Россиянинг «Patriot boxing team» жамоаси билан куч синашди. Беллашувларнинг 56 килограмм вазн тоифасида Абдулхай Шораҳматов ва Дмитрий Шарафутдинов, 64 килограммда Элнур Абдураимов ва Радмир Абдурахмонов, 75 килограммда Исроил Мадримов ва Ражаб Ражабов, 91 Зухриддин Маҳкамов ва Ислом Текеев, 49 килограммда Ҳасанбой Дўсматов ва Батор Сагалуев ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Беш вазндаги жанглarning барчаси кескин ва шиддатли тарзда ўтди. «Uzbek Tigers» жамоаси «Patriot boxing team» 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

6 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Туркменистонга келди.

Ашхободнинг Мустақиллик майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўғузхон саройида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка музокараси бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, кишлок хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни, Ўзбекистон Республикаси ва

Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мамлакатимизда яқинда чоп этилган Махтумқулининг «Элингга бахш айла» деб номланган китобини совға қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Халқаро Ахалтеки отлари мажмуаси билан танишдилар. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди. Президентимиз Туркменистон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди. Давлатимиз раҳбари Сапармурат Ниёзов макбарасига гул қўйди. Ўтганларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Фарғона вилояти Риштон туманида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши томонидан ҳунарманд ва тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Очик мулоқотда тадбиркорлар ва ҳунармандлар таклиф ва тавсиялари ўрганилиб, партиянинг ҳамкорлар иштирокидаги тегишли вазифалари белгилаб олинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан жавоб олди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг биринчи тур баҳслари бўлиб ўтди.

Биринчи турнинг дастлабки кунда «Локомотив» сафарда «Машъал»ни (1:0), «Динамо» «Металлург»ни (2:0) «Пахтакор» эса ўз майдонида «Қизилқум»ни (3:1) мағлубиятга учратди. Иккинчи кунги учрашувларда «Бунёдкор» ўз майдонида «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. «Бухоро» ва «Олмалик» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам мезбонларнинг кичик ҳисобдаги ғалабаси билан яқунланди. Учрашувнинг 22-дақиқасида Иван Нагаев «Олмалик» дарвозасига тўп киритиб, жамоасининг ғалабасини таъминлади. «Насаф» сафарда «Кўқон – 1912» жамоасини 2:1 ҳисобида енгди. Худди шу ҳисоб Наманганда ўтган «Навбахор» ва «Обод» жамоалари ўртасидаги баҳсда ҳам қайд этилди. «Шўртан» ва «Нефтчи» ўртасидаги ўйин ғузорликлар фойдасига ҳал бўлди – 1:0.

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ иктидорли шахматчиси Сарвиноз Қурбонбоевага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ёш шахматчи 2008 йили Эронда ва 2009 йили Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатларида кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди. 2010 йилда С.Қурбонбоева спортда ва ўқишда эришган катта муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

7 МАРТ

Шавкат Мирзиёвнинг Туркменистонга ташрифининг иккинчи кунини Президентлар Туркманобод шахрига бордилар.

Ушбу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Туркманобод-Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг тантанали очилиш маросими бўлди. Давлат раҳбарлари поездга ўтириб, кўприкдан ўтдилар.

Туркманобод шахридаги марказий кўчалардан бирига Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг номи берилди, ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди. Мазкур ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Президентлар Ислом Каримов ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйдилар.

Туркманобод шахридаги «Рухият» саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди. Сарой фойесида ўзбек ва туркман халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи якунига етди.

Наманганда 1999-2000 йилларда туғилган ёшлар ўртасида муайтай бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Наманган вилоятидан Гулжаҳон Юнусалиева, Дурдона Давлатова, Андижон вилоятидан Гулнора Юнусова, Севара Ғуломжонова шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Ўсмирлар ўртасидаги курашда Наманган вилоятидан Босит Абдуалимов, Раҳим Болтабоев, Ўқтам Бойматов, Фарғонадан Илҳом Абдурахмонов, Тошкент шахридан Баҳодир Жадигеров, Фахриддин Ҳасанов, Шерзод

Эшматов, Андижон вилоятдан Фаррух Ўринбоев, Азиз Нурматов, Иқбол Икромов, Самарқанд вилоятдан Давлат Шамсиев, Шахзод Вохидов, Мехрож Эргашев, Муҳаммад Мирзаев, Хоразм вилоятдан Азиз Мадаминов биринчи ўринни эгаллади. Мусобақада 5 олтин, 2 кумуш, 3 бронза медалига сазовор бўлган наманганлик муайтайчилар умумжамоа ҳисобида голиб чиқди ва кубокни қўлга киритди. Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи ва Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

9^{МАРТ} **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан «Қулай бизнес муҳити – тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишнинг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда Шавкат Мирзиёвнинг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди. Тадбирда партия фаоллари томонидан жойларда аниқланган қатор камчиликлар, кўтарилган муаммолар ечими юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, муаммоларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди.

Мини-футбол бўйича XXI Ўзбекистон миллий чемпионатининг чорак финал баҳслари бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг амалдаги чемпиони – «Олмалиқ» жамоаси «Пахтакор» клуби устидан биринчи ўйинда 11:4, иккинчи баҳсда 9:1 ҳисобида ғалабага эришиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. «Дўстлик-АИН» жамоаси «Максам-Чирчик» клубини (2:1, 3:2) мағлубиятга учратган бўлса, «Ардус» «Металлург»ни (6:2, 5:2), «Бунёдкор» клуби эса «Когон» жамоасини (5:4, 5:0) енгиб, ярим финалга чиқди.

2018 йили ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичига пухта тайёргарлик кўраётган ўн

тўққиз ёшгача футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирикларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашди.

Ёш футболчиларимиз БАА ёшлар терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинини ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувда Камрон Саидазимов ва Афзал Холмуҳаммедов рақиб дарвозасига гол киритиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг ғалабасини таъминлади.

10^{МАРТ} **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташриф буюрди.**

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро темир йўл вокзалида йўловчилар учун яратилган шароитларни бориб кўрди. Вокзал ичида VIP ва турли хизматлар кўрсатиш заллари, тиббиёт, она ва бола, дам олиш хоналари, кутубхона, буфет, савдо шохобчалари мавжуд. Бино ташқарисида 4 янги чиптахона ва фаввора қурилди. Майдони 2,9 гектар бўлган вокзал бир вақтнинг ўзида 500 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатади. Бир кеча-кундузда 2 мингдан ортиқ йўловчини кутиб олиб, жўнатиш имкониятига эга. Давлатимиз раҳбари шу ерда Бухоро – Мискин темир йўл қурилишининг бориши билан танишди. Ушбу темир йўл 350 километрдан зиёд. Лойиҳанинг умумий қиймати 283 миллион долларни ташкил этади. Президентимиз «Afrosiyob» электропоезднинг имкониятлари, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Президент Бухоро шаҳридаги «Бухор бриллиант силк» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида бўлди.

2010 йилда ташкил этилган, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонада пилла қайта ишланиб, турли ўлчам, кўриниш ва рангдаги матолар тайёрланмоқда. Айни пайтда «Бухоро бриллиант силк» қўшма корхонасининг ипак толалари хорижда харидоргир. Ўтган йили корхонанинг Эрон, Вьетнам, Туркия, Ҳиндистонга қилган экспорт ҳажми қарийб 2,5 миллион долларга тенг бўлди. Президент корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда «Ўзбекенгилсаноат» акциядорик жа-

мияти томонидан собиқ «Бухоротекс» АЖ негизида ташкил этиладиган «Индорама Индаст ЛТД» Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди. Президент «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан 2017-2018 йилларда Бухоро вилоятида пахта толасини қайта ишлаш дастури лойиҳаси билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрида ишга туширилаётган «Бухоро коттон текстиль» корхонаси лойиҳаси билан танишди.

Унда мамлакатимизда етиштирилган пахтани тола кўринишида сотиш энг кам даромад келтиришини, пахта толасини қайта ишлаб, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришимиз зарурлигини таъкидланди.

Президентга Олот туманидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамияти, Пешку туманидаги ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўп тармоқли корхона, Бухоро шаҳрида пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни камраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери тузиш, табиий ва кимёвий толалардан интеграция асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Арк» қўрғони мажмуасида Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимотида иштирок этди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури асосида 39 лойиҳа амалга оширилади. Давлатимиз раҳбари соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар ва бошқа ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президент Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳасини кўздан кечирди.

Музей қурилиб, ишга туширилса, «Арк» қўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар у ерга кўчирилади. Олтамишдан ортиқ иш ўрни яратилади. Музейни жаҳон стандартларига мос жиҳозлаш, замонавий технологиялар ўрнатиш, бу ерга келувчи-

ларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президент Жондор туманидаги «Жондор чинор чорва» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этиладиган паррандачилик мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

Пархез гўшт ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида «Жондор чинор чорва» масъулияти чекланган жамияти Нидерландиядан гўшт йўналишидаги насли парранда олиб келди. Энди корхона негизида қўшимча равишда парранда гўштини қайта ишлаш цехи, 110 минг бош жўжа ўстиришга мўлжалланган мажмуани ишга тушириш режалаштирилган.

Президент Бухоро туманида 38 гектарда барпо этиладиган агрологистика маркази лойиҳаси билан танишди.

Умумий қиймати 21,8 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа доирасида марказда Хитой, Германия, Дания технологиялари асосида мева-сабзавотларни қуритиш, музлатиш, мураббо, жем ва тузламалар ишлаб чиқариш қувватлари, музлаткич ва сублимация ташкил этилади. Бу йилига 10 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш, дастлабки йилларда 6,5 миллион доллар миқдоридagi маҳсулот экспорт қилиш имконини беради. Натижада 250 доимий иш ўрни яратилади.

Президент Пешку туманида ташкил этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳаси билан танишди.

Янги чорвачилик комплекси 1000 бош қорамол ва 1 минг 500 бош қўй боқишга мўлжалланган. Умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган мазкур лойиҳа натижасида 2 минг 650 тонна сут, 200 тонна гўшт, 2,5 тонна жун ишлаб чиқариш режалаштирилган. 800 гектар майдонда озуқа етиштирилади. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Шу ерда Бухоро, Пешку, Ромитан, Олот туманларида ташкил этилаётган бошқа чорвачилик хўжаликлари лойиҳалари ҳам намоийш этилди.

Шавкат Мирзиёев Аму-Бухоро ирригация тармоқлари лойиҳаси тақдими билан ҳам танишди.

Президент бу ирригация тизими Бухоро учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, ажратилган маблағ ва техникалардан оқилона фойдаланиш, белгиланган тадбирларни ўз вақтида

амалга оширишга эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди. Шунинг ўзида 2017 йилда Бухоро вилоятида ташкил қилинадиган интенсив мевазор ва узумзорлар режаси ҳам намойиш этилди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси – Хавфсизлик кенгаши котиби В.Жумаканов бошчилигидаги делегация Тошкентда бўлди.

Икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва давлат муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган музокаралар чоғида барқарорлик ва хавфсизликка раҳна соладиган замонавий таҳдид ва хатарларга, диний экстремизм, терроризм, ноқонуний миграция ва бошқа хавфларга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Икки давлат кўп қиррали муносабатларни 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома руҳида янада ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодировнинг ҳаёти ва серкирра ижодига бағишланган «Илмга бахшида умр» фотокўргазма ва хотира кечаси ўтказилди.

Муҳсин Қодиров санъатшунослик фанида тарихий, этнографик манбалар асосида санъат тарихини тиклашдан иборат илмий йўналишга асос солган. Олимнинг «Ўзбек театри анъаналари», «Ўзбек анъанавий кўғирчоқ театри», «Сехр ва меҳр», «Саҳнамиз лочинлари», «Навоий ва саҳна санъати», «Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар» каби асарлари бугунги кунда бой илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Кўргазмада намойиш этилаётган эллиқдан ортиқ фотолавҳа Муҳсин Қодиров ҳаёти ва ижодини қамраб олди.

Нукус олимпия захиралари коллежида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Қорақалпоғистон чемпионати якунланди.

Оғир тошларни даст ва силтаб кўтариш бўйича энг яхши натижани кўлга киритган нукуслик Зухра Узоқбергенова, Сайёра Қайпназарова, Жазийра Матмуратова, Бозоргул Рейимбергенова,

Муяссар Жамоладдинова, Малика Мадатбоева, Беруний туманидан Дина Тожибоева ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Ўсмир йигитлар ўртасида ўз вазн тоифасида бошқаларга имконият қолдирмаган оғир атлетикачилар тахиятошлик Далат Ўтебев, Қувонч Боймуратов, Ўмирбой Мавленов, Шахмардон Кемалов, нукуслик Айберген Аяпбергенов, Бекзод Жамолов, Муҳаммаддин Муратбоев, Нурабулла Абдуллаев ғолиблик шохсупасидан ўрин олди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб спорт фестивали ўтказилди.

Вазирлик тизимида аёлларнинг ишдан бўш вақтида сузиш, шахмат, стол тенниси билан мунтазам шуғулланиши, спорт-соғломлаштириш секцияларига қатнаши учун барча шароит яратилган. Спорт фестивалида турли номинациялар бўйича ғолиб чиққан жамоалар муносиб тақдирланди.

Муқимий номидаги Кўқон давлат педагогика институтида «Китобхонлар байрами» ўтказилди.

2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китобмуомаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши тадбир учун муҳим дастуриямал бўлди. Китоб байрамида 10000 дан ортиқ китоблар савдоси ташкил этилди.

11 МАРТ
Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги халқ қабулхонаси замонавий бинода иш бошлади. Бу ерда жисмоний ва юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Қабулхона ҳуқуқий адабиётлар, зарур маълумотлар ва ахборот технологиялари билан таъминланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида бўлиб, бу

ерда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

Ушбу муассаса биносини жаҳон стандартларига мос таъмирлаш, бўлимларни замонавий тиббий технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, янги қабулхона, реанимация, компьютер-томография, операция қилиш хоналари қуриш мўлжалланмоқда. Бу ерга янги тез тиббий ёрдам машиналари олиб келинади. Президент Республика урология марказининг Бухоро филиалида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари, Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги ўқув биноси ва клиникаси қурилиши, Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси тизимида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳалари ҳам билан танишди.

Президент Пойи Калон мажмуасида бўлди.

Президент юртдошларимиз ва мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида хунармандлик расталари, дўконларни қайта қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Икки томонда хунармандлик дўконлари жойлашган йўлак бўйлаб борар экан, Президентимиз мазкур йўлакларни кенгайтиришни, дўконларни икки қаватли қилиб қайта қуриш лозимлигини таъкидлади. Президентимиз хунармандлик бозорини тартибга келтиришни, миллий анъаналаримиз акс этган, замонавий расталар қуришни таклиф қилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Исом Каримов ва Ибн Сино кўчалари кесишган жойда бунёд этиладиган Универсал спорт мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди. Мажмуада ёзги ва кишки спорт майдонлари қуриш лозимлиги таъкидланди. Вилоятдаги спорт иншоотларини инвентаризация қилиш, уларни муайян спорт турига ихтисослаштириш, оммавийлигини ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президент Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида анъанавий хунармандлик устахоналарини жамлаган икки қаватли уйлاردан иборат хунармандлар мавзесини қуриш лойиҳаси билан танишди, Бухоро тарихини, қадимий бозорларини тиклаш, хунармандлар

мавзесига сайёҳларни кенг жалб қилиш, бу ерда кечки сайр имкониятини яратиш, миллий хунармандлик анъаналари ва кўнгилочар дастурларни намойиш қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Республика Киночилар уйи ҳамда Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Иснод» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Фильм ёшлик хою ҳавасларига берилиб, алданган хотин-қизларнинг кўргуликлари, улар тақдиридаги қора кунлар ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга одам савдоси, ёшлар тарбиясидаги бўшлиқлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилади. Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёрлари Рихсивой Мухаммаджонов, Абдувоҳид Ғаниев. Абдувоҳид Ғаниев. Асосий ролларни Дилноза Кубаева, Шохрух Ҳамдамов, Баҳора Арслонова, Шахзода Матчонова, Раъно Шодиева, Феруза Мустафоева ижро этган.

Мамлакатимизда «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали бошланди.

Мазкур ижодий лойиҳа номоддий маданий меросни кенг тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига ушбу бебаҳо бойликларга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини чуқур сингдириш имконини берди. «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивалининг илк тадбирлари Ўзбекистон миллий симфоник ҳамда «Туркистон» камер оркестрларининг концертлари билан бошланди.

13 МАРТ
Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Мухриддин Тиловов Халқаро дзюдо федерацияси томонидан Боку шаҳрида ўтказилган «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнирда шохсупага кўтарилди.

Дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатидан икки юзга яқин дзюдочи иштирок этган мусобақада М.Тиловов 60 килограмм вазн тоифасида беллашди. Мухриддин финалга қадар озарбайжонлик Оруж Вализода, мўғулистонлик Амартившун Дашдаваа, бразилиялик Эрик Такабатакени мағлубиятга учратди ва қумуш медаль билан тақдирланди.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Вазни 130 килограмм бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Мўмин Абдуллаев беларуслик Кирил Гришченко, озарбайжонлик Оян Назариёни, грузиялик Бека Канделакини мағлубиятга учратиб, кумуш медални қўлга киритди.

Грецияда «Фьючерс» туркумидаги «Heraklion – 2017» халқаро турнирида иштирок этаётган теннисчимиз Темур Исмоилов чорак финалга чиқди.

Мусобақанинг иккинчи даврасида Темур мезбонлар вакили Анастасиос Павлис билан куч синашди ва 6:7, 6:3, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Навоний шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия ва Молдованинг профессионал спортчилари ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

75 килограмм вазн тоифасидаги баҳсда бухоролик Жаҳонгир Жумаев россиялик Максим Ефременкони мағлубиятга учратган бўлса, вазни 85 килограмм бўлган тошкентлик Беҳзод Нурматов молдовалик Денис Томузни енгди. Тошкент вилояти вакили Илёс Раимов (90 кг) молдовалик Александр Лях устидан зафар кучди.

Тошкентдаги «Камолот» спорт-саломатлик мажмуасида бадий гимнастика бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада Эъзола Нурмухаммедова, Шаҳзода Ҳикматова, Висола Мираҳмедова, Лазиза Мирзааҳмедова, Хонзода Ўрозбоева, Мадина Абдулхамидова, Малика Эргашева, Вероника Цой, Дилнур Анварова, Гўзал Абдураззоқова, Нафосат Маннонова, Мўътабар Бобоҳўжаева ўз ёш тоифаларида шоҳсупага кўтарилди.

Тошкентдаги Республика олимпия захиралари теннис мактабида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида жой олган ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасидаги нуфузли турнир бошланди.

Мусобақанинг асосий тўр баҳслари биринчи даврасида мамлакатимиз вакиллари Олимжон Набиев беларуслик Мартин Борисиоук, Одил Каримов қирғизистонлик Намозбек Душембиев, Темур Сот-

тимов қозоғистонлик Достонбек Тошбўлатов, Азизхон Турғунов украиналик Александр Брайнинга қарши қортга чиқди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда ёш теннисчиларимиздан Милана Масленкова россиялик Варвара Куксина, Камола Умарова россиялик Влада Ковал, Ясмينا Каримжонова россиялик Аиша Кукушкина, Олеся Ким россиялик Анастасия Сухотина, Лайло Баҳодирова россиялик Мария Солнушкина, Валентина Шлейн украиналик Виктория Петренко билан куч синашди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг иккинчи туридан жой олган учрашувлар якунланди ва учинчи турнинг дастлабки баҳси бўлиб ўтди.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида «Обод» жамоаси «Кўқон – 1912» клуби билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Ўн олтинчи дақиқада кўқонликлар Филип Райевацнинг голи эвазига ҳисобни очган бўлса, 62-дақиқада Наврўзбек Хаипов ҳисобни тенглаштирди. «Машъал» – «Металлург» баҳсида муборакликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Зоҳир Қўзибоев 50-дақиқада рақиб дарвозасига тўп киритиб, жамоасининг ғалабасини таъминлади. «Қизилқум» ўз майдонида «Навбахор» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки уч очкони қўлга киритди. «Қизилқум»нинг голларига Азамат Алланиёзов ва Илҳом Юнусов муаллифлик қилган бўлса, «Навбахор»нинг ягона жавоб голини Мансур Саидов киритди.

Нукусда таэквондо (ITF) бўйича Қорақалпоғистон Республикаси очик чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тахиатош шаҳарлари ва Нукус тумани ҳамда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридан 1991-1999, 2000-2003 йилларда туғилган 110 нафар ёш спортчи ўзаро баҳслашди. Ўн беш вазн тоифасида бўлиб ўтган мусобақа якунида ўсмирлар ўртасида нукуслик Давлатназар Озодбоев, Бекмурза Фахриддинов,

Наврўзбек Бектурғанов, Алишер Тўрабоев, Тўраниёз Ернийёзов, тахиатошлик Дилмухаммад Турдимуратов, Абдор Ишназаров, Чирчиқ шаҳридан Никита Ким, Азил Одилов, Темур Курбонов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда тахиатошлик Севинч ва Муниса Эгамбергеновалар, Мафтуна Абдул-

лаева, чирчиклик Мўлдир Жумабоева, Фотима Алимова, нукуслик Дилноза Ортиқбоева, Айнура Жўлдасбоева, Мехрибон Нуржонова شوҳсупанинг юкори поғонасидан жой олди.

14МАРТ

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида 2017 йил пахта ҳосили учун чигит экиш мавсумини сифатли ташкил этиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

2017 йилда вилоятда 219 минг 800 тонна пахта хомашёси етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда 3 минг 100 дан зиёд фермер хўжалиги тасарруфидаги майдонга ғўзанинг «Наманган-77», С-6524, «Андижон-35», «Наманган-34», С-8286, «Бухоро-102» ҳамда бир қатор янги синов навлари экилади. Соҳа раҳбарлари ва мутахассислар томонидан экиш ишларини ташкил этиш, агротехник тадбирлар хусусида тавсиялар берилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Жиззах политехника институтида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси ўтказилди.

2017 йилда бўлиб ўтадиган X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига тайёргарлик доирасида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари илмий жамоалари, тадқиқотчилари, ихтирочиларининг 200 дан ортиқ технология ва ишланмаси намойиш этилди. Кўргазмада намойиш этилган технология, ишланма ва лойиҳаларнинг йигирматасини ишлаб чиқариш тармоқларига жорий этиш юзасидан дастлабки босқичдаги келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Эрон вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларининг бешинчи раунди бўлиб ўтди. Унда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Иброҳим Раҳимпур раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари муҳокама қилинди. Савдо-

иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқаларни янада чуқурлаштиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Эрон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ўзбекистонда Эрон сармоясини иштирокида тузилган 120 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Миллий матбуот марказида «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Насриддинов ва бошқалар мамлакатимизда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш дастури доирасида соҳага оид кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани, суғурта бозори иштирокчиларига кенг шароитлар яратиб берилгани аҳолининг суғурта хизматига бўлган ишончни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Канаданинг Россия ва Евроосиёдаги Ишбилармонлик ассоциацияси (CERBA) бошқаруви раиси Нейтан Хант билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Канада ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари, икки давлат тадбиркорларининг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Канаданинг Россия ва Евроосиёдаги Ишбилармонлик ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросига доир ҳужжат имзоланди.

Хоразмда «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида «Оилавий китобхонлик» китоб савдоси ярмаркаси бўлиб ўтди.

«Хоразм китоб олами» маънавий-маърифий мажмуасида ташкил этилган китоб савдоси кўргазмасида 70 минг нусхадан ортиқ китоб савдо расталарига қўйилди. Кўргазмада айниқса ўқув-услубий, бадиий-публицистик, илмий ва болалар адабиётлари кенг ўрин олди. Китоблар кўргазмаси вилоят маркази, туман ва шаҳарларда 10 кун давом этди.

Термиз археология музейида япониялик археолог олим Като Кюдзонинг Сурхондарё вилоятидаги маданий ва тарихий ёдгорликларда олиб борган изланишлари чоғида топган ноёб экспонатлари кўргазмаси ташкил этилди.

Като Кюдзо Сурхон воҳасида сақланиб қолган буддавийлик ибодатхоналари ва археологик ёдгорликларни чуқур ўрганиб, йигирмадан ортиқ монография яратди. 200 дан зиёд илмий мақола ёзди. 20 дан ортиқ илмий-тарихий асарларни таржима қилди. Кўргазмада вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларда қазииш ишлари олиб бориш чоғида япониялик археолог олим томонидан топилган милодий III-IV асрларга оид сопол қопқоқ, оҳақтошдан ясалган устун асоси, сопол чироқлар, будданинг ўтирган ҳолатдаги ҳайкали, урчуқ бошлари, тангалар, посанги, сопол кўза ва бошқа кўплаб ноёб экспонатлар ўрин олган.

Каттақўрғон шаҳар драма театрида ёш драматург Сардор Ҳамроевнинг «Оқпадар» драмаси асосида сахналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Драма асримизнинг энг оғрикли муаммоларидан бири, бутун инсоният келажаги, тараққиётига хавф солаётган терроризм ва унинг даҳшатли оқибатлари ҳақидадир. Ҳаётини образлар, бугунги давр воқелиги акс этган драма томошабинларни, бутун халқимизни огоҳликка, ҳушёрликка чорлайди. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг тажрибали ва ёш актёрлари Т.Халилов, У.Тиллаев, Ж.Аҳмадов, Қ.Расулов, Р.Ниёзов, Ў.Очилов, Н.Салимов ижро этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Залворли қадамлар» бадиий очерк ва публицистик мақолалар тўплами чоп этилди.

Китобда Андижондаги «Ўзбекистон» кўчасининг бугунги латиф кийёфаси, Асака автомобиль заводи, мамлакатимизда ёнилғи мустақиллигини таъминлаб берган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, тинчлик ва тараққиётимиз гарови бўлган Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Қамчиқ довонидаги 19,2 километрлик туннель, Устюрт газ-кимё мажмуаси, Қаршидаги Амир Темур кўприги, Урганчдаги Шовот канали бўйидаги ободон-

лаштириш ишлари ва бошқа мавзулардаги бадиий пухта, ҳаётини мисолларга бой асарлар жамланган.

Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган musiқа академик лицейида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кўшиқлар танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилган танлов Эркин Воҳидов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига эътибор қаратиш, ҳаваскор ёш musiқачиларга қулай ижодий муҳит яратиш, ёшларнинг ижрочилик маҳоратини янада ривожлантириш мақсадида ташкил қилинди.

15 МАРТ
«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор академик лицейларда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш, бу масканларда таълим бериш учун умумтаълим мактабларининг энг қобилиятли битирувчиларини саралаб олиш, ёшларнинг ўзлари танлаган касб ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган орзу-интилишларига эришмоғи учун янада кенг шароитлар яратиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қарорда академик лицейлар битирувчиларига аниқ мутахассисликлар бўйича билим ва кўникмалар бериш кўзда тутилган бўлиб, таълим жараёни якунига етганидан сўнг уларга давлат намунасидаги сертификат берилади.

«Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор билан Тошкент ахборот технологиялари университети Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилди, шунингдек,

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Университетда улуғ аллома номи абадийлаштириш ҳамда унинг буюк ва бебаҳо меросини кенг ўрганиш билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Қарорда университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни жорий этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган, шунингдек, унга кўра, университет қошида Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан мамлакатимизда давлат кадастрлари ягона тизими яратилиши бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 4 миллион 900 мингдан ортиқ ер участкасидан қарийб 1 миллион 770 мингтаси ҳамда мавжуд 5 миллион 590 мингта бино иншоотидан 2 миллион 715 мингтаси давлат кадастрлари ягона тизими геоахборот базасига киритилган. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги «2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан барча кўчмас мулк объектлари хатловини ўтказмоқда.

Қарши шаҳрида миллий кураш бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатида дастлабки ғолиблар номи аниқланди.

60 килограммлик полвонлар ўртасида сурхондарёлик Искандар Ҳакимжонов, 66 килограмм вазн тоифасида бухоролик Шаҳрам Аҳадов олтин медални қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда сурхондарёлик Мохинур Мўминова, Гулнора Сулаймонова, хоразмлик Дилдора Шерметова, самарқандлик Гулноза Зиёева ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритди.

Вазни 91 килограмм бўлган боксчилар баҳсида иштирок этган Жамшид Муҳаммадалиев финалда қирғизистонлик Илёс Ниёзов-

га қарши рингга кўтарилди. Боксчимиз ушбу жангда рақибига аниқ зарбалар йўллаб, ғалаба қозонди. Ўта оғир вазн тоифасида қатнашган Лазизбек Муллажонов ҳал қилувчи баҳсда россиялик Дмитрий Куликка қарши майдонга тушди. Лазизбекнинг кучли зарбаларини ўтказиб юборган Дмитрий биринчи раунддаёқ ўз мағлубиятини тан олди. Темур Эргашев кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Зоиржон Жуманазаров ва Асадбек Шодиев бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти Нукус филиалида Ўзбекистондаги Британия кенгаши директори Марк Кросси билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда талабаларга Уильям Шекспир асарларини инглиз тилида тарғибот қилиш ва асарларидан лавҳалар ўқиш – Китобхонлик тадбири бўлиб ўтди. Меҳмонлар ташрифидан кўзланган мақсад, Ўзбекистондаги Британия Кенгаши директори Марк Кросси билан ҳамкорликда Шекспир асарларини инглиз ва рус тилларида талаба-ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган кенга қамровли тадбирлар ҳақида ахборот берди. Тадбир сўнггида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабалари В.Шекспирнинг «Ромео ва Джулетта», «Клеопатра», «Гамлет» асарларидан лавҳалар намойиш қилдилар.

16 МАРТ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда истикболга мўлжалланган қўшма Ҳамкорлик дастурини тайёрлаш, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга қўмаклашишга доир тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти мамлакатимизга ташрифи дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларда ҳам қатор

музокаралар ўтказди. Учрашувлар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига техник қўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича битим имзоланди.

«Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармонда, шунингдек, шошилич тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилич хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрларни тайёрлаш борасида илғор усулларни жорий этиш кўзда тутилган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, деб қайта номланди ва Марказнинг асосий вазибалари белгиланди. Фармонга кўра, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали ташкил этилади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди.

Европа тараққиёт ва тикланиш банки делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида ҳам музокара ўтказди. Делегация аъзолари мамлакатда туризмни янада ривожлантириш учун меҳмонхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, транспорт коммуникациясини тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўмаклашиш, турли фестиваллар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш каби масалаларда ҳамкорликка тайёр эканини билдирди. ЕТТБ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказида ҳам бўлди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти пойтахтимиздаги пресс-клубда музокаралар якунлари бўйича матбуот анжумани ўтказди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Боку шаҳрида ўтказилаётган анъанавий «Буюк ипак йўли – 2017» халқаро турнирда иштирок этдилар.

Унда 91 килограмм вазн тоифасида Сардор Бегалиев дастлабки жангини россиялик Магомедмурод Арсланбековга қарши ўтказди. Кескин ва мурасасиз ўтган беллашувда боксчимиз рақибини мағлубиятга учратди. Вазни 64 килограмм бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида Иқболжон Холдоров қозғистонлик Аян Калибеков устидан йирик ҳисобда зафар қучган бўлса, 49 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Мироншоҳ Ибрагимов мезбон боксчи Ёдгор Алиев устидан ғалаба қозонди.

17 МАРТ
Тошкентда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки «Аҳолини тадбиркор қилиш» дастури доирасида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, уч йилгача муддатга берилаётгани таъкидланди. Тадбиркор битта иш ўрни яратса кредит 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда 6 фоиз миқдорида берилмоқда.

Тошкент шаҳрида «SAVOAM» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси билан БААнинг «Sheikh Ahmed Bin Obaid Al Maktoum» халқаро инвестициявий компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Назира Дадахонова, Бирлашган Араб Амирликларининг «Sheikh Ahmed Bin Obaid Al Maktoum» халқаро инвестициявий компаниясининг тижорат масалалари бўйича вице-президенти Мажид Иброҳим Али

Нақи Ал Заруни ва бошқалар Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўплаб йўналишлар қатори иқтисодиёт, савдо ва сармоя соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

«Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали турли концертлар, маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар билан давом этди.

Мазкур фестиваль доирасида ҳамда Ўзбекистон ва Исроил ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон давлат консерваториясида «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестрининг исроиллик мусикачилар билан биргаликдаги концерт ўтказилди. Концертда Ўзбекистон ва Исроил бастакорларининг сара намуналари, машхур кинофильмлардаги куй-кўшиқлар ижро этилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўрғазмалар залида «Наврўз – 2017» номли бадиий кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазмада рассомларнинг баҳор айёмига бағишланган юзга яқин рангтасвир ва графика асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. А.Мирсоатов, Д.Мамедова, И.Шин, О.Собиров, А.Алиқулов, В.Трошина каби ижодкорларнинг янгиланиш фасли, табиатнинг уйғониши, миллий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган картиналари томошабинларга манзур бўлди.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 2018 йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойда бўлиб ўтадиган йигирма уч ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қуръа ташланди.

Осиё футбол конфедерациясига аъзо қирқ мамлакат терма жамоаси Ғарбий ва Шарқий минтақага бўлинган ҳолда қуръада иштирок этди. Унга кўра, саралаш босқичида Жасур Абдураимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ғарбий минтақада «D» гуруҳида Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан ва Непал терма жамоалари билан баҳслашадиган бўлди.

Тошкентда «Нафосат олами» шиори остида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди кубоги учун VI спорт фестивали бошланди.

Фестивалнинг дастлабки кунда спортнинг сузиш ва синхрон

сузиш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Ш.Муҳамедов, Я.Якимчук, М.Мирзоҳидов, А.Ҳакимов, А.Қирғизбоев, А.Қурбонов, А.Неъматова, Б.Мажидова, Э.Иброҳимова, З.Воҳидова, М.Жумабоева, Л.Орифжонова, М.Жўраева сингари ёш спортчиларнинг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

19^{МАРТ} Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича нуфузли турнир – Бутунжаҳон бокс серияси (WSB)нинг VII мавсумининг навбатдаги баҳси ўтказилди.

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Uzbek Tigers» жамоаси Хитойнинг «China Dragons» жамоаси билан куч синашди. Бу йилги баҳсларда «Uzbek Tigers» жамоаси «С» гуруҳида Хитойнинг «China Dragons», Россиянинг «Patriot boxing team» ва Қозоғистоннинг «Astana Arlans» жамоалари билан баҳслашди. 52 килограмм вазн тоифасида Абдоржон Қодиров ва Йонг Чанг, 60 килограмм вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев ва Сен Ванг, 69 килограмм вазн тоифасида Шаҳрам Ғиёсов ва Вей Ли У, 81 килограмм вазн тоифасида Бектемир Мелиқўзиев ва Жиабин Хуанг, вазни 91 килограммдан оғир бўлган боксчимиз Баҳодир Жалолов Хайпенг Му билан куч синашди. Мусобақада «Uzbek Tigers» жамоаси 5:0 ҳисобида ғалабага эришди.

20^{МАРТ} Фарғонада инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси ўтказилди.

Унда 150 дан ортиқ ишланмалар намойиш этилди. Илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида 1 миллиард 748 миллион сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди. Кўрғазмадаги энергетика, энергия тежамкор, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш, ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, биотехнология, атроф-муҳит муҳофазаси, саноат технологиялари ва нанотехнологиялар экспертлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тижорат банклари томонидан шу ернинг ўзида инновацион ишланмалар учун имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

Тошкентнинг Олмазор туманида Ҳиндистоннинг «Shayana farm» фармацевтика компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Well med pharm» фармацевтика корхонаси фойдаланишга топширилди.

Бунинг учун тўрт ярим миллион доллар миқдорда инвестиция жалб этилди. Янги корхонада йилига ўн миллион қадокда гепатопротектор, оғриқ қолдирувчи, иммунитетни кучайтирувчи ва бошқа таблетка, капсула, малҳам ва шарбат шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида четдан келтирилаётган йигирма беш номдан зиёд дори воситасини тайёрлаш маҳаллийлаштирилади. Етмишдан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланади.

Финляндияда қиличбозлик бўйича ўтказилган жаҳон кубогида мамлакатимиз шарафини Олег Соколов муносиб ҳимоя қилди.

Мусобақада юзга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди. Жаҳон кубоги босқичининг «В» тоифасидаги баҳсларида иштирок этган Олег Соколов шпага йўналишида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади ва олтин медални қўлга киритди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Боку шаҳрида ўтказилган «Буюк ипак йўли – 2017» халқаро турнирида биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалини қўлга киритди.

49 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган боксчи Мироншоҳ Иброҳимов озарбайжонлик Ёдгор Алиев ва қозоғистонлик Асхат Жусуповни енгиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Мироншоҳ финалда эронлик боксчи Умид Аҳмадсафо устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонди ва олтин медални қўлга киритди. Халқаро турнирда Фазлиддин Мелибоев кумуш, Иқболжон Холдоров ва Сардор Бегалиев бронза медалига сазовор бўлди.

22 МАРТ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назар-

боевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Остона шаҳрига борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда эркинлаштиришга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқаришга доир Давлат дастурини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилди. Ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитилди.

Тошкентдаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида «Замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш – бизнесни самарали ташкил этиш гарови» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари вакиллари, чет эллик экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.Ҳидоятлов, парламент қуёи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов, Германия Молия вазирлиги масъул ходими Б.Кауэрс ва бошқалар корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари ва стандартларини жорий қилишга қаратилган тизимли чора-

тадбирлар Ўзбекистондаги инвестициявий муҳит жозибадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Истеъдодли теннисчи Темур Исмоилов Грецияда эркалар ўртасида ўтаётган «Фьючерс» турнирида иштирок этди.

Илк учрашувини Буюк Британия вакили Килан Оклейга қарши ўтказган Темур бир дақиқа ичида сетнинг биринчи геймини ютиб олди.

Наманганда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилаётган турнирни умидли спортчиларимиз – Олимжон Набиев ва Камола Умарова муваффақиятли бошлади.

Мусобақанинг дастлабки даврасида Олимжон покстонлик Музамил Муртазони 7:6, 6:0, Камола украиналик Ярослава Гадиатскаяни 7:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон терма жамоаси Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 8 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Шохруз Жўраев, Аслам Ортиқов, Сирожиддин Исломов, Мироншоҳ Убайдуллаев, Шероз Холмирзаев, Шарофиддин Саъдуллаев, Суннатилло Рашидов, Шерзод Эргашев ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Бобир Ҳақимов, Тохиржон Олимжонов, Достон Маликов, Темур Бултаков, Мадинабону Қодирова кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Умаржон Аҳмаджонов, Билолиддин Норхўжаев, Фурқат Юсупов, Миршод Жумаев шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

Ўзбекистонлик спортчи Садриддин Сайматов Голландиянинг Роттердам шаҳрида қаратэ бўйича жаҳон премьерлигасининг иккинчи босқичида олтин медални қўлга киритди.

Роттердамда ўтган мусобақада ҳам Садриддин финалга қадар кечган беллашувларда Қозоғистон, Бельгия, Англия, Италия, Саудия Арабистони ва Япония давлатлари вакиллари мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда латвиялик тажрибали спортчи Калвис Калнинснни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. С.Сайматов Португалияда талабалар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза, Индонезияда ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритган.

Ўзбекистон паралимпиячилари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилаётган халқаро Гран-при мусобақасида иштирок этишди.

Элликка яқин давлатдан тўрт юздан ортиқ спортчи қатнашаётган нуфузли мусобақанинг ядро улоқтириш бўйича хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида Наталья Семенова кумуш медални қўлга киритди. Эркалар ўртасида Элбек Султонов шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Олий таълим муассасалари талаба ёшлари ўртасида «Тафаккур синовлари» Республика кўрик-танловнинг 2017 йилги мавсуми бошланди.

Танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар тамонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврида сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар бўйича тарих, сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратишдан иборатдир.

23 МАРТ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида «Ватан ҳимоячилари» монументига гул қўйди.

Президент тинчлик, озошлик йўлида жон фидо қилган ватанпарвар инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик мажмуаси билан танишди. Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахтидаги Давлат раҳбарлари хиёбонига кўчат ўтказди. Бу ерда Ислом Қаримов эккан дарахт ўсмоқда.

Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президент-

лар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил кўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, парламентаризм, солиқ, транспорт, мудофаа, савдо-саноат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди. Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоев ҳамроҳлигида «Остона опера» Давлат опера ва балет театрига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон театр билан таништирилди. Президентлар бу ерда «Қиз Жибек» операсини томоша қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари «Назарбоев университети» ва «MEGA Silk Way» савдо марказини бориб кўрди.

Президент университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Президентлар «ЭКСПО – 2017» халқаро кўргазма майдонининг «Нур олам» павильонига ташриф буюрдилар. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз саноат корхона ва компаниялари ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этди. Кўргазмада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қозоғистоннинг йирик савдо тармоқлари, уюшма ва компаниялари билан музокаралар ўтказди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси «Kazakhstanexport» экспорт суғурта компанияси», «KAZNEX INVEST» экспорт ва импорт миллий агентлиги» акциядорлик жамиятлари, «Мева-сабзавот бирлашмаси» халқаро

ассоциацияси ва Қозоғистон савдо корхоналари ассоциацияси билан ўзаро англашув меморандумлари имзолади.

Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг кичик халқа йўли ва Фарғона йўли кўчаси туташган жойдаги йўл ўтказгични куриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Президент замонавий кўприклар куриш, йўлларни замон талабларига мослаштириш аҳолига қулайлик яратиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Кўприк остидан ўтувчи темир йўл атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳаллада бўлиб, бу ерда фуқаролар йиғини ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан танишди.

Президент профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир хонадон билан яқин мулоқот ўрнатиши, кўчалар ва жамоат жойларини қатъий назоратга олиши зарурлигини таъкидлади. Профилактика инспекторларини хизмат уйлари, имтиёзли кредитлар ҳисобига машиналар билан таъминлаш, уларнинг яшаши ва самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Янги шаҳар ва Боғишамол кўчаларини туташтирувчи янги кўприк билан танишди.

Президент бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, янги кўприкнинг пойтахтимизнинг Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларини туташтиришдаги аҳамияти улкан эканини таъкидлади. Илгари ушбу туманлардан бир-бирига автомобилда 17-18 километр айланиб борилган бўлса, янги кўприк фойдаланишга топширилгач, одамларнинг узоғи яқин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг бугунги ҳолати, амалиёти ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Йиғилишда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бозорнинг зарур саноат ҳамда истеъмол товарлари билан тўлиши, импорт ҳажмлари камайганида ўз аксини топганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ушбу соҳанинг янада жадал ривожланишини таъминлаш учун айрим фойдаланилмаган захиралар ва имкониятларни ишга солиш, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бериладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш лозимлигига эътибор қаратилди.

24 МАРТ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Хитой делегацияси мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг пухта ишлаб чиқилган механизми, иқтисодий зоналардаги кенг имкониятлар ва имтиёзлар билан таништирилди. Анжуманда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Хитой делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

Самарқандда вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Кўргазмада озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар, жумладан, қурилиш материаллари, мебель, гилам ва трикотаж буюмлари, машинасозлик, электротехника саноати маҳсулотлари кенг ассортиментда намойиш этилди. Вилоятдаги ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар маҳсулот харид қилиш юзасидан шу ернинг ўзида келишувга эришиб, шартномалар имзолادилар.

Республика Маънавият тарғибот маркази хузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» ўқув марказида Ўзбекистон Ре-

спубликаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» китобининг тарғиботига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёевнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» китоби мамлакатимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашда муҳим қўлланма ва дастур вазифасини ўташи таъкидланди.

Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали доирасида Ўзбекистон давлат консерваториясида «Туркистон» камер оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

«Туркистон» камер оркестри 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, мусиқа ихлосмандлари эътиборига мамлакатимиз ва жаҳон бастакорларининг энг сара асарларини тақдим этиб келмоқда. Мазкур жамоа ўтган йиллар мобайнида Жанубий Корея, Швейцария, Франция мусиқачилари билан биргаликда қатор концертларда фаол қатнашган. Мусиқий кечада баҳор, беғубор туйғулар, она табиатни тараннум этувчи асарлар янгради.

Алишер Навоий номидаги Кино саройида Япония киноси кунлари бошланди.

Унда Япония кинематография санъатининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган иккита бадиий ва уч анимацион фильм томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Маданий анжуман Томоюки Фурумая томонидан суратга олинган «Вояга етмаганлар учун Бусидо» фильми намойиши билан бошланди. «Миёри ва сеҳрли ўрмон», «Нафис сўзлар бўстони», «Ёз кечасидаги уйку», «Пакана Маруко» каби фильмлар намойиш этилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида иштирок этишди.

Жасур Абдураимов бошчилигидаги мамлакат ёшлар терма жамоаси йиғин доирасида қатарлик тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувини ўтказган. Ёш футболчиларимиз 3:1 ҳисобида ғалаба

қозонган. Терма жамоамизга ғалаба келтирган барча голларга Забиҳилло Ўринбоев муаллифлик қилган.

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида Гран-при турнири бўлиб ўтди.

Турнирда элликка яқин давлатдан тўрт юздан зиёд паралимпиячи ғолиблик учун ўзаро рақобатлашди. Бу мусобақада спортчиларимиз биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медални қўлга киритди. Мамлакатимиз вакили Наталья Семёнова мусобақанинг найза улоқтириш баҳсларида олтин, ядро улоқтиришда кумуш медалга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзоси Элбек Султонов ядро ва диск улоқтиришда учинчи ўринни эгаллади.

25^{МАРТ}

Халқ таълими вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида «Ижтимоий фанларни ўқитиш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги форум ўтказилди.

Форум доирасида республиканинг барча хуудларидан ташриф буюрган ўқитувчилар иштирокида бир неча тадбирлар ўтказилди. Дастлаб форум иштирокчилари жорий йилнинг 24 март куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 9-мактабда ташкил қилинган маҳорат дарсларида иштирок этишди. 25 март куни Низомий номидаги ТДПУда амжуман ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбарияти (Д.Кенжаев), дарсликлар муаллифлари (А.Замонов), таниқли олимлар (С.Олим, Н.Мустафоева ва.х.к.) маърузалар билан иштирок этдилар.

27^{МАРТ}

«Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор республикаимизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиёти-

миз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида тайёрланди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Пойтахтимиз Тошкент ҳам тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий мегаполисга айланмоқда. Муҳташам иншоотлар, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

«2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор деҳқон бозорларининг мамлакат иқтисодиётидаги, аҳолининг кундалик ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда харидорлар учун қулай шароитлар яратиш, савдони ташкил этиш соҳасида замонавий талабларга мувофиқ савдо хизмати кўрсатишнинг илғор тажрибаси ва юксак маданиятини кенг тарғиб қилиш ва изчил жорий этиш, мавжуд деҳқон бозорларини шарқона ва миллий меъморчилик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда замонавий савдо мажмуалари тарзида мукамал реконструкция қилиш мақсадида тайёрланди.

Ўзбекистон миллий автомагистрали тизимидаги Қоровулбозор тумани орқали ўтувчи Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнов халқаро йўлидаги вилоятлараро Аму – Бухоро машина канали устида барпо этилган янги замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.

Кўприк аввалгисига нисбатан уч баробар кенг бўлиб, эни 27, узунлиги 72 метрни ташкил этади. Тўрт полосали йўлдаги янги кўприкнинг ўтказиш қобилияти, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш даражаси кескин ошди. Иншоотнинг икки томонида пиёдалар учун йўлаклар барпо этилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб «Наврўз садолари»

III халқаро халқ чолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамблларнинг мусиқа кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-фестивалда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондаги мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган мусиқа мактаб-интернатлари, санъат коллежларининг миллий чолғулар оркестр ва ансамбллари иштирок этди. Кўрик-фестиваль доирасида миллий чолғулар кўргазмаси, мусиқа ижрочилигига оид давра суҳбати, концертлар, устоз санъаткорлар иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Оксана Чусовитина Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида олтин медални қўлга киритди.

Таяниб сакраш баҳсларида қатнашган О.Чусовитина 14,116 балл жамғариб, шохсупанинг энг юкори поғонасидан жой олди.

Тошкентда мини-футбол бўйича XXI Ўзбекистон кубогининг ярим финал учрашувлари ўтказилди.

Мамлакат кубогининг амалдаги ғолиби «Ардус» жамоаси «Металлург»ни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олди. «Ардус»га ғалаба келтирган голларга Илҳомжон Ҳамроев, Даврон Абдурахмонов (дубль), Дилмурод Шавкатов ва Даврон Чориев муаллифлик қилди. Иккинчи финал йўлланмаси учун баҳс «Олмалик» ва «Дўстлик-AIN» жамоалари ўртасида кечди. Кескин ва мурасасиз учрашувда «Олмалик» жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Тошкентда от спорти бўйича «Ўзбекистон глобал тур – 2017» мусобақалар мавсуми бошланди.

«Универсал жампинг» от спорти клубида ўтказилган мусобақада чавандозлар турли баландликдан от сакратиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Оқил Собиржонов, Николай Карпович, Ғайрат Назаров, Хуршид Олимжонов, Нуржон Туёқбоев, Аъзам Толиббоев, Абдушукур Собиржонов, Умид Комилов, Дилмурод Абдурахмонов, Суҳбатилла Ражабов, Мирёкуб Исмоилов, Улуғбек Олимжонов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

28 МАРТ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Навоий вилоятига борди.**

Вилоятда ўтган йили (2016) 866 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 611,9 миллиард сўм кредит ажратилди. 2,8 триллион сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 229 миллиард сўмликдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, 9 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шавкат Мирзиёев Навоий иссиқлик электр станциясини кенгайтириш лойиҳаси билан танишди.

Бугунги кунда вилоятда амалга ошириляётган йирик иқтисодий лойиҳалар кўламини кенгайтиришда электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади, деди давлатимиз раҳбари. Япониянинг «Mitsubishi Corporation and MHP» консорциуми ва Навоий иссиқлик электр станцияси ўртасида 2016 йил октябрь ойида мазкур лойиҳани амалга оширишга доир шартнома имзоланган эди. Ҳозирги кунда «Mitsubishi Corporation and MHP» консорциуми қурилиш майдонида мобилизация ва ер ишларини олиб бормоқда. Бу ерда 112 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Президент Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буга газ қурилмаси қурилиши бошланиши муносабати билан капсула қўйди.

Президент Қизилтепа туманидаги Тошрабат маҳалласига ташриф буюриб, вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз «Бахт текстиль», «Бахт Навоий», «Тошрабат текстиль» ва «Навбахор текстиль» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан замонавий ва энерготежамкор технологик ускуналар асосида сифатли ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишиб, ҳудудларда етиштириляётган пахта толасини ўша ернинг ўзида қайта ишлаш тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиб, харажатларнинг қисқариши, аҳолининг даромади ошишига хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Кармана туманидаги «Камилла груп» масъулияти чекланган жамиятида Италия тех-

нологияси асосида тайёр чарм ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини кўздан кечирди ва ва лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Президент Шавкат Мирзиёев Кармана туманидаги Мустақиллик массивида барпо этилаётган қулай, арзон ва замонавий уй-жойлар, профилактика инспекторлари учун яшаш жойи, давлат идоралари раҳбарлари учун қурилган хизмат уйлари билан танишди.

Навоий вилояти Кармана тумани «Талқоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида янгиланган лойиҳалар асосида 32 хонадонга мўлжалланган икки қаватли ва 46 оила учун 2 сотихли уйлар барпо этилди. Президентимиз янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар билан давлат идоралари раҳбарлари учун хизмат уйлари ёнма-ён қуриладигани халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Нурота туманидаги Чашма зиёратгоҳи ёнидаги музей биноси, «Хунармандчилик маркази» мажмуаси, 50 ўринга мўлжалланган меҳмонхона лойиҳалари билан ҳам танишди.

Президент ушбу лойиҳаларни сифатли ва вақтида амалга ошириш, Чашма зиёратгоҳи майдонини янада кенгайтириш ва ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Президент Навоий вилоятида кон-металлургия, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалга ошириладиган ва истиқболда белгиланган лойиҳалар билан танишди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навоий давлат кончилиги институтига ташриф буюрди.

Бу ерда Ауминзо-Амантой олтин конлари негизида Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-гидрометаллургия заводи қурилишининг бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев янги гидрометаллургия заводи улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга эканини таъкидлади ва Ауминзо-Амантой олтин конларида ўзлаштиришни бошлаш учун рамзий тугмани босди. Тадбирни видеоконференция орқали Томди

туманида, 5-гидрометаллургия заводи бунёд этиладиган ҳудудда кузатиб турган комбинат мутахассислари конни портлатди. Давлатимиз раҳбари шу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлимини ташкил этиш борасидаги лойиҳалар билан танишди ҳамда яқин йилларда Навоий кон-металлургия комбинатида амалга ошириладиган лойиҳаларни кўздан кечирди. Пиестили конини ўзлаштириш ва 6-гидрометаллургия заводини қуриш, 2-гидрометаллургия заводи қувватини кенгайтириш, Мурунгов конини ўзлаштиришнинг 5-навбати, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши ва бошқа лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди.

Сенаторлар ишни «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар.

Тошкентда Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда тадбиркорларга бозор талабларини ўрганиш асосида ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш, ишончли ҳамкорлар топишда кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг маҳсулотларини

хорижий бозорларга экспорт қилиш, экспорт географиясини янада кенгайтириш ва ушбу соҳадаги экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларда юзага келаётган муаммоли масалалар кенг муҳокама қилинди.

Қаршида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи, вилоят мудофаа ишлари, меҳнат, давлат солиқ бошқармалари, тижорат банклари ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизлар иштирок этган ярмаркада вилоятдаги корхона ва ташкилотлар томонидан 3 мингдан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди. Ярмаркада 534 нафар фуқарога ишга йўлланма берилди. Уларнинг 270 нафари ёшлар, 186 нафари хотин-қизлар, 78 нафари Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатирилган йигитлардир.

Самарқанд шаҳридаги «Шарқ юлдузи» кинотеатрида Исроил хужжатли кинофильмлари намойиши бошланди.

Мазкур кинофестивалда ҳам яхудий халқининг турмуш тарзи, қадриятлари акс эттирилган хужжатли фильмлар намойиш қилинади. Кино санъати кунлари давомида исроиллик таниқли режиссёрларнинг «Ажабтовур орзу», «Альбом 61», «Фотонвелла» номли хужжатли фильмлари намойиш этилди. Тадбир давомида иштирокчилар хужжатли фильмлар мазмун-моҳиятини акс эттирувчи кўргазмани ҳам томоша қилдилар.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақаси учинчи босқичи навбатдаги турида Қатар футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Бунёдкор» стадионида ўтказилган Ўзбекистон ва Қатар терма жамоалари ўртасидаги учрашувда футболчиларимиз 1:0 ҳисобида зафар кучди. Терма жамоамизга ғалаба келтирган голга Одил Аҳмедов муаллифлик қилди.

29МАРТ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторларишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар ва бошқа турли масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг «Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда нефть-газ соҳасини ривожлантириш, жумладан, 2017-2021 йилларда углеводород қазиб олишни кўпайтириш дастури доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор республикада пиллачиликнинг озуқа базасини жадал ривожлантириш, ипак қуртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усуллари кенг жорий этиш, ипакдан тай-ёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Жиззахда вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Икки кун давом этган ярмаркада вилоятдаги йирик саноат корхоналари, тадбиркорлар янги маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш бўйича кўплаб фойдали битимлар тузди. Ярмарка давомида 15 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди. Бу

ярмарка иштирокчилари орасида қишлоқ туманларида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони кўпайди. Зомин, Ғаллаорол, Фориш, Янгиобод, Зафаробод туманлари корхоналари янги маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида «Божхонада интерактив хизматлар – тадбиркорлар учун таянч» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжуманида 2017 йилнинг март ойидан бошлаб ташқи савдо шартномаларини электрон шаклга ўтказишга мўлжалланган Е-KONTRAKT 2 дастурий таъминотининг янги версияси ишга туширилгани ҳақида маълумот берилди.

«Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган «WorldFood Uzbekistan – 2017» ва «AgroWorld Uzbekistan – 2017» халқаро кўргазмалари очилди.

Кўргазмаларда Австрия, АҚШ, Бельгия, Беларусь, Болгария, Буюк Британия, Германия, Дания, Жанубий Корея, Индонезия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Нидерландия, Норвегия, Польша, Россия, Словакия, Туркия, Франция, Хитой, Швейцария, Швеция, Қозоғистон, Ҳиндистон каби 30 дан ортиқ мамлакатдан 232 компания, шунингдек, қатор давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасига масъул вазирлик ва идоралари раҳбар ва вакиллари иштирок этмоқда. «WorldFood Uzbekistan» ва «AgroWorld Uzbekistan» кўргазмалари озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фермерлари кенгаши кўмагида Фермерлар куни ўтказилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Рус тили марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу марказ ваколатхона томонидан тақдим этилган турли ўқув ва бадиий адабиётлар, дарслик, ўқув материаллари, аудио ва видео қўлланмалар, замонавий ўқув технологиялари билан жиҳозланган. Бу ерда профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда рус тили ва адабиёти ихлосмандлари турли семинар-тренинглар ўтказиш, ўқув курслари ташкил этиш, классик ва замонавий рус адабиёти наму-

налари, соҳага оид сўнгги янгиликлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

30 МАРТ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор мажлис бўлиб ўтди.**

Унда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, коммунал, соғлиқни сақлаш соҳалари, ички ишлар тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди. Мажлисда кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Мамлакатимиз ёш спортчилари Минск шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган очик мусобақада учтадан олтин ва бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг кўпкураш баҳсларида қатнашган Ўткирбек Жўраев ва Анастасия Мирошниченко шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

А.Мирошниченконинг алоҳида машқлари ҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Спортчимиз таяниб сакраш бўйича олтин, параллел брусда машқ бажариш ва эркин машқ бажариш бўйича бронза медалларга сазовор бўлди. Яна бир спортчимиз Дилдора Орипова кўпкураш баҳсларида 46,7 балл билан учинчи ўринни эгаллади.

31 МАРТ **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод боғида Наврўз байрами нишонланди.**

Тадбирда давлатимиз томонидан ёш ижодкорларга ажратилган уйларнинг қалитлари топширилди. Тадбирда китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Баҳорий ноз-неъматларга тўла дастурхон, ижодкорлар томонидан ўқилган шеърлар, хушовоз хонандаларнинг қуйқўшиқлари барчага хушқайфият бағишлади.

Хоразм вилояти мусиқали драма театри ташкил этилганига 95 йил бўлди.

Сўнгги йилларда театр репертуаридан ўзбек драматургия-

си билан бирга, жаҳон адабиёти дурдоналарига ҳам кенг ўрин берилмоқда. Айниқса, халқ оғзаки ижодининг ватанпарварлик ва мардлик туйғулари тараннум этилган асарларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юнус Юсупов (Айёмий) қаламига мансуб «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» мусиқали драмаси қайта сахналаштирилгани ижодий жамоанинг халқимизга Наврўз тухфаси бўлди. Асарни режиссёр Алишер Йўлдошев сахналаштирган.

Баҳор нафаси фестивали доирасида Ўзбекистон давлат консерваториясида «Романслар оқшоми» мусиқий тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган хор жамоаси мусиқа ихлосмандларига ўз дастурини тақдим этди. Романслар дунё кўшиқчилилик санъатининг узвий қисмидир. Мазкур фестиваль мусиқа санъатининг турли жанр ва услубларини қамраб олгани, юртимиздаги ижодий жамоа ва бирлашмалар, оркестрларнинг фаолияти, репертуари билан кенг ва атрофлича таништираётгани билан кўпчиликка манзур бўлди. Кечада ўзбек ва жаҳон композиторлари асарлари, кинофильмлар учун яратилган кўшиқлардан намуналар янгради.

АПРЕЛЬ

1 АПРЕЛЬ

1 Тошкентда шахмат бўйича 8-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини Алихон Авазхонов, Хумоюн Бегмуродов, Исломбек Синдоров, Давлат Маҳмуджонов, Оқжўл Раҳматуллаев, Жавохир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Яқуббоев, Абдималик Абдисалимов, Саидакбар Сайдалиев, Ортик Ниғматов, Афрўза Ҳамдамова, Одина Олимова, Зилола Актамова, Умида Омонова, Мафтуна Бобомуродова, Юлия Хегай, Дилбар Ҳамроева, Асал Салимова, Гулрухбегим Тоҳиржонова, Баҳора Абдусатторова, Нилуфар Ёқуббоева каби иқтидорли шахматчиларимиз Ҳимоя қилди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича нуфузли турнир – Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) VII мавсумининг навбатдаги тури бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз шарафини Ҳимоя қилаётган «Uzbek Tigers» жамоаси Қозоғистоннинг «Astana Arlans» жамоаси билан куч синашди. Ўзбекистон бокс федерацияси ва Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирнинг бу йилги баҳсларида энг кучли 12 жамоа учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. 49 килограмм вазн тоифасида Ҳасанбой Дўсматов ва Темиртас Жусупов, 56 килограмм вазн тоифасида Абдулхай Шораҳматов ва Илёс Сулейменов, 64 килограмм вазн тоифасида Элнур Абдураимов ва Дилмурод Мижитов, 75 килограмм вазн тоифасида Исроил Мадримов ва Сапарбай Айдаров, вазни 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Зухриддин Маҳкамов ва Антон Пинчук ўзаро куч синашди. Мусобақада «Uzbek Tigers» жамоаси 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

3 АПРЕЛЬ

3 Сирдарё вилоятидаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида

худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Унда саноат маҳсулотлари хариди ва ҳамкорликка оид 11,5 миллион долларлик ҳамда 175,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Ярмаркада вилоятда фаолият юритаётган йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 га яқин корхона 1000 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди.

Наманган вилоятининг Чортоқ тумани марказида «Тафаккур олами» деб номланган янги китоб дўкони иш бошлади.

«Келажакнинг нурли уфқлари» масъулияти чекланган жамияти томонидан очилган дўконда харидор ва китобхонлар учун барча қулайлик яратилган. Дастлабки босқичда бу ерга мактабгача ёшдаги болаларбоп, бадий, илмий, оммабоп жанрларни қамраб олган 5 мингдан зиёд китоб келтирилди. Тадбирда шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари Президентимизнинг китобхонликни ривожлантиришга қаратилган фармойишида белгиланган кенг қўламли чора-тадбирлар, уларнинг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Бадий академияси, Иқо Хираяма халқаро маданият қарвон саройи ва «Star Kids International» бошланғич таълим муассасаси ҳамкорлигида «Мен билган дунё» хайрия кўрғазмасининг очилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда рассомлар, тасвирий санъат ихлосмандлари, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар иштирок этди. Кўрғазмада Шайхонтоҳур туманидаги 37-, Яшнобод туманидаги 52-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқувчиларининг олтмишдан ортиқ иши намойиш қилинди. Экспозициядан ўқувчилар яратган қўғирчоқлар, ёстикчалар, безаклар, эсдалик совғалар ҳам жой олган.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод мемориал боғ-музейида «Камалакнинг етти жилоси» деб номланган бадий кўрғазма ташкил этилди.

Унда Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг ижод намуналари томошабинлар эътиборига

ҳавола қилинди. Кўрғазма «Камалакнинг етти жилоси» деб номлангани бежиз эмас. Бу ерда мактаб-интернатнинг турли ижодий танловларда муваффақиятли иштирок этган етти нафар иқтидорли ўқувчиси чизган расмлар намойиш этилди.

Дзюдо бўйича Грузиянинг Тбилиси шаҳрида Гран-при туркумидаги турнирда Ўзбекистон терма жамоаси биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди.

Турнирнинг 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Ғиёсжон Бобоев эронлик Бериманлоу Мухаммади, нидерландиялик Сэм Вестенде Ван, канадалик Артур Маргелидонни мағлубиятга учратиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Финал баҳсида Ғиёсжон Швеция вакили Томми Макиасга қарши беллашувда зафар қучиб, олтин медални қўлга киритди. 90 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан яна бир полвонимиз Шаҳзодбек Собиров словакиялик Петер Жилка, венгриялик Габор Верни мағлубиятга учратди ва бронза медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик спортчи Садриддин Сайматов Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган каратэ бўйича жаҳон премьер-лигасининг учинчи босқичида тенгсиз эканини исботлади.

Сурхондарёлик ўн тўққиз ёшли спортчи Садриддин Сайматов вазни 60 килограммгача бўлган каратэ усталари ўртасидаги беллашувларда грузиялик Давид Тикебучава, эронлик Бехнам Маҳдавий, швециялик Даниел Баркелайнд, россиялик Степан Ефименко, италиялик Анхело Кресцензо, туркиялик Эрай Самдан ва Айкут Каяни енгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Бухорода бадминтон бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 га яқин ёш спортчи 2 ёш гуруҳида ғолиблик учун баҳслашди. 2003-2004 ва 2005-2007 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида тегишли равишда Бухоро вилоятидан Ҳ.Барноев, Навоийдан М.Ғаниева, Тошкент шаҳридан И.Баринов, Б.Қосимжонова ғолибликни қўлга киритди. Жуфтлик баҳсларида Навоий вилояти вакиллари ғолиб бўлди. Аралаш мусобақаларда ҳам навоийлик

бадминтончилар М.Ғаниева – Р.Сатторов биринчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг жамоавий баҳсларида мезбон спортчилар ғолиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Андижон ва Хоразм вилоятлари бадминтончилари сазовор бўлди.

4 АПРЕЛЬ
«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди. Унга кўра, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 2 000 000 (икки миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Москвага борди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган «Внуково-2» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати аъзолари кутиб олди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган футбол бўйича XXI Ўзбекистон кубогининг финал учрашувида «Ардус» ва «Олмалик» жамоалари ўзаро баҳслашди.

Мусобақанинг ярим финалида мамлакат кубогининг амалдаги соҳиби – «Ардус» «Металлург» клубини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. «Олмалик» эса «Дўстлик-АИН» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган. Учрашувда «Олмалик» жамоаси 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, ўз тарихида илк бор кубок соҳибига айланди. Жамоага ғалаба келтирган голларга Сирожиддин Маҳмудов, Жамолиддин Шарипов ва Артур Юнусов муаллифлик қилди.

Тошкентда замонавий бешкураш бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда мамлакатимиз замонавий бешкураш федерацияси томонидан мазкур спорт турини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган чемпионатда йигирмадан зиёд спортчи ғолиблик учун рақобатлашди. От спорти, қиличбозлик, ўқ отиш, сузиш ва югуриш бўйича ўтказилган мусобақада Руслан Прохоров олтин медални қўлга киритган бўлса, Руслан Маматқулов кумуш ва Елизавета Каражан бронза медалига сазовор бўлди.

5 АПРЕЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москва шаҳридаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гул қўйди.

Мазкур ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари хотирасига бағишлаб бунёд этилган. Шавкат Мирзиёев тинчлик, озодлик йўлида жон фидо қилган ватанпарвар инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Маълумки, 2017 йилнинг 3 апрель куни Санкт-Петербург шаҳри метросида террористик ҳаракати содир этилиб, инсонлар ҳалок бўлди. Давлатимиз раҳбари улар хотирасини ёдга олиб, шу ердаги «Ленинград – қаҳрамон шаҳар» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан учрашди.

Президент ушбу ташриф ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади. – Бугунги мулоқотларимиз кўп соҳалардаги ҳамкорлигимизда янги даврни бошлаб беришига ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳо-

кама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокараларни давом эттирдилар.

Унда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, кишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 961 кўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 64 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ҳудудида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 595 тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейига ташриф буюрди.

Бу ерда мамлакатимизнинг И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи экспонатлари кўргазмаси очилиш маросими бўлди. «Саҳродаги Лувр» номини олган И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ўзининг бебаҳо дурдона экспонатлари билан дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган. Музейда графика, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат намуналари, турли археологик топилмалар, этнография буюмлари, қадимий суратлар, тарихий ҳужжатлар сингари юз мингга яқин нодир экспонат жой олган.

Нукусда ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Унда 370 дан зиёд корхона ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўз маҳсулотини намойиш этди. Мазкур саноат ярмаркасида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар, халқ истеъмолчи моллари, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар, қурилиш материаллари,

мебель, гилам ва трикотаж буюмлари, электротехника саноати маҳсулотлари кенг ассортиментда намойиш этилди.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида «EventEXPO – 2017» биринчи ихтисослаштирилган кўргазма ташкил этилди.

Унда турли тантаналар, тадбирлар, тўй ва маросимларни ўтказишга ихтисослаштирилган хусусий корхона ва фирмалар, компаниялар ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этди. Кўргазма экспозицияси гулчилик, ҳордиқ чиқариш, либослар ва мода, «Гўзаллик салонлари», никоҳ ва тўй маросимлари учун турли хизматлар кўрсатиш каби бўлимлардан таркиб топган.

«Ўзэкспомарказ»да соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ҳамда Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуаларининг тармоқлараро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланди.

Тармоқлараро саноат ярмаркасида Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги ва уларнинг таркибига кирувчи корхоналар, енгил саноат маҳсулотлари, мебеллар, спорт анжомлари, маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи беш юз ўттиздан ортиқ корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иштирок этди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилаётган «Қирол кубоги – 2017» халқаро турнирини муваффақиятли бошлади.

«Қирол кубоги – 2017» турнирининг дастлабки баҳсида Жасур Латипов непаллик Прем Чаудхарини, Шахрам Ғиёсов мўғулистонлик Бямба Тушинбатни, Исроил Мадримов таиландлик Ютхапонг Скадонни мағлубиятга учратиб, иккинчи босқичга йўл олди. Мусобақада иштирок этаётган Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов беллашувларга иккинчи босқичдан кўшилади.

Урганч шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон

чемпионати бўлиб ўтди. Унда боксчилар 15 вазн тоифасида баҳс олиб борди.

Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган Авазхон Йўлдошев, Мусобек Абдурахмонов, Умид Жўраев, Руслан Абдуллаев, Темурбек Дехқонов, Муслим Куронбоев, Хайрулла Алиматов, Сардорбек Ёқубов, Шерзод Қодирбоев, Ҳабибулла Холиқов, Асадбек Жуманиёзов, Комилжон Юсупов, Мадийер Ражабов, Жасур Йўлдошев ва Шоҳруҳ Алматов мамлакат чемпиони бўлди.

Тошкентда шахмат бўйича 8-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг бешинчи тур баҳслари ўтказилди.

Чемпионатнинг саккиз ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Алихон Авазхонов етакчилар қаторида борди. Ўн икки ёшгача ўғил болалар ўртасида Жавоҳир Синдоров беш партиянинг тўрттасида рақибларини мағлубиятга учратиб, совринли ўринларга асосий даъвогарлардан бўлди. Ўн тўрт ёшгача ўғил болалар ўртасида Нодирбек Абдусатторов 4,5 очко билан биринчи ўринда борди. Мусобақада у БАА, Қозоғистон, Эрон ва Мўғулистон вакилларини мағлуб этиб, ҳиндистонлик шахматчи билан дуранг ўйнади. Ўн олти ёшгача ўғил болалар ўртасида Нодирбек Ёқуббоев, Саидакбар Сайдалиев ва Шамсиддин Воҳидов 4 очко билан кучли учликда боришди.

Ўн саккиз ёшгача ўғил болалар ўртасида Армен Арутюнян ҳисобида 3 очко, Ортиқ Ниғматов, Георгий Шванов, Оқилбек Ҳамидов ва Бехзод Солижонов ҳисобида 2,5 очкодан тўплашган эди. Қизлар ўртасида Баҳора Абдусатторова 4,5 очко билан етакчилик қилмоқда. Гулруҳбегим Тохиржонова, Моҳим Оразмуҳамедова 3,5 очкодан, Нилуфар Ёқуббоева ва Ҳилола Абдукаримова 3 очкодан тўплашган.

6 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган МДХ Ижроия кўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Сухбат чоғида МДХ доирасида эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, транспорт-коммуникация тармоқларини жадал ривожлантириш ва бутун минтақанинг транзит салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбиркорларга лицензиялаш ва рухсат беришга оид ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини электрон тарзда амалга ошириш хизмати ишга туширилди.

Тошкент шаҳрида мазкур хизматнинг ишга туширилиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди. «Лицензия» ахборот тизимлари мажмуаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилган. Лойиҳа доирасида Электрон лицензиялаш портали яратилди. У licence.gov.uz интернет манзилида фаолият кўрсатмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Амир Темур давлат бошқаруви» номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тошкент кимё-технология институти ўқитувчиси, тарих фанлари доктори Шоҳиста Ўлжаеванинг «Амир Темур давлат бошқаруви» монографиясида Соҳибқирон бобомиз шахси, унинг илм-фан, маданият, маърифат равнақи йўлидаги ҳомийлик фаолияти таҳлил этилган. Китобда Амир Темур бошқаруви даврида дипломатия, ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, хорижий давлат арбоблари билан ёзишмалари хусусида ҳам сўз юритилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилаётган «Қирол кубоги – 2017» халқаро турнирида муваффақиятли қатнашди.

Вазни 49 килограммгача бўлган чармқўлқопусталари ўртасидаги беллашувларда Ҳасанбой Дўстматов филиппинлик Карло Паалам устидан ғалаба қозонди. Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Жасурбек Латипов мезбон спортчи Критифак Дуангнутни енгди. Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида тажрибали спортчимиз Шаҳобиддин Зоиров Хитой Тайпейи ваки-

ли Као Шин Йенни мағлубиятга учратди. Вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Муроджон Аҳмадалиев филиппинлик Жеймс Палистени енгган бўлса, 64 килограммгача вазн тоифасидаги спортчилар беллашувида Элнур Абдураимов туркменистонлик Зуфар Сапарбаевга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Вазни 69 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида рингга чиққан Шаҳрам Ғиёсов ҳиндистонлик Манож Кумарни енгган бўлса, 75 килограммгача вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашаётган Исроил Мадримов Хитой тайпейилик Кан Чиа Вейдан устун келди.

7 АПРЕЛЬ

Тошкент шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисга Россия томони раислик қилди. Делегациялар раҳбарлари ташкилот фаолиятининг турли йўналишларидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал этишдаги унинг роли ва аҳамиятини оширишни муҳокама қилди. Тадбирда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда МДХ давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тошкент шаҳрида Марказий Осиёнинг беш давлати ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Кайрат Абдраҳманов, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Хажиев Марказий Осиё минтақасидаги ҳолат, алоқаларнинг долзарб йўналишлари бўйича, шу жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик ҳамда мавжуд умумий муаммолар ечимларини биргаликда ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телеком-

муникациялар масалалари комплекси соҳаларининг 2017 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Комплекс йиғилишида музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, музейларда Мустақиллик экспозицияларини ташкил этиш, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онгига Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш, музейлар воситасида халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини ёритиб берадиган асарлар яратишда ижод аҳлига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир мурожатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини қутаётган кўплаб муаммо ва масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур Фармон бундай камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилмоқда. Фармонда қайд этилган асосий вазибаларни бажариш бўйича зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни амалга ошириш мақсадида Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ёш истеъдод эгалари муаллифлигида Орзулар қанотида» кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмага қўйилган Д.Исоқованинг «Ҳижрон», «Куз оқшоми», К.Рўзиеванинг «Ёз», «Ўйин», Р.Маметованинг «Сув

париси», «Юрак ҳолати», Ю.Фармоновнинг «Иллюстрация», «Этюд», М.Юсупованинг «Завод», Ш.Қосимованинг «Тошкент», «Фарғоналик келин», С.Ўткированинг «Натюрморт», З.Назированинг «Япон достонига иллюстрация», Д.Умарованинг «Садди Искандарий» каби асарлари мухлислар катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль доирасида ёш спортчиларнинг миллий кураш баҳслари, «Шу азиз Ватан – барчамизники!» мавзусидаги фото ва халқ амалий санъати кўргазмаси намойиш этилди. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари ёшлари халқимизнинг мустақиллик йилларида қайта тикланган миллий қадрият ва урф-одатларини, бугунги дориломон кунлар ва бунёдкорлик салоҳиятини кўргазмани ва бадиий дастурлар орқали намойиш этишди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг пойтахтимиздаги кенгашлари томонидан мамлакатимиздаги 14 вилоятнинг ўзига хос урф-одат, анъана ва боқий қадриятлари тасвирланди.

Киночилар уйида Хитой Халқ Республикаси кинематографлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда кино соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, мутахассислар алмашинувини йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида давом этаётган бокс бўйича «Қирол кубоги – 2017» халқаро турнирида терма жамоамизнинг уч нафар аъзоси бронза медални қўлга киритди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Жасурбек Латипов ярим финалгача бўлган беллашувларда непаллик Прем Чаудхари ва мезбон спортчи Критифак Дуангнутни енгиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Шаҳобиддин Зоиров ва 60 килограммгача вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари ўртасидаги жанглarda қатнашган Муроджон Аҳмадалиев ҳам учинчи ўринни эгаллади. Вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги ярим финал баҳсида Ҳасанбой Дўстматов Жанубий Корея вакили

Ким Юн Сонгни мағлубиятга учратиб, олтин медаль учун кураш-ни давом эттирадиган бўлди. 64 килограммгача вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари ўртасида Элнур Абдураимов ҳиндистонлик Рохит Тохасни енгиб, финалга чиқди. Вазни 69 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида рингга чиққан Шаҳрам Ғиёсов қатарлик Тхарималунганом Тхуласини енгган бўлса, 75 килограммгача вазн тоифасидаги баҳслarda қатнашаётган Исроил Мадримов таиландлик Тирапонга Деени мағлубиятга учратиб, хал қилувчи баҳсга йўлланма олди.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг бешинчи туридан жой олган дастлабки иккита учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Локомотив» сафарда «Шўртан» меҳмони бўлиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Ғузурликлар сафида тўп сураётган Умарбек Эшмуродов 17-дақиқада ҳисобни очган бўлса, Игорь Таран 78-дақиқада пойтахтликлар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, жамоасининг ишончли ғалабасини таъминлади. «Бунёдкор» жамоаси ўз майдонида «Қизилқум»ни қабул қилди. Кескин ва муросасиз учрашувда «Қизилқум» вакиллари мезбонларни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жамоага ғалаба келтирган ягона голга Илҳом Юнусов муаллифлик қилди.

10 АПРЕЛЬ Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган бокс бўйича «Қирол кубоги – 2017» халқаро турнирида терма жамоамиз аъзолари 1 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Нуфузли турнирнинг вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида қатнашган Исроил Мадримов таиландлик Ютхапонг Скадон, Хитой тайпейилик Кан Чиа Вей, таиландлик Тирапонга Дее ва финалда кубалик Ослей Иглесиас Эстрадани мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифасида финалгача бўлган жанглarda ғалаба қозонган Ҳасанбой Дўстматов ва Шаҳрам Ғиёсов мураббийлар қарорига кўра, хал қилувчи беллашувларда қатнашмади ва кумуш медалга сазовор бўлди. Яна

бир боксчимиз Элнур Абдураимов ҳам ўз вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Жасурбек Латипов, Шаҳобиддин Зоиров ва Муроджон Аҳмадалиев учинчи бўлди.

Тошкентда шахмат бўйича 8-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари 8 олтин, 12 кумуш ва 9 бронза, жами 29 медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақанинг швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат стандарт шахмат баҳсларида спортчиларимиз 3 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Чемпионатнинг ўн олти ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Нодирбек Ёқуббоев тўққиз партиянинг олтитасида ғалаба қозониб, иккитасида дуранг натижа қайд этди ва 7 очко билан Осиё чемпиони бўлди. Тўққиз турнинг бештасини ғалаба ва тўрттасини дуранг билан якунлаган Шамсиддин Воҳидов ҳам 7 очко тўплаб, қўшимча кўрсаткичлар бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. Учинчи ўрин тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамғарган Саидакбар Сайдалиевга насиб этди. Ўттиз беш шахматчи иштирокида ўтган ўн икки ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳс ҳам ёш, иқтидорли спортчимиз Жавоҳир Синдоровнинг ғалабаси билан якунланди. У тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди. Саккиз ёшгача қизлар баҳсида Афрўза Ҳамдамова тўққиз партиянинг саккизтасида ғалаба қозониб, биттасида дуранг натижа қайд этди ва 8,5 очко билан олтин медални қўлга киритди. Тўққиз имкониятдан 7 очко жамғарган Одина Олимова кумуш медал билан тақдирланди. Ўз ёш тоифасида Нодирбек Абдусатторов (8 очко) биринчи, Умархон Фахриддинхўжаев (6,5 очко) иккинчи, Алихон Авазхонов (6,5 очко), Гулруҳбегим Тоҳиржонова (6,5 очко) учинчи ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг рапид баҳсларида мамлакатимиз спортчилари 3 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллагани ҳақида аввал хабар берган эдик. Ўз ёш тоифасида Шамсиддин Воҳидов, Ортик Ниғматов, Гулруҳбегим Тоҳиржонова Осиё чемпиони бўлди. Афрўза Ҳамдамова, Шаҳромбек Каримов, Ақобирхон Сайдалиев, Нилуфар Ёқуббоева кумуш медални қўлга киритди. Ҳумоюн

Синдоров, Абдулбосит Шарифжонов ва Георгий Шванов бронза медал билан тақдирланди. Блиц мусобақасида ака-ука Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар қитъада тенгсиз эканини исботлади. Ўн икки ёшгача ўғил болалар ўртасида Жавоҳир 8 очко билан шохсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилган бўлса, Исломбек ўн ёшгача болалар баҳсида 7,5 очко жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди. Ўз ёш тоифасида Нодирбек Ёқуббоев, Ҳумоюн Бекмуродов, Маҳим Оразмухаммедова, Афрўза Ҳамдамова кумуш, Шамсиддин Воҳидов, Ситора Сапарова, Нозима Валиева бронза медал билан тақдирланди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро турнирда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан келган 250 дан ортиқ дзюдочилар совринли ўринлар учун курашди.

73 килограмм вазн тоифасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Мирзоҳид Фармонов дастлаб туркиялик Мурод Бектош, чорак финалда словениялик Рок Драксич, ярим финалда косоволик Ақил Гжаковни мағлубиятга учратди. Мусобақанинг финал беллашувида полвонимиз мезбон спортчи Ҳасан Ванли ўғли устидан зафар кучди ва шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича 1997-1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Чемпионатда Манучеҳр Ширинов, Бехруз Аминдавлатов, Артём Штурбабин, Юсуфбек Нормаматов, Шермухаммад Жандреев, Сардор Каримов, Артём Багдасаров, Алишер Юсупов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида Гулнур Муродбоева, Жаҳона Туркманова, Ҳуснора Худойназарова, Олмаҳон Эгамбердиева, Мадина Иномжонова, Ҳожиниса Камолиддинова, Нодири Йўлдошева шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қаршида «Қамолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Қизлар ўртасида Наманган вилоятидан Мавлуда Маҳмудова, Бухоро вилоятидан Гулҳумор Нажмиддинова, Сурхондарё вилоятидан Гулчеҳра Абдухолиқова, Навоий вилоятидан Барчиной Облаева, Фарғона вилоятидан Наврўзахон Абдуллаева, ўғил болалар ўртасида Қашқадарё вилояти вакиллари Салоҳиддин Жуманазаров

ва Анвар Ҳақимов, наманганлик Фарходжон Эргашев, хоразмлик Жонибек Бахтиёров ва Қорақалпоғистон Республикаси вакили Аббазлар Аузимбетов ўз ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида 1 олтин ва 5 кумуш медаль билан Навоий вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Наманган, учинчи ўринга Сурхондарё вилояти жамоалари сазовор бўлди.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида давом этаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мамлакатимиз ёш спортчилари учун муваффақиятли ўтди.

Жаҳон чемпионатининг қизлар ўртасидаги вазни 58 килограммгача бўлган атлетлар баҳсида қатнашган Кумушхон Файзуллаева штангани силтаб кўтаришда 106 килограмм натижа билан кумуш, иккикураш якунига кўра, 185 килограмм натижа билан бронза медални қўлга киритди. Унинг даст кўтаришдаги натижаси 79 килограмм. Вазни 75 килограммгача бўлган атлетлар ўртасида Гулноза Аҳмадова ўз маҳоратини намойиш қилди. Иқтидорли спортчимиз штангани даст кўтаришда 89 килограмм, силтаб кўтаришда 108 килограмм, иккикурашда 197 килограмм натижа билан битта бронза ва иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

11 АПРЕЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлагани халқ манфаатларини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги улкан амалий қадам бўлгани алоҳида таъкидланди. Йиғилишда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, Бош вазир А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергеновга кўплаб мурожаатлар, айниқса, тақрорий мурожаатларга сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни бир ой муддат-

да ўрганиб чиқиш, уларни халқ этиш юзасидан комплекс таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди.

Алишер Навоий номидаги Кино саройида Туркменистон кинноси кунлари бошланди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги ва «Туркманфильм» бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кино кунлари давомида «Ат-мират» фильмидан ташқари машҳур шоир ҳаёти ва ижоди-га бағишланган «Махтумқули», ахалтеке отлари тасвирланган «Копетдағ – аскарнинг орзуси» ва «Сайис», оила ва муҳаббат мавзудаги «Кумли келин кўшиқлари», «Муҳаббат мероси» каби фильмлар намойиш этилди.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ёш атлетлари муносиб иштирок этди.

Жаҳон чемпионатининг қизлар ўртасидаги баҳсларида ўз вазни тоифасида Кумушхон Файзуллаева кумуш ва бронза, Гулноза Аҳмадова битта бронза ва иккита кумуш медалга сазовор бўлган эди. Учунчи ўринни эгаллаган қизларимиз ўсмирлар Олимпиадасининг иккита лицензиясига эга бўлди. Мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги вазни 94 килограммгача бўлган атлетлар баҳсида иштирок этган Саидмухтор Саидахоров ва Александр Ли совриндорлар қаторидан ўрин олди. Саидмухтор штангани силтаб кўтаришда 175 килограмм натижа билан шохсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади. Александр эса штангани даст кўтаришда 138, силтаб кўтаришда 173, иккикураш якунига кўра 311 килограмм натижа қайд этиб, учта бронза медални қўлга киритди. Ўсмирларимиз умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, Олимпия ўйинларининг битта лицензиясини қўлга киритди.

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи тўртинчи тури доирасида Эроннинг «Истиклол» клубини қабул қилди.

«А» гуруҳидаги мазкур ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумга эътибор қаратган «Локомотив» аъзолари 13-дақиқада ҳисобни очди. Ушбу голга Марат Бикмаев муаллифлик қилди. Кескин ва муросасиз баҳсларга бой ўтган иккинчи бўлимнинг 87-дақиқасида «Истиклол» жамоаси аъзоси Кавех Резойи ҳисобни

тенглаштирди – 1:1. «Локомотив» жамоаси 25 апрель куни ўтказиладиган навбатдаги учрашувда Саудия Арабистонининг «Ал-Таавон» клуби меҳмони бўлади.

12 АПРЕЛЬ **Шавкат Мирзиёев Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси, мактаблар фаолияти билан танишди.**

Президент Чилонзор туманидаги «Реле ва автоматика» акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Жамиятнинг бўш турган бинолари негизда технопарк ташкил этилиб, 2017-2018 йилларда 10 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари бу ерда импорт товарларни маҳаллийлаштирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги «Roison Home White Goods» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Чилонзор туманидаги собиқ «Алгоритм» заводи ҳудудида ташкил этилган «Roison Home White Goods» қўшма корхонасининг умумий ер майдони қарийб 23 гектар, бино ва иншоотлар майдони 9,7 гектар. Ҳозир бу ерда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти маиший техникалар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари, мебель, қоғоз буюмлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Ушбу корхоналарда мингдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Шу ерда Чилонзор туманида амалга ошириладиган иқтисодий лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» ва «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлди.

Президент «Катта Хирмонтепа» маҳалласи ҳудуди билан танишди. Кўп қаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Бу жойдаги ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деди Президентимиз. Таъ-

лим муассасалари олдида доимо гул экилган, саронжом-саришта бўлиши керак. Шавкат Мирзиёев шу ерда яшовчи аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. «Яккатут» маҳалласида иккита мактабгача таълим муассасаси, иккита мактаб, иккита коллеж фаолият юритмоқда. Президентимиз мазкур маҳалла ҳаёти билан танишди, халқ билан мулоқот қилди. Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган намунавий маҳалла марказлари лойиҳалари ҳақида ахборот берилди.

Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 2016 йилда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ва паст кучланишли электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

2016 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан 5 йирик объект фойдаланишга топширилди. Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ энергетика тизимидаги объектларни модернизация қилиш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Мазкур инвестиция дастурига мувофиқ 2017 йилда 29 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, шу вақтгача 2 лойиҳа бўйича ишлар тўлиқ якунланди.

«Ўзкўрғазмасавдо» марказида банк технологиялари, асбобуқсуналари ва хизматлари «BankEXPO – 2017» X миллий кўрғазмаси бошланди.

«Халқни тадбиркор қилиш» шиори остида ўтказилаётган жорий кўрғазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, етакчи суғурта, лизинг, аҳборот технологиялари компаниялари томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар намойиш этилмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Хунарманд» уюшмаси сингари кичик бизнес субъектлари, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида банк тизими билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ташкилотлар ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамда Яккасарой тумани «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамкорлигида «Болалик орзуларим» мавзудаги кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда фарзандларимиз бахту камоли йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг маънавий олами юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Қурбонов Эстониянинг Тарту шаҳрида эркин ва юнорум кураши бўйича ўтказилган «Kristjan Palusalu Memorial – 2017» халқаро турнирида олтин медалга сазовор бўлди.

Вазни 86 килограмм бўлган эркин курашчилар ўртасидаги баҳсларнинг финал учрашувида Р.Қурбонов россиялик Анатолий Серезенковни катта устунлик билан мағлубиятга учратди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўнга яқин давлатдан келган истеъдодли боксчилар ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Шержаҳон Мирзабеков кумуш медаль, Ислон Ғоипов бронза медаль билан тақдирланди.

Истеъдодли теннисчиларимиз Туркия ва Қозоғистонда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилаётган турнирларда муваффақиятли иштирок этишди.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Сабина Шарипова Туркиядаги халқаро турнирнинг асосий тўр баҳслари дастлабки даврасида туркиялик Пемро Ўзген билан куч синашди. Мазкур ўйинда теннисчимиз 6:4, 6:2 ҳисобида зафар кучди. Энди С.Шарипова чорак финал йўлланмасини қўлга киритиш учун яна бир мезбон теннисчи Айла Аксу билан рақобатлашади. Қозоғистонда ўтказилаётган мусобақада қатнашаётган Арина Фольц илк учрашувда украиналик Марина Чернишевага қарши қорғта чиқиб, 2:6, 7:5, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, Альби-

на Хабибулина қозоғистонлик Екатерина Дмитриченкони 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Санжар Файзиев Қозоғистонда ўтказилаётган «Фьючерс» туркумидаги мусобақанинг иккинчи босқичига йўл олди. Санжар дастлабки босқичда россиялик Денис Мацукевични 6:4, 3:6, 7:6 ҳисобида енгиб, навбатдаги даврада қозоғистонлик Роман Ҳасанов билан беллашадиган бўлди. С.Файзиев, шунингдек, жуфтлик баҳсларида россиялик теннисчи Иван Гахов билан бирга биринчи даврада ғалаба қўғонди ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан таниқли эстрада ва кино юлдузлари ҳамда паралимпиячилар ўртасида стол тенниси бўйича «Паралимпия кубоги» мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада элликка яқин санъаткор ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XV ёзги Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Мусобақанинг финалида Дилшод Қурбонов ва Иззат Ҳамроев учрашди. Тенг курашлар остида ўтган мазкур ўйинда истеъдодли паралимпиячимиз Д.Қурбонов зафар кучиб, «Паралимпия кубоги» соҳибига айланди. Иззат Ҳамроев иккинчи, Толибжон Мўминов эса учинчи ўринни эгаллади.

13 АПРЕЛЬ
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Мажлисида алоҳида қайд этилганидек, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ҳар йили 10 минг нафардан зиёд хотин-қизларга, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга стационар ёрдам кўрсатилмоқда. Муҳокама давомида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди.

«Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон ташқи савдо алоқаларининг самарадорлигини янада ошириш, ташқи савдони либераллаштириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда рақобатдош маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш тизимини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан хорижий шериклар ўртасида савдо соҳасида узок муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Термизда ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда 220 йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси 400 га яқин турдаги маҳсулотларини намойиш этди. Ярмарка доирасида вилоятдаги ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар маҳсулот харид қилиш бўйича 41 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзолади.

Миллий матбуот марказида «Ўзбеккозиковкатхолдинг» холдинг компанияси матбуот анжумани ўтказди.

Компания тизимида 200 дан ортиқ маҳаллий ва 20 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Худудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича савдо-логистика марказлари барпо этилмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида савдо-логистика марказлари ишга туширилди. Келгусида Ангор, Тўрақўрғон, Жиззах, Булунғур, Боғот туманларида логистика марказлари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили амалга оширилган 420 миллион долларлик лойиҳалар эвазига қарийб 4,5 минг иш ўрни яратилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси томонидан электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда мамлакатимизда электрон тижоратнинг жадал

ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар, хусусан, почта хизматлари тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, электрон рақамли имзо технологиялари, олис туманларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари чеклангани сингари масалалар муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Россия Федерацияси халқ артисти, Мюнхен филармонияси оркестри бош дирижёри Валерий Гергиев бошчилигида Санкт-Петербургнинг Мариинский театри филармония оркестри концерти бўлиб ўтди.

Кечада К.Дебюсси, И.Стравинский, П.Чайковский ижодига мансуб мусикалар янгради. Таникли рус санъаткорлари иштирокидаги концертда солист –иктидорли ёш ўзбек пианиночиси Бехзод Абдураимов машҳур рус композитори Сергей Прокофьевнинг оркестр жўрлигида фортепиано учун «3-концерт»ини ижро этди.

Самарқандда муайтай бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон кубоги ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган юзга яқин спортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Ўзбекистон кубогида Азиз Уматов, Илҳом Сотволдиев, Одил Сотқинов, Шерзод Холматов, Асад Ҳамидов, Ёқуб Розиков, Карим Каримов, Жўрабек Нуруллаев, Камолитдин Козимов, Муҳаммад Мирзаев, Жаҳонгир Йўлдошев, Уббенияз Турениязов ва Ислом Маърупов барча рақибларини енгиб, ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Туркия ва Қозоғистонда Халқаро теннис федерацияси томонидан халқаро турнирлар ўтказилди.

Уларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова, Альбина Хабибулина ва Санжар Файзиев чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Қозоғистонда Альбина Хабибулина россиялик Ксения Шарифовани 3:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Истеъдодли теннисчимиз Санжар Файзиев Қозоғистонда ўтказилган «Фьючерс» туркумидаги мусобақанинг иккинчи босқичида мезбон Роман Ҳасанов устидан ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Президент ташрифни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади. Ислом Каримов руҳига Қуръон тиловат қилинди. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Давлатимиз раҳбари ушбу мақбара лойиҳаси билан танишди. Уни янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун қулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди. Зиналарни пасайтириш, мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, замонавий тунги ёриш тизими билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Жомбой туманидаги «Ғалла Осиё нон» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, вилоятда яқин вақтлар ичида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар тақдиротида иштирок этди.

Дастлаб Президентга «Шарқ саноат» концерни таркибида ташкил этилган интенсив кўчат етиштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Самарқандда картошка етиштириш бўйича янги марказ ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Марказнинг ҳудудлараро филиаллари ташкил қилинади. Вилоятларда мазкур йўналишда лабораториялар очиш кераклиги қайд этилди. Булунғур туманида ташкил этилаётган «Тоҳир» масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди. Президентга Булунғур туманидаги «Самарқанд гарден пласт» ва Жомбой туманидаги «Грин агро экспорт» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Мароқанд мева-сабзавот» фермер хўжалиги томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш марказини ташкил этиш лойиҳалари тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев Оқдарё туманидаги «Юнусжон аҳли» оилавий корхонаси томонидан соя оксили изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Йилига 26 тонна соя донини қайта ишлаш қувватига эга корхона Хитойнинг етакчи компанияларининг замонавий ускуналари билан жиҳозланади. Жорий йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топшириладиган корхонада соя ёғи, уни, оксил изоляти ишлаб

чиқарилади. Корхонада 80 кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилгани айтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жомбой туманида вилоятда энгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар тақдиротида иштирок этди.

Президентга вилоятда «Ўзмиллийбанк» томонидан молиялаштирилаётган энгил саноат лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди. Мазкур банк томонидан молиялаштирилаётган «8 март», «Urgaz textile», «Urgaz Caret», «Arfa Exprod», «Alnazar orzu servis», «Samarqand Oqdaryo textil tola» каби масъулияти чекланган жамиятларида йилига 110,4 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Президентга Булунғур туманидаги «Интер леґо» масъулияти чекланган жамиятида ип-калава, трикотаж мато ва матони бўяш ҳамда тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Жанубий корейлик инвесторлар томонидан ташкил қилинаётган «Samarkand apparel» корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар учун тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Каттақўрғон чарм» лойиҳалари ҳақида сўзлаб берилди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

Президентимиз мазкур марказ қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бугунги кунда Имом Бухорий мажмуаси ёнидан жой ажратилиб, марказни қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Қўшработ туманида бўлди.

Тумандаги «Октепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда тоғолди ҳудудларида 2017-2018 йилларда ёнғоқзор ва узумзорлар, 2017-2021 йилларда чорва боқишни ташкил қилиш,

туманда ичимлик суви таъминотини яхшилашга оид лойиҳалар билан танишди. «Оқтепа унумдор замин» фермер хўжалигида Шавкат Мирзиёев нуронийлар билан бирга бу ерга ёнғоқ кўчати ўтказди. Туманда жунни қайта ишлаш фабрикаси қуриш, Самарқанд ва Оқдарё туманларида 2017 йилда қурилиши режалаштирилган замонавий иссиқхона мажмуалари лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочиларининг кўрик-фестивали бошланди.

Кўрик-фестивалда 18-32 ёшли 90 нафар опера ижроچиси қатнашмоқда. Иштирокчининг ижро дастури, жўравоз билан биргаликда ишлаш маҳорати, мусиқий асар моҳиятини тингловчига етказа олишига асосий эътибор қаратилади. Қатнашчилар мамлакатимиз ва жаҳон композиторлари операларидан ариялар ёки камер вокал асарларидан намуналар ижро этиши талаб этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод мемориал-боғ музейида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб ўтказилаётган Тасвирий ва амалий санъат фестивали олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Фестиваль доирасида турли кўргазмалар, концертлар, маҳорат сабоқлари, миллий либослар намойиши, учрашув ва давра суҳбатлари, ижодий анжуманлар, тақдимот тадбирлари бўлиб ўтиши режалаштирилган. «Энг яхши ўқув муассасаси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши тасвирий санъат асари», «Энг яхши кўргазма», «Энг яхши маҳорат дарси» танловлари ташкил этилиши ҳам нафис санъат фидойиларини аниқлаш имконини беради.

Санкт-Петербургниң Мариинский театри бош балеринаси, Россия Федерацияси халқ артисти Диана Вишнёваниң Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри бадий кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Жорж Бизе-Родион Шедринниң бир актли «Кармен-сюита» балети, Мариинский театри балет труппаси яккахонлариниң «Дон-Кихот», «Оққуш кўли», «Анна Каренина», «Шаҳризода» спектакллари ва бошқа балетлардан сахна кўринишлари ҳамда хореографик дастурлари намойиш этилди.

15 АПРЕЛЬ
Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида Темирйўл вокзали – Сартепа йўналиши бўйича трамвай катнови йўлга қўйилишига бағишланган тадбирда иштирок этди.

Президент «Тарих музейи» бекатидан «Темир йўл вокзали» бекатигача вилоят фаоллари билан бирга трамвайда келди. Самимий мулоқот чоғида мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз борди.

Темир йўл вокзали билан Сартепа оралиғидаги 7,2 километрлик йўналишда 8 трамвай ҳаракатланади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентиниң Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Қабулхонада иш замонавий ахборот технологиялари асосида йўлга қўйилган. Фуқароларни қабул қилиш, муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун зарур қулайликлар яратилган. Қабулхона Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 32-уйда жойлашган. Президент Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқот учун эркинлик ва қулайлик яратгани, энди асосий эътиборни одамларни рози қилишга қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Президентга Самарқанд шаҳриниң Даҳбед кўчасидан Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб борувчи Нурафшон кўчасини ободонлаштириш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Нурафшон кўчасида олиб бориладиган бунёдкорлик ишлари натижасида атрофдаги эски ва бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган иншоотлар шаҳарсозлик талаблари асосида таъмирланиб, ижтимоий объектлар қурилади. Президент шаҳардаги Жомий кўчасидаги Ёшлар марказини реконструкция қилиш, хайвонот боғи қуриш лойиҳаларини кўздан кечирар экан, бу борадаги ишларни аҳолиниң фикри ва талаблари асосида амалга ошириш, миллий меъморлик ва замонавий архитектура аъналарини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида

маиший техникалар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди.

Президент мазкур лойиҳалар билан танишар экан, аҳолининг маиший техникалар билан таъминлангани унинг турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканини таъкидлади. Маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендини янада кенгроқ оммалаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Франция Республикаси ташқи ишлар ва халқаро тараққиёт вазири Жан-Марк Эро билан учрашди.

Мулоқот чоғида 2017-2018 йилларга мўлжалланган вазирликлараро Ҳамкорлик дастури Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни тизимли асосда ривожлантириш ва мустақамлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Учрашувда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

17 АПРЕЛЬ

Оҳангарон тумани марказий истироҳат боғида «Ватанимиз келажаги учун масъулмиз!» шиори остида уюшмаган ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда тижорат банклари фаолиятига бағишланган кўرғазма ташкил этилди. Семинарда ташаббускор, тадбиркор бўлиш истагини билдирган кўплаб ёшлар ўз бизнес ғояларини молиялаштириш учун банклар билан кредит шартномалари имзолади.

Тожикистон пойтахтида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари маҳсулотларининг миллий кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмада 160 дан зиёд компания мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган 1 минг 500 турдаги маҳсулотни намойиш этмоқда. Душанбе шаҳридаги «Пойтахт – 90» савдо маркази ҳудудидаги 2 минг квадрат метр майдонда электротехника, кабель, фармацевтика, сантехника, тўқимачилик, чарм маҳсулотлари, ўқув-лаборатория ускуналари, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, чинни буюм ва идишлар, парфюмерия ва бошқа маҳсулотлар намойиш этилди. 1000 квадрат метр очик майдонда қишлоқ хўжалиги техникаси ва турли осма ускуналар, енгил ва юк автомобиллари, йўловчи автобуслари тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочиларининг республика кўрик-фестивали ташкил этилди.

Кўрик-фестивалда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрининг стажёри Шухрат Чориев биринчи ўринни қўлга киритди. Сирдарёлик Собирхўжа Ботиров иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабаси Бирдонахон Маткаримовага учинчи ўрин насиб этди. Бир гуруҳ ёш опера ижрочилари турли номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Локомотив» ўз майдонида «Насаф» клубини 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Бешинчи турда «Локомотив»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган «Шўртан» клуби бу сафар «Пахтакор» дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиб, йирик ҳисобдаги ғалабани нишонлади. Пойтахтликлар дарвозасига Игорь Таран иккита, Ғулом Раҳмонов битта гол киритди. «Динамо» жамоаси ўз майдонида «Бухоро»ни 3:1 ҳисобида енгган бўлса, «Бунёдкор» сафарда «Нефтчи»дан 2:1 ҳисобида устун келди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» – «Сўғдиёна» 1:1, «Машғал» – «Кўкон-1912» 1:1, «Обод» – «Олмалик» 0:1, «Металлург» – «Навбахор» 0:0.

Тошкентда 64 ва 100 катакли шашка бўйича болалар,

Ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.

Бу йилги чемпионатда Абдукодир Тоштемиров, Алишер Ортиқов, Самандар Калонов, Сайёра Йўлдошева каби тажрибали шашка усталари билан бирга ёш иқтидор эгалари мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Қаршида таэквондо (WTF) бўйича Амир Темур кубоги учун мамлакат очик чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Таэквондо ассоциацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 2000-2002, 2003-2005, 2006-2007 йилларда туғилган 850 дан ортиқ спортчи ўн вазн тоифасида ғолиблик учун баҳслашди. Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қашқадарё ва Бухоро вилояти таэквондочилари эгаллади.

Бухоро шаҳрида теннис бўйича ўғил болалар ўртасида «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди.

Ўзбекистон теннис федерацияси ва Халқаро теннис федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда Россия, Беларусь, Қозоғистон, Ҳиндистон, Украина, Сербия ва Эстония каби давлатлардан келган теннисчилар яқкалик ва жуфтлик баҳсларида ўзаро куч синашди.

Мусобақада мамлакатимиз шарафини Сергей Фомин, Санжар Файзиев, Темур Исмоилов, Азамат Лукмонов, Саидаъло Саидкаримов, Шониғмат Шофайзиев, Павел Цой, Олимжон Набиев каби истеъдодли теннисчиларимиз ҳимоя қилишди.

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Санжар Файзиев Қозоғистонда ўтказилган «Фьючерс» туркумига кирувчи мусобақанинг жуфтлик баҳсларида ғалаба қозонди.

Турнирнинг жуфтлик баҳсларида Санжар россиялик Иван Гахов билан биргаликда иштирок этди. С.Файзиев ва И.Гахов мусобақанинг ҳал қилувчи финал баҳсида чехиялик Либор Салаба ва словакиялик Адриан Сикора устидан зафар кучиб, бош совринни қўлга киритди.

Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум курашлари бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасида анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган юнон-рум кураши бўйича беллашувларда юздан зиёд курашчи иштирок этди. Кескин ва мурасасиз жанглارга бой ўтган баҳсларда 55 килограмм вазн тоифасида Илҳом Баҳромов, 74 килограмм вазнда Жалгас Бердимуродов бронза медалига сазовор бўлди. Мусобақанинг кадетлар ўртасидаги эркин кураш баҳсларида Арслон Раҳимов, Фаррух Зарипов, Муҳаммадрасул Раҳимов финалга қадар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, Умиджон Жалолов терма жамоамиз ҳисобига бронза медални қўшиб қўйди.

Бухоро шаҳрида «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнир ўтказилди.

Мусобақанинг яқкалик баҳсларида Темур Исмоилов, Санжар Файзиев ва Саидаъло Саидкаримов биринчи даврада зафар кучиб, навбатдаги боскичга чиқди. Жуфтлик баҳсларида Ботир Сафоев ва Павел Цой, Санжар Файзиев ва Евгений Тюрнев (Россия), Темур Исмоилов ва Маркос Каловелонис (Россия) жуфтликлари ғалаба қозониб, чорак финалга йўл олди.

18 АПРЕЛЬ
Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» кўрғазмалар залида «Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2017» кўрғазмаси бошланди.

Мазкур кўрғазмада ўн саккиз мамлакатдан икки юздан ортиқ компания иштирок этаётгани тадбир нуфузидан далолат беради. Беларусь, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Голландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Чехия, Швейцария, Эстония, Жанубий Корея, Япониянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини намойиш этди. Уларнинг орасида маҳсулотларининг сифати ва самарадорлиги бўйича дунёда ном қозонган «Samsung», «Heinemann», «Mindray», «BTL», «Chison» каби компаниялар бор.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг (2017) I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 январидан республика Хукумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурнинг устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича кўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлар ва ҳудудларни янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурий чоралар ҳар томонлама ва муфассал кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида тасвирий ва амалий санъат фестивали бошланди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвон саройи, Камолиддин Бехзод мемориал боғ-музеи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида устоз-шогирд анъаналарининг бардавомлиги, баҳор, бугунги тинч ва осойишта кунларимизни, халқимизнинг кайфияти, руҳияти, эзгу орзу-интилишларини акс эттирувчи асарлардан иборат қизиқарли бадий кўрғазмалар бўлиб ўтди. Фестиваль кунлари «Энг яхши ўқув муассасаси», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши тасвирий санъат асари», «Энг яхши

амалий санъат асари», «Энг яхши кўрғазма», «Энг яхши маҳорат дарси» танловлари ҳам ўтказилди.

Тошкентда бадий гимнастика бўйича нуфузли мусобақалар – Жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan – 2017» халқаро турнири бошланди.

Мусобаканинг яқкалик баҳсларида Дилдора Раҳматова, Нури-нисо Усмонова, Тахмина Икромова, Хуршида Абдурауфова, Севинч Турдиева, Наргиза Жуманиёзова, Диёра Бурҳонхўжаева, Лола Зокирова, Фарзона Усмонова сингари гимнастикачиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гуруҳ баҳсларида Шаҳризода Арзиматова, Екатерина Фетисова, Шаҳризода Қаюмова, Динора Иззатуллаева, Сунажон Сотимбоева, Анастасия Тихоновадан иборат жамоамиз қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Диёра Бурҳонхўжаева халқада 15.05 балл, Тахмина Икромова тўпда 15.15 балл, булавада 14.35 балл, Севинч Турдиева тасмада 14.15 балл тўплади. Шу тариқа 58.7 балл тўплаган терма жамоамиз шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

19 АПРЕЛЬ
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республика аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, сув таъминоти ва канализация тизими объектларини самарали эксплуатация қилиш, ичимлик суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ичимлик сувидан фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш, шунингдек, экспорт прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилиши ва экспорт ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун барча дара-

жадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тайёр маҳсулотлар турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш доирасида қиймати 5,5 миллиард доллардан ортиқ 2,8 мингдан кўпроқ маҳаллийлаштириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилгани, илгари хориждан олиб келинган 4,8 мингдан зиёд янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани таъкидланди. Натижада кейинги беш йилда импорт ҳажми 752 миллион долларга, жумладан, 2016 йилда 286 миллион долларга камайди. Йиғилиш давомида Давлат божхона қўмитасига импорт қилувчи корхоналар фаолиятининг импорт тури ва номенклатурасига мувофиқлиги устидан доимий қатъий назорат ўрнатиш ва фаолиятига хос бўлмаган товарлар олиб қилинишига йўл қўймаслик бўйича тегишли тезкор чоралар кўриш учун Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига ҳар ой ҳисобот бериши топширилди.

»Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлашган технологик занжирини шакллантириш асосида уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақланиши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида 2015 йил 12 декабрда қабул қилинган Париж битимини Ўзбекистон имзолашига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Битимни мамлакатимиз номидан Ўзбекистон Республикаси-

нинг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бахтиёр Ғуломов имзолади. Хужжатни имзолаш маросимида БМТ томонидан Ташкилот Котибияти Ҳуқуқшунослик бошқармасининг Шартномалар секцияси раҳбари С. Виллалпандо иштирок этди. Шукуннинг ўзида Ўзбекистон Париж битимини имзолаган мамлакатлар рўйхатига киритилгани ҳақида ахборот материали тайёрланиб, БМТ Котибияти томонидан ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида тарқатилди. Хужжат имзоланганидан сўнг Битимнинг асл нусхаси сақлаш учун мазкур вазифа ижроси ташкилот Бош котиби мутасаддилигида бўлган БМТ Депозитарийсига тақдим этилди.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ишбилармон дорларари иштирокида бизнес-форум ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 704 фирма ва компания фаолият кўрсатмоқда. Улар нефть-газ, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, савдо, тўқимачилик, озик-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, электр техникаси каби соҳаларда иш юритаётир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,7 миллиард АҚШ долларини, жорий йилнинг биринчи чорагида 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Форумда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шайхонтохур тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта асарлар тарғиботини ташкил этиш, «оммавий маданият», интернет тармоғидаги хуржлардан ёшларни асраш, шеърхонлик кечалари, мушоира ва бошқа адабий тадбирларни кўпроқ уюштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Тошкентда бадий гимнастика бўйича «Happy Caravan – 2017» халқаро турнири якунланди.

Жамоавий кўпураш баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Диёра Бурҳонхўжаева ҳалқада 15,05 балл, Тахмина Икромова тўпда 15,15 балл, булавада 14,35 балл, Севинч Турдиева тасмада 14,15 балл тўплади. Шу тариқа 58,7 балл тўплаган терма жамоамиз шохсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Наманганда болалар ва ўсмирлар, қизлар ва ёшлар ўртасида илк маротаба трамполин бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари батутда сакраш бўйича яккалик, акробатик йўлакчадаги машқлар бўйича имкониятларини синовдан ўтказди. Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Фарғона вилояти жамоаси иккинчи ва Наманган вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Анна Ивановна Глушенкова 91 ёшида вафот етди.

А.Глушенкова Ўрта Осиё индустриал институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) тугатди ва ушбу институт аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси етиб сайланди. Олимининг илмий ишланма ва тадқиқотлари республикамиз иқтисодиёти тармоқларида, айниқса, пахтачилик саноатида кенг қўлланиб келмоқда. Унинг пахта толаси ва чигитини қайта ишлаш, улардан зарур истеъмол маҳсулотлари ҳамда дори воситалари тайёрлаш бўйича илмий ишланмалари муҳим аҳамиятга эга.

20 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ўммон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги Бош қотиби Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот чоғида барча соҳалардаги ҳамкорликни кенгайти-

ришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани, бунинг учун зарур салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Бу масалалар Ўммоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва тез орада Маскат шаҳрида очиладиган Ўзбекистон элчихонаси фаолиятининг асоси бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шу куни Ўзбекистон – Ўммон вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи раунди бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Бадий академия томонидан Тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Мовийга парвоз – II. Она замин ва инсон образи» номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага келганлар А.Икромжонов асарлари билан бирга унинг шогирдлари Илхом Отабоев, Эркин Бозоров, Хуршид Иброҳимов, Сардор Аллаберганов, Фаррух Аҳмадалиев, Саидбек Собирбоев ва бошқаларнинг асарларидан баҳраманд бўлишди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Миллий ва умуминсоний маданиятлар уйғунлиги: назария ва амалиёт» мавзусида анъанавий илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбир доирасида Миллий университетнинг «Маънавият асослари ва диншунослик» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган янги ўқув-услубий адабиётлар жамланмаси, Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «Асрлараро саёҳат», «Адрас жилоси» миллий либослар коллекциялари, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди.

21 АПРЕЛЬ

«Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхши-

лаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманида барпо этиладиган янги савдо маркази ва кўп қаватли уйлар лойиҳалари билан танишди.

Олмазор туманининг Нурафшон ва Форобий кўчалари кесишган жойда уч қаватли «Эски шаҳар» савдо маркази барпо этилади. Бу ерда харидорларга кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида кафе, галерея, болалар ўйин майдончалари, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқа объектлар қурилади. Марказ ишга тушгач, 250 киши иш билан таъминланади. Марказнинг учинчи қаватида «Китоб олами» дўкони ва тарихий фильмлар намойиш қилинадиган кинозал барпо этиш кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Талабалар шаҳарчаси ҳудудида қуриладиган ахборот-ресурс маркази лойиҳаси билан танишди.

Талабалар шаҳарчасида қурилиши режалаштирилаётган ахборот-ресурс маркази ана шундай замонавий талабаларга жавоб беради. Марказ электрон-ресурслар, даврий адабиётлар, мутолаа, мультимедиа ва конференция залларини ўз ичига олади. Президент марказ лойиҳаси ва концепциясини такомиллаштириш, унинг камровини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги «Табасум» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла ҳаёти билан танишиб, аҳоли билан

мулоқот қилди. Учрашувда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ислохотлар, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонлик маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилди.

Табасум маҳалласидаги 27 кўп қаватли уйда 5 минг 300 дан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади.

Президент пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Имом Термизий жомеъ масжидида бўлди.

Шавкат Мирзиёев нурунийлар билан суҳбатда дунёнинг турли ҳудудларида ислом динини ниқоб қилиб олган кимсалар қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганини, бундай қабих ҳаракатлар муқаддас динимизга мутлақо тўғри келмаслигини, фарзандларимизни ана шундай ёвуз ниятли кучлар, экстремистик ғоялар таъсиридан асраб-авайлашимиз зарурлигини қайд этди. Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил қиламиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Наманган шаҳрида фойдаланишга топширилган Тасвирий санъат асарлари кўргазмалар саройи зали ўз фаолиятини вилоят ижодкорларининг «Ўзбекистон – озов ва бетакрор диёр» номли бадий асарлар кўргазмаси билан бошлади.

Янги галереяда ташкил этилган илк кўргазмада Эркин Азизов, Абдумажид Ҳусайнов, Муҳаммаджон Тожимирзаев, Равшан Йўлдошев каби мусаввир, ҳайкалтарош ва амалий санъат вакиллари 200 дан зиёд ижодий иши намойиш этилди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Юнус Ражабийнинг хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбек мумтоз кўшиқчилиги ривожиди Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабийнинг хизматлари бекиёс. У «Гиря», «Ушшоқ», «Кўча боғи», «Эшвой», «Қаландарий», «Гулёр-Шаҳноз», «Баёт», «Дугоҳи Ҳусайний», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллоҳи» каби ашулалар ва куйларни маромига етказиб ижро этган. Кечада «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Юнус Ражабийнинг халқимизга ва келажак авлодларга қолдирган улғу ва эзгу ишлари, ижоди ёдга олинди. Тадбирда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли атоқли санъаткор яратган куй ва кўшиқлардан жамланган концерт дастурини намойиш этди.

Тошкент вилоятида от спорти бўйича Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси биринчи босқич мусобақалари бошланди.

Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси босқичларида чавандозларимиз йигирма уч марта шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олган. Спортчиларимиздан Ғайрат Назаров тўққиз марта ғалаба қозонган. Умид Комилов олти марта, Азиз Содиқов икки марта биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Исожон Содиқов, Даврон Ғофуров, Владимир Шмелёв, Абдулазиз Маматхонов, Нуржон Туёқбоев ва Аъзам Толиббоев бир мартадан ғолиб чиққан. Мусобақа доирасида ўтказиладиган «Миллатлар кубоги» жамоавий беллашувларида ҳам мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари йигирма уч марта зафар қучган.

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаси бошланди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Грузия, Индонезия, Испания, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Словения, Таиланд, Финляндия, Швейцария, Эстония, Япония ва Қозоғистон каби давлатлардан юзга яқин гимнастикачи ўзаро баҳслашмоқда. Жаҳон кубоги босқичида тажрибали гимнастикачиларимиз Сабина Тошкенбоева ва Анастасия Сердюкова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишди. Гуруҳ баҳсларида Ксения Александрова, Сафия Бозорова, Алина Қосимова, Динора Равшанбекова, Комилабону Рустамова, Гўзал Раймановадан иборат гуруҳ иштирок этишди.

24 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб Тасвирий ва амалий санъат фестивали ўтказилди.

Марказий кўргазмалар залида мазкур фестивалнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Фестиваль Ўқувчи-ёшлар томонидан Ватанимиз манзаралари,

миллий анъана ва кадриятларимиз, баҳорий гўзаллик акс эттирилган кўплаб картиналар, миллий хунармандлик намуналари яратилди. Ўзбекистон замонавий санъати, унинг бадий талқини, ривожланиш тамойиллари, рассом ва жамият мавзуларида анжуманлар, давра суҳбатлари, янги ижодий асарлар тақдимоли ўтказилди.

Андижонда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль Андижон давлат университетида турли миллатларнинг ўз анъана ва урф-одатлари намойиши билан бошланди. Тадбир доирасида «Биз сенинг фарзандингиз, Ўзбекистон!» шиори остида талаба-ёшларнинг халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, юртимизнинг бетакрор табиати, миллатлараро дўстлик, турли миллат вакилларининг юртимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси акс этган фото ва тасвирий санъат асарлари, миллий таом ва либослар, хунармандлик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди.

Тошкентда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи мусобақаси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Арманистон, Австралия, АҚШ, Беларусь, Болгария, Грузия, Индонезия, Испания, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Словения, Таиланд, Финляндия, Швейцария, Эстония, Япония ва Қозоғистондан юзга яқин гимнастикачи ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Сердюкова тасмада машқ бажаришда бронза медаль билан тақдирланди.

Тошкент вилоятида от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси биринчи босқич мусобақалари якунланди.

Бўстонлиқ туманидаги «Аллюр» от спорти клубида ўтказилган мусобақанинг яқкалик беллашувларида чавандозлар конкур – тўсиқлардан от сакратиш йўналиши бўйича баҳслашди. 130 сантиметр баландликдан от сакратиш бўйича баҳсларда Абдушукур Собиржонов «Ремтекер» лақабли отида биринчи ўринни эгаллади. Ғайрат Назаров «Куатро Жуниор» лақабли отида иккинчи, Хуршид Олимжонов «Гиатрис» номли тулпорида учинчи бўлди.

Баландлиги 135 сантиметр бўлган тўсиқлардан от сакратишда «Рамиро» лақабли тулпориди майдонга тушган Аъзамжон Толиббоев ғалаба қозонди. Қирғизистонлик Комил Собитов «Квинтендро» лақабли отида кумуш, яна бир чавандозимиз Оқил Собиржонов «Демиллион» лақабли отида бронза медалга лойиқ топилди.

Футзал бўйича XXI Ўзбекистон чемпионатининг ғолиб ва сориндорлари аниқланди.

Чемпионат финалида Олмаликнинг «Олмалик» ва Тошкентнинг «Ардус» жамоалари аъзолари куч синашди. Тезкор ҳужумлар остида ўтган учрашувнинг дастлабки баҳсида «Олмалик» клуби рақибларини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи ўйинда олмаликликлар «Ардус» клуби дарвозасини олти маротаба ишғол этган бўлса, ўз дарвозасидан бир маротаба тўпни олиб чиқди. Шу тариқа «Олмалик» жамоаси XXI Ўзбекистон чемпионатининг ғолибига айланди.

25 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон давлат санъат музейида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Темур Саъдуллаевнинг шахсий кўرғазмаси очилди.

Кўрғазмага «Навоий туши», Лайли ва Мажнун», «Най садоси», «Янги Тошкент», Она меҳри», «Устоз ва шогирдлар», «Илм сари» каби суратлар қўйилган.

Ўзбекистон Бадний академияси Марказий кўрғазмалар залида Ваҳоб Зиёевнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

Гўзал диёримизнинг ўхшаши йўқ табиат манзаралари, қадимий шаҳарларимиздаги асрларга тенгдош обидалар, Зоминнинг ҳушманзара табиати, Сурхондарёнинг тоғли қишлоқлари, файзли ҳовли-жойлар Ваҳоб Зиёевнинг шахсий кўрғазмасига қўйилган суратларда ифодаланган. Кўрғазмада рассомнинг «Бойсун оқшоми», «Дугоналар», «Осойишта осмон», «Олтин куз», «Зомин тоғлари», «Тоғдаги қишлоқ» каби элликка яқин картинаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали доирасида Ёшлар симфоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

Концертда Ўзбекистон ва жаҳон композиторларининг муסיқий асарлари ижро этилди. Жумладан, Жакомо Пуччинининг «Турандот» операсидан ария, Людвиг Минкуснинг «Дон Кихот» балетидан парча, Хрисомаллис Яннининг «Сўнгги дамда» куйи, Агустин Ларанинг «Гранада» кўшиғи теран фалсафа, Анвар Эргашевнинг «Бахт», Шухрат Зокировнинг «Соғинч» кўшиқлари, «Мавриги»нинг халқона оҳанглари ижро этилди.

Қарши шаҳрида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида теннис бўйича халқаро турнир бошланди.

Ушбу даврада қуръа натижасига кўра, икки нафар теннисчимиз навбатдаги босқичга чиқиш учун куч синашди. Унда тажрибали Темур Исмоилов ёш спортчимиз Амал Султонбеков устидан ғалаба қозонди. Турнирнинг хотин-қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида теннисчимиз Нигина Абдураимова монтенегролик Ана Веселинович билан бирга рус теннисчилари Екатерина Казимова ҳамда Олеся Первушинани мағлубиятга учратди ва чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳининг бешинчи турида Саудия Арабистонининг «Ал-Таавон» жамоасини қабул қилди.

Учрашувда 4:4 ҳисоби қайд этилди. «Локомотив» таркибида тўп сураётган Марат Бикмаев уч маротаба рақиб дарвозасини ишғол этган бўлса, Жалолиддин Машарипов битта голга муаллифлик қилди.

26 АПРЕЛЬ

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири ўринбосари Мазен Шамия раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда парламентнинг роли ва аҳамиятига доир масалалар муҳокама қилинди. Фаластин делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасида ҳам музокаралар ўтказди. Унда фармацевтика, машинасозлик ва озиқ-овқат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда бизнес-форумлар ташкил қилишга келишиб олинди. Фаластин де-

легацияси аъзолари Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Қурулли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Леонард Вотелни қабул қилди.

Сухбат чоғида икки томонлама ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлик, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Афғонистонда юзага келаётган вазият ва ушбу мамлакатда тинчликка эришиш истикболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, тўқимачилик, кўнчилик, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан аграр соҳа барқарор ривожланишида ер ресурсларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Т.Эшназаров ва бошқалар аграр соҳанинг барқарор ривожланишида ер ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти хусусида сўз юритиб, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид муносабатлар

Ер кодекси, ўнга яқин қонун, юздан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганини таъкидлади. Давра суҳбатида аграр соҳанинг барқарор ривожланишида ер ресурсларининг аҳамияти, уларни муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида таниқли дирижёр Владимир Спиваков раҳбарлигидаги Россия Миллий филармоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

«Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали доирасида ташкил этилган бу йилги концертда Россиянинг Большой театри опера труппаси солисти, халқаро танловлар совриндори Анна Аглатова (сопрано), Москва шаҳридаги Е.Колобова номидаги «Новая опера» театри солисти Василий Ладюк (баритон) ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Рамиз Усмонов (тенор) иштирок этгани давлатларимиз ўртасида мусика санъати соҳасидаги ҳамкорлик тобора мустақамланиб бораётганини аңлатади. Томошабинлар эътиборига Россинининг «Севильялик сартарош», Доницеттининг «Дон Паскуале», Вердининг «Сицилия окшоми», «Риголетто», Бизенин «Кармен» каби операларидан ижро этилган увертюра, ария, каватина, куплетлар тақдим этилди.

Қарши шаҳрида теннис бўйича халқаро турнир давом этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги яқкалик баҳслари биринчи даврасида мамлакатимизнинг кучли теннисчиларидан бири Нигина Абдураимова руминиялик Михаэла Бузарнеску билан куч синашди. Учрашувнинг биринчи сетиди 7:6 ҳисобида ғалаба қозонган Нигина иккинчи сетда тай-брекда имкониятни бой бериб қўйди. Турнирнинг иккинчи даврасида спортчиларимиздан Санжар Файзиев беларуслик Сергей Бетов, Жўрабек Каримов россиялик Богдан Бобров, Темур Исмоилов россиялик Евгений Тюрневга қарши кортга чиқди.

Тошкентда спортнинг гимнастика тури бўйича турнир ўтказилди.

Шайхонтохуртуманиҳоқимлиги ватуманхотин-қизларқўмитаси томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари

ва олий ўқув юртлари жамоалари ғолиблик учун баҳслашди. Унда 259-мактабгача таълим муассасасининг «Шодлик» жамоаси, 19-умумтаълим мактабининг «Соғлом авлод» жамоаси, Шайхонтохур саноат касб-хунар коллежининг «Камалак овози» жамоаси, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Иқтидорли» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Наманган автомобиль мактаби мототрасса-сида мотоцикллар пойгаси бўйича вилоят кубоги 1-босқич мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёшларни техник ва амалий спорт турларига жалб этиш мақсадида ташкил этилган мусобақада 13 жамоадан иборат жами 108 спортчи иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобида Мингбулоқ тумани жамоаси пойга ғолиби бўлди. Уларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

27 АПРЕЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 80,3 фоизни ташкил этди. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 38 миллион долларлик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди. «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси вилоят саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. 2016 йилда бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 163 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шавкат Мирзиёев Зафаробод туманига ташриф буюрди. Туманинг «Чимқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Мажмуанинг ишга туширилиши 2 мингдан зиёд, соҳага алоқадор ва хизмат кўрсатиш тармоқларида қўшимча 14 мингдан

ортик кишининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш учун барча қулайлик яратилган. Халқ қабулхонаси Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 117- уйда жойлашган.

Президент Жиззах шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик кўчасида ҳам 7 қаватли турар жойлар қурилади. Ўзбекистон кўчаси кенгайтирилади. Жиззах вилояти туманлари марказларида бунёд этиладиган 4 қаватли арзон уй-жойлар лойиҳаси ҳам тақдим этилди. Давлатимиз раҳбари бу кўча ва янги уйлар шаҳар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонларини барпо этиш лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Президент Шароф Рашидов тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишиб, «Учтепа» массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Янги уйлар «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши тавсияси билан биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжманд ёш оилаларга берилди. Уйлар ёш оилаларга манзур бўлмоқда. Маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳар куни ҳар бир оиланинг ҳолидан хабардор бўлиши керак, деди Президент. Давлатимиз раҳбари халқ билан мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Пахтакор туманида бўлиб, Жиззах вилоятида енгил саноат, чарм-пойабзал, қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз ташкил этилаётган ҳар бир иш ўрни муҳим эканини, корхоналарни барпо этишда замонавий қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш ва ишга тушириш муддатларини тезлаштириш лозимлигини қайд этди. Вилоятда йирик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, паррандачиликни ривожлантириш, Зомин туманида тоқзорлар, иссиқхона мажмуаси барпо этиш, асал етиштириш, Бахмал туманида 2 минг бош қорамол боқиладиган ва сутни қайта ишлайдиган заводни ишга тушириш, Фориш туманида насли эчкиларни кўпайтириш ва эчки сутини қайта ишлаш агрофирмаси ташкил қилиш, Ғаллаорол туманида ёнғоқзорлар барпо этиш, Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқчиликни ривожлантириш лойиҳаларининг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида куни Кувайт ташқи ишлар вазири ўринбосари Али Сулаймон ал-Саид билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонга Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Сабах ал-Холид ас-Сабахнинг бўлажак ташрифи, Ҳамкорлик бўйича қўшма қўмитанинг биринчи йиғилиши ва бошқа икки томонлама тадбирларни ўтказиш муддатлари ва кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шу куннинг ўзида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Кувайт вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларининг биринчи раунди бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги департаменти бош директори Канг Мён Су бошчилигидаги Жанубий корейлик ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида бизнес форум ва кооперацион биржа ўтказилди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси инвестицияси иштироки билан 461 корхона ташкил этилган. 2016 йил якунларига кўра, икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 1 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди. Жанубий Корея томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг ҳажми 7 миллиард доллардан ошган. Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд

этилди. Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Миллий матбуот марказида X Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олдида матбуот анжумани ўтказилди.

Ярмаркада истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиши, ташриф буюрувчилар эътиборига ёш олим ва талабалар томонидан яратилган 100 ишланма ҳавола этилиши, III Тошкент халқаро инновацион форумини ўтказиш ҳам мўлжалланганлиги қайд этилди. Шунингдек, унда Германия, Болгария, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Жаҳон банки, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари иштирок этиши ҳам айтиб ўтилди.

Навоийда «Қизилқум санъат ғунчалари» фестивали бўлиб ўтди.

Навоий кон-металлургия комбинати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивалда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 700 дан зиёд истеъдод соҳиби қатнашди. Иштирокчилар санъатнинг рақс, миллий куй-қўшиқлар, фортепьяно, доира ижрочилиги каби йўналишларда салоҳиятини намойиш этди.

Тошкентда «Санъат ғунчалари» XIX республика ижодий танлови бошланди.

Танловда зарбли ва дамли чолғу ижрочилари қатнашди. Финал босқичига 137 иштирокчи етиб келган ушбу лойиҳа ёш мусиқачиларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш, болалар мусиқа таълими, ижодиётини ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. Танлов давомида иштирокчилар ёғоч, мис дамли чолғулар ва зарбли чолғулар гуруҳига бўлинган ҳолда ижодий баҳслашмоқда. Лойиҳа доирасида турли анжуманлар, маҳорат сабоқлари, концертлар бўлиб ўтади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида «Тошкент баҳори» IV халқаро опера ва балет санъати фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан таъсис этилган мазкур фестивалда мамлакатимиз санъат уста-

лари билан бирга МДХ давлатларининг ижрочилари ҳам иштирок этмоқда. 5 майга қадар давом этувчи фестиваль доирасида М.Бафоевнинг «Севги самоси», Ж.Вердининг «Травиата», Н.Римский-Корсаковнинг «Шоҳ қайлиғи» каби опералари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Фестиваль доирасида маҳорат сабоқлари, ижодий мулоқотлар, концерт ва спектакллар намоиши бўлиб ўтди.

Теннис бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Нигина Абдураимова, Темур Исмоилов, Санжар Файзиев ва Жўрабек Каримов чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Халқаро теннис федерацияси мусобақалар таквимида жой олган мазкур турнирнинг яқкалик баҳслари иккинчи даврасида Темур Исмоилов россиялик Евгений Тюрнев билан рақобатлашди. Уч сет давом этган учрашувда Темур 6:1, 6:7, 6:3 ҳисобида зафар қучди. Шунингдек, ушбу босқичда Санжар Файзиев беларуслик Сергей Бетовни, Жўрабек Каримов эса россиялик Богдан Бобровни мағлубиятга учратди. Хотин-қизлар ўртасидаги яқкалик баҳсларида Нигина Абдураимова россиялик Анастасия Фроловани енгди.

28 АПРЕЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг 2016 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган брифинг уюштирилди.

Брифингда товар-моддий бойликларнинг чегарадан ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйиш билан боғлиқ ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Жумладан, йил давомида умумий қиймати 24 миллиард сўмликдан ортиқни ташкил этувчи рангли ва қора металллар, газлама, ҳайвонлар териси, кир ювиш кукуни, чорва моллари, спирт, тамаки, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, чинни буюмлар, кийим-кечак, пойабзал ҳамда теле ва аудио аппаратуралар тўхтатиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис муҳокамасига киритилган «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Олий суд Пленуми қарори лойиҳаси ҳам тизим ислохотларига ҳамроҳанг равишда ишлаб чиқилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида мустақкам норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Республика ихтисослаштирилган педиатрия ҳамда Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда таъкидландики, республика ихтисослаштирилган марказларининг вилоят ва туман тиббиёт муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги, касалликлар профилактикаси, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг юқорилиги парламент ва жамоатчилик назоратининг доимий эътиборидаги вазифага айланмоқда. Мажлисида алоҳида қайд этилдики, ушбу марказлар томонидан 2017-2018 йиллар мобайнида барча вилоят ва туман даволаш-профилактика муассасаларига чиқиб амалий ёрдам бериш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш режаси ишлаб чиқилган.

Тошкент Фотосуратлар уйида Юнус Ражабийнинг 120 йиллигига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Юнус Ражабий 5 жилдли «Ўзбек халқ мусиқаси», «Шашмақом»нинг 6 жилдли янги нашри ҳамда граммпластинка ёзувлар мукамал тўпламини тайёрлагани, «Мусиқа меросимизга бир назар» китоби, яратган куй-ашулалари билан халқимиз қалбидан мустақкам жой олди. Фотокўргазмадаги юздан ортиқ сурат-лавҳа ҳамда Юнус Ражабий уй-музейидан келтирилган устозга тегишли буюмлар, унинг кийимлари, ноталар қўлёзмаси, мусиқа асбоблари, китоблари мухлислар диққатини тортмоқда.

Халқаро теннис федерацияси томонидан Қарши шаҳрида ўтказилаётган турнирда Нигина Абдураимова ҳамда Санжар Файзиев муваффақиятли иштирок этишди.

Н.Абдураимова яқкалик баҳслари чорак финалида россиялик Олеся Первушинани мағлубиятга учратди ва финал йўлланмаси учун украиналик Ольга Янчукга қарши кортга чиқадиган бўлди.

Турнирнинг эркаклар ўртасидаги чорак финал ўйинида С.Файзиев қозоғистонлик Дмитрий Попко билан куч синашди. Қизиқарли баҳсларга бой ўтган учрашувнинг биринчи сетини 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Санжар иккинчи сетда тай-брекда зафар кучди.

29 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди.

Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувда Президентимизнинг 2017 йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди. «Caspian Food» масъулияти чекланган ширкатига ташриф чоғида Президентларга корхонанинг узумчилик ва виночиликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ҳақида маълумот берилди. Давлат раҳбарлари узумни қабул қилиш технологик линияси, ферментация жараёни билан танишдилар, маҳсулотларни дистилляциялаш ва қадоклаш цехини кўздан кечирдилар. Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев тоқзор ва ёнғокзорни бориб кўрдилар.

Мамлакатимизда «Саломатлик сари» оммавий югуриш тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, оилаларда ва меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида ташкил этилган мазкур саломатлик акциясида ўттиз беш мингга яқин турли соҳа ходимлари, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар иштирок этди. Мусобақа қатнашчилари Ойбек, Афросиёб, Шароф Рашидов, Ислоҳ Каримов кўчалари бўйлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрига қадар бўлган масофани босиб ўтди.

МАЙ

1 МАЙ Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси томонидан замонавий усулларни жорий этиш, ҳудудларнинг статистик кўрсаткичларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига маълумотларнинг сифати ва очиқлигини ошириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда 2017-2020 йилларда давлат статистика органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Тадбир иштирокчиларига қўмита сайтида (www.stat.uz) фойдаланувчилар учун кенг доирадаги интерфаол хизматлар мавжудлиги маълум қилинди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Санъат ғунчалари» XIX республика ижодий танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

«Санъат ғунчалари» ижодий танловида мамлакатимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейларининг 5-9-синф ўқувчилари ўз маҳоратини намойиш этди. Танлов доирасида концертлар, болалар расмлари кўرғазмаси, диққатга сазовор масканларга саёҳатлар, маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Танловнинг 22 иштирокчиси ёш тоифаси ва мусиқа асбоблари тури ижроси таснифида биринчи ўринга муносиб топилди.

Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати бошланди

Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари – Ҳасанбой Дўсматов, Муроджон Аҳмадалиев, Шахрам Ғиёсов, Бектемир Мелиқўзиев, тажрибали боксчиларимиздан Жасурбек Латипов, Элнур Абдураимов, Иқбол Холдоров, Исроил Мадримов, Санжар Турсунов, Баҳодир Жалолов химоя қилишди.

Ўзбекистон оғир атлетика терма жамоаси Ашхобод шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 3 олтин, 4 кумуш ва 5 бронза медални қўлга киритди.

Қитъа чемпионатининг эркаклар ўртасидаги баҳсларида тер-

ма жамоамиз аъзолари 3 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Ўта оғир вазн тоифасидаги (+105) полвонлар баҳсида қатнашган яна бир спортчимиз Рустам Жангабаев даст кўтаришда 196 килограмм, силтаб кўтаришда 241 килограмм натижа билан иккита кумуш медални қўлга киритди. Иккикурашда эса 437 килограмм натижа билан шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифасида Иван Ефремов штангани даст кўтаришда кумуш, Адҳам Эргашев ва Достон Ёқубов силтаб кўтаришда бронза медаллар билан тақдирланди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Омадой Отақўзиева ҳам штангани силтаб кўтаришда учинчи бўлди. Долера Давронова эса штангани силтаб кўтариш ва иккикурашда иккита бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ўтказилган марафонда 700 га яқин турли соҳа ходими, хотин-қизлар, ёшлар, фахрийлар иштирок этди.

Ғолиблар 18-30, 30-45 ва 45 ёшдан катта бўлган гуруҳлар бўйича аниқланди.

18-30 ёшлилар гуруҳида хотин-қизлар ўртасида Ўғилой Илёсова, эркаклар ўртасида Қувонч Ўразимбетов биринчи ўринни эгаллади. 30-45 ёш гуруҳи бўйича аёллар ўртасида Бибиойим Бойназарова, эркаклардан Оллаёр Ембергенов биринчи бўлиб маррага етиб келди. 45 ёшдан катталар ўртасидаги баҳсда Гулнора Отажоннова ҳамда Ислом Абдуллаев марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спортмажмуасида ўтказилаётган бокс бўйича Осиё чемпионатида боксчиларимиз дастлабки жангларини ўтказди.

Чемпионатда 52 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Жасурбек Латипов покстонлик Саид Асифни, вазни 64 килограмм бўлган Иқболжон Холдоров эса ҳиндистонлик Ашишни мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга йўл олди. 56 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари соvrиндори Муроджон Аҳмадалиев туркманистонлик Шодликмурод Муродовни дастлабки раундда техник нокаутга учратди

2 МАЙ «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон архитектура ва шаҳарсозлик соҳасини янада ривожлантириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ҳолатини яхшилаш, аҳоли пунктларини комплекс қуриш бўйича қабул қилинаётган қарорлар учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган Эдуардс Стипрайс, Қирғизистон Республикаси, Франция Республикаси, Италия Республикаси, Чехия Республикаси, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Данияр Сидиқов, Виолен де Вильмор, Андреа Бертоцци, Ярослав Сиро, Нобуаки Ито, Амани ал-Итр, Аҳмет Башар Шен, Хишам бин Мишал ал-Сувейлимдан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Президент дипломатик миссиялар раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев элчиларни мамлакатимизда иш бошлаётгани билан самимий табриклаб, уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Ўзбекистон Бадний академияси Иқоу Хираяма халқаро маданият карвон саройида болажонларнинг ижодий ишлари намойиши бўлиб ўтди.

Халқаро маданият карвон саройи директори Ф.Усмонов, Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Маннан, мактаб-интернат директори С.Содиқов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини на-

моён этиши учун яратилган шароитлар уларни Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Барча йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Руминияда ўтказилган шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ёш шахматчилари муносиб иштирок этди.

Мусобақанинг стандарт шахмат бўйича баҳсларида терма жамоамиз аъзолари учта олтин медални қўлга киритди, блиц мусобақада эса биттадан олтин ва кумуш медалга сазовор бўлди. Стандарт шахмат бўйича етти ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Хумоюн Бегмуродов 8,5 очко жамғарган ҳолда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди. Ўн беш ёшгача спортчилар баҳсида шахматчимиз Нодирбек Ёқуббоевга жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Тўққиз ёшгача қизлар мусобақаси эса иқтидорли шахматчимиз Афрўза Ҳамдамова мактаб ўқувчилари ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Шунингдек, А.Ҳамдамова блиц турнирда ҳам биринчи ўринни эгаллади. Тўққиз ёшгача спортчилар ўртасидаги блиц турнирда қатнашган Алихон Авазхонов кумуш медал билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз аъзолари иккинчи ўринни эгаллади.

Тошкентда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» анъанавий халқаро турнири бошланди.

Халқаро турнирда Россия, Арманистон, АҚШ, Беларусь, Озарбайжон, Эрон, Индонезия, Испания, Грузия, Украина, Покистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлардан юздан зиёд шахматчи ғолиблик учун дона суришди. 11 майга қадар давом этадиган мусобақада Жаҳонгир Воҳидов, Нодирбек Абдусатторов, Алишер Бегмуродов, Исломбек Синдоров, Хумоюн Бегмуродов, Гулруҳбегим Тохиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева, Гулнигор Абдурашулова, Мадинабону Исмоилжонова сингари истеъдодли спортчиларимиз билан бирга кўплаб ёш шахматчилар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати давом этди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтаётган мусобақанинг

дастлабки кунги кечки баҳсларида Ҳасанбой Дўстматов, Исроил Мадримов ва Санжар Турсунов чорак финал йўлланмасини ҳал қилган эди. 2 май куни 60 килограмм вазн тоифасида беллашган терма жамоамиз аъзоси Элнур Абдураимов филиппинлик Жеймс Палистни йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. Мазкур жангдан сўнг рингга 69 килограмм вазн тоифасида тажрибали боксчимиз Шаҳрам Ғиёсов қўтарилди. У иорданиялик рақиби Зияд Эшашга ҳеч қандай имконият қолдирмай, чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Мусобақада 81 килограмм вазн тоифасида иштирок этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг кумуш медали соҳиби Бектемир Мелиқўзиев эронлик Амин Зяди билан куч синашди ва баҳснинг биринчи раундидаёқ ғалаба қозонди.

3 МАЙ
Фарғонада бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2017» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Марғилон шаҳридаги «Муҳаммад салом омина» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдурахмон Йўлдошев «Энг яхши тадбиркор», Риштон туманидаги «Ихтиёр СМИК» фермер хўжалиги раҳбари Мўътабар Аҳмедова «Энг яхши фермер», Риштон туманидан кулол Шоҳрух Бозорбоев «Энг яхши хунарманд» йўналишларида биринчи ўринни эгаллади.

Алишер Навоий номидаги Кино саройида немис ва ўзбек киноижодкорлари ҳамкорлигида «Шум бола» кинофестивали ўтказилди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги, Тошкентдаги Гёте институти, «Шлингель» халқаро кинофестивали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир доирасида икки давлат киноижодкорлари томонидан суратга олинган 8 та фильм намойиш этилди. Фестиваль доирасида германиялик киноижодкорларнинг «Кўз даражасида», «Ажойиб ўрдак», «Менинг заминим», «Абадий дўстлик», «Қирол Лаурин», «Бир киши вақтга қарши», «Хайди», ўзбек иждоқорларининг «Ойқиз эртаги» ва янги анимацион фильмлари намойиш этилди.

Тошкентда кинематографияни ривожлантириш маркази очилди.

Мазкур марказ миллий кинематография санъатини жаҳон бозорида тарғиб этиб, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ижодий, ижтимоий ва иқтисодий имкониятлар яратиш бериш, кинонинг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадий савиясини оширишга хизмат қилади. Марказ ташаббуси билан ижтимоий аҳамиятга молик турли мавзуларда киносценарийлар танловини ўтказиш, сараланган сценарийлар асосида фильмлар яратиш, продюсерлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, танловлар ўтказиш режалаштирилган

Тошкентда бокс бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатининг чорак финалида терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

56 килограмм вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев бутанлик Нима Доржи билан куч синашди ва муддатидан олдин – иккинчи раундда рақиби устидан ғалаба қозонди. Вазни 49 килограмм бўлган боксчилар ўртасидаги баҳсларда Ҳасанбой Дўсматов қозоғистонлик Жомарт Ержан устидан зафар кучди. 60 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Элнур Абдураимов эса индонезиялик Фарранд Папенданга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

64 килограмм оғирликдаги боксчилар ўртасида ярим финал йўлланмаси учун жангда Иқболжон Холдоров Хитой Тайпейи вакили Хун-Мин Панни иккинчи раундда нокаутга учратди. Шунингдек, Исроил Мадримов ўз вазнида филиппинлик Эумир Марциал устидан йирик ҳисобда зафар кучди.

Тошкент молия институтида «Ислом Каримов хотираси - мангу барҳаёт» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ислом Каримовнинг Ватанамиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига қўшган улкан ҳиссаси, у кишининг сермазмун ҳаёти ва фаолиятининг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Ислом Каримов хотираси- мангу барҳаёт» мавзусида хотира тадбири ўтказилди.

«Наркоманияга қарши кураш» мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

Қирғизистон Республикаси Чолпан ота тумани САДАП (Сентрал Азия Друг Астион Программ) дастури доирасида «Профилактика» компоненти бўйича журналистлар ва ахборот хизматлари вакиллари учун ўтказилган ҳудудий ўқув семинари наркомания масаласига бағишланди. Интерфаол машғулотларни Польшадан ташриф буюрган мутахассислар Януш Сераславский ва Давид Кравчиклар олиб бордилар.

4 МАЙ
«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармонда, жумладан, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда биринчи даражали вазифа сифатида белгилаб берилган. Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида таклиф киритилган. Фармонда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига қуйидаги топшириқлар юклатилди: ер участкалари чегараларини белгилаш ва уларни эркин иқтисодий зоналар таркибига киритиш учун ажратиш; келгусида доривор ўсимликлар етиштирилаётган плантациялар ташкил қилиш учун ер участкаларини аниқлаш ва уларни ажратиш; эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида саноат плантацияларини ташкил этиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод мемориал боғ-музейида рангасвирчи мусаввир Самиг Абдуллаев ижод намуналаридан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

С.Абдуллаев ҳаёт бўлганида бу йил юз ёшга тўлар эди. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган таниқли рассомнинг картиналарида тинч ва осойишта ҳаётни тараннум этиш, бошимиз узра мусаввир осмонни, Ватаннинг ҳар қарич тупроғини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, келажак учун масъуллик ғояси устувор ўрин тута-

ди. Мазкур кўргазмада унинг она табиатнинг бетакрор гўзаллиги, осойишта, фаровон ҳаётни тараннум этувчи қирққа яқин асари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган. «Қоялар. Оқшом», «Баҳорги хиёбон», «Қирғоқ», «Денгиз манзараси» каби картиналар мўйқалам соҳибининг ҳаёт йўли, хотираларини акс эттирган.

5 МАЙ
«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазур фармон тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳияти: зарур шароитлар ва ўсиш имкониятлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчи А.Бекмуродов, Марказий банк раиси ўринбосари Ш.Шоахмедов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида «Тошкент баҳори» IV халқаро опера ва балет санъати фестивалининг ёпилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур ижодий лойиҳа бир неча йиллардан буён маданий соҳадаги алоқаларни тобора мустаҳкамлаш, ижодкорларнинг

ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этмокда. Фестиваль дастури мамлакатимиз ва россиялик балет ижрочилари иштирокидаги П.Чайковскийнинг «Оккуш кўли» балети намойиши билан ниҳоясига етди.

Бухоро шаҳридаги «Дилкушо» сузиш ҳавзасида синхрон сузиш бўйича 2005-2007 йилларда туғилган қизлар ўртасида Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

Унда мезбонлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 100 га яқин ёш спортчи иштирок этди. Чемпионатнинг яққалик чиқишларида Тошкент шаҳри ҳамда Андижон ва Бухоро вилоятлари спортчилари юқори натижаларга эришди. Гуруҳ баҳсларида ғолиблик пойтахтлик қизларга насиб этди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатининг ярим финал баҳслари якунланди.

Чемпионатнинг 52 килограмм вазн тоифасида Жасурбек Латипов козоғистонлик Азамат Иссақуловни мағлубиятга учратган бўлса, 56 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган Муроджон Аҳмадалиев иккинчи раундда рақибини нокаутга учратди. 81 килограмм вазнда жанг ўтказаетган Бектемир Мелиқўзиев хитойлик Хуан Жябинга қарши жангда муддатидан олдин зафар қучди. Вазни 91 килограммдан ортиқ бўлган Баходир Жалолов суриялик Муҳаммад Мулаесни енгди. Шунингдек, спортчиларимиздан Ҳасанбой Дўсматов ҳиндистонлик Амит, Иқболжон Холдоров козоғистонлик Бекдавлат Ибрагимов, Исроил Мадримов козоғистонлик Абилхон Аманкул, Элнур Абдураимов хитойлик Жун Шан, Шаҳрам Ғиёсов эса эронлик Сажжад Козимзодапоштирий устидан ғалаба қозонди.

6 МАЙ
Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтнинг Ойбек кўчасидаги кўп қаватли уйларда ишга туширилган замонавий, энергиятежамкор локал қозонхоналарни бориб кўрди.

Ойбек кўчасидаги 40- ва 42-уйларда ишга туширилган қозонхоналар гелио сув иситгичлари билан жиҳозланган. Ушбу

қозонхона анъанавий марказлашган иситиш тизимига қараганда бирмунча афзалликларга эга. Лойиҳанинг қиймати 460 миллион сўм бўлиб, харажатлар «Тошсиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси ҳисобидан қопланган. Бундай қурилмалар нафақат қуёшли, балки булутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади. Мазкур соҳадаги ишлардан кўзланган асосий мақсад кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишдир, деди Президентимиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги «Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

«Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 12 гектардан зиёд, бино ва иншоотлар майдони 4,5 гектар. Бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур инфратузилма, тайёр имконият мавжуд.

Президент бу ердаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, завод биноларини ишбилармон ва тадбиркорларга имтиёзли асосда ижарага бериш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Шу ернинг ўзида Яшнобод туманида амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига ташрифи чоғида 32-оилавий поликлиникага кирди.

Давлатимиз раҳбари поликлиниканинг иш тартиби билан қизиқди. Муассасанинг самарадорлигини ошириш, уйларга чиқиб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш, поликлиникани таъмирлаш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш, мобиль тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Яшнобод туманидаги 32-оилавий поликлиника Асалобод, Маърифат, Ширинобод, Жўрабек, Яссавий, Бойсун маҳаллаларидаги 27 минг 285 аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Президентимиз поликлиника жойлашган маҳалладаги одамлар билан мулоқот қилди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан кўргазма очилди.

Кўргазмада Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Е.Гадецкий, меҳнат фахрийлари М.Йўлдошев, А.Мўминов, В.Зиёев, А.Слугин, Г.Серов, Е.Шубина, А.Донец каби мусаввир ва фоторассомлар ижодидан намуналар ҳавола этилди. Уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган кўргазма очилди.

Кўргазмада 17 марҳум мусаввир томонидан турли йилларда яратилган 55 асар намойиш этилди. Таниқли рассомлар О.Отабоевнинг «Тахт», «Эртак», Қ.Бердимуратовнинг «Муסיқачилар», П.Қорабоевнинг «Кечки яйловдан қайтиш», «Мен туғилган юрт», Ж.Изентаевнинг «Ўзгача тун», «Умид йўлида», Ж.Кутлимуратовнинг «Йигит орзуси», У.Сапаровнинг «Овул ҳаёти», «Қуёш ботиши», «Орол тўлғаниши», И.Жаксисоевнинг «Ховуз бўйида», «Баҳор байрами», «Онамнинг портрети» каби асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Хонобод таровати» анъанавий ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Миллий ўйинлар мусобақалари, турли кўрик-танловлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди. Муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг бадий дастурлари, академик лицей, касбхунар коллежлари ва олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари томонидан ташкил этилган мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, миллий ҳунармандлик ва кўл меҳнати маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди. Фестиваль доирасида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Оилам – бахтим менинг» шиори остида «Намунали оила», «Меҳрибон қайнона», «Хунарманд оила», «Ибратли ёш оила», «Санъаткорлар оиласи» кўрик-танловлари бўлиб ўтди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида давом этаётган Осиё чемпионатининг финал жанглирида тўрт боксчимиз шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Чемпионатнинг дастлабки финал жангида 56 килограмм вазн тоифасида Муроджон Аҳмадалиев хитойлик Жявей Жанг билан учрашди ва ғалаба қозонди. Вазни 60 килограмм бўлган Элнур Абдураимов олтин медаль учун беллашувда ҳиндистонлик Шива

Тападан устун келди. 75 килограмм оғирликдаги чарм қўлқоп усталари ўртасидаги финал жангида Исроил Мадримов Жанубий Корея вакили Донг Юнг Ли билан рақобатлашди ва олтин медалга сазовор бўлди. Бектемир Мелиқўзиев 81 килограмм вазн тоифасида козоғистонлик Ерик Алжановни мағлуб этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида генетика, геномика ва биоинформатиканинг долзарб муаммолари ва истиқболларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда қайд этилишича, 2012-2016 йилларда қатор фундаментал илмий натижаларга эришилди. Хусусан, мамлакатимизда ғўзадаги авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ген аллеллари тўплами топилиб, замонавий тезкор «ассоциатив карталаштириш» усули орқали дунёдаги илк ген-нокаут технологиясига асос солинди. Натижада ғўза генларидан фойдаланишнинг янги имкониятлари очилиб, «Порлоқ» нави яратилди. 2013 йилдан буён фермер хўжаликларида ген-нокаут усулида яратилган «Порлоқ-1», «Порлоқ-2», «Порлоқ-3», «Порлоқ-4» навларидан мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Ўзбекистон Геномика ва биоинформатика маркази илмий жамоаси ўсимликларнинг совуққа чидамлилигини ошириш мақсадида олиб борган изланишлари самарасида «эскимос» генларни топди. Шунингдек, ингичка толали ғўза геномида LD даражаси аниқланди.

9 МАЙ

Сеул шаҳридаги «Lotte Concert Hall» концерт залида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

Маданий тадбирда баҳор, дўстлик, тинчлик, ибратли анъана ва кадриятларни улуғловчи куй-қўшиқлар ўзбек ва корейс тилларида янгради, жозибали рақслар ижро этилди. Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти, кўп асрлик қадимий ва бетакрор шаҳарларимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, юртимизнинг фусункор табиати ҳақида ҳикоя қилувчи

фильм намойиш этилди. Ўзбекистон тарихи ва маданияти акс этган фотокўргазма ташкил қилинди.

Тошкентдаги «Туркистон» саройида Навоий конметаллургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройи бадий жамоалари иштирокида «Қизилқум жавоҳирлари» деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

Концертда иштирок этган ёшларнинг кўпчилиги «Қизилқум санъат ғунчалари» ижодий танловининг ғолиблари. Концертда улар иштирокидаги она юртимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундовчи, огоҳлик ва хушёрликка чорловчи ранг-баранг қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Фойеда ёш мусаввирларнинг картиналаридан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

«Тафаккур синовлари» республика танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Мазкур танловда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат юридик университетининг талабалари иштирок этди. Танловдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврида сиёсий-ҳуқуқий билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга тадбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратишдан иборатдир.

10 МАЙ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн бошчилигидаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашувда Ўзбекистон ва БМТ институтлари, жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги

алокаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошчилигидаги делегация иштирокида «Тараққиёт стратегияси» марказида «Инсон ҳуқуқлари ва ўзаро ҳамкорлик» мавзуида фуқаролик форуми ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва тизимли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг талабаси Мухлиса Азизованинг «У» қисқа метражли фильми премьераси бўлиб ўтди.

Ўн беш дақиқа давом этадиган «У» фильмида инсонийлик фазилатлари, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, ҳаёт йўлларидаги қийинчиликларни сабр-бардош ва мустаҳкам ирода билан енгиб ўтган инсон образи мохирона тасвирланган. Фильмнинг сценарий муаллифлари Дилмурод Масаидов, Мансур Васати, ғоя муаллифи Абдуҷамил Содиков, оператор Дилмурод Турдибоев

11 МАЙ
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн бошчилигидаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегацияси Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди.

Бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, буюк муҳаддис маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди. Самарқанд шаҳрида вилоятдаги миллий маданий марказлар ва диний конфессиялар вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

рафикаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан давлат ташрифи билан Пекинга борди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган «Шоуду» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Хитой Халқ Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 12-13 май кунларига белгиланган.

Тошкентдаги Халқаро пресс-клубда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегацияси ташрифи якунлари бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн мамлакатимиз парламенти ва ҳукумати аъзолари, вазирлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институти вакиллари билан учрашувларда томонларни қизиқтирган кўплаб масалалар муҳокама қилинганини қайд этди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув жуда самарали бўлгани, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинганини алоҳида таъкидлади. Олий комиссар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жуда жиддий ва ёрқин дастур эканини алоҳида таъкидлади. Унда БМТ ғоялари, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўз ифодасини топганини қайд этди.

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг XII мажлиси бошланди.

Унда ШХТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларуснинг етакчи тадқиқот марказлари экспертлари, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Фарғона политехника институти олимлари томонидан

яратилган светофор тизимини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб турувчи электрон қурилма амалиётга жорий этилди.

Дастлаб қурилма вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида Фарғона шаҳар Ватанпарвар кўчаси чорраҳасидаги светофорга қўйилиб, синовдан ўтказилди. Ҳеч қандай камчиликлар аниқланмагач, Аҳмад Фарғоний, Аэропорт, Мустақиллик, Баҳор кўчалари чорраҳасидаги светофорларга қўйилиши белгиланди. Жараёни назорат қилиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

Бухорода «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» шиори остида ёш тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилди.

Бизнес-форум доирасида 10 дан зиёд инновацион ғоя муаллифлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларнинг лойиҳалари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ишбилармон талаба ва ўқувчилар энергиятежамкор қозон, мўъжаз иссиқхона, тикувчилик, бошқа йўналишлар бўйича ўз ишланма ва режаларини намойиш қилди.

12 МАЙ
«Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республикамиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўқис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий-техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжалиklarининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадида қабул қилинди ва унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилиниши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши биносида расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди. Кенгайтирилган таркибдаги музокарада иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ШХТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Беларуснинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 2016 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган мажлиси яқунларини кўриб чиқди ва муҳокама этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шавкат Солиҳов Хитой Фанлар академиясининг «Халқаро илмий ҳамкорлик учун» мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Фанлар академиясида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди.

Шавкат Солиҳов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти лавозимида ишлаган кезлари, айниқса, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувига катта ҳисса қўшди. Академик Германия, Жанубий Корея, Россия, Хитой Халқ Республикаси сингари давлатлар илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник дастурлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

13 МАЙ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди.**

Президент Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйганини қайд этди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция кири-таётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капи-тали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 8 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритгани барчамизни хурсанд қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрининг Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Мазкур Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги Хитой халқининг XIX-XX асрлардаги курашларда қурбон бўлган фарзандлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган. Хитойликларнинг 1840-1949 йилларда рўй берган тарихий воқеалардаги курашлари оқ мрамрдан ишланган саккизта барельефда акс эттирилган. Ёдгорлик 1952-1958 йилларда қурилган. Унинг баландлиги 37,94 метр, майдони 3 минг квадрат метр. Монументга Мао Цзэдуннинг «Халқ қаҳрамонларига абадий шон-шарафлар бўлсин!» деган сўзлари ёзилган.

Шавкат Мирзиёев Хитой халқ қаҳрамонлари хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцзян билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама муносабатларига оид масалалар, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди. Хитой Раиси Си Цзиньпин билан учрашувимизда бу алоқаларни янада ривожлантириш бўйича келишиб олди. Имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли стратегик шериклигини, ўзаро хурмат ва манфаатдорликка асос-

ланган сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Бош вазир Президентимизнинг ташрифи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Хитой билан дўстлик алоқаларини қадрлашини, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга давлат ташрифи давомида 100 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Давлатимиз раҳбари Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илинни қабул қилди.

Мазкур компания мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазил, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармояларини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзэкспомарказ»да мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда АҚШ, Афғонистон, Бангладеш, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Жанубий Корея, Индонезия, Иордания, Италия, Кувайт, Латвия, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Украина, Франция, Хитой, Чехия, Швейцария, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Фестивалда турли халқларнинг ранг-баранг қадрият ва анъанала-

ри, миллий либослари, хунармандлик ва амалий санъат намуналари намойиш этилди.

Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Маданият кунларининг очилиш маросими 10 май куни С.Айний номидаги давлат академик опера ва балет театрида бўлиб ўтди. Унда Тожикистон ҳукумати аъзолари, Маданият вазирлиги ва дипломатик корпус вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Театр фойесида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган «Замонавий Ўзбекистон» номи фотокўргазма ташкил этилди. «Қоҳи Наврўз» мажмуасида бўлиб ўтган «Ота» ва «Ойқиз эртаги» бадиий фильмлари намойиши ҳам томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Душанбе шаҳри билан бир қаторда Қўрғонтепа ва Турсунзода шаҳарларида ҳам концерт дастурлари ўтказилди. Тожикистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон ва Тожикистон маданий алоқалари ҳамда Ўзбекистон маданияти кунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

14 МАЙ
Пекин шаҳрида халқаро ҳамкорлик бўйича «Бир макон, бир йўл» форуми бошланди.

Анжуманда БМТ Бош котиби, Жаҳон банки президенти ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашмоқда. Форумни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин очди. Хитой раҳбари форумда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига миннатдорлик билдириб, мазкур лойиҳанинг аҳамияти, мақсад ва вазифалар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекинда «Бир макон, бир йўл» форуми доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашди.

Учрашувда 2016 йил 18 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокараларда эришилган келишувлар ижросининг бориши муҳокама қилинди. Икки томон учун ҳам манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, тўқимачилик, кўнчилик,

кимё ва фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳридаги Хитой аэрокосмик илмий-саноат корпорациясига ташриф буюрди.

Президент Хитой аэрокосмик илмий-саноат корпорациясида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган юқори технологик маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб юқори.

Корпорация раиси Гау Хун Вей Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотлар тури, турли давлатлар билан илмий ҳамкорлик натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Бойсун туманида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Бойсун баҳори» фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Очиқ фольклор фестивалида Қорақалпоғистон Республикасининг «Шуъла», Андижон вилоятининг «Гулруҳ», Бухоро вилоятининг «Хўжайи жаҳон», Жиззах вилоятининг «Гаштак», Навоий вилоятининг «Кармана юлдузлари», Наманган вилоятининг «Яллама ёрим», Самарқанд вилоятининг «Сарбози», Сирдарё вилоятининг «Сайхун йигитлари», Сурхондарё вилоятининг «Жайхун», Тошкент вилоятининг «Шош наволари», Тошкент шаҳрининг «Дурдона», Фарғона вилоятининг «Қува наволари», Хоразм вилоятининг «Авазхон», Қашқадарё вилоятининг «Ризвонгул» сингари фольклор жамоаларининг икки юздан ортиқ вакили ўз ҳудудларига хос либослар ва қадимий куй-қўшиқлар асосида тайёрлаган маҳсул дастурлари билан иштирок этишди. Миллий хунармандлик буюмлари ва либослар кўргазмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида йирик тарихчи-археолог олим, академик Эдвард Ртвеладзе таваллудининг 75 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 майдаги фармони билан илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг

интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун ЎзФА Санъатшунослик институти бўлим бошлиғи, академик Эдвард Ртвеладзе «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов юксак давлат мукофотини Э.Ртвеладзегга тантанали равишда топширди. Академик мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати (2010-2015 йиллар), ЎзФА президиуми, кўплаб давлат ва жамоат ташкилотларининг аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

15 МАЙ Пекин шаҳрида «Бир макон, бир йўл» форуми ўз иш-ни давом эттирди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ва мазкур форумнинг аҳамияти, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ҳақида сўз юритди. Биз табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига ғоят бой бўлган минтақамизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юксак технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутамиз, деди Ўзбекистон Президенти. Иккинчи муҳим масала – Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини очиш бўйича ҳамкорлик юзасидан комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқишдан иборатдир, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида пул муомаласини такомиллаштириш ва пластик карточкалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жорий йилнинг 1 майига қадар 2 миллион 950 мингтадан зиёд пластик карточкани муомалага чиқарган. Жорий йилда банк 600 минг пластик карточка сотиб олишни режалаштирган бўлиб, ҳозир 160 мингта карточка харид қилинган. Жойларда ўрнатилган терминаллар 22 мингдан ошди. Миллий банк 2017 йилнинг апрель

ойидан бошлаб Visa тўлов тизими билан ҳамкорликда халқаро карточкалар учун интернет-эквайринг хизматларини йўлга қўйди.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида «Дилдаги доғ ёхуд қопқон» деб номланган икки пардали мусиқали драманинг премьераси бўлиб ўтди.

Спектаклда экстремизм, диний ақидапарастлик тузоғига илиниб қолган айрим ёшларнинг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Спектакль режиссёри Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов. Қўчқор Норқобил асари асосида тайёрланган мазкур асарга мусиқани композитор Сарвар Юсупов ёзган. Асосий ролларни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Турғун Бекназаров, Гулчехра Носирова, Александр Бекжонов, артистлар Расулхон Қодирхонов, Зулфия Умирова, Обид Аҳмедов, Нафиса Хўжақулова ва бошқалар ижро этишди.

Туркистон саройида «Ўзбегим ёшлари» ансамблининг концерти бўлиб ўтди.

«Ўзбегим ёшлари» ансамбли Испания, Италия, Бельгия, Хитой, Франция, Португалия, Ҳиндистон, Малайзия каби ўндан ортиқ давлатида ўтказилган фестиваллар, санъат байрамлари, ижодий танловларда миллий маданиятимиз ва санъатимизни катта муваффақият билан намойиш этган. Концертда истиқлолимизни, она Ватанимизни, ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди.

Наманганда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.

Фестиваль Наманган давлат университетида «Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик – барқарорлик омили» мавзусидаги давра суҳбати билан бошланди. Фестиваль доирасида Янгиқўрғон агросервис ва транспорт касб-ҳунар коллежи, Чуст шаҳрининг Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғи, Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи – олий неъмат» мавзусида илмий-амалий семинар, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида турли миллатлар ашула ва рақсларидан тузилган концерт дастури, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Халқ амалий санъати ва тасвирий санъат асарлари, миллий

хунармандлик маҳсулотлари, миллий либослар кўрғазмалари намойиш қилинди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Нилуфар Ҳидоятванинг «Менинг олис Сўғдиёнам» шахсий кўрғазмаси намойиш этилди.

Унинг «Муқаддас олов», «Тўмарис», «Меъмор», «Мажнун қўшиғи», «Кашмир қўшиғи» каби асарларидаги композиция, сюжет, ранг ва ечим рассомнинг ўзигагина хос ижод йўлидан дарак беради. Кўрғазмада муаллифнинг юзга яқин асари намойиш этилди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Медиа-холл» мажмуасида «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» мавзусида халқаро илмий-маданий конгресс бошланди.

Анжуман доирасида нашр этишга тайёрланаётган «Ўзбекистон мусикий мероси», «Давлат Эрмидажи тўплами», «Давлат тарих музейи тўплами», «Шарқ қўлёмалари институти тўплами», «Ўзбекистон гиламдўзлиги: асрлар оша сақланган анъаналар» китоб-альбомларнинг лойиҳаси тақдимоти ҳам бўлди. Конгресснинг биринчи иш кунида Ўзбекистон ҳудудида турли маданиятлар ва бадиий анъаналар, дунё тўпламларида Ўзбекистон санъати ва артефактларига бағишланган маърузалар тингланди. Шу куни Ўзбекистон маданияти ва санъатини кенг ёритишга ихтисослашган «Караван ТВ» телеканали тақдимоти бўлиб ўтди. «Журналистлар баҳори» анъанавий медиа-фестивали, мамлакатимиз турли ҳудудларининг ўзига хос миллий таомлари намойиши ва палов танлови ўтказилди.

Самарқанд шаҳрида бокс бўйича нуфузли турнир – Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) VII мавсуми чорак финалининг дастлабки баҳсида мамлакатимиз «Uzbek Tigers» жамоаси Кубанинг «Cuba Domadores» жамоаси устидан зафар қучди.

Мусобақанинг «С» гуруҳида қатнашган «Uzbek Tigers» жамоаси Хитойнинг «China Dragons», Россиянинг «Patriot boxing team» ва Қозоғистоннинг «Astana Arlans Kazakhstan» жамоалари билан рақобатлашиб, 10 очко тўплаган ҳолда чорак финал йўлланмасини қўлга киритди. Мусобақанинг 49 килограмм вазн тоифасида Ҳасанбой Дўсматов Оскар Аргилагос Перезни, 56 килограммда

Муроджон Аҳмадалиев Хавьер Ибаньес Диазни, 75 килограмм вазнда Исроил Мадримов Арлен Лопез Кардонани мағлубиятга учратди. Ёш боксчиларимиздан Иқболжон Холдорев Энди Круз Гомесга, Санжар Турсунов эса Эрисланди Савонга имкониятни бой бериб қўйди. Шу тариха «Uzbek Tigers» ва «Cuba Domadores» жамоалари ўртасидаги баҳс 3:2 ҳисобида боксчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Ҳиндистонда юнон-рум, эркин ва аёллар кураши бўйича Осиё чемпионати ўтказилди.

Мусобақада полвонларимиз иккита олтин, битта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди. Чемпионатнинг эркин кураш баҳсларида 97 килограмм вазн тоифасида Магомед Ибрагимов финал учрашувида эронлик Ҳусайн Шағбозигазвар билан куч синашди ва ғалаба қозониб, қитъа чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, вазни 74 килограмм бўлган Бекзод Абдурахмонов барча рақиблирини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Ихтиёр Наврўзов ўз вазн тоифасида кумуш, Умиджон Исманов эса бронза медаль соҳиби бўлди. Юнон-рум кураши бўйича мусобақада қатнашган Рустам Ассакалов ва Мўминжон Абдуллаев терма жамоамиз ҳисобига икки бронза медални қўшиб қўйди.

Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ўртасида «Академиада – 2017» спорт мусобақалари финал босқичи ўтказилди.

Мазкур мусобақада 1 минг 500 га яқин ишчи-ходим иштирок этди. Унда ғолибликни қўлга киритган илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари «Академиада – 2017» спорт мусобақалари финал босқичида академикросс, стол тенниси, шахмат ва мини-футбол бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Тошкентда 15 май – Халқаро оила куни муносабати билан хотин-қизлар ўртасида велотур ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, мамлакатимиз велоспорт федерацияси, Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси сингари қатор давлат ва жамоат ташкилот-

лари билан ҳамкорликда ўтказилган мусобақада мингдан ортик хотин-қиз – идора ва ташкилотлар ишчи-ходимлари, уй бекалари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талаба ва ўқувчилари иштирок этди. Мусобақада иштирокчилар учта ёш тоифасидаги (18-31, 31-45, 46 ва ундан юқори) гуруҳларда ғолиблик учун баҳслашди.

16 МАЙ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомиллариниянадасоддалаштириш чора-тадбирларитўғрисида»ги фармонидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар давлат мулки объектларини реализация қилиш жараёни тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва жадаллаштиришга қаратилган моддалар билан тўлдирилди, шунингдек бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Навоний шаҳридаги «Ёшлар» стадионида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди.

Турли масофаларга югуриш бўйича ўтказилган баҳсларда Достон Сайдалиев, Сардор Бахтиёров, Шоҳрух Давлатов, Ҳаёт Асадов, Наргиза Низомиддинова, Зулфизар Абдуллаева, Кумушой Матёқубова, Маржона Баратова, Мария Лемзякова марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Тўсиқлар оша югуришда Эргаш Нормуродов, Шоҳрух Баратов, Озода Ўроқова, Зухра Бобоқуловага тенг келадигани топилмади. 10 километрга спортча юриш бўйича

рақобатлашган спортчилар ўртасида Виталий Полухин ва Диана Яфарова ғалаба қозонди. Найза, ядро, диск ва босқон улоқтириш беллашувларида Эркин Усмонов, Иван Маркелов, Акмал Нарзуллаев, Элбек Абдусаломов, Фарида Ҳакимова, Елена Смольянова, Асал Мухторова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Баландликка ва узунликка сакраш баҳсларида Марина Пилюгина иккита олтин медални қўлга киритган бўлса, уч ҳатлаб сакрашда Ситора Хайруллаева ғалаба қозонди. Ўғил болалар ўртасида эса Дмитрий Мельситов, Иван Денисов ва Руслан Қурбонов биринчи ўринни эгаллади.

17 МАЙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига таширф буюрди.

Сирдарё вилоятининг салоҳияти ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Вилоят иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. 2017 йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,8 фоиз ўсган. Унинг таркибида саноат, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар улуши ошган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омбори билан танишди.

Шу ерда Мирзаобод туманида амалга оширилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳалар тақдироти ўтказилди. «Сардоба мева-сабзавотлар логистика маркази ҳам кўп тармоқли бўлади. Бу ерда мева-сабзавотлар етиштириш, саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, музлатиш, сақлаш, қуритиш ва етказиб бериш ташкил этилади. Корхонада 220 киши иш билан таъминланади. Мирзаобод туманида ташкил этиладиган чорвачилик комплексида зотдор қорамоллар кўпайтириш орқали аҳолига гўшт ва сут етказиб бериш йўлга қўйилади. 100 иш ўрни яратилади. Ушбу тумандаги яна бир корхонада сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 3 минг 500 тонна сут қайта ишланиб, кенг турдаги маҳсулотлар тайёрланади ва қадоқланади. 25 кишининг бандлиги таъминланади. Тармоқдаги корхоналарни омихта ел билан таъминлаш мақсадида шу йўналишда корхона ташкил этиш

мўлжалланган. 3 минг тонна омихта ем ишлаб чиқариладиган корхонада 25 иш ўрни яратилади.

Президент Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Гулистон шаҳридаги «Sirdaryo Best Fashion» корхонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишди. Шавкат Мирзиёевга 2017-2018 йилларда вилоятда енгил саноат соҳасини ривожлантириш бўйича манзилли дастур ҳақида маълумот берилди. Корхоналар 72 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, уларда 3 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Шавкат Мирзиёевга вилоятда ташкил этилаётган фармацевтика ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар лойиҳалари ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

Президент Мирзаобод туманидаги «Абдуғани Турдибоевич» кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишди.

2014 йилда ташкил этилган «Абдуғани Турдибоевич» кўп тармоқли фермер хўжалиги 34 гектар ер майдонига эга. Шундан 16 гектарида пахта, 15 гектарида ғалла, 3 гектарида соя етиштирилмоқда. Соя етиштиришни кўпайтириш, уни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, экспортга ҳам йўналтириш чораларини кўриш керак, деди Президентимиз. Соя экиш орқали ер унумдорлигини ошириш, соя агротехникаси бўйича мутахассислар тайёрлаш лозим. Давлатимиз раҳбари вилоятда боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш лойиҳаларини ҳам кўздан кечирди.

Президент Ўзбекистон ва Бирлашган кўчаларида кўп қаватли уйлар жойлашган «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

Президент Санжар Муродов хонадониди бўлди. Фуқаролар йиғини биносида маҳалла раиси, маслаҳатчилар ва профилактика инспектори ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди. Шу ерда Гулистон шаҳрининг бош режаси асосида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тақдироти ҳам ўтказилди.

Президент Ховос туманидаги «Ҳожи Гадейбой ота» хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхонани кўздан кечирди.

Қиймати 625 минг доллар, майдони бир гектар бўлган иссиқхонада йилига 150-200 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. маҳсулотларнинг асосий қисмини экспорт қилиш режалаштирилган. Президентимиз мазкур иссиқхонани кенгайтириш, бошқа вилоятларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклигини таъкидлади. Шу ернинг ўзида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Янгиер шаҳрига ташрифи чоғида хусусийлаштирилган, аммо бугун бўш турган корхона ва объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар билан қизиқди.

Сирдарё вилоятидаги хусусийлаштирилган 1 минг 343 корхонада ўтказилган хатлов натижасида бугунги кунда бўш турган ва қурилиши тугалланмаган 237 объект аниқланган. Ушбу объектлардан 130 таси фаолиятини қайта тиклаш бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган. Унга кўра мазкур корхоналарда саноат йўналишида қиймати 51,9 миллиард сўмлик 36, қишлоқ хўжалигида 11,8 миллиард сўмдан ортиқ 26, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида 18 миллиард сўмдан ортиқ миқдоридаги 68 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Натижада 1 минг 300 дан кўпроқ янги иш ўрни яратилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёевнинг фармонида биноан адабиётимиз равнақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун Ҳалима Худойбердиева «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов Президентимиз фармонини ўқиб эшиттирди ва Ватанимизнинг юксак мукофотини Ҳ.Худойбердиевага тантанали равишда топширди.

«Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Респуб-

бликаси Фанлар академияси томонидан «Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасаларида қишлоқ хо‘жалиги учун дефолиантлар ва ўсимликларни ўсишини тезлаштирувчи моддаларни яратиш ва амалиётга жорий етиш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси, Умумий ва ноорганик кимё, Ўсимлик моддалари кимёси ва Мкробиология институтлари раҳбарлари ўз презентациялари билан маъруза қилдилар. ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимларининг ишланмалари туфайли охириги уч йил мобайнида Ўзбекистонда фақат маҳаллий дефолиантлар ишлатилмоқда. Бундан ташқари, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида самарали ва экологик безарар ко‘п киррали таъсирга ега о‘симликларни о‘стирувчи, ривожлантирувчи стимуляторлар «Ҳосил», «Мадад», «ГЖ-85» яратилди

Хоразм вилоятида «Хоразм воҳаси тарихи жаҳон цивилизациясида» мавзусида илмий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи контекстида: янги илмий тадқиқот натижалари» мавзусидаги 1-йиғилиши ва 19-май – Урганч шаҳрида Урганч давлат университетида Тарих факултети талабалари учун тарихчи олимларнинг маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Шарқшунослик институти директори т.ф.д. Б.А.Абдуҳалимовнинг «Хоразм Маъмун академиясини ривожлантириш истикболлари» ва Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими М.С.Абдуллаевнинг «Хоразм Маъмун академиясида ижтимоий-гуманитар фанлар ривожини (1998-2016 йиллар)» мавзуларидаги маърузалар тингланди.

Урганч давлат университети Маданият саройида «Хоразм воҳаси Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи контекстида: янги илмий тадқиқот натижалари» мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда 60 дан ортиқ маърузалар эшитилди. Хоразм воҳасидаги олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар йўналишлари профессор ўқитувчилари, ёш олимлар ва талабалари учун тарих, археология, этнология ва санъацхунослик соҳалари ҳамда ушбу йўналишларнинг назарий-методологик масалалари

бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Маҳорат дарслари республикамизнинг етакчи олимлари – А.А.Ҳакимов, Д.Алимова, М.Ишоқов, Э.Каримов, Д.Зиёева, М.Раҳимов, А.Аширов, Н.Аллаева, С.Баратов, Ф.Мақсудов, А.Маликовлар томонидан ўтказилди.

18 МАЙ
«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди

Мазкур Фармон мамлакатимизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини изчил ошириш, янги экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қувватларни ташкил этиш, мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, гидроэнергетикани ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу асосда корхоналар ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн раҳбарлигидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши делегациясини қабул қилди.

Сухбат чоғида Президентимизнинг яқинда Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташрифи давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, чунончи, савдо, инвестиция ва маданий алоқаларни жадаллаштириш, шунингдек, биродарлашган қадимий Самарқанд ва Сиань, Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида сайёҳлар алмашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро музейлар куни муносабати билан Тошкентдаги барча музейларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондидаги «Музей – тарих кўзгуси» деб номланган тадбирга пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари, талабалар, ўқувчи-ёшлар таклиф қилинди. Унда «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Республика «Хунарманд» уюшмаси, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда китоблар, тасвирий санъат, миллий хунармандлик кўрғазмалари намойиш этилди. Тадбир доирасида «Мўъжизалар оламида» деб номланган болалар бўлимида Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда маҳорат дарслари ўтказилди.

19 МАЙ
«Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинди. Фармонга кўра, Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасини ташкил этиш таклиф қилинди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди.

Олий комиссар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ҳаракатлар стратегияси» жуда жиддий ва ёрқин дастур эканини алоҳида таъкидлади. Унда БМТ ғоялари, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўз ифодасини топганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доминий кўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн билан учрашув бўлиб ўтди.

Хитой делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, унинг кўмиталари, фракциялари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти билан таништирилди. Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишлари, ахборот-таҳлилий фаолият, икки мамлакат соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда халқаро анжуманлар ташкил этишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Туркменистонга борди.

Президентни Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Туркманбоши халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистонга амалий ташрифи давомида «Аваза» миллий сайёҳлик зонасининг «Камалак» болалар кўнгилочар боғида ўзбекистонлик болалар билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев болалар билан дам олиш таассуротлари, туркменистонлик тенгдошлари билан дўстлик муносабатлари тўғрисида суҳбатлашди, соғломлаштириш марказида яратилган шароитлар билан танишди. Болаларга совғалар берди.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейида Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг «Абадият жилоси» номли кўрғазмаси очилди.

Мазкур кўргазмада йигирмадан ортик уста-хунарманднинг ганчкорлик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, хаттотлик каби ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. .

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг ўн биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Локомотив» сафарда «Кўқон-1912» клуби билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтган Тошкент «дерби»сида ҳам 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. «Бунёдкор» стадионида ўтган ушбу учрашувда ҳам мезбонлар 11-дақиқада Достон Ҳамдамовнинг голи эвазига ҳисобни очган бўлса, 71-дақиқада «Пахтакор» сафида ўйнаётган Станислав Андреев ҳисобни тенглаштирди. Тошкентнинг «Обод» жамоаси ўз майдонида «Динамо» (Самарқанд) жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. «Насаф» (Қарши) – «Машъал» (Муборак), «Олмалик» (Олмалик) – «Металлург» (Бекобод) ҳамда «Сўғдиёна» (Жиззах) – «Шўртан» (Ўзгўр) жамоалари ўртасидаги учрашувларда мезбонлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, «Бухоро» (Бухоро) – «Навбахор» (Наманган) баҳсида 3:3, «Қизилқум» (Навоий) – «Нефтчи» (Фарғона) ўйинида 2:2 ҳисобида дуранг натижалар қайд этилди.

Таиландда футбол бўйича йигирма ёшгача бўлган ёшлардан иборат терма жамоалар ўртасидаги Осиё чемпионати давом этди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатар, Ливан, Мьянма ва Гонконг ёшлар терма жамоалари билан «С» гуруҳидан жой олди. Мусобақани иккинчи турдан бошлаган ёш футболчиларимиз мьянмалик тенгдошларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Саид Ризо Миршарофовнинг учта, Илҳомжон Ҳамроев ва Ҳусниддин Нишонунинг биттадан голи терма жамоамизга ишончли ғалабани тақдим этди. Гонконг ёшларига қарши кечган баҳсда ҳам футболчиларимиз ишончли ўйин намойиш этиб, рақиблари устидан 8:2 ҳисобида зафар кучди.

20 МАЙ Туркманбоши шаҳридаги «Аваза» конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка суҳбати бўлди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги шерикликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

«Аваза» ҳудудида учрашаётганимиз бежиз эмас, деди давлатимиз раҳбари. Ўзбекистон Туркменистон портлари орқали Каспий денгизига, халқаро транспорт йўлакларига чиқишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Пост-нефть шаҳри. Келажакдаги шаҳар тарихи» деб номланган лойиҳалар кўргазмаси очилди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси бош илмий котиби Ф.Обиджонова, Тошкентдаги Гёте институти директори Г.Беккер ва бошқалар мамлакатимизда бунёдкорлик, шаҳарсозлик соҳаларидаги халқаро ҳамкорлик шаҳарларимизнинг миллий меъморчилик анъаналарига суянган ҳолда замонавий янгича қиёфасини яратишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Кўргазмада дунёнинг турли минтақаларида шаҳарсозлик йўналишида жорий қилинаётган инновацион ғоя ва лойиҳалар намуналари ҳам намойиш этилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети тарих ва ҳуқуқ факултетининг 3 босқич талабаси, спорт устаси Достон Отаболаев Бакуда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида спортнинг карате тури бўйича бронза медалини қўлга киритди.

Достонга медални Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг шахсан ўзи топширди.

21 МАЙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ал-Сауднинг таклифига биноан Ар-Риёд шаҳрида бўладиган

араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига келди.

Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарининг Саудия Арабистонига ташрифи доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажар билан учрашди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи хузурида инсоният тараққиётига беназир ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки юзасидан фикр алмашилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари ва АҚШ Президенти, БМТ, Араб давлатлари лигаси, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши бош қотиблари иштирок этди. Мазкур форум экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, бағрикенглик ғояларини илгари суриш, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев бир қатор давлат раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп давлатимиз раҳбари билан учрашувда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, По-

кистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлуд Човушўғли билан учрашиб, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажар билан учрашди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

22 МАЙ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи парламентлараро ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида Олий Мажлис ва Европарламентнинг парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, тараққиётга кўмаклашишда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Тадбир иштирокчилари эътиборига Ўзбекистонда демократик давлат куриш борасида амалга оширилаётган манзилли ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини

учун «Ташаббус – 2017» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

«Ташаббус – 2017» кўрик-танлови ғолибларининг номлари эълон қилинди. Улар учта асосий – «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» йўналишида тақдирланди. «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинациясида Тошкент вилоятидаги «Togimed Pharm» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳаджон Шукуров ғолиб бўлди. Бухоро вилоятдан Аҳмад Арабов «Йилнинг энг яхши хунарманди» деб эътироф этилди. Андижон вилоятидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоилов «Йилнинг энг яхши фермери» деб эълон қилинди.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги киночилар уйида Европа киноси фестивали очилди.

«Қирол сўзлайди» деб номланган биографик драма (Буюк Британия) маданий форумни бошлаб берди. Кейинчалик «Кулга беланганлар» (Латвия), «Охирги бриллиант» (Франция), «4 қирол», «Прокурор Бауэрнинг асосий иши» (Германия), «Боксёр ва ажал» (Словакия) фильмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Фестиваль дастуридан «Кўл ҳақида эртақ» (Финляндия) ва «Отлик камончи» (Венгрия) ҳужжатли фильмлари, «Кўйлар поездга кечикмайди» (Испания) комедияси, «Ника» (Словения), «Хайди» (Швейцария) саргузашт фильмлари ўрин олган. Ёш томошабинлар учун эса «Митти одам» (Чехия) ва «Қанот қоқ» (Франция) мультифильмлари намоиш этилди.

Тошкентда анъанавий каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, мамлакатимиз анъанавий каратэ-до федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада юздан ортиқ иштирокчи ката ва кумитэ бўйича баҳслашди.

Тошкентдаги «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишлаб кикбоксинг бўйича мусобақа ўтказилди.

Ўзбекистон нодавлат ногажорат ташкилотлари миллий ассоци-

ацияси томонидан ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилган мазкур турнирда икки юзга яқин спортчи ғолиблик учун куч си-нашди.

Тожикистонда кўл жанги бўйича Осиё очик чемпионати ўтказилди.

Чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўн олтига олтин, бештадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

Таиландда футзал бўйича йигирма ёшгача бўлган ёшлардан иборат терма жамоалар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўлланма олди.

«С» гуруҳидаги баҳсларда қатнашган футзалчиларимиз дастлабки учрашувда мьянмалик тенгдошларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гонконг ёшларига қарши кечган баҳсда футзалчиларимиз 8:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Ливан терма жамоаси билан кечган кескин ва мурасасиз учрашувда 4:4 ҳисобида дуранг ўйнади. Гуруҳдаги сўнгги учрашувни футзалчиларимиз қатарлик тенгдошларига қарши ўтказиб, 7:4 ҳисобида зафар кучди. Қатарликлар дарвозасига Акбар Усмонов тўртта, Хушнур Эркинов, Ботирбек Ризаев ва Равшан Исмагуллаев биттадан тўп киритиб, терма жамоамизнинг ғалабасини таъминлади. Терма жамоамиз аъзолари 10 очко билан гуруҳ пешқадами сифатида чорак финалга йўл олди.

23 МАЙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.

Учрашувда Президентимизнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига олий даражадаги ташрифи давомида қабул қилинган икки томонлама, шу жумладан, миграция соҳасига оид келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари учун

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Абдусалом Азизов ва Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцев Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мукамал тизим яратилгани, манзилли профилактика ишлари жинойтчиликни камайтиришда муҳим ўрин тутаётгани, профилактика инспекторлари ва жамоатчилик ташкилотлари, хусусан, маҳалла ўртасидаги яқин ҳамкорлик ижобий самаралар бераётганини юқори баҳолади. Россия делегацияси аъзолари ташрифнинг дастлабки кунинда Самарқандда бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Пойтахтимизнинг Олмазор тумани ички ишлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Бирлашган Араб Амирликлари ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Зоид Ал Нахаён билан учрашди.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Томонлар минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Тошкент шаҳрида Грузия маданияти кунлари бошланди.

Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Кино саройида Грузин киноси кунлари ўтказилмоқда. Кино кунлари режиссёр Заза Урушадзенинг «Мандаринлар» фильми намойиши билан бошланди. «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир давомида «Маккажўхори ороли», «Моира», «Кукарача», «Мен, бувим, Илико ва Илларион», «Тикув машинали қиз»

каби қатор фильмлар намойиш этилди. Грузия маданияти кунлари доирасида XIX–XX асрларда яшаб ижод қилган машҳур грузин рассоми Нико Пиросмани асарлари репродукцияси намойиш этилди, «Кўча созандалари» гуруҳи ва «Эрисиони» давлат академик халқ ашула ва рақс ансамбли концертлари бўлиб ўтди.

24 МАЙ
«Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур фармон бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган самарали ишларни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини тубдан кучайтириш мақсадида қабул қилинди ва унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирилиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги этиб қайта ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзовнинг «Тарих саҳифалари» номли намойиш этилди.

Т.Қурёзов ижодий ишлари орасида тарихий мавзудаги асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг оддий одамлар, уларнинг кундалик юмуш ва ташвишлари акс эттирилган асарлари ҳам ушбу кўрғазмада кенг ўрин олган. Икки юзга яқин бадий асарни ўзида жамлаган ушбу кўрғазмада «Жалолиддин портрети», «Тилларанг Хива», «Парвон жанги», «Эски созлар устаси», «Жумагул», «Анор боғи», «Оила» каби асарлари ёрқинлиги, маҳобати билан томошабинларга манзур бўлмоқда. Т.Қурёзовнинг картиналари мамлакатимиз музейлари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италиядаги шахсий тўпламларни безаб турибди.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон

Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида Жиззах вилоятида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод – 2017» спорт мусобақалари машғаласини қуёш нурларидан аланга олдириш маросими бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод – 2017» ўйинларининг машғаласини кемамодель бўйича уч карра жаҳон чемпиони, мамлакатимизда хизмат кўрсатган спортчи Шавкат Исматиллаев ёқди.

Жиззах шаҳрида «Баркамол авлод – 2017» спорт мусобақалари финал босқичига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари А.Маврулов, маданият вазирининг биринчи ўринбосари М.Ҳожиматов, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори М.Холмухамедов, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Турдиев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни етказиб бериш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларини катта спорт сари илҳомлантиришда ва жамиятда соғлом турмуш тарзи қарор топишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан миллий матбуот марказида «Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг долзарб вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжуманининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга оммавий ахборот воситалари вакилларининг

этиборини қаратиш ҳамда қарор мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка батафсил тушунтиришдан иборат.

«Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган замонавий ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Шунингдек, Шарқ қўлёзмалар фондини сақлаш ва реставрация қилиш, араб ёзувидаги ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларнинг аслияти ҳамда ўзбек ва хорижий тилларга таржимасини нашр қилиш Институт вазифаларидан этиб белгиланди.

25 МАЙ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Йилдирим Туғрул Туркешни қабул қилди.**

Учрашувда Ўзбекистонда тўқимачилик, чарм, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун Туркиянинг етакчи компаниялари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида нон, нон маҳсулотлари ва макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади.

«Тахиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган корхонада 19 ишчининг доимий бандлиги таъминланди.

Корхона кунига 3 турдаги 1 минг 500 килограмм нон

махсулотлари ва 2 турдаги 2 минг 500 килограмм макарон ишлаб чиқариш қувватига эга.

«Ўзэкспомарказ»да 25 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, банк-молия, савдо-саноат, сармоя, энергетика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, туризм, маданият, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, электротехника каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ҳукуматлараро комиссия мажлиси якунида қўшма протокол ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шу куни Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доираларининг инвестиция форуми ва кооперацион биржаси бўлиб ўтди.

Жиззахда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинлари финал босқичи бошланди.

Унда иштирокчилар спортнинг ўн етти тури бўйича медаллар учун кураш олиб боришди.

ISESCOнинг Махсус кафедрасини ташкил этиш юзасидан Тошкент ислом университети делегацияси Таълим, фан, ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилотининг (ISESCO) бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида амалий ташриф билан бўлиб қайтди.

ISESCO бош директори ва Тошкент ислом университети ўртасида университет таркибида «Ислом цивилизациясини ўрганиш ISESCO кафедрасини ташкил этиш юзасидан Англашув Меморандуми имзоланди. Кафедрани ташкил этишдан мақсад – мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқитишдан иборат.

26 МАЙ Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтохур туманидаги «Сузук ота» мақбараси ва жомеъ масжидида бўлди.

Сузук отанинг асл исми Мустафокул бўлиб, 1140 йилда таваллуд топган. У Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Хуштожнинг кенжа ўғли бўлган. Болалик чоғида бобоси у кишини эркалаб «Менинг сузигим (суюқлигим), хуш келдингиз!», дегани боис атрофдагилар ҳам уни шу исм билан чақира бошлаган. Сузук ота юзлаб шогирдларга илм бериб, хунарга, ҳалол меҳнатга ўргатган. 1363-1364 йилларда буюк бобокалонимиз Амир Темур Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган. Ушбу масжид ва мақбара маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нурини зиёда этишга хизмат қилиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиз туманларига ташриф буюриб, одамлар билан мулоқот қилмоқда, масалаларни жойида ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга доир устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шайхонтохур туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш асносида Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамиятининг 3-иссиқлик марказида бўлди. Бугунги кунда қозонхона ускуналари ва тармоқлар техник ва маънавий эскиргани, марказий қозонхоналар истеъмолчилардан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли иссиқлик етказиб беришда айрим муаммолар юзага келмоқда. Тошкент шаҳрини тўлиқ энергиятежамкор локал қозонхоналарга ўтказишимиз зарур, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари давлат музейида ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун концерт ва кўргазма ташкил этилди.

Концертда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари қатори Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг «Чашма» рақс-спорт клуби ўқувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳам иштирок этди. Концертдан сўнг музей жамоаси Ўзбекистон давлат табиат музейи билан ҳамкорликда энг қизиқарли экспонат ва фотосуратлар кўргазмасини ташкил қилди.

Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида дзюдо бўйича

паралимпиячилар ўртасида Осиё ва Океания чемпионати бошланди.

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Миллий паралимпия ассоциацияси, Миллий олимпия кўмитаси ва мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан Халқаро кўзи ожизлар спорт ассоциацияси (IBSA) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Пойтахтимизда бошланган дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасидаги Осиё ва Океания чемпионатида ўндан зиёд давлатдан юзга яқин полвонлар 13 вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашади.

27МАЙ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган **21** та масала, шу жумладан, **7** та қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиши таъкидланди.

Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» универсал спорт мажмуаси стадионида академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинларининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош мукофот – Ўзбекистон Респуб-

бликаси Президентининг «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси – «Damas» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Андижон вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилояти жамоаларига Президент совғаси – «Damas» автомобиллари топширилди. Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Уни жиззахлик спортчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Қашқадарё вилояти вакилларига топширди.

29МАЙ

«Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармонга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой мамлакатларига ташрифлари давомида ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган олий даражадаги учрашувлари якунлари бўйича имзоланган битимлар, шартномалар ва муайян соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон расмий

делегациясининг Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитойга жорий йилдаги ташрифлари 2016 йилги Президент сайловидан кейинги илк хорижий сафарлар бўлиб, уларнинг натижалари стратегик шериклар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Қайд этиш керак, ҳар бир ташриф якунида битим ва шартномалар қаторида қиймати бир неча миллиард АҚШ долларига тенг бўлган кўплаб лойиҳалар имзоланди.

Андижонда Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимида жой олган нуфузли турнир бошланди.

Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Франция, Грузия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Индонезия, Миср, Туркия ва Украина каби давлатлардан келган юздан зиёд теннисчи бош совин учун курашди.

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XIII халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ҳикматилла Тўраев биринчи, Давлат Абраев иккинчи, Сухроб Худойбердиев ва Шербек Аблоқулов учинчи ўринни эгаллади. Вазни 90 килограмм бўлган курашчилар ўртасида ҳам полвонларимизга тенг келадигани топилмади. Яхё Имомов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шухрат Арслонов кумуш, Дилшод Чориев ва Камолиддин Расулов бронза медал билан тақдирланди. Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифаси финалида сурхондарёлик Абдулла Холиёров россиялик Артём Осипенкони мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини – 25 000 АҚШ долларини қўлга киритди. Артём Осипенко иккинчи, Бекмурод Олтибоев ва Бахтиёр Менглиқулов учинчи ўринни эгаллади.

Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси (ИКА) конгресси бўлиб ўтди.

Унда Кураш халқаро ассоциацияси конгресси ва ижроия қўмитаси аъзолари, кураш бўйича минтақавий конфедерациялар раҳбарлари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Конгрессда миллий спортимизни дунёда янада ривожлантириш, курашни ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш, жорий

йил Истанбул (Туркия) шаҳрида катталар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ва Ашхободда (Туркменистон) ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича бешинчи Осиё ўйинларига тайёргарлик жараёнлари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Конгрессда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Комил Юсупов Кураш халқаро ассоциациясининг янги таъсис этилган асосчи раиси, Халқаро пресс-клуб раиси Шерзод Қудратхўжаев Кураш халқаро ассоциацияси вице-президенти этиб сайланди.

30 МАЙ «Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Унга кўра, ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш учун мурожаат қилган чет эл фуқаролари

ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик маълумотлар базасини шакллантириш бўйича белгиланган тартибда таклифни киритиш белгилаб берилди.

Ўзэкспомарказда агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг «Uzbekistan Agrotech Expo – 2017» XII халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасавдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг «Uzbekistan Agromash Expo – 2017» VI халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бошланди.

«Uzbekistan Agrotech Expo – 2017» ва «Uzbekistan Agromash Expo – 2017» халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаларида Хитой, Жанубий Корея, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Голландия, Беларусь, Россия каби ўн бешдан зиёд давлатдан элликдан ортик компания иштирок этди.

Ўзбекистоннинг етмишдан зиёд компанияси ўз стендларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқариш борасида мамлакатимиз салоҳиятини кенг намойиш

этишди. «Uzbekistan Agromash Expo – 2017» халқаро кўргазмасида «Агрегат заводи» ва «Чирчикқишлоқмаш» акциядорлик жамиятлари таркибидаги корхоналар, «Case New Holland», «Class», «Lemken», «Amkodor» ва бошқа етакчи хориж компанияларининг етмишдан ортиқ турдаги маҳсулоти намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишлаб «Тарихингдир минг асрлар» деб номланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳимжон Ризамухамедов ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Мазкур кўргазмада рассом-педагогининг юртимизнинг обод масканлари, гўзал табиат манзаралари, юртдошларимизнинг портретлари акс эттирилган 80 дан ортиқ картинаси намойиш этилди.

Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида Осиё ва Океания чемпионати яқунланди.

Чемпионатда Шерзод Намозов, Феруз Саидов, Шухрат Бобоев, Ёқутхон Комилова, Севинч Салаева, Нафиса Шарифбоева, Турсунпошша Нурметова, Васида Алибоева ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Осиё ва Океания чемпионатида Давурхон Кароматов ва Ширин Шарипов кумуш медални қўлга киритди. Адизжон Тўймуродов, Ахлиддин Умаров, Қувондиқжон Бозоров, Шохруз Тошев, Гулрух Раҳимова, Лобар Хуррамова бронза медаль билан тақдирланди. Чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси умужамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

ИЮНЬ

1 июнь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Мажлисида давлат бюджети тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ва 132 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда профицит билан ижро этилгани тасдиқланди. Қайд этилганидек, ЯИМнинг ўсиши 7,8 фоизни, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тегишинча 6,6 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига реал ялпи даромадлар 11 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори тегишинча 15 фоизга ошди.

«Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Ҳужжатда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари белгиланди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси, шунингдек, Фанлар академияси Сейсмология институтининг Тезкор хабарлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

«Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бора-расида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, картография ва геодезия фаолияти бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан тизимли давлат назоратини ҳамда қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши бўйича давлат геодезия назоратини амалга ошириш ва ҳоказолар. Қабул қилинган ҳужжатда Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини Ўзбекистон кишлок хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳридаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Азим Аҳмадхўжаев, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор ва бошқалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бизнес-форумда франциялик ишбилармонларга мамлакатимиз инвестициявий ва иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилди.

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг чорак финалида тўп сурадиган жамоалар номи маълум бўлди.

Мамлакат кубоги нимчорак финалининг жавоб учрашувлари доирасида «Машъал» жамоаси «Ёзёвон лочинлари» клубини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга чиқди. «Локомотив» жамоаси чорак финал йўлланмасини олди. «Динамо», «Нефтчи»,

«Бунёдкор», «Кўқон-1912», «Насаф» ва «Бухоро» жамоалари ҳам чорак финалда иштирокини давом эттирадиган бўлди. Ўзбекистон кубогининг ярим финалига чиқиш учун «Локомотив» жамоаси «Бухоро» билан баҳслашадиган бўлди, «Машъал» клуби «Динамо»га қарши майдонга тушади. Шунингдек, «Кўқон-1912» – «Насаф», «Нефтчи» – «Бунёдкор» жамоалари ўзаро рақобатлашади.

Тошкентдаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган Республика ўрта махсус, касб-хунар коллежи спорт мажмуасида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида Республика спорт ўйинлари ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги Мурувват уйларида тарбияланаётган юздан зиёд ўғил-қиз мини-футбол ва эстафета баҳсларида иштирок этди. Мусобақанинг голиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

2 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифини «Боғи Бобур» истироҳат боғи билан танишишдан бошлади. Ўзлгимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев. Президентимиз музей экспонатлари билан танишди. Олимлар ва нурунийлар билан мулоқотда бўлди.

Шавкат Мирзиёев «Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамияти томонидан Хўжабод туманида ташкил этилган боғни бориб кўрди.

Президент ўрмон хўжалигини ривожлантиришга оид қарор мазмун-моҳиятига тўхталди. Андижоннинг илмий ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиб, бу йўналишда илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этиш, харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали халқимизнинг даромадини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу ерда Кўрғонтепа туманидаги «Боғи Фуркат» фермер хўжалиги базасида кишлок хўжалиги уруғчилиги ва кўчатчиликни ривожлантириш лойиҳаси намойиш қилинди.

Президент Бўз тумани «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қурилган мана шундай уйларни бориб кўрди.

Акмал ва Зилолахон Раҳмоновлар хонадонида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар, оиланинг турмуши, фарзандлар тарбияси билан қизиқди. Ушбу маҳаллада майдони 2 сотихли, уч хонали 10 та замонавий уй бунёд этилган. Уларда ётоқхона, меҳмонхона, ошхона, хўжалик бинолари мавжуд. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўз туманида енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар билан танишди.

Ушбу лойиҳаларнинг 8 таси Миллий банкнинг молиявий кўмагида Андижон шаҳри, Андижон, Пахтаобод, Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи туманларида амалга оширилади. Мазкур лойиҳалар 4,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 1 минг 325 кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Президент «Нил Гранит», «Олтин мато текс», «Водий саноат фаҳри» ва «Сайёра фаввораси» лойиҳаларининг ташаббускори бўлган тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

«Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси ташкил этилиб, ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш, мазкур соҳада давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини мувофиқлаштириш; ҳайвонлар юкумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш, тезкор аниқлаш, ташхис қўйиш ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш борасидаги амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини мониторинг қилиш ва ҳоказолар унинг асосий вазифа ва йўналишлари деб белгиланди.

«Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

3 июнь Шавкат Мирзиёев раислигида Андижон вилояти ҳокимлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят иқтисодий тараққиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Андижон шаҳридаги «Ёйилма» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

Президент маҳалла ҳаёти билан танишиб, одамлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузари қурилиши лойиҳаси, ҳудудда амалга ошириладиган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев маҳалладаги кўп қаватли уйлар, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Президент Андижон шаҳрида бунёд этиладиган кўп қаватли уйлар қурилиш участкасида бўлди.

Шавкат Мирзиёев бундай уйларни кўпроқ қуриш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, бу ерни янги массивга айлан-тириш, Андижон шаҳрида Универсал спорт мажмуаси қуриш, Муҳаммад Юсуф мактабини ташкил этиш, янги истироҳат боғи бунёд қилиш, тиббиёт масканларини капитал таъмирлаш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Қабулхонада халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги эски «Андижон-маш» акциядорлик жамиятида бўлди.

Бу ерда ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси билан танишди. Саноат зонасида тадбиркорлар ва тижорат банклари томонидан 127 миллиард сўмлик 15 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Президентга тақдим қилинган лойиҳалар кичик ва йирик ГЭСлар қуриш, газ таъминоти тизимини такомиллаштириш, цемент ва оҳак ишлаб чиқариш каби йўналишларга мўлжалланган. Давлатимиз раҳбари лойиҳа ташаббускорлари – тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

5 ИЮНЬ

«Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ кенг кўламли, аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, дастурга мувофиқ: жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш ва ҳоказоларни амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, дастурда Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси» кўкрак нишонининг таъсис этилиши эса соҳа фидойилари меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади.

«2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб

этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, қиш-баҳор ойлари учун маҳсулотлар захирасини яратиш учун 2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга озиқ-овқат экинларининг тезпишар навларини такрорий экин сифатида қисқа муддатларда экиш, агротехника тадбирларини ўз муддатларида ўтказиш, уларга талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йигиб-териби олиш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066 - сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппаратида Кадрлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси негизида- Кадрлар бошқармаси ва Шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси; Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида фан ва технологияларни ривожлантириш; Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижрони назорат қилиш бўлимларининг ташкил этилиши белгиланди.

Тошкентда Александр Пушкин таваллудининг 218 йиллиги кенг нишонланди.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги хиёбонида Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 218 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Тюрденев, Рус миллий маданият маркази раҳбари А.Аристов ва бошқалар ёшларни умумбашарий руҳда тарбиялаш-

да, жамиятда аҳиллик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда адабиёт муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Анжуманда Пушкин шеърларидан намуналар ўқилди.

Тошкентда бадний гимнастика бўйича қизлар ўртасида «Камолот» кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Турнирда мамлакатимиз спортчилари билан бирга Россия, Қозоғистон, Исроил, Ҳиндистон каби давлатлардан юздан зиёд спортчи киз иштирок этди. Икки кун давомида гимнастикачилар ўз тажриба ва маҳоратини, истеъдод ва салоҳиятини намойиш этди.

Ўзбекистонлик ёш шахматчилар Минск шаҳрида рапид ва блиц шахмат бўйича болалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида истеъдод ва маҳоратини намойиш этиб, юксак ғалабаларга эришди.

Блиц шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Исломбек Синдоров олтин медални қўлга киритди, Абдулбосит Шарифжонов кумуш медалга сазовор бўлди.

Исломбек рапид шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

6 ИЮНЬ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастури доирасида божхона органлари томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугунги кунда давлат божхона хизмати органлари фаолиятига татбиқ қилинган ахборот тизимларининг умумий сони 36 тани ташкил этмоқда. Шундан 22 таси давлат ахборот тизими сифатида рўйхатдан ўтказилган, қолганлари ички идоравий ахборот тизимлари ҳисобланади. «Ягона ойна» идоралараро ахборот тизими www.sw.customs.uz интернет манзилида ишга туширилди. Божхона органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш мақсадида bojxona.uz веб-сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 22 турдаги электрон хизмат кўрсатиб келинмоқда. Улар орасида энг оммалашган электрон хизмат товар-

ларни электрон декларациялаш хизмати ҳисобланади. Мурожаатлар билан ишлашни янада яхшилаш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелидан интернет тармоғида Давлат божхона қўмитаси раисининг виртуал қабулхонаси – <http://online.customs.uz> манзилида ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Сенат Кенгашининг қарорига мувофиқ Мамаризо Бердимуратович Нурмуратов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида атоқли рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 218 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирнинг бадиий-муסיкий қисмида ёш китобхонлар томонидан тайёрланган «Лукоморье бўйида...» сахна кўриниши намойиш этилди. Ўқувчи-ёшлар шоирнинг юксак инсоний туйғулар тараннум этилган шеърларидан намуналар ўқиб берди, миллий ва жаҳон мумтоз куй-қўшиқларини ижро этди. Тадбир доирасида «Авлодлар шоири» деб номлаган кўргазма очилди. Кўргазмага Александр Пушкиннинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик даври, ўқиш йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи, унинг бой ижодини ўрганиш, таҳлил қилишга бағишланган китоблар ва илмий рисоалар қўйилди.

Италияда сузиш бўйича ўтказилган анъанавий халқаро турнирда спортчиларимиз муносиб иштирок этди.

Римдаги халқаро турнирда «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинлари ғолиби Артём Козлюк 200 метрга баттерфляй усулда сузишда 2 дақиқаю 01,07 сония натижа билан шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди ва мазкур халқаро турнирнинг рекордини янгиледи. «Баркамол авлод – 2017» спорт ўйинларида ўз маҳоратини намойиш этиб, бир неча йўналишда ғолиб бўлган Алексей Тарасенко ҳам турнирда муваффақиятли қатнашди. У 50, 100 ва 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича баҳсларда учта кумуш медал билан тақдирланди. Хуршиджон Турсунов 100 ва 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича баҳсларда иккита олтин

медални қўлга киритди. Унинг ҳар икки йўналишда қайд этган на- тижаси халқаро турнирнинг янги рекорди сифатида эътироф этил- ди. Спортчиларимиз мазкур турнирда 4 олтин ва 4 кумуш медалга сазовор бўлди.

7 ИЮНЬ

Тошкентда «Якс» компаниясининг янги маҳсулоти – «Puffix» кўпикли совунининг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда маҳсулот истеъмолчилар учун ҳамёнбоп нархларда бўлишида маҳсус патентланган дозаторнинг ўрни алоҳида эканли- ги қайд этилди. Дозатордан чиққан суюқликда одатдагидан кўра, икки баробардан ортиқ микдорда кам совун сарф бўлади. Мутахас- сисларнинг таъкидлашича, оддий совундан ҳар сафар фойдаланил- ганда маҳсус қопқоқ орқали 1,5-2,0 граммдан суюқлик сарflan- са, янги маҳсулотда маҳсус дозатор орқали 0,75 грамм аралашма чиқарилади.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номи- даги мемориал боғ-музейида «Шаҳрисабз каштачилиги: қадим ва замон» кўргазмаси ташкил этилди.

Шаҳрисабзлик каштадўз Гулнора Одилова томонидан яратил- ган кашталарда нафислик, ўтқир ва ёрқин ранглар акс эттирилган. Мазкур кўргазмада каштачиликнинг ёрқин намуналари – сўзаналар, чопонлар, ёстиқлар, пойабзаллар, сумкалар, бош кийимлар намой- иш этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона- сида Махтумқули ижодига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, улуғ туркман шоири Махтумқули ижоди инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпар- варлик ғоялари билан йўғрилган. Махтумқули шеърлятида ҳаётий фалсафани теран акс эттириш, Ватан, мардлик, олижаноб инсоний фазилатларни улуғлаш устувор ўрин тутди. Шоир ижоди ҳаётий кечинмаларни панд-насихатлар, ҳикматлар орқали ифодалаш билан катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Футбол бўйича 2018 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё са- ралаш мусобақаси учинчи босқичи навбатдаги баҳсига тайёр-

гарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Таиланд терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида ташкил этил- ган ўйиннинг 68-дақиқасида Элдор Шомуродов узатган тўпни Темурхўжа Абдухоликов рақиб дарвозасига киритиб, ҳисобни очди. Учрашув якунида Сардор Рашидов иккинчи голга муаллиф- лик қилди ва терма жамоамизнинг ишончли ғалабасини таъминла- ди. Шу тариқа муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаб берган мазкур учрашувда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

8 ИЮНЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиё- ев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенга- шининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вази- ри Навоз Шариф билан учрашди. Учрашувда асосий эътибор мам- лакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон Президенти Ашраф Ғани билан учрашди

Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева- сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилмоқда. Қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиб келмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Ҳайратондан Мозори Шарифгача темир йўл линияси қурилган. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо- иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Машҳур опера хонандаси Андреа Бочеллининг «Истиқлол» санъат саройида концерти бўлиб ўтди.

Концертда Италиялик яна бир опера ва эстрада куйчиси Алесандро Сафинанинг чиқиши ҳам томошабинлар учун қутилмаган совға бўлди. Концертда А.Бочелли машҳур опера ариялари ҳамда ўзининг энг оммабоп кўшиқларидан ижро этди. Дастур санъат ихлосмандларида унутилмас таассурот қолдирди.

Вьетнамда таэквондо (WTF) бўйича кадетлар ўртасида II Осиё чемпионати ўтказилди.

Чемпионатнинг керуги йўналишида иштирок этган Азизбек Раҳмонбердиев ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Финалгача бўлган жанглarda зафар кучган Амир Тўраев, Муниса Каримова кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Даниил Ким, Ирода Миртожиева, Ксения Смирнова, Севинч Мусирова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади. Пумсе йўналишининг яққалик чиқишларида Ирода Умрзоқова олтин, Айнура Умрзоқова ва Исломбек Ражаббоев бронза медал билан тақдирланган бўлса, жуфтликлар ўртасидаги баҳслarda И.Умрзоқова ҳамда И.Ражаббоев бронза медални қўлга киритди.

9 июнь

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Остона саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазирини ШХТ саммитида Ҳиндистоннинг мазкур халқаро ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинаётгани муносабати билан табриклади. Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг 2016 йил мамлакатимизга амалга оширган ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади. Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев билан учрашди

Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини

муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

ШХТнинг Остона саммити бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди. Саммитда Ҳиндистон ва Покистон ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида саммит иштирокчилари эътиборини Афғонистондаги вазиятни яхшилаш зарурлигига қаратиб, у ерда содир этилаётган давомли терактлар дунёнинг барча мамлакатлари учун хавф солаётганини алоҳида таъкидлади. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона саммити яқунланди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича қабул қилинган Остона декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Остона саммити доирасида Испания Қироли Филипп VI билан музокара ўтказди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев ва Филипп VI суҳбатда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиб, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этиш ва унинг дастлабки мажлисини шу йил Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Остонадаги ЭКСПО-2017 халқаро кўргазмасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркменистон, Руминия, Бразилия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этди. Кўргазманинг асосий мавзуси «Келажак энергияси» деб номланган. Ўзбекистон павильонининг биринчи қавати 630 квадрат метр майдонни эгаллади. Бу ерда кўёш, шамол ва сув, яъни келажак энергияси маҳсулотлари намойиш этилди. Умумий майдони 550 квадрат метрни ташкил этган иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилди.

Ўзбекистон маҳсулотлари ЭКСПО – 2017 халқаро кўргазмасида намойиш этилди.

Халқаро кўргазмага 2017 йил Остона шаҳри мезбонлик қилди. ЭКСПО – 2017 кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркменистон, Руминия, Бразилия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этди. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот иштирок этди. ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазманинг асосий мавзуси «Келажак энергияси» деб номланган. Умумий майдони 550 квадрат метрни ташкил этган иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақиллик йилларида бадиий адабиёт, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда кечаётган жараёнлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар тўпланган «Сарчашма мавжлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Сарчашма мавжлари» тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» жамоат фонди, хусусан, уюшманинг танқид

ва адабиётшунослик кенгашининг амалий фаолияти натижасидир. Китобга киритилган тадқиқот, таассурот, кузатув, бадиия тарзидаги мақолаларнинг барчаси мустақиллигимиз даврида ёзилган.

Тошкентдаги «Туркистон» саройида Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан тўртинчи бор ташкил этилган корейс кўшиқларининг энг яхши ижроси танлови бўлиб ўтди.

Саҳнада 196 иштирокчи орасидан танлаб олинган 12 нафар энг яхши ижрочи ўзаро баҳслашди. Танловнинг якуний босқичи қатнашчиларига яққалон ёки жамоа бўлишидан қатъи назар, ўзлари ёқтирган ашулани ижро этиш ҳуқуқи берилди. Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Квон Ён У ва бошқалар ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур танлов халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Лойиҳада қатнашган турли миллат вакиллари кўшиқларни К-POP услубида ижро этди. Фестивалнинг энг олий соврини «Fomalhaut» вокал дуэтига (Нигина Хўжаева ва Моҳларойим Ёкубова) берилди. Иккинчи ўринни «Аловуддин» ракс-вокал гуруҳи эгаллади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Қозоғистон Президенти кубоги учун V халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этишди.

Турнирнинг дастлабки куни 60 килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз вакили Сулаймон Латипов мезбон боксчи Рустам Рустамов билан куч синашди. Ушбу жангда Сулаймон йирик ҳисобда зафар қучди. Вазни 91 килограммдан ортиқ бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳсларда ёш боксчимиз Рустам Исмоилов қозоғистонлик Нуржан Бекзатовни мағлубиятга учратди. 69 килограмм вазн тоифасида иштирок этаётган боксчимиз Бобо-Усмон Ботиров дастлабки жангини қозоғистонлик Канагат Мараловга қарши ўтказди. Кескин ва муросасиз баҳсларга бой ўтган учрашувда Бобо-Усмон рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

10 июнь
Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Самарқандга келди.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлди. Самарқанд шаҳридаги «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинида БМТ Бош котиби маҳалла фаоллари, бу ерда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳамда вилоятдаги миллий маданий марказлар ходимлари билан учрашди. Антониу Гутерриш бугунги кунда сайёрамизнинг турли минтақаларида миллатлараро келишмовчилик ва бир-бирини тушунмаслик оқибатида ҳар хил низолар келиб чиқаётгани, бундай нохуш ҳолатлар наинки ўша миллатлар, балки дунё халқлари бирдамлиги, хавфсизлигига таҳдид солаётганини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг учрашуви бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол фожиасининг экологик оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилди. Глобал хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасининг қурилиш ишлари билан танишди. Шавкат Мирзиёев Биринчи Президент мақбараси Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун, айвонлар мақбара билан ҳамоҳанг бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Уни янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун барча қулайликлар яратиш бўйича тавсиялар берди. Мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, замонавий тунги ёриш тизими билан таъминлаш зарурлигини қайд этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдими ўтказилди. БМТ Бош котибига Орол денгизининг бугунги аҳволи ва минтақадаги экологик ҳолат ҳақида сўзлаб берилди. Антониу Гутерриш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ҳамроҳлигида

Орол денгизи акваториясига борди. Мўйноқ туманидаги «Кемалар қабристони»ни кўрди, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. БМТ томонидан ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар самаралари билан танишди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида бўлди ва унинг экспонатлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди.

Президент 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқида Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлишини алоҳида таъкидлади. Президентга бунёд этилаётган марказнинг умумий концепцияси, атрофини ободонлаштириш бўйича қилинадиган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида янги боғ очилди.

Унга буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди.

Боғнинг тантанали очилиш маросимида ушбу масканга турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳалла фаоллари тақлиф этилди. Майдони 12 гектардан иборат бу экологик боғ ландшафт дизайни, сув ҳавзалари, спорт майдончалари махсус экологик архитектура-қурилиш талаблари асосида бунёд этилган.

12 июнь
Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди. Президент ҳудудларни ривожлантириш борасида давлат органларининг ўрни ва масъулияти ҳақида гапириб, Самарқанд вилоятига ташрифи давомида айрим раҳбарларнинг

бефарклиги ва ҳаракатсизлиги оқибатида бу ҳудудда жуда кўплаб жиддий муаммолар тўпланиб қолгани маълум бўлганини қаттиқ танқид қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Самарқанд вилояти ҳокими Ҳ.Оқбўтаев иш фаолиятида йўл қўйган ана шундай жиддий камчилик ва нуқсонлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Учтепа туманига ташриф буюрди.

Президент дастлаб туманда бунёд этилиши режалаштирилаётган кўнгилочар ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди, истироҳат боғи лойиҳасини янада мукаммалаштириш, унинг атрофида замонавий гипермаркет бунёд этиш, унда замонавий кино-театр, кутубхона ва бошқа зарур дам олиш масканлари бўлиши, бунёдкорлик ишларида Жанубий Корея, Япония каби давлатлар тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Хотин-қизлар ўртасида XXIII Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг саккизинчи тур бахслари бўлиб ўтди.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси «Нефтчи» (Фарғона) қизларини 11:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг бекободлик футболчи қизлар 24 очко билан мусобақа жадвалида етакчилик қилди. Голларга бой яна бир учрашув «Севинч» (Қарши) ва «Машъал» (Муборак) жамоалари ўртасида кечди. Мазкур ўйинда қаршилиқ футболчилар рақибалари дарвозасига жавобсиз ўн учта гол киритиб, ишончли ғалабага эришди.

Мамлакатимиз ёш боксчилари Қозоғистонда ўтган халқаро турнирда 1 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Вазни 69 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувда қатнашган Бобо-Усмон Ботиров финалгача бўлган жанглари ўз фойдасига ҳал қилиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Аброр Қодиров, Сулаймон Латипов ва Рустамжон Исмоилов бронза медаль билан тақдирланди.

13 июнь Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар

ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Президент томонидан Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақида билдирилган таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Тадбирда яна бир муҳим таклиф – халқ олдида обрў-эътибор қозонган судьяларнинг ҳаёт йўли, одил судловни амалга оширишдаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш учун «Судьялар клуби» ва «Суд ҳимоясида» рунклари остида марказий телеканаллар ва газеталарда мунтазам равишда туркум кўрсатув ва мақолалар эълон қилиб бориш ҳақида амалий фикр илгари сурилди ва йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

14 июнь Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида россиялик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида экспорт-импорт алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, тадбиркорларга бозор талабларини ўрганиш асосида ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш, ишончли ҳамкорлар топишга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди. Музокара-лар якунида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Россиянинг Ташқи савдо ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кенгаши ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Қозоғистон Республикаси Жамбил вилояти ҳокимлиги, ишбилармон доиралари вакилларида иборат делегация Жиззах вилоятида бўлди.

Жамбил вилояти ҳокими Карим Кокрекбаев бошчилигидаги делегация Жиззах вилояти ҳокими Улуғбек Узоқов билан учрашди.

Мехмонлар Жиззах политехника институти, Олимпия захиралари коллежи, вилоят тадбиркорликка кўмаклашиш маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, «Жиззахпластек» Ўзбекистон – Германия кўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Шароф Рашидов туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уй-жойларни кўрди.

Мамлакатимиз таэквондочилари Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, 7 олтин, 2 кумуш ва 5 бронза медални қўлга киритди.

Таэквондо (ITF) бўйича ўтказилган халқаро турнирнинг турли йўналишларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Владимир Ли икки маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Евгений Ким ва Севги Мансурова биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, яккама-якка беллашувларда Вадим Мун, Андрей Ким, Слава Пак ўз вазн ва ёш тоифаларида биринчи ўринни эгаллади. Александр Четвериков ҳамда Евгений Ким кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Владислав Мамаев, Сергей Нам, Лун Дай каби спортчиларимиз бронза медалига сазовор бўлди.

15 июнь Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёв нутқ сўзлади. Президент халқимизнинг бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига таништириш, энг муҳими ислом дининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этишга қарор қилингани ҳақида маълум қилди.

Қорақалпоғистон Республикасида китобсеварлар ҳафталиги тадбирлари ўтказилди.

Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёкубова, шунингдек, Шарапатдин Аяпов, Туркменбой Жиёмуратов, Муратбой Низанов каби таниқли ижодкорлар китоб танлаш ва мутолаа маданиятини

шакллантириш ҳақидаги қизиқарли фикрлари билан ўртоқлашди. Тадбирда ёшларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нукус шаҳар бўлинмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши томонидан китоблар совға қилинди.

16 июнь Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Учтепа туманига ташир буюрди.

Президент туманда бунёд этилиши режалаштирилаётган кўнгилочар ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди. Шавкат Мирзиёев истироҳат боғи лойиҳасини янада мукаммалаштириш, унинг атрофида замонавий гипермаркет бунёд этиш, унда замонавий кинотеатр, кутубхона ва бошқа зарур дам олиш масканлари бўлиши, бунёдкорлик ишларида Жанубий Корея, Япония каби давлатлар тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Миллий матбуот марказида «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга 6 ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, 3 йилгача муддатга берилаётгани қайд этилди. Тадбиркор битта иш ўрни яратса, кредит устамаси 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, беш ва ундан ортиқ иш жойи яратилганда 6 фоиз миқдорида берилмоқда. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

17 июнь «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор билан мажбурий ижро бюросини ривожлан-

тириш жамғармаси давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида ғазна ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлиши, Жамғармани бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бошқарадиган Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

19 июнь «**Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида**» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон аввало тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолияти тубдан такомиллаштирилишини назарда тутди. Унда Савдо-саноат палатасининг аниқ ва энг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Республика ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Start up Invest» тадбирида ёшларнинг энг яхши лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Шухрат Аъзамов Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университетини тамомлаб, «manzil.uz» мобиль иловасини янада такомиллаштириш устида иш олиб бормокда. Тадбирда тақдим этилган лойиҳалар етакчи экспертлар, мутахассислар томонидан долзарблиги, инновационлиги, фойдалилиги нуқтаи назаридан афрофлича таҳлил этилиб, баҳоланди. Ёш тадбиркорларга замонавий бизнес оламидаги тенденциялар ҳақида афрофлича маълумот берилди.

Тошкентда «Анҳор-Локомотив» истироҳат боғида бир кун деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда боғнинг ёз мавсумида болаларни дам олдиришга оид тайёргарлик ишлари хусусида маълумот берилди.

«Анҳор-Локомотив»даги замонавий аттракционлар, мўъжаз кинотеатр, автоматлаштирилган ўйин қурилмалари дам олишнинг завқли ўтишида алоҳида аҳамият касб этади. Тарихий шаҳарларимиздаги ёдгорлик мажмуаларининг мўъжаз макетлари, мусиқали фавворалар ушбу масканга ўзгача файз ва тароват бағишлайди.

Ёш полвонларимиз Хитой Тайпейида юнон-рум, эркин ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида катнашди.

Чемпионатнинг эркин кураш беллашувларида 120 килограмм вазн тоифасида Ҳасанбой олтин медални қўлга киритди. Вазни 55 килограмм бўлган Жаҳонгирмирзо Туробов эса Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзоларидан Иса Шапиев кумуш, Аббос Раҳмонов, Жаброил Шапиев, Иброҳим Илҳомжонов бронза медали билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши бўйича 96 килограмм вазнда спортчимиз Темур Мирзо Мамажонов финал йўлланмасига эга бўлди. Финалда Темур эронлик Амирмуҳаммад Хусайнризо Норузипасанд устидан зафар кучди ва олтин медалга сазовор бўлди. Жалгас Бердимуродов терма жамоамиз ҳисобига яна бир кумуш медални келтирган бўлса, Жасурбек Ортиқбоев ва Маҳмуд Бахшуллоев ўз вазн тоифаларида бронза медал соҳиби бўлди. Хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида спортчиларимиздан Бахтигул Болтаниёзова иккинчи, Оқтанга Кеунимжаева, Нодири Собирова, Ҳадича Нажимова учинчи ўринни эгаллади.

20 июнь Наманган вилояти Учқўрғон туманида «Uztex Uchkurgan» қўшма корхонаси ишга туширилди.

Ёски Наманган шойи газламалар комбинати филиали ўрнида бутунлай янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган фабрика барпо этилди. Корхона йилига 7 минг тоннадан зиёд пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда 300 дан зиёд иш ўрни яратилди. Корхонада тайёрланадиган ип-калава асосан экспортга чиқарилади.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг навбатдан ташқари қурултойи бўлиб ўтди.

Курултойда Президентнинг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси олдида турган долзарб вазифалар кўриб чиқилди.

21 июнь «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорда барча даражаларда ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада ислоҳ қилиш, республика миқёсида ихтисослашган йўналишлар бўйича энг замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, вилоят даражасида ихтисослашган йўналишлар бўйича замонавий юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш, туман (шаҳар) даражасида ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган бўлимлар негизида кўрсатиш назарда тутилган.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор халқимиз, хусусан, ёшларимизни ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг номаълум саҳифаларини чуқур ўрганиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация техноло-

гияларини жорий этиш марказини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармонида асосан Бюронинг тузилмасида 25 та штат бирлигидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш марказини ташкил этиш белгиланди.

«Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспортга маҳсулот етказиб беришни кўпайтиришни рағбатлантириш, маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларнинг рақобатдошлигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартиботларини бекор қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Цюрих шаҳрида Ўзбекистон ва Швейцария ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек, мамлакатимиз тўқимачилик ва фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган ўнга яқин компания вакиллари иштирок этди. Бизнес-форум доирасида эришилган келишувга мувофиқ, Швейца-

рия ва Европа Иттифоқи давлатларидаги импорт қилувчи корхоналар, йирик савдо тармоқлари ва ритейл-компаниялар, тадбиркорлар уюшмалари, бирлашмалари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, уни янада фаоллаштириш, хусусан, ушбу мамлакатлар бозорида Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспортга етказиб беришни йўлга қўйиш, юртимиз тадбиркорларининг йирик кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши, қўшма тадбирлар ўтказиш, зарур лицензия ва сертификатлар олиш ишларини ташкил этиш кўзда тутилди.

Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқларида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Юртимиздаги турли миллат ва элатлар ҳаёти, турмуш тарзи акс этган фотосуратлар кўргазмаси, бадий дастурлар намойиш этилди. «Инсон манфаатлари – улуғ қадрият» номли кўргазмада юртимизда яшовчи турли миллат вакиллари ижодига мансуб мўйқалам асарлари ва фотосуратлар, шунингдек, турли халқларнинг миллий либослари, хунармандлик ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Фестиваль тадбирлари таниқли санъаткорлар ва миллий маданий марказлар бадий жамоалари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

22 июнь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказида бўлди ва марказда амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари билан Фарғона асаларичилик тарихи, асалнинг шифобахш хусусиятлари, таълим жараёнида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида суҳбатлашди. Фарғона давлат университетида асаларичилик бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Эркин Воҳидов номидаги Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Истироҳат боғининг майдони 9 гектардан 16 гектарга етказил-

ди. Боғнинг кириш қисмида ёзувчи-ижодкорлар хиебони ташкил этиш, унга Эркин Воҳидовнинг ҳайкалини ўрнатиш кўзда тутилган. Президент қаҳрамон шоир номи билан аталадиган ушбу боғ ҳар томонлама мукамал бўлиши, уни ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айлантириш, хиебонга Эркин Воҳидовнинг энг сара шеърларидан намуналар ёзилган лавҳалар ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фарғона туманидаги «Миндонобод агросаноат» агрофирмасига ташриф буюрди.

Шу ерда «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан 2017-2018 йилларда Фарғона вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Қува туманидаги «Big agro logistic» масъулияти чекланган жамияти томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган замонавий логистика маркази ташкил этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион доллар бўлиб, биринчи йилда 6,5 миллион доллар, беш йилдан сўнг 10 миллион доллар миқдоридagi маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Қўқон шаҳридаги «Elit konserva» масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавотларни қадоқлаш, Олтиариқ туманидаги «Есо Export Trade» масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш, қуритиш ва сақлашга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2017 йил Қува туманидаги «Фарғона анорзори» масъулияти чекланган жамиятида 50 гектарда янги анорзор барпо этилган. Ушбу боғни агротехника қоидалари асосида парваришлаш натижасида келгусида 700 тоннадан ортиқ ҳосил олиш режалаштирилмоқда. Президент Қува ва Дашнобод анори дунёга машҳур экани, ҳар иккала навнинг ўзига яраша хусусиятлари мавжудлигини таъкидлади. Вилоятда анорзорларни янада кенгайтириш ва ушбу маҳсулот экспортини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Учқўприк туманидаги собиқ консерва заводи негизида амалга оширилаётган лойиҳани ҳам кўздан кечирди.

Лойиҳа ташаббускори «Воллей Моунтаинс Фреш» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, 10,5 миллиард сўм, жумладан,

«Ипотека-банк»нинг 7,4 миллиард сўм кредити ҳисобига корхонанинг мавжуд қувватлари модернизация қилинади, мевани сақловчи музлатгич ва кадокловчи ускуналар ўрнатилади. Ушбу лойиҳа ишга туширилиши натижасида 170 иш ўрни ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев Қўқонга Марғилондан илк бор қатнай бошлаган электропоездда келди.

Қўқон шаҳридаги «Шаффоф метан саноат» масъулияти чеklangан жамиятида иқтисодий лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларга бўлган талаб билан қизиқди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу ерда АҚШнинг «Женерал элек-трик» компаниясидан замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилади. Марказ йилига 25 минг 500 кишини даволаш, 500 жарроҳлик амалиёти ўтказиш имкониятига эга бўлади. Президентимиз аҳоли са-ломатлиги билан боғлиқ бу мажмуа қурилишини тезлаштириш за-рурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Қўқон шаҳар театрини бориб кўрди.

Қўқон шаҳар театри 1987 йилда қурилган. Театр биноси, жум-ладан, 750 томошабинга мўлжалланган зал замонавий таъмир-ланган. Президент ижодкорлар билан мулоқотда театрнинг халқ орасидаги обрўи ва нуфузини янада ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Театрни ҳақиқий маънавият ўчоғига айлантириш учун аввало яхши асарлар керак, деди давлатимиз раҳбари. Бунинг учун бу ерда таниқли санъат намоёндалари, дра-матурглар билан учрашувлар ташкил этиб, ижодий муҳит яратиш зарур.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институ-тининг Фарғона филиали тажриба хўжалигида бўлиб, ғалла ўрими ва ғўза парваришини кўздан кечирди.

Фарғона вилоятида 13 минг 987 фермер хўжалиги пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур тажриба хўжалигида 21,3 гек-тарда ғўзанинг «ЎзФА-710», 9,2 гектарда ғалланинг «Яксарт» нави

экилган. Ғалла ҳосили пишиб етилиб, ўриб олинмоқда. Хўжаликда йигирмадан зиёд киши меҳнат қилади, пахта ва ғалладан ҳар йили мўл ҳосил олинмоқда. Давлатимиз раҳбари ғалла йиғим-теримида иштирок этаётган фермерлар билан мулоқот қилди.

23 июн Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги Нурунийлар масканида яратилган шароитлар билан танишди.

Бу ерда кексалар учун зарур бўладиган барча жиҳатлар эъти-борга олинган. Ўзбек ва жаҳон адабиётлари билан бойитилган кутубхона, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали, тиббиёт хонаси, фитобар, чойхона нурунийлар хизматида. Президент бу ердаги шароитларни янада яхшилаш, хусусан, кек-салар учун автобус ажратиш зарурлигини таъкидлади. Нуруний-ларнинг ёшлар билан ишлашининг изчиллигини таъминлаш, жа-миятимиз маънавий барқарорлигини мустаҳкамлашда уларнинг ўрнини ошириш бўйича тавсиялар билдирди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона механика заводи ҳудудида ки-чик саноат зонаси ташкил этиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди.

Саноат зонасида йилига 300 тонна антифриз, 200 тонна ойна ювиш суюқлиги, 10 минг дона тормоз колодкаси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Қиймати 38,5 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида тўлиқ ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 45 фоизи экспортга йўналтирилади. Лойиҳанинг биринчи босқичида 200 иш ўрни яратилади.

Фарғона шаҳридаги «Мадад» масъулияти чекланган жамия-ти томонидан суюлтирилган газ учун цистерналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган тиркамалар ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Корхона 2018 йил-да тўлиқ қувватда ишга туширилади. 2020 йилда бу ерда экспорт ҳажмини йилига 1,5 миллион долларга етказиш мўлжалланган. Президент мазкур корхона маҳсулотлари намуналарини кўздан ке-чирди.

Фарғона политехника институти вилоятдаги ишлаб чиқариш

корхоналари билан ҳамкорликда МикроГЭС илмий-ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳасини таклиф этмоқда. МикроГЭС халқаро таснифга асосан қуввати 0,1 кВтдан 100 кВтгача бўлган гидроэнергетик қурилма бўлиб, у асосан гидротурбина, тасмали ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан иборат.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида олиб борилаётган изланишларнинг яққол намунаси эканини таъкидлаб, микроГЭСлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Фарғона шаҳридаги «Осиё олмос файз» корхонасининг лок-бўёк, темир ва бетон кесиш мосламаларини тайёрлаш, «Turon mega fayz» жамиятининг гипсокартон, ПВХ гранулалар, ПВХ плёнка ва пластмасса буюмлар, «Uzsalaman» қўшма корхонасининг эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари, «Big Bilding Capital Group» корхонасининг саноат чангини ушлаб қолувчи фильтр материаллари, иссиқхона каркас қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳалари, «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни томонидан 2017-2018 йилларда вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантириш манзилли дастури тақдимотлари ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона механика заводида таширф буюрди.

Президент мазкур турдаги темир йўл транспорт қатновининг йўлга қўйилиши Фарғона водийси аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Илгари Фарғона водийсида электропоезд катнайди деса, биров ишонмасди. Энди Қўқондан Андижонга бир соатда етиб бориш мумкин. Бу ҳам халқимизнинг узоғини яқин қилиш борасидаги, одамлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларимиз самарасидир, деди Шавкат Мирзиёев.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ана шундай ноёб меросни илмий асосда ҳар томон-

лама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида қабул қилинди.

26 июнь Шавкат Мирзиёев Рамазон ҳайити куни беморлар ҳолидан хабар олди.

Президент Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасини бориб кўрди, шифохона эски биноларини янгилаш борасидаги лойиҳалар билан танишди. Беморларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Мирзо Улуғбек туманидаги «Мурувват» уйида бўлди.

Беморлар учун яратилган шароит билан танишди. Улуғ айём кунлари бундай савоб ишларни қилиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ҳар биримизнинг эътиборимизда бўлмоғи зарур, деди давлатимиз раҳбари. Президент мазкур шифохона ҳудуди ёнида қўшимча қурилиш ишлари олиб бориш, касалликларнинг турига қараб алоҳида бинолар қуриш ва жойлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

27 июнь Тошкентда Венгрия элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлди.

Учрашувда молия, кишлоқ ва сув хўжалиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва таълим соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Венгрия Инсон ресурслари вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида

2017-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Венгрия делегацияси Ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2017 йил биринчи ярим йиллигида экспорт дастурининг ижроси, маҳаллий маҳсулотларни янги хорижий бозорларга сотиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги кўриб чиқилди. Шавкат Мирзиёев экспорт соҳасидаги ишлар аҳволини атрофлича таҳлил қилди. «Ўзбекозиқовкатхолдинг» холдинг компанияси бошқаруви раиси О.Рустамов, «Ўзагроэксспорт» акциядорлик жамияти бош директори Ж.Холмухамедов эгаллаб турган лавозимига нолойқлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш борасида камчиликларга йўл қўйилаётганини қаттиқ танқид қилди. Мазкур тармоқлар раҳбарларига «хайфсан» эълон қилиниб, уларнинг зиммасига маҳсулотлар экспорти соҳасидаги мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва экспорт ҳажмини изчил ошириш юзасидан сезиларли ўзгаришларни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юкланди.

Миллий матбуот марказида «Agros Nayot» суғурта компаниясининг тақдироти бўлиб ўтди.

«Анжуманда аҳолининг суғурта маданиятини ошириш, одамларнинг суғурта хизматидан фойдаланиш ва суғурта қилиш афзалликлари ҳақида тўла маълумот олишига имконият яратиш зарурлиги қайд этилди. Миллий суғурта бозоридаги суғурта ташкилотларининг ўрни ва фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти томонидан «Суғурта журналистлар нигоҳида» танлови ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Сени қуйлаймиз, замондош!» IV республика театрларининг кўрик-фестивалининг очилиш маросими бўлди.

Мазкур кўрик-фестиваль Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз образини сахна асарлари орқали талқин этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур лойиҳа ҳудудий театр жамоаларининг репертуарлари билан томошабинларни кенгроқ таништириш, ижодий жамоаларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имкон яратишда ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда. Кўрик-фестиваль Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Имон» спектакли билан бошланди.

28 июнь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда узоқ муддатли ҳамкорликнинг амалдаги лойиҳаларини амалга ошириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қазиб олинадиган табиий газни чуқур қайта ишлашга доир янги лойиҳалар, шунингдек, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Жамият ривожланишида тадбиркор хотин-қизларнинг роли» мавзуида тадбиркор аёлларнинг биринчи форуми ташкил этилди.

Иштирокчилар учун аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, соҳага оид миллий қонунчилик, экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби мавзулар асосида шўъбаларга бўлинган ҳолда машғулотлар ташкил этилди. Фаолияти энг яхши деб топилган тадбиркор аёллар турли номинациялар бўйича дипломлар ва хорижда малака ошириш учун йўлланма-сертификат билан тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида маҳаллий хомашёдан цемент ишлаб чиқарувчи «Karakalpak sement» корхонаси иш бошлади.

Умумий инвестиция қиймати 40 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 17 миллион доллар миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилди. 200 дан зиёд аҳолининг доимий бандлиги таъминланди. Дастлабки икки босқичда маҳсулот янги технология – вертикал печдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилади. Учинчи босқичда янада унумдор бўлган айланма печли линия бунёд этилади. Маҳсулотни экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги «Чорсу» меъморий мажмуасида миллий санъат галереяси ташкил этилди.

Галереяда Шаҳрисабз кулолчилик мактаби, хусусан, унинг каштачилик, гиламдўзлик ва тасвирий санъатига оид кўرғазмалар ўрин олган. Бу ерга келувчилар халқ амалий санъатининг дурдона асарлари қаторида ёш, истеъдодли рассом ва хунармандлар яратган ноёб иш намуналаридан баҳраманд бўлишди.

29 июнь «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифаларни ўз муддатида тўлиқ ҳажмда ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Сурхондарё воҳасида ишлаб чиқариш, мавжуд техника ва технологиялардан фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, муҳандислик таълими ривожининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш, талаб қилинган хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолиддин Бехзод

номидаги мемориал боғ-музейида Санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари танловига тавсия этилган ижод намуналарини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида кўрғазма ташкил этилди.

Иштирокчиларнинг «Қаллиқлар боғи» номли туркум асарлар тўплами, «Юртим гавҳари» миллий ганч ва наққошлик асарлари тўплами, «Замонавий Ўзбекистон миниатюриси» китоб-альбоми, Ўзбекистон тарихи, маданияти, урф-одатлари мавзуларидаги тасвирий санъат асарлари туркуми, «Самога юксалиш» номли миллий ўймакор дарвоза ва эшиклар тўплами йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Кўрғазманинг очилишида турли соҳа вакиллари, санъат усталари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

30 июнь Тошкентдаги Симпозиумлар саройида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойи бўлиб ўтди.

Курултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Делегатлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш таклифини маъқуллади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси этиб Қ. Қуронбоев сайланди. «Зулфия» мукофотига ҳамоҳанг, йигитлар учун «Мард ўғлонлар» давлат мукофоти таъсис этилади. Бундан ташқари, «Келажак бунёдкори» унвони таъсис этилиши ҳақида маълум қилинди. Курсантлар мактабига «Темурбеклар мактаби» номи берилди. 30 июнь Ўзбекистонда «Ёшлар куни» деб эълон қилинди.

«Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон билан мамлакатимизда биринчи марта ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни

қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилиши белгиланди.

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусаввир Барлиқбой Айтмуратовнинг «Ўтмишдан садо» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Б.Айтмуратовнинг пейзаж, портрет, натюрморт, тарихий-афсонавий жанрларда яратган картиналари, хусусан, «Ерназар олакўз», «Маман бий», «Тўмарис», «Бердак», «Ўтовга таклиф», «Ўмирбек лаққи», «Гулойим», «Овулда театр», «Оқтош», «Хотира», «Оила», «Умр йўллари», «Овул манзараси» асарлари мутахассислар ва тасвирий санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлди.

ИЮЛЬ

1 июль Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида мамлакатимиз мудофаа вазири генерал-полковник Қ.Бердиев Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник В.Зарудницкий бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашувда Марказий Осиё минтақасидаги бугунги ҳолат ва хавфсизлик муаммолари хусусида фикр алмашилди, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

3 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни қабул қилди.

Президент, бугун Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб турганини алоҳида таъкидлади. Учрашувда қабул қилинган «Йўл харитаси»га мувофиқ биродарлашган шаҳарлар – давлатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Сеул ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

«Ургут» эркин иқтисодий зонасида «Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси Ургут илмий ишлаб чиқариш маркази фаолият бошлади.

Марказ эркин иқтисодий ҳудудда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, юридик ва жисмоний шахсларга метрология хизмати кўрсатиш каби вазифаларни бажариши кўзда тутилган. Тадбиркорларга тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида марказга зарур штатлар бирлиги ажратилди, лаборатория ускуналари ва техник жиҳозлар берилди. Энди ишбилармонлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини стандартлашти-

риш, сертификат олиш учун вақт йўқотиб Самарқанд ёки Тошкентга мурожаат қилишига ҳожат йўқ. Бу борадаги барча хизматлар Ургутдаги марказ томонидан кўрсатилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган «Сени қўлаймиз, замондош!» театрларнинг IV республика кўрик-фестивали ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Кўрик-фестиваль учун тақдим этилган спектакллари баҳолашда Ватан равнақи йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз сиймосини сахнада гавдалантириш, асар мазмунига сингдирилган ғоянинг долзарб ва тарбиявий аҳамияти, актёрларнинг ижро маҳорати каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди. Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Имон» спектакли биринчи ўринга муносиб топилди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасидаги Осиё очик чемпионатида йигирмадан зиёд давлатдан беш юзга яқин спортчи самбо ва жанговар самбо бўйича ғолиблик учун курашди.

Чемпионатда спортчиларимиздан Парвиз Ҳалимов, Фирдавс Ҳожиматов, Улуғбек Раҳмонов, Толмас Тўқлиев, Зафар Оллоберганов, Санжар Неъматов, Мироншоҳ Султонов, Нурмуҳаммад Беғалиев, Тўрабек Исмоилов, Гулмира Исмаева, Клара Дармонбоева, Жасурбек Маҳматқулов, Нилуфар Раҳмонова, Мушарраф Ибодуллаева, Сумгул Рўзимбоева олтин медални қўлга киритди.

Ойбек Усмонов, Малика Қаҳҳорова, Комила Нунова, Гулчехра Маманова, Маликабону Мирзаева, Ҳамида Олимова, Мафтуна Эргашева, Рината Илматова кумуш медаль билан тақдирланди. Терма жамоамиз аъзоларидан Улуғбек Ҳакимов, Аҳмадjon Исломов, Алим Миргазокулов, Зоир Самиков, Раҳматжон Аҳмедов, Нуриддин Тилаволдиев, Ақобир Ҳасанов, Шаҳзод Ибрагимов, Дилором Зикриллаева, Шаҳзода Валиева, Мафтуна Эсонова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

Қарши шаҳридаги «Марказий» стадион реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

21 минг томошабинга мўлжалланган ушбу стадионда мухлислар учун барча шароит яратилган. Майдонга замонавий муҳандислик-коммуникация воситалари ўрнатилиб, «Kentucky bluegrass» навли сифатли чим ётқизилди.

Оичлиш маросимида эстрада хонандлари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон кубоги чорак финалининг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Насаф» клуби «Кўкюн – 1912» жамоасини йирик ҳисобда (4:1) мағлуб этди.

5 июль

Халқаро пресс-клубда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов хориждаги юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Вазирликда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган. 2016 йилнинг октябрь ойидан бугунги кунгача вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 6,5 мингдан зиёд ариза тушган. Хорижий давлатларда яшовчи ва паспортини биометрик ҳужжатга алмаштиришга улгурмаган фуқаролар учун эски паспортдан йўл ҳужжати сифатида фойдаланиш муддати 2018 йил 1 июлгача узайтирилди. Бугунги кунда фуқароларга «Интерактив консуллик хизматлари» портали (<http://consul.mfa.uz>) орқали 12 турдаги консуллик хизматлари кўрсатилмоқда. Чет элликларнинг Ўзбекистонга кириш визаси олишини расмийлаштириш учун <http://evisa.mfa.uz> веб-сайти яратилди.

«Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни» сифатида нишонланади.

Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамда «Invest Finance Bank» («InFin Bank») ўртасида савдо-сотик йўналишида ҳамкорлик қилиш бўйича битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

ОТБнинг савдони молиялаштириш дастури Осиё қитъасидаги 200 дан зиёд ҳамкор банкка савдони қўллаб-қувватлаш учун кафолат ва кредитлар беради. Дастурнинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан кўрилатган тизимли чора-тадбирлар натижасида минтақадаги савдо-сотик алоқаларининг мустақамланиши, хусусан, экспорт-импорт амалиётлари ривожланишида мазкур молиявий механизмнинг аҳамияти тобора ошмоқда. 2009 йилдан бери Осиё минтақасида дастур доирасида 9 минг 200 дан зиёд корхонага 26 миллиард долларга яқин молиявий ёрдам кўрсатилган.

6 ИЮЛЬ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тиббиёт соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги пайтда амалга оширилатган ижобий ўзгаришлар эътироф этилди.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланаётгани мажлисда танқидий таҳлил асосида кўрсатиб берилди. Хусусан, патронаж ишлари талаб даражасида эмаслигига урғу берилди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига патронаж хизматининг мазмун-моҳияти ва асосий вазибалари аниқ белгилаб қўйиладиган алоҳида Низом тайёрлаш вазибаси топширилди.

Жиззах эркиниқтисодий зонасида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Пежо Ситроен» гуруҳи билан ҳамкорликда барпо этаётган автомобиль заводи пойдеворининг тамал тошини қўйишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Завод Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзавтосаноат» АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасидаги келишув асосида қурилмоқда. Янги заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Peugeot» ва «Citroen» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонанинг устав капитали 30 миллион евро. Лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати қарийб 130 миллион евролик инвестиция жалб этилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Исроил болалар адабаси, «Хаёлий саргузаштдан хатлар», «Бу ҳам бир шамчирок», «Қаср соҳибаси» каби қисса, ҳикоя ва эртақлари муаллифи Леа Гольдбергнинг «Ижара учун уй» («Сдаётся квартира») китоби тақдимотига бағишланган тадбир бўлди.

Тадбир Миллий кутубхона ва Исроилнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. «Ижара учун уй» шеъринг эртаги Леа Гольдбергнинг энг машҳур асари. У кўп тилларга таржима бўлган. Яқинда адабанинг мазкур асари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди. Тақдимотда ёш китобсеварлар томонидан «Ижара учун уй» эртагидан сахна кўринишлари, куй-қўшиқлар намойиш этилди.

7 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Президент томонидан Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибратга бағишланган сўлим боғ, ёдгорлик мажмуаси ва «Ибрат мактаби» ташкил этилиш тақлифи берилган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур комплекс лойиҳаси билан танишди Боғ одамларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қулайлик яратиш билан маънавий олами ҳам бойитади. Бу ерда маърифатпарвар бобомизнинг ҳайкали ўрнатилади. Музей Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти, серқирра фаолияти билан таништиради. «Ибрат мактаби»да ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Буларнинг барчаси яхлит комплекс сифатида алломанинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини қадрлаш,

меросини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди.

Президент Мингбулоқ туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Мингбулоқнефть» Ўзбекистон – Хитой кўшма корхонасига ташриф буюрди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил Давлат инвестиция дастурининг манзилли рўйхатига киритилган бўлиб, бош пудратчи – «Xibu Duolling Engineering» компанияси бурғилаш майдони ва вахта қароргоҳидаги тайёргарлик ишлари якунига етказилди. Бу ерда М15 қидирув қудуғи ишга туширилди. М15 қидирув-бурғилаш қудуғининг ишга туширилиши билан 130 дан зиёд иш ўрни яратилди. Наманган вилоятида қуриладиган гидроэлектр станциялари лойиҳаси ҳам намойиш қилинди.

Президент Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» МЧЖда 482 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилган. 300 дан зиёд киши меҳнат қилаётган жамиятда гилос, олхўри, шафтоли, хурмо ва ўрик кўчатлари парваришланмоқда. 104 гектар ер гилос кўчати экиш учун тайёрланмоқда. Банкнинг молиявий кўмагида Тўрақўрғон туманида ташкил этиладиган 2 минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ҳамда сутни қайта ишлаш лойиҳаси шулар жумласидандир. Комплекса йилига 4 минг 280 тонна сут, 150 тонна гўшт етиштирилади. Шу ерда Учқўрғон туманидаги «Muhammadali hamkor biznes» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектарга иссиқхона ва тоmat пастаси ишлаб чиқариш заводи, Наманган шаҳридаги «Jahon javohiri invest» ва Поп туманидаги «Namangan agro logistic» МЧЖларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда иссиқхона ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Поп туманидаги «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли Кўмир брикетлари ишлаб чиқариш заводига ташриф буюрди.

Президент брикет ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев завод маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудларига тарқатиш пунктлари ташкил этиш, брикет ва уни ёкишга мос печ-

ларни аҳолига етказиб бериш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш кераклигини таъкидлади. Бундай замонавий корхоналарни юртимизнинг бошқа жойларида ҳам бунёд этиш бўйича тавсиялар берди. Шунингдек, бу ерда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Поп туманида цемент, шифер, асбест қувурлар, бетон ва ярим синтетик мойлаш материаллари, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида цемент, Наманган шаҳрида керамик плита ва сантехника маҳсулотлари, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида пишиқ ғишт, Чуст туманида пардозлаш тошлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Чуст туманида қурилаётган Ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод имкониятлари билан танишди.

«Ифода агро кимё ҳимоя» масъулияти чекланган жамияти ўз маблағи ва «Ҳамкорбанк» кредитлари ёрдамида бунёд этаётган ушбу заводда қишлоқ хўжалиги экинларини турли касалликлардан ҳимоя қилувчи 28 турдаги кимёвий препаратлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Корхонанинг лойиҳа қиймати 6,5 миллион долларни ташкил этади. Шу ерда Наманган вилояти ҳудудидаги паст рентабелли адирларда ёнғоқзор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайитириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайитириш, ковул экишни ташкил қилиш, паррандачилик ва эчкичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Президент ковул етиштириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш, экспорт қилиш механизмини яратиш, вилоятда ковулчиликни ривожлантириш бўйича ассоциация ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Президент Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи – Намангандаги ана шундай масканлардан бири. Қадамжо мақбара, масжид, рамзий дарвоза ва музейдан иборат.

Давлатимиз раҳбари бу қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, ёш авлодни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш бўйича тавсиялар берди.

8 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифнинг иккинчи куни Наманган туманидаги «MerryMed Farm» масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

«MerryMed Farm» МЧЖ импорт ўрнини босувчи 10 фармакологик гуруҳдаги 100 дан ортиқ турдаги дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Корхона ўсимлик ва синтетик хомашёдан дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада 300 га яқин ишчи меҳнат қилади. Корхонада амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Президент «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими янги биноси ва «Нуронийлар маскани» билан танишди.

Жамғарманинг Наманган вилояти бўлимида маъмурий бино, чойхона барпо этилган. Барча хоналар замонавий мебель ва компьютер жамламалари билан жиҳозланиб, қулай иш шароити яратилган. Президентимиз «Нуронийлар маскани»да яратилган шароитлар билан танишди. Оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Президент Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган Гулчилар ассоциацияси фаолияти билан танишди.

Президент махсус факультет ташкил қилиб, гулчилик илмини ёшларга ўргатиш, Ўзбекистон Фанлар академияси билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Президент Наманган шаҳар 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида машғулотларда қатнашаётган бадий гимнастикачи қизлар ва боксчи ёшлар билан мулоқот қилди.

Бугун ўзбек бокс мактаби вакилларига бутун дунё спортчилари тан бермоқда, ҳавас қилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъ-

золари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида жаҳонда тенгсиз эканини исботлади. Бундай ютуқларга эришиш учун нафақат замонавий шароит, балки тинимсиз меҳнат, фидойилик, ватанпарварлик ҳам талаб этилади. Сизларга ҳам келгусида катта спортда юксак парвозлар тилайман, деди давлатимиз раҳбари. Президент ёш спортчиларга совғалар топширди.

Президент Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишди.

Бу ерда маҳалла раиси, котиби ва маслаҳатчиси, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар мавжуд. Кутубхона замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, зарур адабиётлар билан таъминланган. Жорий йилда маҳалла биноси ёнида профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилди.

Профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш, содир этилган ҳар бир жиноятни таҳлил қилиш, жиноятчиликни профессионал даражада аниқлаш лозим.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур ижодий лойиҳанинг олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги дастлабки босқичларида 13 мингдан ортиқ талаба-ёш табаррук заманимизни улўғловчи кўшиқлари билан қатнашди. Якуний босқичга ижроси энг мукамал деб топилган 14 та олий таълим масканининг вакиллари таклиф этилди. Танлов якунида кўшиқлари энг яхши деб топилган олий таълим даргоҳларининг вакиллари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

10 ИЮЛЬ

Шавкат Мирзиёев Сергели туманининг 6-мавзесида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши билан танишди.

Сергели туманидаги қурилиш ишлари учта майдонда олиб берилди. 6-мавзедаги 66 та етти қаватли уй мустақиллигимизнинг

26 йиллиги байрами арафасида ўз эгаларига топширилди. Уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан замонавий қилиб барпо этилмоқда. Шунингдек, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, дам олиш жойлари, поликлиникалар, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва инфратузилманинг бошқа объектлари қурилиши режалаштирилган. Шу ерда Сергели туманини комплекс ривожлантириш бўйича истикболдаги режалар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сергели туманида амалга оширилаётган метро қурилиши билан танишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Сергели туманида метро йўлини қуриш ўта мураккаб жарён. Шу боис мазкур йўналишдаги метро ер усти бўйлаб, эстакадалар орқали ташкил этилади. Чилонзор йўналишининг Олмазор бекатидан бошланадиган Сергели йўналишида олти бекат бунёд этилади.

Давлатимиз раҳбари янги қурилаётган ер усти метроси ёнидан ўтадиган кўча атрофида икки ва уч қатор дарахт ва гуллар экилиши лозимлигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёевга Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бугун 2017-2019 йилларга қуриб битказилиши кўзда тутилган мазкур йўналишнинг Туркистон бекатида пойдевор қуйиш ишлари олиб борилмоқда.

Шавкат Мирзиёев Сергели туманидаги Қипчоқ кўчасида қуриладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Қипчоқ кўчаси темир йўл билан кесишган жойда узунлиги 1011, эни 28 метр бўлган кўприк қурилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан Қипчоқ кўчаси кенгайтирилмоқда. Натижада ушбу кўча Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа йўлини боғлаб, транспортлар ҳаракати учун янги қулайликлар яратади. Давлатимиз раҳбарига шу ерда ободонлаштириш ишларига ихтисослашган янги машиналар намойиш этилди.

Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида 5 олтин, 3 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Чемпионатнинг вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги баҳсларида Самандар Холмуродов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вазн тоифасида Фаррух Илҳомов, Ражаббой Отаназаров, Профсор Роримша ва Лазизбек Муллажонов ҳам рақибларини мағлубиятга учратиб, китъа чемпионлигини қўлга киритди. Абдумалик Ҳалаков, Билолбек Мирзараҳимов ва Темур Эргашев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Саиджамшид Жаъфаров бронза медал билан тақдирланди.

Мамлакатимиз таэквондо (WTF) усталари Жанубий Кореяда ўтказилган «Chuncheon Korea open – 2017» турнирида муваффақиятли иштирок этди.

Катталар ўртасидаги беллашувларда Диёр Собиров, Нигора Турсункулова ва Умида Абдуллаева ўз вазн тоифасида тенгсиз, деб топилди. Никита Рафалович ва Темур Собиров учинчи ўринни эгаллади. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Бобурхон Каримов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Интизор Абдулалимова кумуш, Мадинабону Маннопова, Жавохир Тошпўлатов ва Дониёр Йўлдошев бронза медал билан тақдирланди. Кадетлар ўртасидаги беллашувларда Амирбек Тўраев, Азизбек Раҳмонбердиев, Зафар Каримов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Севинч Мусирова иккинчи, Санжарбек Қобилжонов, Умида Ҳасанова, Мумтозбегим Халилова, Зарнигор Ҳусниддинова учинчи ўринни эгаллади. Энг кичик ёшдаги спортчилар ўртасида Абдумалик Абдумажидов ўз вазн тоифасида биринчи, Нурлан Бахажаев, Диёра Иномалиева, Камолбек Ғуломжонов иккинчи, Зафар Сатторов, Иззатбек Ғуломжонов учинчи бўлди.

Халқаро турнирда таэквондочиларимиз 8 олтин, 5 кумуш ва 11 бронза медални қўлга киритди.

11 ИЮЛЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Келишувларга мувофиқ Ўзбекистон ва Туркменистон компания ва корхоналари қиймати 200 миллион доллардан зиёд

қўшма ташқи савдо шартнома ва битимларни амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида тизимли ва узок муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, Туркменистонга навбатдаги пахта териш машиналари, культиватор ва бошқа замонавий техникалар етказиб берилди. Сухбат чоғида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

12 июль Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Унда эришилган ютуқлар қайд этилган ҳолда, ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил қилинди, ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

«Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари туғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини дунёга кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизга ташриф буюриши кутилаётган сайёҳларга қулай шароитлар яратиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш, ушбу вазифаларни амалга оширишда жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини ошириш ҳамда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадий академияси Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройида ёш иқтидорларнинг «Болалар боғчаси», «Модалар уйи», «Дельфинарий», «Ранг доираси»,

«Абстракция», «Меҳмонхона интерьерни» каби олтмишга яқин иши намойиш этилди.

Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дизайн кафедрасида «Интерьерни лойиҳалаш» ва «Касб таълими» йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга тажрибали ўқитувчилар устозлик қилади. Ушбу кўргазма кафедра жамоаси учун илк ижодий намойиш бўлиб, унда йигирма талаба қатнашди. Дилафрўз Юсупованинг «Болалар боғчаси», Шахло Собиржонова, Диёра Жўраева, Суннатилла Каримов, Шарияр Утегенов, Рустам Саидов, Эъзоза Садировалар чизган лойиҳалар намойиш этилди.

13 июль «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш туғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Унга кўра, «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдирланаши белгилаб қўйилди.

Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузурида «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

«Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонасининг барча туман ва шаҳарларда филиаллари ҳам тузилди. Банкда ҳисобрақами очиқлиб, филиалларнинг низомлари ишлаб чиқилди. Ободонлаштириш бошқармаларида шу ишга масъул ишчилар ва техникалар янги ташкилотга ўтказилди. «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиалларига қабул қилинган техникаларни таъмирлаш, ҳайдовчилар билан таъминлаш ишлари

амалга оширилди. «Тоза худуд» ДУК томонидан амалга оширилаётган ишлар натижаси қисқа вақтда кўрина бошлади. Чикиндилар ўз вақтида олиб кетилмоқда.

14 июль

«Эзгу мақсад» халқаро хайрия жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорга биноан Фонднинг асосий вазифалари этиб аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари, аввало, бемор ва ногирон болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишни таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёки хавфли гуруҳга кирадиган болалар, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларига ёрдам беришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш; халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, хорижий фуқаролар ва ташкилотлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини жалб этиш кабилар белгиланди.

«Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимизни, шунингдек, ишламасдан, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ва умуминсоний кадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналарни муносиб тақдирлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадний академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида ёш фоторассом Дилмурод Рустамов-

нинг «Ҳаёт завқи» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Дилмурод Рустамовнинг «Ҳаёт завқи», «Бахтли болалик», «Ёғду», «Парвоз», «Илинж», «Томчилар ракси», «Сехрли олам» каби, жами етмишга яқин фотоасарлари намойиш қилинди.

Тошкентнинг «Камолот» спорт клубида 12-14 ёшли ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган теннис бўйича Осиё очик турнири қизғин паллага кирди.

Лутфинисо Аҳмедова, Моҳира Алимова, Дарья Корнилова, Муниса Ашурбекова, Файзулло Мирзаганиев, Самандар Абдумаликов, Расул Нурмухамедов каби иқтидорли теннисчиларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишиди.

15 июль

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Юнусобод туманига ташриф буюрди.

Президент туманда жойлашган Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кўриқлаш бошқармаси фаолияти билан танишди. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кўриқлаш бошқармасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бош бошқармада «Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацион маркази ташкил этилмоқда. Президент мазкур бошқарув тизимини икки йил давомида синовдан ўтказиш, ички ишлар ходимларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкентдаги Инҳа университетиде ихтисослашган кадрлар тайёрлаш, тизим пухта ўзлаштирилганидан кейин уни мамлакатимизнинг барча шаҳарларида жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Юнусобод туманидаги Исломобод маҳалласида бўлди.

Маҳалла худудидаги Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдими ўтказилди. Ёшларимизни уларга муносиб маърифатли, илмли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президент. Учрашувда маҳалла фаоллари, ота-оналар худуддаги Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини 11 йиллик мак-

табга айлантириш таклифини билдирди. Давлатимиз раҳбарига 11 йиллик мактаб таълими, Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Темурбеклар мактаби»ни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

17 июль

«Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ушбу корхонага ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Навоий» эркин иқтисодий зонасида фаолият бошлаган тадбиркорлик субъектларига гувоҳномалар топшириш маросими ўтказилди.

«Навоий» эркин иқтисодий зонасида яратилган қулай инвестициявий муҳит самарасида Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда 18 корхона фаолият юритмоқда. Кирилган инвестициялар ҳажми қарийб 124 миллион долларни ташкил этиб, 900 га яқин янги иш ўрни яратилган.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилаётган 2018 йилги йигирма уч ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш мусобақасини ғалаба билан бошлади.

Футболчиларимиз гуруҳдаги дастлабки учрашувни ливанлик тенгдошларига қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобидаги ишончли ғалабага эришди. Ўйиннинг 20-дақиқасида ливанлик футболчи ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди ва терма жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Бобур Абдуҳолиқов 30- ва 39-дақиқаларда рақиб дарвозасига яна иккита тўп киритди. 58-дақиқада Ливан терма жамоа-

си ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди. Шу тариқа, учрашув 3:1 ҳисобида футболчиларимиз ғалабаси билан якунланди. БАА ва Непал терма жамоалари ўртасидаги баҳсда мезбонлар йирик – 5:0 ҳисобида зафар кучди.

Тошкентдаги «Камолот» спорт клубида теннис бўйича 12-14 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё очик турнири якунланди.

Мусобақанинг яқкалик баҳсларида истеъдодли теннисчиларимиз Лутфинисо Аҳмедова ва Самандар Абдумаликов барча тенгдошларини енгиб, шохсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди. Кейинги ўринлар ёш теннисчиларимиз Анна Хайкис, Дарья Корнилова, Максим Шин ва Аббос Содиқовга насиб этди. Жуфтлик баҳсларида ҳам вакилларимиз Ангелина Фолтс ва Анна Хайкис, Самандар Абдумаликов ва Аббос Содиқов жуфтлиги ғолиб бўлди.

18 июль

«Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинди.

«Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонга билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг куйидаги муҳим йўналишлари белгиланди:

солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг

аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотини ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини ошириш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳоказолар.

20 июль

«Тошкент вилоятининг маъмурий-худудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Тошкент вилоятида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни янада жадаллаштириш, айниқса шаҳарлардаги муҳандислик-коммуникация тармоқларидаги мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ушбу вазифаларни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг масъулиятини янада кучайтириш, шунингдек шаҳар ва туманлар аҳолисининг фаровонлигини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат усталарининг ретроспектив кўргазмаси очилди.

«Бизнинг мерос» туркумидан ташкил этилган ушбу кўргазмага мусаввирлар, тасвирий санъат ихлосмандлари, журналистлар ташриф буюрди.

Кўргазма экспозициясидан Бадий кўргазмалар дирекцияси, рассомлар архиви ва шахсий коллекциялардан келтирилган уч юзга яқин асар ўрин олган.

Миллий матбуот марказида 2017 йил 25-30 август кунлари

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган анъанавий «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда таъкидланганидек, биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги фестивалда 60 га яқин мамлакатдан бадий жамоалар, яққал хонандалар, мусиқашунослар, олимлар қатнашиши кутилмоқда. Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши кўзда тутилган.

Хоразмда Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Улуғ санъаткор туғилиб вояга етган Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод масканга айлантирилди. Урганчда унинг хотираси билан аталган боғ ва ижод маркази, уй-музеи ташкил этилди. Ҳофиз сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилди. Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир ҳофиз қабрини зиёрат қилишдан бошланди.

Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда бадий жамоалар, хонандалар томонидан К.Отаниёзов ижодий меросидан намуналар ижро этилди. «Уч бўстон булбули» номли спектакль, ҳофиз ҳаёти ва ижодига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Тошкентда Кинематографияни ривожлантириш маркази қошидаги Кинолойиҳалар ва кино маҳсулотларни профессионал баҳолаш интерактив мунозара клуби экспертлар кенгаши ўзининг дастлабки муҳокамасини ўтказди.

Унда режиссёр М.Охуновнинг «Ада эмас, дада» ва С.Абдуллаевнинг «Дайди» бадий фильмлари таҳлил қилинди. Хусусий киностудиялар ижодий фаолиятига кўмаклашиш, улар томонидан яратилаётган фильмларнинг сифати ва бадий даражасини ошириш мақсадида ташкил этилган Кинолойиҳалар ва кино маҳсулотларни профессионал баҳолаш интерактив мунозара клубида кинолойиҳалар ва фильмларни профессионал баҳолаш жамоатчилиги кенгаши томонидан амалга оширилади.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида давом этаётган енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли қатнашди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан маълум қилишларича, нуфузли мусобақанинг эркаклар ўртасидаги найза улоқтириш баҳсларида иштирок этган Александр Свечников 71,01 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, жаҳон рекордини янгилади. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Нозима Қаямова 41,25 метр натижа қайд этиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Чемпионатнинг диск отиш баҳсларида Хусниддин Норбеков 54,73 метр натижа кўрсатиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев 7,18 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, Осиё рекордини ўрнатган эди.

21 июль
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳалари ижросининг бориши билан танишди. Бу завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деди Президент. Завод ишга тушгач 1 минг 200 га яқин киши иш билан таъминланади. Ёшлар замонавий технологияларни эгаллаб, малакали кадр бўлиб шаклланади. Ҳозиргача 68 мутахассис Хитойда малака ошириб қайтди.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди. Шу ерда «Ангрен» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбегим отлари» от заводи фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда «Ўзбегим отлари» заводида 300 га яқин от

парваришланмоқда. Улар орасида Ахалтака зотидан ташқари, инглиз ва араб зотли отлар ҳам бор. «Ўзбегим отлари» заводида Шавкат Мирзиёевга Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов томонидан совға қилинган «Дўстхон» лақабли зотдор от йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

От заводи ҳудудида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада насликчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Президентга Паркентсой сувидан унумли фойдаланиш лойиҳаси тақдим қилинди.

Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида сўзлаб берилди. Бундан ташқари, Паркентнинг экологик тоза ҳудудларида дам олиш ва соғломлаштириш масканларини жойлаштириш бўйича таклифлар берилди. Президентимиз Паркентнинг энг сўлим жойида ёзувчи ва шоирлар учун 50 та уй қуриб бериш керак, деди. Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди.

Президент Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қуриладиган «Кўш-Чинор» меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди.

Мажмуадан 130 ўринли меҳмонхона, 60 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. «Амирсой» тоғ чанғи дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва кўлами билан ажралиб турибди. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади. Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича таклифлар тақдим қилинди.

Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида теннис бўйича республика очик турнири давом этди.

135 нафар ёш спортчи ғолиблик учун баҳс олиб бораётган мусобақада истеъдодли теннисчилар Мафтуна Қаҳрамонова, Муниса Ашурбекова, Мунаввар Мамасолиева, Нуриддин Бахтиёров, Муҳаммад Шукуров пешқадамлик қилди.

22 ИЮЛЬ

Шавкат Мирзиёев Паркент туманидаги «Марказий» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

«Марказий» маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, маҳалла гузари барпо этилган. Бу ерда йиғин ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун барча шароит яратилган. Профилактика инспектори хонасида маҳалладаги жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиб туриш имкониятини берувчи монитор ўрнатилган. Шу ерда ички ишлар тизими томонидан олиб борилаётган профилактика ишлари, «Хавфсиз дам олиш» концепцияси ҳақида маълумот берилди. Шавкат Мирзиёев маҳалла гузарида фаолият юритаётган тикувчи ва касаначи аёллар билан суҳбатлашди.

Маҳалла идораси ҳовлисида туманда 2 сув омбори қуриш, томчилатиб суғориш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тоқзорлар ташкил этиш, Паркент шаҳрининг 2036 йилгача мўлжалланган бош режаси, кўп қаватли уй-жойлар, йўллар, бозор, истироҳат боғи ва бошқа объектлар барпо этиш лойиҳалари намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

Қирқ гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуада 5 кросс-докинг, гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ва сақлаш омбори, 10 минг тонналик музлатгич, 150 ўринли меҳмонхона қурилади. Президентга мазкур мажмуа ҳақида маълумот берилди. Шу ерда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Президентга тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Лойиҳаларда коғоз маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қадоқлаш учун гофракартон қутилар ишлаб чиқариш, паррандачилик соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш кўзда тутилган.

24 ИЮЛЬ

2017 йил 17-24 июль кунлари Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Альберт Егер раҳбарлигидаги миссияси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ва расмий органлар ишлаб чиққан ислохотлар режасини муҳокама қилиш учун Тошкентда бўлди.

Миссия ташриф якуни бўйича қуйидаги баёнотни берди:

Миссия расмий органларнинг валюта тизимини биринчи галда ислоҳ қилиш бўйича режасини ҳам тўла қўллаб-қувватлайди. Бозор тамойиллари асосида валюта курсларини унификация қилиш ва валюта ресурсларини тақсимлаш учун имконият яратиш Ўзбекистон Марказий банкига барқарорликни сақлашга йўналтирилган ва инфляцияни самарали назорат қилишга қодир пул-кредит сиёсатига ўтиш имконини беради. Ислохотларни пул ва кредитлар ҳажмининг тез ўсиши билан боғлиқ инфляция босими шароитида амалга оширишга тўғри келади. Шундай қилиб, миссия Ўзбекистон Марказий банки яқинда қабул қилган пул-кредит сиёсатини, жумладан, қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш ҳисобидан қатъийлаштириш чораларини ижобий баҳолайди.

25 ИЮЛЬ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ёш рассомлар ижодий гуруҳининг «Ёғду» деб номланган кўргазмаси намойиш қилинди.

2007 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган гуруҳнинг ёш рангтавир ва ҳайкалтарошлари – С.Сулаймонов, Т.Фадеева, Н.Латипова, Т.Раҳметов, А.Чаплинко, Н.Аҳметзянов, Е.Пакларнинг ижодий мавзуси воқелик, табиат таъсири, теварак-атроф ҳодисалари. Улар тақдим қилган «Муқаддас оила», «Такдир тақозоси», «Қалблар қўшилиши», «Кашфиёт», «Идрок кишани», «Зиё сари талпинаётганлар» каби асарлар ноанъанавий ва ўзига хос замонавий услубда чизилган.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Эркин кураш бўйича вазни 42 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларда спортчимиз Умиджон Жалоловга тенг келадиган рақиб топилмади. У ҳал қилувчи баҳсда япониялик Рюжи Юрани маглубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Вазни 63 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида қатнашган яна бир иқтидорли спортчимиз Ихтиёр Нормуродов финалда мўғулистонлик Бямбадорж Энхбаяр устидан ғалаба қозониб, Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Ўз вазн тоифасида Муҳаммадрасул Раҳимов кумуш, Жамшидбек Маъруфов бронза медаль билан тақдирланди. Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларда Саидислом Тешабоев, Элдор Каримов ва Дилшод Омонгелдиев учинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар кураши бўйича баҳсларда Умидахон Максетова ва Гулноза Жумабоева қитъа чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 3 олтин ва 4 кумуш медални қўлга киритди.

Мусобақанинг диск отиш баҳсларида тажрибали спортчимиз Хусниддин Норбеков олтин медални қўлга киритгани ҳақида аввал хабар берган эдик. У ядро улоқтириш баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 14,87 метр натижа билан кумуш медалга сазовор бўлди. Чемпионатнинг узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев 7,18 метр натижа билан Осиё рекордини янгилаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эркаклар ўртасидаги найза улоқтириш баҳсларида иштирок этган Александр Свечников 71,01 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, жаҳон рекордини янгилади. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Нозима Қаюмова кумуш медаль билан тақдирланди. Хотин-қизлар ўртасидаги ядро улоқтириш баҳсларида қатнашган яна бир атлетимиз София Бурҳонова 14,76 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. У диск отиш баҳсларида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кумуш медални қўлга киритди.

Россиянинг «Култура» телеканали, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва

«Караван-ТВ» ҳамкорлигида «Ўзбекистон: кашф этилган янгиликлар» номли бир соатлик ҳужжатли фильмни суратга олиш ишлари бошланди.

Фильм продюсери Фирдавс Абдухолиқов. «Ўзбекистон: кашф этилган янгиликлар» ҳужжатли фильми Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарларда суратга олинди. Шунингдек, фильмда ноёб кино ва фотоҳужжатлар, архив кадрлари, шахсий архив материаллари ва музей артефактларидан фойдаланилди. Фильмда машҳур меъморлар, олимлар, тарихчи ва хаттотлар, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган оддий одамлар билан суҳбатлар уюштирилди.

26 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаниклинни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Нуреттин Жаникли Ўзбекистонда Куролли Кучлар салоҳиятини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди ва Туркия томони давлатларимиз ўртасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув якуни бўйича Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ҳарбий-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг тажриба ва билим алмашишини мустаҳкамлаш, ҳарбий-техника соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, 2018 йилда Туркия ҳарбий-ўқув юртлари ва марказларининг тайёрлов курсларида

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди. Туркия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлди ва бу ердаги бой экспозиция билан танишди. Шунингдек, меҳмонлар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасини ҳам зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида «Кўқон» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш ишлари бошланди.

Бу ерда суғурта, божхона, солиқ, логистика, банк ва виза хизматларининг «Ягона дарча» тамойили асосида йўлга қўйилаётгани тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратади. «Кўқон» эркин иқтисодий зонасида татбиқ этиш учун тадбиркорлар томонидан айни пайтгача 145 лойиҳа тақдим этилган. Ҳар бир лойиҳа мутахассислар томонидан белгиланган талаблар асосида ўрганилмоқда. Ҳозирда 61 лойиҳа истиқболли, деб топилди. Буларнинг барчаси вилоят иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилиши, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур лойиҳалар шарофати билан ҳудуд инфратузилмаси, меъморий қиёфаси ҳамда коммуникация тармоқлари такомиллашади.

Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси девонхонаси томонидан «Ўзбекистон – Хитой савдо-иқтисодий муносабатлари замонавий босқичда» мавзудида брифинг ўтказилди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Хитой ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат кредитлари асосида Ўзбекистонда электр энергияси, нефтьгаз, гидроэнергия ва кимё саноати, ҳаво ва темир йўл транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш сингари 60 дан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Президен-

тимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи чоғида мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли қўшма корхоналар яратишга келишиб олинди.

27 июль «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни магистратура ва PhD дастурлари, малака ошириш ва стажировка ўташ орқали тайёрлаш, етакчи чет эл таълим муассасаларида таълим олиш учун талабгорларни танлов асосида саралаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб этиш мақсадида қабул қилинди.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2017 йил 1 сентябрдан бошлаб хатланган мол-мулкни сотиш бўйича оммавий савдолар фақат «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказилади.

Савдоларни ўтказишнинг янги тартиби фуқаролар учун электрон онлайн-аукционларда кенг иштирок этиш ҳамда кўчмас мол-

мулк, автотранспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни адолатли ва шаффоф савдоларда сотиб олиш имкониятини таъминлайди.

Юргимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президент Исом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

Миллий урф-одатимизга биноан ушбу маросимларда элга ош тортилди. Биринчи Президент хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, дуои фотиҳа ўқилди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

«Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорга биноан, чет эл инвесторларининг маблағлари билан бирга марказлашган капитал қўйилмалар, шунингдек, халқаро ва хорижий молия институтларининг кредитлари, заёмлари, грантлари – Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини ташкил қилиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлашни; давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари – давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларини Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимига интеграция қилиш ва мослаштиришни молиялаштиришнинг манбалари этиб белгиланди.

«Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

«Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Тошкент вилояти мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

«O‘qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Муҳаммад Али ва Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб «Амир Темур қалбида чакнаган нур», таниқли олим Жумабой Раҳимовнинг «Адолат ва қудрат тимсоли» китоб-альбоми ҳамда Тўлқин Ҳайитнинг «Буюк салоҳият соҳиби» китоблари чоп этилди.

Тошкент шаҳридаги «Kitob olami» савдо мажмуасида ташкил этилган тадбир ана шу китоблар тақдиротига бағишланди. Тадбирда ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш, уларни китобхонликка қизиқтириш бўйича тарғибот тадбирларини янада жонлантириш юзасидан фикрлар билдирилди.

28 июль
«Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни

ва фермер хўжаликлар фаолиятини, уларнинг ташки бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишини иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек, валюта бозорини янада либераллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Марғилон шаҳрида «Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувининг ўрни ва долзарб муаммолар ечими» мавзuida халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

Халқаро илмий-техникавий анжуманда ипакчилик саноати, кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, тутчилик, ипакчилик муаммолари ва инновацион ечимлар, тўқимачилик материаллари ва маҳсулотлари кимё технологияси, фундаментал ва иқтисодий фанларнинг тўқимачилик саноатини ривожлантиришдаги ўрни каби йўналишларда шўъбалар иш олиб борди. Соҳадаги долзарб вазифалар хусусида фикр алмашилди. Анжуман доирасида Марғилон миллий хунармандлик марказида Фарғона водийсидаги касаначи хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ипак матолари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналишидаги «Boeing-787 Dreamliner» самолёти илк узлуксиз парвозни муваффақиятли амалга ошириб, Тошкентга қайтиб келди.

«Орзу лайнери»нинг тижорий эксплуатацияси 2016 йил сентябрь ойидан бошланди. Илк халқаро парвозини Қозоғистоннинг Олмаота шаҳри билан бошлаган лайнерда бугунги кунда Дубай,

Дехли, Амритсар, Истанбул, Тель-Авив, Сеул, Франкфурт, Москва, Куала-Лумпур, Сингапур, шунингдек, Рига орқали Нью-Йоркка авиакатновлар амалга оширилмоқда. Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналишида тўғридан-тўғри парвозларнинг йўлга қўйилиши миллий авиакомпания тараққиётида янги давр бошланганидан далолат беради. Мазкур йўналишда «орзу лайнер»ларининг эксплуатация қилиниши Нью-Йоркка амалдагидан бир соат олдин етиб бориш имконини беради. «Dreamliner»да Нью-Йорк шаҳрига ба-жариладиган узлуксиз парвоз салкам 12 соатни, Тошкентга қайтиш эса 11 соатни ташкил этади.

31 июль

«Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланилишини, рақобатнинг янада ривожланишини ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат ва корпоратив буюртмалардан тенг фойдаланиш имкониятини, шунингдек, мазкур жараённинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибига 22 та масала киритилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, «Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Ёш оғир атлетикачиларимиз Катманду шаҳрида (Непал) ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида

Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 11 олтин, 6 кумуш, 12 бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида Сарвар Тоштемиров ва Александр Ли ўз вазн тоифасида штангани даст, силтаб кўтариш ва иккикураш натижасига кўра учтадан олтин медалга сазовор бўлди. Ўз вазн тоифасида Саидмухтор Саидахоров учта кумуш медални қўлга киритган бўлса, Азим Ҳожиёв учта, Мушаррафбек Раҳимов иккита ва Муҳаммадқодир Тоштемиров битта бронза медал билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси 6 олтин, 3 кумуш ва 6 бронза медал билан йигирмадан зиёд давлат терма жамоалари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда Гулноза Аҳмадова вазни 75 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида штангани даст, силтаб кўтариш ва иккикураш натижасига кўра барча рақибларини ортда қолдириб, уч марта шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Кумушхон Файзуллаева иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди. Турсуной Жабборова учта кумуш, Шахло Абдуллаева учта ва Шодмоной Очилова иккита бронза медалга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси 5 олтин, 3 кумуш, 6 бронза медал билан иккинчи ўринни эгаллади.

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг ярим финал баҳсларида учрашадиган жамоалар номи маълум бўлди.

Мусобақанинг чорак финал жавоб учрашувларида «Локомотив» клуби «Бухоро» жамоаси устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Голларга Садриддин Абдуллаев, Азизбек Омонов ва Сардор Мирзаев муаллифлик қилди. «Кўқон-1912» меҳмони бўлган «Насаф» жамоаси чорак финалнинг жавоб учрашувида 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади ва биринчи ўйиндаги ғалабаси (4:1) эвазига ярим финалга чиқди. Ўз майдонида «Нефтчи»ни қабул қилган «Бунёдкор» ҳам рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финалда «Бунёдкор» «Динамо» жамоаси билан куч синашади.

Стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рига шаҳрида (Латвия) ўтказилган халқаро турнирда 3 ол-

тин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида Ислонбек Султонов ва Мақсуд Рустамов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қутбидилло Тешабоев кумуш, Муҳриддин Ражабов бронза медални қўлга киритди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Сўғдиёна Мадалиева олтин медалга сазовор бўлди. Машхура Ибодуллаева ва Регина Ким кумуш, Моҳирўй Камолова ва Розалина Ҳожиёва бронза медал билан тақдирланди.

АВГУСТ

1 АВГУСТ

1 Самарқанд шаҳридаги Шоирлар боғида атоқли халқ бахшилари Ислом шоир Назар ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ва Мухаммадқул Жомурод ўғли – Пўлкан шоирнинг реставрация қилинган ҳайкаллари очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ бахшиси Маҳматмурод Ражабов ҳамда ёш бахшилар Аҳрор Пардаев ва Жаҳонгир Норбеков Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир айтган дostonлардан намуналар ижро этди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Т.Жўраев сўзга чиқди.

2 АВГУСТ

«Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон темир йўлларда юк ва йўловчиларни ташиш ҳажмини ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида охириги йилларда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб ҳамда соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамда соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг таклифларини инobatга олган ҳолда қабул қилинди. 2017 йилдан бошлаб август ойининг биринчи якшанба куни «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни» этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислох қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг шу борадаги хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овора бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 10-синф ўқувчиларини янгидан ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида замонавий дарсликлар билан таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди, тегишли ташкилотларга дарсликларни вақтида ва сифатли нашрдан чиқариш бўйича уюшқоқлик билан иш олиб бориш вазифаси юкланди.

«Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

3 АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди ва унда маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раиси сифатидаги фаолияти яқунларига бағишланган матбуот брифинги бўлиб ўтди.

Брифингни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғайрат Фозилов бошқарди. Сессия яқунларига кўра, 118 резолюция, ИХТ кун тартибидаги асосий сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар масалалар ақс эттирилган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Анжуманда Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига Ўзбекистоннинг раислиги даврида амалга оширилиши кўзда тутилган устувор мақсадларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкент ислом университетида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг (ISESCO) махсус кафедрасини ташкил этиш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

4 АВГУСТ

«Мамлакатимиз темир йўл соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Унга кўра, мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқни замон талаблари асосида ривожлантириш, минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, республикамизда темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизимини яратиш, халқаро стандарт ва талабларга мос янги темир йўлларни барпо этиш, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун бир қатор инсонлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини

амалга ошириш ва йил якуни бўйича кутилаётган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташрифлари чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

2017 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 552 лойиҳа доирасида 7,2 миллиард АҚШ долларини ўзлаштириш ва 67 йирик лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг ўзида умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг 170 лойиҳа, жумладан, 16 йирик лойиҳа ижроси якунига етказилади. Фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш натижасида ўтган 7 ойда 32 лойиҳа ижроси яқунланди, йил охиригача яна 138 лойиҳани амалга ошириб, объектларни ишга тушириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ҳамда 12 апрель куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига ташрифлари натижасига биноан расмийлаштирилган баённомалар ва қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқлар ижросининг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Самарқандда вилоят тадбиркорлари ва Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳридаги «Canton Fair» ярмаркаси ташкилотчилари ўртасида телекўприк шаклида учрашув бўлиб ўтди.

Телемулоқотда Хитой Халқ Республикаси Хэнань провинцияси делегациясининг жорий йил 12-14 июль кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида ички ва халқаро туризм, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган 10 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш, бу борада белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Маданият вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчиларнинг чиқишлари мусика, шеър матни мазмуни, қатнашчиларнинг ижро маҳорати, либослари, сахна маданияти

каби мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Голиблар қўшиқлар байрамининг республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Республика олимпия захиралари коллежида ёш спортчиларни тайёрлаш учун мўлжалланган «ақлли сув ҳавзаси» қурилиши лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Республика олимпия захиралари коллежи ҳудудида спортчиларни олимпия нормативларига мувофиқ тайёрлаш талабларига жавоб берадиган янги спорт-соғломлаштириш комплекси барпо этилди. Бунинг учун Испания ва Даниядан замонавий жиҳозлар келтирилди. Старт тумбалари, байроқ ўрнатиладиган устунлар, зиналар, бассейн туби ва ён деворларини белгилаш мосламалари Халқаро сузиш федерацияси талабларига мос келади. Шунингдек, сув ҳавзаси хавфсизлигини таъминлаш ва унинг сувини тозалаш тизимига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда замонавий тозалаш ускунаси ва сувни таҳлил қилиш имконини берадиган «ақлли» тизим ўрнатилди. Сув ҳавзаси замонавий иситиш мосламалари билан жиҳозланади ва йил давомида фаолият кўрсатади.

7 АВГУСТ

«Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республикада амалга ошириладиган қурилиш ва бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш, бугунги кунда соҳада қўлга киритиладиган ютуқларни кенг тарғиб этиш ва соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида, шунингдек соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда қабул қилинди. 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи якшанба куни «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» этиб белгиланди.

Миллий матбуот марказида «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Компанияда асосий эътибор юқори қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда инновацион техникаларни кенг жорий этиш, тармоқ учун ёш мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакаси-

ни ошириш мақсадида замонавий илмий ва институционал базалар яратишга қаратилган. Амалга ошириладиган лойиҳаларда ҳар бир ҳудуд алоҳида эътиборга олинган. Матбуот анжуманида тизимдаги бир нечта йирик корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2017 йил фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданияти миллий анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилади. Унда 20 дан ортиқ хорижлик таниқли мусиқашунос олим, мутахассис ўз маърузалари билан иштирок этади. Фестивалнинг аҳамиятини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига қаратиш мақсадида хорижлик мутахассислар иштирокида 20 дан ортиқ махсус давра суҳбати, тақдирот ва маҳорат дарслари ўтказиш режалаштирилган. Анжуманда фестивалга тайёргарлик бўйича шакллантирилган ишчи гуруҳлар фаолияти, Самарқанд шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

«Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Спорт курашлари бўйича Финляндияда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари 1 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритди.

Эркин кураш бўйича вазни 74 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Иса Шапиев кумуш медални қўлга киритган бўлса, юнон-

рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларда Илҳом Баҳромов ва Тўрабек Тиркашев бронза медаль билан тақдирланди.

Академик эшкак эшиш бўйича мамлакатимиз ёш спортчилари Литвада ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Дунёнинг 60 мамлакатидан беш юздан ортиқ спортчи иштирокида ўтказилган нуфузли мусобақада терма жамоамиз аъзолари Алишер Турдиев ва Сардор Тўлқинхўжаев финал баҳсида юкори натижа кўрсатиб, 2018 йил Аргентинада ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

8 АВГУСТ
«Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёкараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юкори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Осие инфра-тузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикасида умумий қиймати 2,7 миллиард доллар бўлган истиқболли лойиҳаларни – сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, энергетика инфра-тузилмасини ривожлантириш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, темир йўллари электрлаштириш ва пойтахт метрополитени тармоғини кенгайтириш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга доир ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Пойтахтимизда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан «Пиллачилик тизимида юз бераётган янгиланишлар ва соҳага жалб этилаётган инвестиция лойиҳалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

2018-2021 йилларда пиллани қайта ишлаш, йигирув ва ипак мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган олтита лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида янги корхоналар ишга тушади. Бу лойиҳалардан ташқари уюшма тизимидаги ўттиздан ортиқ қайта ишлаш корхонасида модернизация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Бухоро бриллиант силк» қўшма корхонаси Швейцария, Италия, Германиянинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланмоқда. Андижон вилоятидаги «Харир тола» масъулияти чекланган жамияти, Бухоро вилоятидаги «Ромстар» қўшма корхонасига Хитойдан пилла чуваш, қайта ўраш, ипак момиғи ишлаб чиқариш ускуналари келтирилиб, монтаж ишлари олиб борилмоқда. 18 ипак курти уруғи ишлаб чиқариш корхонасини технологик янгилаш лойиҳалари бошлаб юборилди.

Энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарлари ўртасида электропоезд қатнови йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан ушбу йўналишлар учун 5 электричка модернизация қилинди. Натижада транспорт воситаларининг ташки ва ички қиёфаси бутунлай ўзгарди. Вагонларга кондиционер, замонавий ўриндиклар ўрнатилди. Хориждан яна 10 электропоезд келтириш режалаштирилган. Ҳар бир электричка 6 вагондан иборат. Электропоезд қатнови йўлга қўйилиши муносабати билан Қўқон темир йўл вокзалида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ушбу янги темир йўл йўналиши халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Филиппинда ўтказилган Осие чемпионатида учтадан олтин ва кумуш ҳамда тўртта бронза медални қўлга киритди.

Осие китъасининг 18 мамлакатидан 150 гаяқин спортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашган мусобақанинг 57 килограммгача бўлган

вазн тоифасида Жавлонбек Йўлдошев финал баҳсида Жанубий Корея вакили Сеон Гун Гохга ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 5:0 ҳисобида зафар қучиб, олтин медалга сазовор бўлди. Нурилом Исмоилов қирғизистонлик Умар Қувончбек улини, Шоҳрух Алматов эса ҳиндистонлик Сатендер Сингхни мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди. Мусобақада Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Раҳматулло Тошпўлатов, Асадбек Жуманиёзов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Муҳаммадмусо Абдурахмонов, Руслан Абдуллаев, Шерзод Қодирбоев ҳамда Камронбек Раҳмонов бронза медални қўлга киритди.

Лондонда енгил атлетика бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида юртдошимиз Ситора Ҳамидова муваффақиятли иштирок этди.

У 10 минг метр масофага югуриш мусобақасида ўтган йилнинг августида Бразилияда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида ўрнатган Ўзбекистон рекордини янгилади. Бу йилги жаҳон чемпионатида Ситора ўз натижасини 31 дақиқа 57,42 сонияга яхшилади.

9 АВГУСТ

«Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусика, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

«Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, ишни ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзга келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкентда жорий йилнинг (2017) ўтган 7 оyi мобайнида мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, давлатимиз раҳбарининг жойларда халқ билан мулоқотлари чоғида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, Президентнинг 180 дан ортиқ Фармони, 450 дан ортиқ қарори қабул қилингани ва бу жараён узлуксиз давом этаётганини, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлашда барча бўғиндаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги аҳволни баҳолаш учун махсус ишчи гуруҳ томонидан саккизта вилоятдаги вазият ўрганиб чиқилгани ва бу жараёнда қатор камчилик ва муаммолар аниқланганини маълум қилди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Марказда пахта толасини сертификатлаш ва синовдан ўтказишда энг замонавий ускуна – HVI-100 тизимларидан фойдаланилмоқда. Қунига мингтагача намуна олиш имконини берадиган ушбу тизим толанинг узунлиги, пишиқлиги, ранги, сифати, микронейри, калта тола миқдори ва бошқа кўрсаткичларини аниқлайди. Синов якунида тола тўдаларига мувофиқлик сертификатлари расмийлаш-

тирилиб, ишлаб чиқарувчи корхонага тақдим қилинади. Матбуот анжуманида жорий йилда кутилаётган натижалар, тизимда ташкил этилаётган кластр тизими, тойлар вазни ва сифатини назорат қилиш борасида эришилаётган ютуқлар ва соҳадаги айрим камчиликлар хусусида маълумотлар тақдим этилди.

10 АВГУСТ
«Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаллифларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларни тренерларини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатларида юксак спорт натижаларига эришган, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчилар ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, халқаро спорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтириш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон қарори ижросини таъминлаш, республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш учун зарур моддий-техник базани яратиш мақсадида қабул қилинди. Шунингдек, қарорга мувофиқ, институт Чирчиқ шаҳрига кўчирилаётган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бугунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вонни қабул қилди.

Бугунги кунда ушбу жанговар санъат тури билан 20 мингдан зиёд юртдошимиз шуғулланмоқда. Таэквондони оммалаштириш, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси эътирофи сифатида Чо Чунг Вон Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг фахрий фан доктори унвонига сазовор бўлди.

«Собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон республиканинг аграр илм-фани салоҳиятини янада ривожлантириш, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ролини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган собик Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди.

Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан!» номли республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур ижодий танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, турли вазирлик ва ижодий

ташкilotлар тизимларида ғолиб бўлган ижрочилар, бадийий жамоалар иштирок этди.

И.Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейида Қорақалпоғистон халқ рассоми Сарсенбой Бойбўсинов ижодига бағишланган «Умр сўқмоқлари» номли шахсий кўргазма очилди.

Мусаввирнинг кўргазмадан ўрин олган аппликация усулида яратган асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Табиий материаллар – тош, кум, суяк, балиқ тангачаларининг ранглар билан уйғунлиги асосида тасвирланган воқеалар санъатшунос мутахассислар ва томошабинлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

11 АВГУСТ

«Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олмалиқ шаҳриға ташриф буюрди.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи» лойиҳаси бўйича ишларни бошлашға бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Лойиҳа 2028 йилда тўлиқ қувват билан ишға тушади. Натижада 10 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари ёш мутахассислар учун 2017-2021 йилларда 400 оилаға мўлжалланган 9 та янги кўп қаватли уй,

мактабгача таълим муассасаси ва 240 ўринли 2 та ётоқхона барпо этилади. Маросимда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани кадрлар билан таъминлаш масаласиға алоҳида эътибор қаратди. Бугун мазкур тармоқда ишлаётган ёшларнинг кўплигини инобатға олиб янги очилган конға «Ёшлик» кони, деб ном беришни таклиф қилди.

«Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачиликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот бозорини шакллантириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти борасидаги ишларни янги босқичға кўтариш мақсадида қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Олмалиқ шаҳри марказидаги 5/2 массивида қурилайётган 7 қаватли, 2 ва 3 хонали турар-жой биноларини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мазкур уйларда яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддиларға қурилиш ишларини сифатли бажариш, иншоотларни ўз вақтида қуриб битказиш ва топшириш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Олмалиқ шаҳри аҳолиси билан мулоқот қилди. Шавкат Мирзиёев Олмалиқ шаҳрининг бош режаси асосида амалға оширилиши режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Президент Олмалиқ шаҳар болалар шифохонаси реконструкцияси ишлари билан танишди.

Ушбу муассаса биносида кўп тармоқли марказий поликлиника, тез тиббий ёрдам, юкумли касалликлар, қон қуйиш бўлимлари, бошқа бўлимлар жойлашади. Даволаш-профилактика муассасалари марказлашиши натижасида бўшаган биноларда янги оилавий поликлиникалар ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Президент шифохонани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, бунинг учун зарур маблағлар ажратиш юзасидан мутасаддиларға топшириқлар берди.

«Марказий Осиё – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий

устувор йўналиши» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди..

Анжуманда сўзга чиққан БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (МОПДММ) раҳбари П.Драганов Ўзбекистон раҳбариятининг умумий ривожланиш ва тараққиёт йўлида Марказий Осиёнинг барча мамлакатларини ўзаро яқинлаштиришга қаратилган ташаббуслари БМТнинг асосий мақсад ва вазифаларига ҳамоҳанг эканини қайд этди. Анжуманда Марказий Осиёда ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш бўйича илгари сурилган ғоя ва таклифлар БМТ шафелигида Ўзбекистон томонидан 2017 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилаётган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича халқаро анжуманда ўз амалий ифодасини топишига ишонч билдирилди.

Пойтахтимизда Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақаси бошланди.

Универсал спорт саройида 11 август куни Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақасининг очилиш маросими бўлди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розукулов сўзга чиқди.

Тошкентда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида «Ёш оилалар ва қизлар» I Республика форуми доирасида «Соғлом турмуш тарзи» акцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган акцияда 15-30 ёшгача бўлган хотин-қизлар учун сузиш бўйича мусобақа ташкил этилди. Акция иштирокчилари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

12 АВГУСТ

Туркменистон Республикасининг Лебап вилояти ҳокими Чаригелди Чарлиев раҳбарлигидаги ишбилармон доиралар вакилларида иборат делегация Бухоро вилоятига ташиф буюрди.

Меҳмонларга вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

ши, ўзаро алоқалар учун хизмат қиладиган имкониятлар, туризм ва бошқа соҳалар салоҳияти бўйича атрофлича маълумот берилди. Лебап вилояти делегацияси Ўзбекистон Республика Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси фаолияти, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, улуғ аждодимизнинг меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Меҳмонлар Бухородаги «Кнауф гипс Бухоро» хорижий корхонасининг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Туркменистонлик меҳмонлар қадимий Исмоил Сомоний мақбараси, Лаби ҳовуз мажмуаси, Арк қалъаси, шунингдек, Минораи Калон, Масжиди Кало ва Мир Араб мадрасасидан иборат Пойи Калон мажмуаси ва бошқа диққатга сазовор жойларни зиёрат қилдилар. Тадбир Нодир девонбеги мадрасасида ташкил этилган концерт дастури билан якунланди.

14 АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида ахборот берди.

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаришини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги химояланган қоғозда тайёрланган. Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «50000» рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида очик дастурий маҳсулотларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея форуми бошланди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг IT-саноатини ривожлантириш миллий агентлиги (NIPA) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакатнинг алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларга ихтисослашган компания ва идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва-

киллари, ишбилармонлар, олимлар, нуфузли таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ёшлар ижод саройида мамлакатимизнинг етакчи тадбиркорлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларнинг «Муваффақитга эриши сирлари» номли учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга асосан ҳар икки томон ёш тадбиркорларни излаб топиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун уларга кенг имкониятлар яратиш, ёш тадбиркорларни ҳудудлардаги эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналарига йўналтириш, бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшлар билан семинар-тренинг ҳамда маҳорат дарслари ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширади. Шунингдек, ёш тадбиркорлар уюшмасини ташкил этиш белгиланди.

Мамлакатимиз ёш полвонлари Эронда ўзбек миллий кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этди.

Чемпионатнинг вазни 66 килограммгача бўлган полвонлари ўртасидаги беллашувларда Эркин Қозоқов олтин медални қўлга киритган.

Вазни 73 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида Мадийер Эркиновга тенг келадигани топилмади ва у шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мутлақ вазн тоифасида (+100 килограмм) гиламга чиққан Сухроб Эгамбердиев ҳам Осиё чемпиони бўлди. Вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Бунёд Турсунов кумуш медаль билан тақдирланди.

Осиё чемпионатида 3 олтин ва 1 кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Чилининг Сантьяго шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг олтмишга яқин давлатидан тўрт юздан ортиқ дзюдочилар ғолиблик учун куч синашди.

50 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида иштирок эт-

ган спортчимиз Мақсуд Очилов дастлабки даврада австралиялик Кин Стюарт, иккинчи даврада венгриялик Ксанад Фечко, финал йўлланмаси учун ўтказилган жангда туркиялик Абдулазиз Карани мағлубиятга учратди. Мақсуд полвон финалда бразилиялик Дэ Оливера Алдига қарши гиламга тушди ва кумуш медални қўлга киритди.

Тошкентда ўтказилган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти кубоги учун Осиё минтақаси мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси 26 олтин, 22 кумуш ва 48 бронза медални қўлга киритди.

Мусобақада Дониёр Йўлдошев, Баходирбек Мирзабобоев, Муроджон Маҳкамов, Иброҳимжон Аҳмедов, Абдулазиз Маҳмудов, Зафарбек Каримов, Жасур Ҳикматов, Абборжон Абдувахобов, Жавохир Холмуродов, Фаридун Шодибоев, Азизбек Искандаров, Дониёрбек Анорқулов, Асилбек Саидов, Мадинабону Маннопова, Зарнигор Абдуллаева, Милана Голубева, Маржона Примова, Диёра Имомалиева, Дилнура Бахтиёрова, Нозима Холмухамедова, Заринабону Эргашева, Дилдора Отажонова, Мариям Тошмухамедова, Феруза Содикова, Захро Рустамова, Мухайё Сирожиддинова ўз вазн ва ёш тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Шунингдек, мусобақада кадетлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги баҳсларда спортчиларимиз 22 кумуш ва 48 бронза медалга сазовор бўлди.

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига баҳсларининг 17-тур учрашувлари якунланди.

Чемпионатнинг ушбу турида Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Баҳсининг иккинчи бўлимида пойтахтлик футболчилар бор эътиборни ҳужумга қаратди ва якунда рақибларини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Локомотив» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна» билан куч синашди. Ўйинда «темирўлчи»лар 4:0 ҳисобида зафар қучди. Турнинг қутилмаган натижаси «Бухоро» (Бухоро) – «Насаф» (Қарши) учрашувида қайд этилди. Мазкур баҳсда бухорликлар рақибини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, «Металлург» (Бекобод) ўз майдонида «Машғал» (Муборак)га 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. «Қўқон – 1912» (Қўқон) – «Обод» (Тош-

кент), «Шўртан» (Ўзгўр) – «Динамо» (Самарқанд), «Бунёдкор» (Тошкент) – «Олмалик» (Олмалик) учрашувлари 1:0 ҳисобида яқунланди. «Навбахор» (Наманган) жамоаси «Қизилқум» (Навоий) устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Мусобақа жадвалида «Локомотив» жамоаси 39 очко билан пешқадамлик қилди.

«Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

15 АВГУСТ
«Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор бой мусиқа меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган ижодий ташкилот ва жамоалар, композитор ва бастакорлар, хонанда ва созандалар, ёш ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг истеъдод ва маҳоратини рўёбга чиқариш, зарур моддий ва маънавий ёрдам бериш, соҳа вакиллари ўртасида самарали ижодий муҳит ташкил этиш бўйича кўпгина муҳим вазифалар ва ўз ечимини қутаётган долзарб муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби,

мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фотоқўрғазма ҳамда унинг портретини яратиш бўйича ижодий танлов натижаларига бағишланган бадий қўрғазма очилди.

Қўрғазма экспозициясидан жой олган «Ислоҳ Каримов ғаллазорда», «Ислоҳ Каримов ёшлар даврасида», «Саид Аҳмад ва Ислоҳ Каримов», «Ислоҳ Каримов санъаткорлар даврасида», «Ислоҳ Каримов ҳарбийлар даврасида», «Ислоҳ Каримов ва Владимир Путин», «Ислоҳ Каримов ва Нурсултон Назарбоев» каби қирққа яқин сараланган суратларда Биринчи Президентимизнинг сермазмун ҳаёти ва фаолияти акс этган. Қўрғазма доирасида Биринчи Президентимизнинг портретини яратиш мақсадида жорий йилнинг 31 июлига қадар ўтказилган ижодий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Баҳодир Жалолов сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Зебинисо Шарипова ва учинчи ўрин Мақсуд Қосимовга насиб этди.

16 АВГУСТ
«Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор мамлакатимиз туризм индустрияси жадал

ривожланиши учун киска муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг ракобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий марказларидан бири бўлган, кўплаб атоқли санъат ва маданият намояндалари етишиб чиққан Фарғона водийсининг бу борадаги алоҳида ўрни ва нуфузини, ижодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийси вилоятлари учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ўзбек тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларини янада ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатларга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадиий салоҳиятини ошириш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таъли-

ми, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазир И.Мажидов, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори М.Холмухамедов, халқ таълими вазир У.Иноятов ва уларнинг ўринбосарларини қабул қилди ва ҳисоботларини тинглади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берилган топшириқлар ижросининг бориши кўриб чиқилди. Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касбга доир фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-хунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган 2703 та мактаб учун 1103 та мактабда, 6956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади. 10-синф ўқувчилари учун 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилди.

Фарғона шаҳрида Халқаро теннис федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган турнирда истеъдодли спортчимиз Сергей Фомин яккалик баҳсларида бош совринни қўлга киритди.

С.Фомин иккинчи даврада жамоадоши Азизхон Турғунов устидан зафар қучди. Сергей чорак финалда яна бир вакилимиз Марк Трякшинга қарши кортга чиқиб, ғалаба қозонди. Финал йўлланмаси учун кечган баҳсда эса қозоғистонлик Достонбек Тошбулатовдан устун келди. Турнирнинг финал учрашувида Сергей Фомин тунислик Адам Нагоудини 6:1, 6:2 ҳисобида енгди ва бош совринни қўлга киритди.

17 АВГУСТ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган

Қозоғистон Республикаси мудофаа вазири Сакен Жасузоқовни қабул қилди.

Сухбат чоғида мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасида, жумладан, саноат кооперацияси ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди. Меҳмон ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳада мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга Қозоғистон тайёр ва бундан манфаатдор эканини таъкидлади.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чоратadbирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, хорижга чиқиш тартибини янада такомиллаштириш, аҳолига қулай шароитлар яратиш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда бюрократик тўсиқлар ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддатини узайтириш, фуқароларнинг давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида паспорт назоратидан ўтиш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш мақсадида қабул қилинди.

18 АВГУСТ
Шавкат Мирзиёев Бекобод шахрига ташрифини «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ фаолияти билан танишишдан бошлади.

Мазкур комбинат мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири ҳисобланади. 1944 йилда ташкил этилган корхонада қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари

Президент Бекобод шахрининг бош режаси лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳада, жумладан, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ҳамда «Бекобод цемент заводи» ишчилари учун арзон уй-жойлар

қуриш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида боғ ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда мўъжаз шаҳарча барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди. Шаҳарчани тез ва қисқа фурсатларда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, унга «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви» деб ном беришни таклиф қилди.

Президентнинг Бекобод шахридаги «Металлург» маданият саройида шаҳар фаоллари, ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди. ошланди.

Учрашувда Бекобод шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим тизимини такомиллаштириш, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ фаолиятини янада ривожлантириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Бекобод шахри фаоллари билан учрашди.

Унда Бекобод шахрида 5 мингта «ARISTON THERMO-UTG» сув иситгичлари ўрнатилишини маълум қилди. Иситгичлар кредитлар асосида харид қилинади ва турай-жойларда ўрнатилади. Бекободда кўп тармоқли тиббиёт муассасалари қурилади ва реконструкция қилинади, бунга 20 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шавкат Мирзиёев Бекобод шахри фаоллари ва раҳбарларига аҳоли учун энг қулай турмуш шароитларини яратиш бўйича Олмалик шахри билан мусобақаланишни таклиф этди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август куни Тошкент шахрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилди. «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш

ни таъминлаш тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ялпи мажлисда сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

«Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техник базани такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига хос усуллари кенг қўллаш мақсадида қабул қилинди.

21 АВГУСТ

«2017 йилда ғўза дефолиациясини ўз вақтида ва самарали ўтказиш бўйича комплекс ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ғўзани сифатли дефолиация қилиш, пахта ҳосилини эрта муддатларда йиғиштириб олиш ва пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш учун далавларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги «Универсал» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича кадетлар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Мусобақада Шерали Мусаев, Фурқатбек Ёқубов, Муслим Омонов, Рўзимурод Тўрақулов, Шерзод Абдуллаев, Дилшод Содиков, Бахтиёр Усмонов, Шерзод Рўзибоев, Нодир Эрназаров, Азизбек Бекматов, Жаҳонгир Ҳусанов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Юлия Ким ва Ясмينا Каримжонова Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги яқкалик баҳсларида Юлия ва Ясмينا ҳал қилувчи финал учрашувида ўзаро рақобатлашди. Икки теннисчимиз ўртасидаги финал учрашувининг дастлабки сетида Ю.Ким ўзининг аниқ зарбалари орқали 6:2 ҳисобида зафар кучди. Шу тариқа Юлия Ким мусобақа бош совринини қўлга киритди.

Тошкентда Осиё-Океания кураш конфедерациясининг биринчи конгресси бўлиб ўтди.

Конгрессда 2017 йилнинг 15-24 сентябрь кунлари Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтадиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари ҳамда 2018 йили Индонезия мезбонлик қиладиган ёзги Осиё ўйинлари, БААнинг Дубай шаҳрида ўтказиладиган навбатдан ташқари Конгресс ҳужжатларини тасдиқлаш ва қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Конгресс йиғилишида Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш бўйича Туркменистон ва Индонезия кураш федерациялари раисларининг ахбороти тингланди. Мазкур спорт турини жаҳон миқёсида янада оммалаштириш, мусобақалар ўтказиш масаласи муҳокама этилди.

22 АВГУСТ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Бинолардан фойдаланиш департаменти» давлат корхонаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

«Яккасарой кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси» давлат унитар корхонаси директори Рустам Нуралиев маълумотида

кўра, мазкур саноат худуди 61,2 гектарни ташкил этади. Ҳозир 301 тадбиркорлик субъекти билан 10 йил муддатга ижара шартномалари расмийлаштирилган. Улардан 255 корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаб юборган. Кичик саноат зонасида тадбиркорлар томонидан қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик, кийим-кечак, озик-овқат ва бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уларни экспорт қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда 7 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида тадбиркорлар ва ходимлар учун зарур шароитлар яратилган. Юридик ва нотариус хизматлари йўлга қўйилган, мини банк, тиббиёт хоналари, «Гўзаллик салонлари», ошхоналар ишламоқда.

«Фидоинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида «Ишбилармон аёл» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Сирдарё вилоятидаги «Санжар Алимардон Умид» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Асалхон Давронова ҳамда Навоий вилоятидаги «Кармана ДАСД» хусусий корхонаси ва «Олтин тола» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилором Астонова биринчи ўринга муносиб топилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Наманганда ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон очик чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 120 дан зиёд ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий таркиби вакилларида тузилган 16 жамоа ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг тўртинчи қаватига кўтарилиш, 4x100 метрли масофада эстафета, 100 метрли тўсиқлар оша югуриш, ёнғин ўчириш автомобили орқали жанговар ёйилиш каби 4 тур бўйича маҳорат ва жисмоний тайёргарлигини синовдан ўтказди. Чемпионат шохсупасининг энг юқори поғонасини Андижон вилояти терма жамоаси эгаллаб, кўчма кубокни қўлга киритди. Иккинчи ўринга Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси ва учинчи ўринга Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий паралимпия асоциацияси томонидан пара-атлетика бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди.

Чемпионатнинг турли масофага югуриш баҳсларида Санъат

Норматов, Дамир Пашаев, Сафарали Отабоев, Аброр Ибрагимов, Шахзод Хушвақтов, Дониёр Аҳмедов, Муаттар Баратова, Саби-на Сусанова, Асила Мирзаёрова биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида ўтказилган диск улоқтириш бўйича баҳсларда София Бурҳонова, Феруза Бўрибоева, Гулчеҳра Абдиева, Розия Эргашева шохсупага кўтарилди.

23 АВГУСТ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида мингга яқин корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 60 компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган. Ижтимоий алоқалар ривожланмоқда, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва юқори технологияли соҳаларда янги истиқболли дастурларни тайёрлашни жадаллаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2017 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга

саговор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун бир қатор инсонларга давлат мукофотлари берилди.

«Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳада суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

«Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Энергия тежаш миллий компанияси» акциядорлик жамиятини ташкил этиш белгиланди.

Италиянинг Монтикьяри шаҳрида велоспорт бўйича жаҳон чемпионати бошланди.

Ўсмирлар ўртасида трек йўналиши бўйича ўтказилаётган мазкур чемпионатда Даниил Евдокимов, Алексей Фомовский ва Ольга Жантуганова каби умидли велоспортчиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

24 АВГУСТ
«Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллашти-

риш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада таъминлаш, судлар, адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари муҳокамаси, Тошкент вилоятининг Тўйтепа, Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Сенат ваколатига кирадиган бошқа масалалар ўрин олди. Сенаторлар кун тартибидаги биринчи масала – «**Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишди. Шундан сўнг сенаторлар «Бола-ларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Прокуратура тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Солиқ, Оила кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида «Оламга тарлагин, Шарқ таронаси!» номи билан кўргазма очилди.

Кўргазмадан шу пайтгача ўтказилган фестивалларда иштирок этиб, юқори натижага эришган юртимиз санъаткорларининг саҳна либослари ҳам ўрин олган. 25 август куни фестивал қатнашчиларининг асосий гуруҳлари Самарқандга келади ва кечки пайт Регистон майдонида танлов дастури асосида чиқишлар бошланади. Ўз навбатида, Самарқанд шаҳридаги бир қатор маданият ва истироҳат боғлари, Пастдарғом, Оқдарё, Пайарик, Самарқанд, Жомбой туманларидаги амфитеатрлар, болалар мусиқа ва санъат мактабларида концерт дастурлари намойиш этилади.

Анвар Мадраимов Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатида ўтказилган қисқа метражли фильмлар фестивалида ғолиб, деб топилди.

Фестивалда сараланган 400 та фильм орасида Анвар «Туғилган кунга табрикнома» («A Birthday Card») номли қисқа метражли фильми учун «Ёш режиссёр суратга олган энг яхши фильм» («Best Youth») номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Анварнинг драма жанрида суратга олган қисқа метражли фильмида фарзандларини

ёлғиз тарбиялаётган аёл тақдири, унинг янги ҳаёт қуришга интилиши йўлида дуч келаётган ҳолатлар, оилавий ҳаёт билан боғлиқ ижтимоий масалалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Sporthalle» спорт мажмуасида бокс бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати баҳслари бошланди.

Санжарбек Турсунов бугун 91 килограмм вазн тоифасида бўлиб ўтадиган баҳсда никарагуалик Жеферий Гонзалезга қарши рингга кўтарилди, 26 август кунги беллашувларда 52 килограммда истеъдодли боксчимиз Жасур Латипов пуэрто-риколик Янкиел Фигуероа Ривер билан рақобатлашди. Бош мураббий Марат Курбонов қўл остидаги терма жамоамиз аъзолари Ҳасанбой Дўсматов, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Иқболжон Холдоров, Шаҳрам Ғиёсов, Исроил Мадримов, Бектемир Мелиқўзиев, Баҳодир Жалолов баҳсларга иккинчи даврдан кўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлиси иккинчи иш куни бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси иккинчи иш кунида сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг одоби қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раисини сайлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқди. Сенаторлар **Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрининг номини ўзгартириш** тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг одоби қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раисини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмиталари таркибига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, бошқа маданий-кўнгилочар масканларда ўрнатилган юқори технологияли аттракционлардан фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан йўлга қўйилган давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга юборилган парламент сўрови натижалари бўйича ахборотни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистонга Голландиядан 36 тонна заъфарон (шафран) туганак пиёзлари келтирилди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси «Brand Investment Group» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда заъфарон плантацияларини ташкил этишни бошлади.

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивали доирасидаги танлов дастурининг биринчи куни ўтказилди..

Танловни Афғонистон Ислон Республикасининг «Сафар» ансамбли бошлаб берди. Кейин саҳнага Грециянинг «Энтопия» гуруҳи таклиф этилди. Шунингдек, танлов дастурининг биринчи кунидан «Канта Даб Даб» (Непал), «Лимбрант» (Бельгия), «Раздолъе» (Россия), «Регистон» (Ўзбекистон) ансамбллари, озарбайжонлик Соҳиб Пошозода ва қозоғистонлик Ўлжан Баибосинованинг чиқишлари ўрин олган.

Тошкентдаги «Истиклол» саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун таъсис этган «Ниҳол» мукофотининг янги соҳибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Йигирма ёш ижрочи «Ниҳол» мукофотининг 2017 йилги соҳиби сифатида эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида имзоланган меморандумга асосан «Ниҳол»нинг янги совриндорлари бир йил мобайнида ўз кўшиқларини телерадиоканалларда бепул

эфирга узатиш, аудиостудияларда имтиёзли мусиқа ёзиш имкониятига эга бўлди.

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Регистон майдонидаги асосий саҳнада қатнашчилар ўз дастурларини намойиш этишга киришди.

Фестивалнинг бошқа иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна», «Ёшлик» истироҳат боғларида, Самарқанд педагогика коллежи, «Ниҳол» амфитеатрида самарқандлик санъаткорлар билан ҳамкорликда концерт дастурлари намойиш этдилар. Самарқанд шаҳридаги Фароғат, Саид Ризо Ализода номидаги ва бошқа маҳаллалар аҳолиси тинчлик ва дўстлик турли тилларда мадҳ этилган кўшиқларни тинглаб, ракс тушдилар.

26 АВГУСТ

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бошланди.

Конференциянинг «Тарих ва мерос» деб номланган биринчи мажлисида хорижлик олимларнинг Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистон мусиқа мероси: миллий анъаналарнинг сақланиши ва уларнинг ривожини, Эронда Наврўз анъаналари ва уларнинг бугунги кўриниши, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларда мусиқанинг аҳамияти, афғон анъанавий мусиқалари, Олтой ва Жанубий Сибирь халқлари санъати, форс ва араб мусикаси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Самарқандда «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивали матбуот маркази томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Фестиваль иштирокчиларининг Регистон майдонидаги чиқишлари Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқда. Самарқанд шаҳри аҳолиси ва меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳарнинг 6 жойида улкан мониторлар ўрнатилиб, асосий саҳнадаги чиқишлар тўғридан-

тўғри намоиш этилмоқда. Фестивални 20 га яқин хорижий ва 200 дан зиёд маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёри-тиб бормоқда. Тантанали очилиш маросимини 60 га яқин давлат-га тўғридан-тўғри узатиш режалаштирилган. Матбуот анжумани-да 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида «Шарқ тароналари» сингари халқаро мақом фестивали ўтказиш режалаштирилаётган-ни маълум қилинди. Мазкур танлов ҳам Шарқ халқлари миллий му-сиқа меросини ўрганиш ва уни жаҳон миқёсида тарғиб этишга хиз-мат қилиши таъкидланди.

Мисрда таэквондо бўйича кадетлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари муносиб ишти-рок этмоқда.

Жамоамиз аъзоларидан Амирбек Тўраев, Даниил Ким, Муниса Каримова ва Умидахон Ҳасанова ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

Германиянинг Гамбург шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари Иқболжон Холдоров, Санжар Турсунов, Ҳасанбой Дўсматов ва Исроил Мадримов иккинчи давра баҳсларида зафар қучиб, чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

И.Холдоров 64 килограмм вазн тоифасида колумбиялик Жон Гутерресга қарши рингга кўтарилиб 5:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, 91 килограммлик чарм қўлқоп усталари ўртасидаги белла-шувда С.Турсунов аргентиналик Яра Пералтага ҳеч қандай имко-ният қолдирмади. Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) Коста-Рика вакили Робинсон Родригес билан баҳслашди. Мазкур жангда ўзининг тез-кор ва аниқ зарбалари ҳамда юксак техникасини намоиш этган Ҳасанбой рақибини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди. 75 кило-грамм вазн тоифасида беллашаётган Исроил Мадримов туркмени-стонлик Азиз Ачиловни учинчи раундда техник нокаутга учрати-б, ғолиб бўлди. Муроджон Ахмадалиев (56 кг) қозоғистонлик Қайрат Ералиевга имкониятни бой бериб қўйди.

Қозоғистонда марафон бўйича ўтказилган халқаро тур-нирда йигирмага яқин давлатдан келган 5 минг 600 спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида маҳоратли

спортчимиз Андрей Петров шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллаган бўлса, хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда мамлакатимиз вакили Марина Хмелевская марра чизиғига иккин-чи бўлиб етиб келд

Голландияда Халқаро теннис федерацияси томонидан хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган мусобақада ҳамюртимиз Ал-бина Хабибулина жуфтлик баҳсларида ғалаба қозонди.

Мусобақанинг финал баҳсида Албина мезбон теннисчи Стефан Висшер билан биргаликда бельгиялик Дэбора Керфс ва АҚШ ва-киласи Киара Шоллга қарши кортга чиқди. Кескин ва мурасасиз ўтган учрашувда Албина ва Стефан рақибаларини 7:6, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

27 АВГУСТ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мир-зиёев Самарқандга келди.**

Президент вилоятга ташрифини Биринчи Президентимиз Ис-лом Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади. Президентимиз бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев мажмуадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини яқунига етказиш, зиёратчилар учун шароитларни янада яхшилаш, қабристонни обод қилиш бўйича тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюр-ди. Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президент ташаббуси билан мазкур мажмуа қошида Имом Бухо-рий халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Тез орада мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14 апрель куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида мазкур марказ қурилиши билан таниш-ди. Президентга Самарқанд шаҳрининг Даҳбед кўчасидан Пайарик туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб боровчи Нурафшон кўчасини ободонлаштириш, йўл бўйида замонавий турар-жойлар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари барпо этиш лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Ўзбекистон Президенти Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош-котиб Талей Рифаини қабул қилди.

Учрашувда туризм соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси бўйлаб саёҳатларни омалаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш, туризмнинг янги турларини ривожлантириш ва харидоргир туризм маҳсулотлари ишлаб чиқиш, халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий инфратузилма яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

28 АВГУСТ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинларининг жанговар тайёргарлик режасига мувофиқ «Каттакўрғон» дала-ўқув майдонида ўтказилган оператив тактик машқларни кузатди.

Президент ҳарбий мутахассислар билан суҳбатлашди. Ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хизмат ва ҳаёт шароитларини яхшилаш, билими ва маънавиятини юксалтириш масалаларига эътибор қаратилди. Шавкат Мирзиёев миллий армиямиз моддий-техник таъминоти билан шуғулланадиган алоҳида тузилма ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Президент Мудофаа вазирлиги қўшинларида қўлланиб келинаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, яъни зирҳли техникалар, артиллерия қуроллари, мотоўқчи бўлинмаларидаги автомобиллар, разведка ва алоқа воситалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишини ўтказди.

Йиғилишда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш, олий ҳарбий таълим муассасаларига ҳужжат топширадиган абитуриентларни саралаш талабларини такомиллаштириш ва уларни тайёрловчи коллеж ҳамда лицейларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кучайтириш, ҳарбийларнинг оилалари учун вилоятларда кўпқаватли уй-жойлар бунёд этиш

ва уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш, қўшинлардаги жанговар тайёргарлик салоҳиятини ошириш ва тарбиявий ишлар кўламини кенгайтириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент Фотосуратлар уйида мамлакатимиздаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий ўтказилаётган «Камалак жилоси» болалар расмлари кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловда тасвирий санъат йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида Тошкент шаҳридаги 23-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Хуршид Шарипов, 11-16 ёшли қатнашчилар гуруҳида эса Тошкент шаҳридаги 30-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Роман Блохин биринчи ўринга сазовор бўлди. Амалий санъат йўналишида 4-10 ёшли иштирокчилар ўртасида Тошкент шаҳридаги 30-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Андрей Карпушин, 11-16 ёшли қатнашчилар гуруҳида Жиззах вилоятидаги 29-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Зоя Кузнецова биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Самарқандда «Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференциянинг ялпи мажлисида Марказий Осиё ренессансининг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда фаолият кўрсатган алломалар ва уларнинг меросини ўрганиш борасида олиб борилган илмий ишлар, ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик юзасидан маърузалар тингланди. Марказий Осиёда IX-XII ва XIV-XV асрларда рўй берган илмий-маданий уйғониш даврининг турли жиҳатлари, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий каби уламоларнинг маънавий мероси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Куннинг иккинчи ярмида конференция «Марказий Осиё Ренессанси даврида аниқ ва табиий фанлар ривожига», «Марказий Осиё – ислом илм-фанининг илғор ғоялари бешиги», «Марказий Осиё Ренессанси даврида гуманитар фанлар», «Маданият ва меъморчилик Марказий Осиёдаги маданий юксалишнинг ёрқин акси сифатида» шўъбаларига бўлинган ҳолда

давом этди. Марказий Осиё Ренессансида муҳим ўрин тутган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини ўрганишда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг ўзаро фикр алмашиши, илмий-амалий алоқаларни мустаҳкамлаши учун қулай имконият яратган мазкур халқаро анжуман давомида 50 дан ортиқ маъруза тингланди.

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлаб, мазкур анжуманнинг чуқур инсонпарварлик руҳи ва фалсафаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мумтоз мусиқа анъаналарини асраб-авайлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестиваль ишига муваффақият тилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг 19-турида бешта ўйин ўтказилди.

Ўн тўққизинчи турнинг баҳсларидан бири Қўқон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда «Қўқон – 1912» ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» клубини қабул қилди. Ўйин бошлариданок бор эътиборни хужумга қаратган мезбонлар рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бекободнинг «Металлург» клуби сафарда «Шўртан» (Ўзбекистон) ни 1:0 ҳисобида енгди. Тошкентда «Бунёдкор» – «Обод» учрашувининг 19 дақиқасида «Бунёдкор» жамоаси аъзоси Шохрўз Норхонов ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимнинг 80 дақиқасида Достонбек Ҳамдамов рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди. «Навбахор» (Наманган) – «Динамо» (Самарқанд), «Бухоро» (Бухоро) – «Қизилқум» (Навоий) учрашувларида 1:0 ҳисоби қайд этилди.

29 АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди.

Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг мақоми, уни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби белгиланган. Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва қафолатлари, асосий принциплари, унинг асосий вазифалари ва йўналишлари кўрсатилган. Вакилнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тадбиркорлик субъектларининг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик тартиби ҳамда бошқа масалалар қамраб олинган.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин «Қатта дубулға» туркумига кирувчи «US Open» турнирини муваффақиятли бошлади.

Денис мусобақанинг биринчи даврасида испаниялик Альберт Рамосга қарши кортга чиқди. Учрашувда теннисчимиз 4:6, 7:6, 7:5, 6:7, 7:5 ҳисобида ғалаба қозонди.

Венгрияда дзюдо бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида 60 килограммгача полвонлар ўртасидаги баҳсларда бронза медали учун юртдошларимиз Диёрбек Ўрозбоев ва Мухриддин Тиловов ғалаба тушди.

Тенг курашлар остида ўтган учрашувда Диёрбекнинг қўли банд келди.

Чехиянинг Рачице шаҳрида пара-каное бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

Чемпионатнинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида паралимпиячимиз Шаҳноза Мирзаева 200 метр масофани 51.778 сонияда босиб ўтиб, кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Германиянинг Гамбург шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионатининг иккинчи давра баҳслари якунланди.

Чемпионатда 60 килограмм вазн тоифасида иштирок этаётган юртдошимиз Элнур Абдураимов ушбу босқичда арманистонлик Карен Тонакянни мағлубиятга учратган бўлса, вазни 69 килограмм бўлган Шаҳрам Ғиёсов украиналик Легенли Барабанов устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Энг оғир вазн тоифасида беллашаётган боксчимиз Баҳодир Жалолов даниялик Кем Ларсенни бир ярим дақиқада техник нокаутга учратди. Шунингдек, Жасурбек Латипов (52 кг) болгариялик Даниэл Асеновни, Бектемир Мелиқўзиев (81 кг) россиялик Муслим Гаджимагомедовни енгди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Олимпия

ўйинлари ғолиби Ҳасанбой Дўсматов Германияда давом этаётган жаҳон чемпионатининг ярим финалига чиқди.

Ҳ.Дўсматов вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги чорак финал беллашувида ҳиндистонлик Амит Пангал билан куч синашди. Боксчимиз рингда ишончли ҳаракат қилиб, ракибидан очколар ҳисобида устун келди ва ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Германиянинг Гамбург шаҳри мезбонлик қилаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида боксчимиз Иқболжон Холдоров ҳам чорак финалда ғалаба қозонди.

Вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашаётган Иқболжон ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсда мезбонлар вакили Артём Арутюнянни мағлубиятга учратди.

Германияда давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзоси Санжар Турсунов ҳам ғалабали одимлашда давом этмоқда.

91 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги боксчилар беллашувида қатнашаётган Санжар Турсунов чорак финалда голландиялик Рой Корвингни мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Бокс бўйича терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Жасурбек Латипов ҳам Гамбург рингларида муваффақиятли жанг қилди.

Иқтидорли боксчимиз жаҳон чемпионатининг вазни 52 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги чорак финал баҳсида колумбиялик Сейбер Авилани мағлубиятга учратиб, медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Дунёнинг етакчи боксчиларидан бири, Олимпия ўйинлари совриндори Бектемир Мелиқўзиев ҳам Германиядаги жаҳон чемпионатининг ярим финалига чиқди.

Вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги чорак финал баҳсида Бектемир Мелиқўзиев қозоғистонлик Ерик Алжанов билан куч синашди. Бектемирнинг кучли ва аниқ зарбалари ракибига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

30 АВГУСТ Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивали яқунланди.

Бу йил жаҳоннинг 58 давлати санъат усталари «Шарқ тароналари»да ўз мусиқа ва кўшиқчилик анъаналари, маданиятини намойиш этди. Фестивалда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари фахрий меҳмон сифатида қатнашди. Улар мазкур санъат байрамининг турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва бағрикенгликни тарғиб этишдаги роли ва аҳамиятини, Ўзбекистонда ушбу халқаро форумга ҳар сафар катта тайёргарлик кўрилиши ва тадбирларнинг юксак савияда ўтказилишини алоҳида таъкидлади. Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури ҳамда «Ўзбекистон маданий мероси – умумбашарий бойлик» деб номланган 3D проекция-мусиқаи ёритиш томошаси намойиш этилди.

31 АВГУСТ Қатағон қурбонлари куни муносабати билан мазкур хиёбонда халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Президент Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди. Шавкат Мирзиёев «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи экспонатлари билан танишди.

Оқсарой қароргоҳида Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Мажмуага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди ва нутқ сўзлади. Ислом Каримов миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар, деди давлатимиз раҳбари. У киши ўзининг «Элим

деб, юргим деб, ёниб яшаш керак», деган ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар. Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ва Ўзбекистон Бадий академиясининг 20 йиллигига бағишланган бадий кўрғазма очилди.

Экспозицияда С.Абдуллаев, Ж.Умарбеков, А.Нур, В.Бурмакин, А.Икромжонов, С.Раҳметов, О.Оллоберганов каби мусаввирларнинг ишлари ўрин олган. Кўрғазманинг ретроспектив бўлими вафот этган рассомлар –академиклар ижодига бағишланган. Уларнинг турли жанрларда чизган асарларидаги воқелик, тасвирлар жозибаси барчани чуқур ўйга, фикрлашга ундайди.

Темурийлар тарихи давлат музейида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб очилган кўрғазма Камолиддин Бехзод ижодига бағишланди.

Кўрғазмадан мусаввирнинг «Донишмандлик дарслари», «Жомий масжидининг қурилиши», «Икки вафодор дўст», «Буюк шоирлар даврасида Алишер Навоий», «Султон Ҳусайн Мирзо қози олдида», «Шоир изтироблари» каби асарлари ўрин олган.

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида Халқаро теннис федерацияси томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Нигина Абдураимова ҳамда Окгул Омонмуродова яккалик ва жуфтлик баҳсларида муносиб иштирок этмоқда.

Яккалик баҳсларининг иккинчи даврасида Нигина Абдураимова беларуслик Ирина Шимолични 6:3, 2:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Окгул Омонмуродова россиялик Маргарита Лазаревани 6:3, 6:1 ҳисобида енгди.

Жуфтлик баҳсларида эса Нигина ва Окгул жуфтлиги чорак финалда россиялик Дария Лодикова ва беларуслик Шалимар Талби устидан 6:2, 6:1 ҳисобида зафар қучиб, ярим финалда грузиялик Катерина Горгодзе ва украиналик Валерия Страхова билан учрашадиган бўлди.

Ҳасанбой Дўсматов Германиянинг Гамбург шаҳрида

ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг финал йўлланмасини қўлга киритди.

Чемпионатнинг 49 килограммгача вазн тоифасида иштирок этаётган Ҳасанбой ярим финал беллашувида колумбиялик Юбержен Мартинесга қарши рингга чиқди. Кескин ва мурасасиз ўтган жангда боксчимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай ғалаба қозонди. Эслатиб ўтамиз, бир неча дақиқалардан сўнг вазни 64 килограммгача бўлган ёш боксчимиз Иқболжон Холдоров АҚШ вакили Фреюдис Рояс билан рақобатлашади.

Германияда бокс бўйича жаҳон чемпионатида 64 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Иқболжон Холдоров ярим финалда АҚШ вакили Фреюдис Рояс билан баҳслашди.

Мазкур жангда ўзгача услубга эга бўлган спортчимиз Иқболжон тажрибали рақибига қарши ҳужумкор бокс намойиш этди. Кескин ва мурасасиз тарзда ўтган беллашувда ёш спортчимиз ғалаба қозонди. Бироздан сўнг жаҳон чемпионатининг 91 килограммгача вазн тоифасида умидли боксчимиз Санжар Турсунов россиялик Евгений Тищенко билан куч синашади.

Германиянинг Гамбург шаҳрида давом этаётган жаҳон чемпионатининг 91 килограммгача вазн тоифасида ҳамюртимиз Санжар Турсунов бронза медални қўлга киритди.

Ёш боксчимиз Санжар Турсунов ярим финалга қадар аргентиналик Яра Пералтани, нидерландиялик Рой Корвинни енгиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллад

СЕНТЯБРЬ

1 СЕНТЯБРЬ

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бўлиб, Ислом маданияти маркази лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳага кўра, ушбу марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атикалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилган.

2 СЕНТЯБРЬ

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкалининг очилиши маросимида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди.

Президент дастлаб Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Куръон тиловат қилинди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Шавкат Мирзиёев ва Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Ҳайкал пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ислом Каримов туғилиб ўсган хонадонга ташриф буюрди. Куръон тиловат қилиниб, элга эҳсон дастурхони ёзилди.

Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида боксчиларимиз муносиб тақдирланди.

Нуфузли мусобақанинг вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувларида қатнашган Ҳасанбой Дўсматов шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

52 килограммгача вазн тоифасидаги боксчилар ўртасидаги баҳсларда Жасурбек Латипов қумуш медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақанинг вазни 64 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида Иқболжон Холдоров шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Чемпионатнинг 69 килограммгача вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари ўртасидаги финалгача бўлган баҳсларда Шаҳрам Гиёсов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

4 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ Пўлат Раззақович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири лавозимиға тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ Азизов Абдусалом Абдумавланович Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири лавозимиға тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишиға мувофиқ Бердиев Кабул Раимович Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси бошлиғи лавозимиға тайинланган.

Нукус шаҳрида яна бир йирик саноат корхонаси – «Нукус полимер» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Умумий қиймати 27,1 миллиард сўм бўлган «Нукус полимер» корхонаси қурилиши қисқа фурсатларда сифатли амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди. Қарийб 2 гектар майдонни эгаллаган ушбу корхонада полиэтилен ва полипропилен гранулалар қайта ишланиб, газ ва канализация тармоқлари учун замонавий пластмасса қувурлари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йил охирига қадар корхонанинг учинчи ва тўртинчи линиялари ишга туширилгач, 138 киши доимий иш билан таъминланади. Бу ерда йилига 8 минг тонна полиэтилен ва полипропилен гранулаларидан диаметри 16 миллиметрдан 630 миллиметргача бўлган 12 хил қувур ишлаб чиқарилади.

5 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев таклифиға биноан давлат ташрифи билан Бишкек шаҳрига келди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари учрашувлари расмий делегациялар иштирокида давом эттирилди.

Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевни Қирғизистонга давлат ташрифи билан қутлаб, бу давлатларимиз ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг мантикий давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади. Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТнинг Жануб-жануб ҳамкорлиги бошқармаси, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Ислом тараққиёт банки ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро семинар шу мавзуга бағишланди.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида мева ва узумнинг 40 дан ортиқ серхосил нави яратилиб, давлат реестрига киритилди. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг селекционер олимлари томонидан ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41, полизнинг 5, картошканинг 6 янги нави яратилди. Семинарда Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳасида тўпланган тажрибалар, сабзавот-полиз маҳсулотларининг истеъмол сифатлари, ўзига хос хусусиятлари, мева ва узумнинг рақобатбардошлик жиҳатлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Текстильлегпром – 2017» халқаро ярмаркасида ўзбекистонлик тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда 40 га яқин тадбиркорнинг мазкур ярмаркада иштирок этишига қўмаклашди. Ярмарка доирасида Ўзбекистон компаниялари нуфузли фирма ва компаниялар билан соҳада ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантиришга келишиб олган. Тадбиркорларимиз томонидан хорижий шериклар билан 146 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланган.

Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони билан 5 сентябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасини банклар орқали эркин сотиб олиш ва сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида рангтасвирчи рассом Луйлин Яннинг «Истиқлол ижодкорлари» кўرғазмаси очилди.

Рассомнинг «Ҳақиқат», «Баҳор», «Ургут окшоми», «Дарёдаги куз», «Қуёш ботиши», «Куз куни қўлда», «Самарқандлик қиз», «Янги либосдаги қиз» каби асарлари санъатсеварларда катта таассурот қолдирди.

6 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Қирғизистон Республикаси Жогоргу Кенешининг раиси Чинибай Турсунбековни қабул қилди.

Дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Олий Мажлиси қошида алоҳида парламент гуруҳи тузилди. 5 сентябрда имзоланган Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар икки давлат қонунчилик органлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сапар Исаковни қабул қилди.

Учрашув доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасининг чегараолди вилоятлари ҳокимлари ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг чегараолди вилоятларидаги ваколатли вакиллари Кенгашини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Тошкентда Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иш бошлади.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган ана шундай юксак ютуқлар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолiddин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида «Шухрат» медали соҳиби, миниатюрачи рассом Абдуҳаким Каримов ва ёш ижодкор Нозима Қаюмийнинг «Мўйқаламда юртим жамоли» деб номланган кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси А. Каримовнинг «Қақнус», «Сайил», «Дарвишлар», «Ватанга йўл», «Бахт куши» сингари асарларида бу жиҳатлар янада яққол ифода этилган. Ёш мусаввир Нозима Қаюмийга ижодкорлик отаси Абдуҳаким Каримовдан ўтган. Экспозициядан жой олган рассом Абдуҳаким Каримовнинг «Она табиат», «Лайли ва Мажнун», «Меърож», «Тарози», Нозима Қаюмийнинг «Бахтнинг турфа ранглари», «Заринанинг қиличи», «Она алласи» каби асарларидаги тасвирлар ифодаси муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

7 СЕНТЯБРЬ

Тошкентда Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва халқаро тажрибага бағишлаб халқаро семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, БМТнинг Жануб-жануб ҳамкорлиги бошқармаси, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Ислом тараққиёт банки ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда Венгрия, Марокаш, Судан, Тунис, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган олим ва мутахассислар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди. Меҳмонлар дастлаб Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғи»

масъулияти чекланган жамияти интенсив боғлари билан танишди, Жомбой туманидаги биологическая лабораторияда бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси товар-хомуш биржаси акциядорлик жамияти авторакамларни сотиш бўйича электрон аукционларни ўтказишга мўлжалланган янги информатсион тизим ва веб-сайтни ишга туширди.

Биржа мижозлари онлайн-аукционда мобиль ускуналари орқали иштирок этишлари мумкин. Бунинг учун «Avtoraqamlar» савдо тизимининг махсус мобиль иловаси ишлаб чиқилди. Биржа янги савдо майдонининг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, онлайн-аукционда иштирок этиш жараёни ҳеч қандай ҳужжатлар айланмасисиз, шахсий кабинет орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида «Анъаналар этади давом!» мавзуида бадий кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Раҳматилла Зокиров ҳам «Эътироф – 2017» кўрик-танловида «Йилнинг энг моҳир хунарманди» номинациясини кўлга киритди. Устанинг дутор, рубоб, ғижжак, танбур сингари кўплаб амалий ишлари мазкур кўргазмадан ўрин олди. Кўргазмада намойиш этилган хунармандлар, усталар, рассомлар, айниқса, олий ҳарбий билим юртлари талабаларининг турли ижодий ишларида юрт манзаралари, табиат тасвири, ватанпарварлик, самимийлик, тантилик, меҳр-оқибат туйғулари етакчилик қилади.

Ўзбекистон давлат санъат музейида Музейлар ҳафталиги доирасида рассом Александр Волков ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Рассомнинг «Шоҳи Зинда», «Бибихоним», «Қишлоқда баҳор», «Улоқ» каби асарлари намойиш этилди. Кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилган кўргазма очилишида сўз олганлар таниқли рассом Александр Волков асарлари ёш ижодкорлар учун катта мактаб вазифасини ўтаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимиз, хусусан, миллий рақс санъатини ривож-

лантириш ва кенг тарғиб қилишга бағишланган фестивалнинг очилиш маросими бўлди.

Хоразм рақсларида кўҳна замин тарихи, халқимизнинг ўзига хос анъана ва урф-одатлари акс этади. Шунинг учун рақс – сўзсиз кўшиқ, деб эътироф этилган. Хоразм рақсларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. «Лазги», «Қайроқ», «Анахита», «Зумлак» рақслари тарихий, «Сумалак сайли», «Галин салом», «Қизлар базми», «Лачак» рақслари миллий урф-одатлар, «Этикдўз», «Чўгирма», «Сартарош», «Қизлар баҳси» ва «Қумпишиги» рақслари турмуш тарзи акс этган рақслар гуруҳига киради. Фестиваль доирасида рақс усталари томонидан турли мастер-класслар намойиш этилиб, ижодий учрашувлар, фольклор гуруҳлари ва ансамблларининг чиқишлари, анимацион шоулар, сахналаштирилган томошалар, кўғирчоқ театрлари томошаси, хунармандлар кўргазмаси, миллий таомлар ва миллий либослар кўргазмаси, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ҳамда «Ўзбекистон рақс санъати тарихи» фотокўргазмаси ўтказилади.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида янги мавсум очилишига бағишланган сайёр матбуот анжумани ўтказилди.

Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда театр вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар иштирок этди. Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри ижодкорлари янги мавсумда ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта, замонавий қахрамон образи акс этган асарлар билан томошабинларни мамнун этишни режалаштирган. Тадбир сўнгида «Тоҳир ва Зухра» спектакли намойиш этилди.

Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг 69 килограммгача вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган Шахрам Ғиёсов мухлислар томонидан дунё биринчилиги мусобақасининг энг яхши боксчиси, деб эътироф этилди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 1 олтин, 3 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Самвел Бабаян миллий терма жамоа бош мураббийлиги вазифасидан озод этилди.

Самвел Бабаян ва унинг штаби жаҳон чемпионатида чиқиш (2018 йил Россияда бўладиган) вазифасини уддалай олмагани сабабли Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мураббийлар штаби бутунлай тарқатиб юборилди.

8 СЕНТЯБРЬ

«Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитасининг энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик кўмитаси тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор муҳим дастурлар қабул қилингани таъкидланди. Хусусан, мамлакатимизнинг юксак гидроэнергетик салоҳиятидан комплекс фойдаланиш мақсадида 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинди. Унга кўра 2,6 миллиард доллар эвазига 18 янги ГЭС қуриш ва мавжуд 14 ГЭСни модернизация қилиш режалаштирилган. Дастурни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш учун аввал «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирган барча гидроэлектрстанцияларни бирлаштирган «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти ташкил этилди. Тадбир сўнгида Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитасининг энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик кўмитаси тўртинчи мажлиси баённомаси имзоланди.

Тошкентнинг Сайлгоҳ кўчасида «O‘zbekim» миллий кадриятлар фестивали бўлиб ўтди.

Халқ сайли кўринишига эга фестивалда амалий ва тасвирий санъат намуналари намойиш этилмоқда, маҳорат дарслари, халқ ўйинлари ва томошалари, миллий расм-русумлар каби қатор тадбирлар ўтказилди.

Фестивалнинг энг ёрқин ҳодисаси ўзбек миллий таоми – палов тайёрлаш жараёнида Guinness World Records вакиллари бевосита иштирок этди. Экспертлар тайёрланган паловнинг миқдори бўйича жаҳон рекордини қайд этиш ниятидалар, унинг миқдори деярли 8 тонна бўлади. Палов диаметри 4,2 метр, ҳажми деярли 8 минг литр бўлган қозонда тайёрланмоқда. Олмалиқ кон-металлургия заводида махсус қуйилган қозоннинг оғирлиги 7070 кг, чуқурлиги 1,5 метр. Қозон жойланган ўчоқ эса 3 тонна оғирликка эга.

Тошкентнинг Сайилгоҳ кўчасида давом этаётган «O‘zbekim» миллий кадриятлар фестивали доирасида ўзбекистонлик ошпазлар томонидан 7 360 килограммлик палов тайёрланди.

Палов тайёрланиш жараёни Guinness World Records вакиллари бевосита кузатиб борди. Паловни тайёрлаш жараёнида Гиннесснинг рекордлари китоби талабларига тўлиқ риоя қилинди. Палов тайёрлаш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди.

Тошкентдаги «Истиқлол» санъат саройида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб «Эзгуликни муқаддас билган халқим» деб номланган хайрия гала-концерти бўлиб ўтди.

«Эзгуликни муқаддас билган халқим» хайрия лойиҳаси доирасида алоҳида эҳтиёжли фуқаролар ижодига доир кўргазма ташкил этилди. Тадбирда шунингдек, эзгу ва савобли ишларда фаол қатнашаётган ташкилотлар, ҳокимликларнинг вакиллари, Мурувват ва Саховат уйларида раҳбарлари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Машҳур актёр ва моҳир айкидо устаси Стивен Сигал Asian fight – 2017» халқаро турнирнинг фахрий меҳмони сифатида Тошкент шаҳрига келди.

Меҳмонни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходим-

лари ва спорт мухлислари кутиб олди. «Asian fight – 2017» халқаро турнири доирасида таниқли актёр, режиссёр, продюссер ва жанг санъати устаси Стивен Сигал томонидан ёш спортчилар ва кино-актёрларга маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Тошкентда сув спорт турлари бўйича IX Осиё чемпионати бошланди.

Ўзбекистон сузиш федерацияси 1992 йили ташкил этилган. Мамлакатимизда сув спорти турларини янада ривожлантириш ва иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 2013 йилдан сув спортининг барча турлари мазкур федерация таркибига бириктирилди. Федерация томонидан сув спорти турларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг машғулот ўтказиши учун замонавий шароит яратиш, малакали мураббийлар тайёрлаш, нуфузли мусобақаларни ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2014 йили пойтахтимизда Ўзбекистон сузиш федерацияси тасарруфидаги сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Муассасада замонавий сузиш ҳавзаси, спорт зали, тренажёр зали, кийим алмаштириш, ювиниш, тиббиёт ва маъмурий хоналар мавжуд. Сузиш ҳавзаси сувни тозалаш ва ҳароратни бир маромда сақловчи замонавий ускуналар билан таъминланган. Осиё чемпионатида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган сузиш, синхрон сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича мусобақалар ўтказилди.

9 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитаси ҳамраиси Абдулла Арипов, Хитой Коммунистик партияси Марказий кўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу ва бошқалар Ўзбекистонда Хитойнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Тад-

бир доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ҳамкорлигида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу бошчилигида Қўшма қўмитанинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси ҳукумати делегациясини қабул қилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Шу йилнинг январь-июль ойларида товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллиард доллардан ошди. Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги амалий ҳамкорлик, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқалар истиқболлари муҳокама қилинди. Президентимиз фармонига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, йирик иқтисодий ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Мэн Цзяньчжуга «Дўстлик» ордени топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Остона шахрига борди.

Президентни Остона халқаро аэропортида Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Аскар Мамин ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Қозоғистонда «Остона ЭКСПО – 2017» халқаро ихтисослашган кўргазма ниҳоясига етди. «Ехро village»да 9 сентябрь куни «Энг яхши павильон»ни аниқлаш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркманистон, Руминия, Бразилия, Грузия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш

этди. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот қатнашди. Маросимда жаҳон кўргазмасида иштирок этаётган мамлакатлар икки тоифа бўйича аниқланди. Кўргазманинг мақсади, мазмун-моҳияти ва ғоясини ўзида тўлиқ акс эттиргани, павильон дизайни мавзуга мос безатилгани ҳамда иштирокчи ва меҳмонлар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилгани учун 20 дан зиёд мамлакат стендлари ўрин олган павильон «Астана ЭКСПО – 2017» халқаро ихтисослашган кўргазмада «Энг яхши павильон», деб топилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида мазкур театрнинг янги 88-ижодий мавсуми очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур учрашув кўплаб иждодий жамоалар сингари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат катта театрининг янада раванқ топиши йўлида ҳам янги истиқболларни очиб берди. Айни жиҳатлар етакчи иждодий ташкилотларнинг «дўстлари клуби»нинг ташкил этилиши, уларга юртимизнинг йирик компания, банк ва корхоналарининг ҳомий сифатида бириктириб қўйилиши, доимий ҳамкорликнинг йўлга қўйилишида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги академик катта театр томонидан «TOP Congress» компанияси кўмагида ташкил этилган OPEN AIR музикавий дастури янги 88-театр мавсумини очиб беради.

Тошкентда сув спорт турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг дастлабки кунда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 3 олтин, 5 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритди.

50 метр масофага брасс усулда сузиш бўйича ўтган баҳсларда Владислав Мустафин олтин медални қўлга киритди. Ушбу йўналишдаги қизлар баҳсида Фотима Омилова шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Баттерфляй усулда 100 метр масофага сузиш бўйича Артем Козлюк биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, чалқанча усулда 200 метр масофага сузиш баҳсларида Даниил Букин кумуш, Егор Болотов бронза медал соҳибига айланди. 50 метрга брасс усулда сузиш бўйича Одилбек Юсуфбоев ва Алёна Васильева терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални қўшиб қўйди. Сувга 1 метрлик трамплиндан сакраш

бахсларида Достон Ботиров ва Ольга Морозова кумуш медални қўлга киритди.

10 СЕНТЯБРЬ **Остона шахрида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг** **Фан ва технологиялар бўйича биринчи Саммити очилди.**

Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Унда бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараккиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланди. Кейинги пайтда мамлакатимизда янги **илмий-инновацион** тузилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро куёш энергияси институти, Юқори технологиялар маркази, Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилгани қайд этилди. Шунингдек, кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олганлиги ачинарли ҳолат эканлигини айтиб ўтди ва ташкилотнинг 2016-2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури ва унинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлашини ва бир қатор вазифаларга: глобал иқлим ўзгаришлари муаммоси, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига эътибор қаратди. Ташкил этилиши режалаштирилаётган Юқори самарали компьютер марказларидан бирини Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёр эканлини билдирди. Ҳамда доимий кўмита ҳомийлигида Ўзбекистонда Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб, ёш математиклар ўртасида Халқаро олимпиадани ташкил этиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг махсус мукофотини таъсис этиш, Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу тақлиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тақлифларини киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Остона шахрида ўтаётган Ислом ҳамкорлик ташкилоти сам-

мити доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан
Рухоний билан учрашди.

Мулоқотда икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустақамланиши ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шахрида ўтаётган Ислом ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон ва Туркиянинг савдо-иқтисодиёт, инвестиция, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шахрида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истикболлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

«Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор билан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди. Ва унга кўра, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида **эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди.** Қарор билан ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган **Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»** ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, мамлакатимиз пенчак силат федерацияси, Uzmobile компанияси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Asian fight – 2017» халқаро турнир ташкил этилди.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган ушбу турнирда спортнинг жанговар яккакураш турлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган спортчиларимиз Маҳмуд Муродов, Жасур Мирзамухамедов, Улуғбек Умаров, Ҳасанхон Баратов, Муҳаммадали Тоштурғунов, Исроил Расулов, Аюбхон Камолов ва Аҳлиддин Мирзадавлатов Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. «Asian fight – 2017» халқаро турнирида Исроил Расулов сингапурлик Муҳаммад Хаирини, Аюбхон Камолов ҳиндистонлик Викаш Даҳияни, Муҳаммадали Тоштурғунов қирғизистонлик Бектур Мангиевни, Аҳлиддин Мирзадавлатов қозоғистонлик Холмурод Ҳизировни, Маҳмуд Муродов озарбайжонлик Зиё Мирзаевни, Ҳасанхон Баратов россиялик Михаил Холдоркинни, Жасур Мирзамухамедов кипрлик Вартан Апариянни мағлубиятга учратган бўлса, Улуғбек Умаров афғонистонлик рақиби Абдул Сами Файзийга имкониятни бой берди.

11 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил I ярим йиллигидаги ижроси якунларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг тутган ўрни алоҳида қайд этилиб, ушбу фармонларга мувофиқ аҳолининг реал даромадларини, ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш, республика бюджетидан молиялаштиришга боғлиқликни камайтириш, маҳаллий

давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Ушбу фармон доирасида 2017 йилнинг 1 июлидан 31 декабрига қадар Тошкент шаҳрида ва унинг туманларида уларнинг бюджетлари даромадлари ва харажатларининг янги тузилмасини назарда тутувчи тажриба ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди.

Айни пайтда вилоятда 11 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Уларнинг 1 минг 400 га яқини жорий йилда фаолият бошлади. Ялпи ҳудудий маҳсулотда соҳанинг улуши қарийб 70 фоизни ташкил этмоқда. Иш билан банд аҳолининг 81,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонида кўра, Самарқанд вилоятининг Ургут, Пастдарғом ва Нуробод туманларида 816 гектар ер майдонига эга бўлган «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Ўтган вақт мобайнида эркин иқтисодий зона дирекцияси фаолият бошлаб, ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар ишлаб чиқилди. 2017-2018 йилларда бу ерда 281,1 миллион долларлик 80 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган ва бунинг самарасида 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Айни пайтда 50 га яқин лойиҳа тасдиқланиб, уларни ҳаётга татбиқ этишга киришилмоқда. Эркин иқтисодий зонада фаолият бошлаётган 39 тадбиркорлик субъектига тантанали равишда гувоҳномалар топширилди.

12 СЕНТЯБРЬ

Пойтахтимизда сув спорти турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг сувга сакраш баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 5 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг сўнги ҳал қилувчи кунда спортчилар 10 метрлик платформадан сакраш бўйича ўзаро куч синашди. Унда спортчимиз Юлия Нуштаева қизлар ўртасида олтин медални қўлга киритган бўлса, ўғил болалар баҳсида Ботир Ҳасанов шохсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

100 метрга эркин сузиш бўйича ўтган баҳсларда Хуршиджон Турсунов олтин медални қўлга киритган бўлса, Алексей Тарасенко ва Алёна Томина бронза медаль билан тақдирланди. 200 метр масофага брасс усулда сузган Фотима Омилова маррага иккинчи бўлиб етиб келди, 50 метрга ушбу усулда сузган Алексей Сидорчук бронза медални қўлга киритди. Мусобақанинг 4x100 метрга эстафета баҳсларида ўғил болалар ва қизлар терма жамоаларимиз олтин медалга сазовор бўлди. 100 метрга эркин сузиш бўйича аралаш эстафета баҳсларида ҳам сузувчиларимизга тенг келадиган топилмади. Сув полоси мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси Қозоғистон термасини 11:5, қизлар терма жамоамиз хитойлик тенгдошларини 8:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур ҳужжатда божхона тўловлари ставкаларини янада оптималлаштириш ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ички нархлари ўсишининг олдини олишга эътибор қаратилган.

Тошкентда Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бошланди.

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари, «Пахтакор» профессионал футбол клуби раиси ўринбосари Умид Аҳмаджонов Ўзбекистон футбол федерациясининг янги раиси этиб сайланди.

Тошкентда сув спорти турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг сузиш баҳслари якунланди.

Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Хуршиджон Турсунов 50 метрга эркин сузиш бўйича ўтган баҳсларда барча ракибларини ортда қолдириб, Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди. Ушбу масофага хотин-қизлар ўртасида ўтган беллашувларда вакилларимиз Наталья Критинина ва Алёна Васильева бронза медаль билан тақдирланди. Эркалар ўртасида мазкур масофага эстафета мусобақасида терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

200 метрга баттерфляй усулда сузишда спортчимиз Артем Козлюк кумуш медални қўлга киритган бўлса, 100 метр масофага чалқанча сузган Одилбек Юсупов ва Мафтунабону Тўхтасинова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. узиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 13 олтин, 7 кумуш ва 11 бронза медали, жами 31 медаль жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

13 СЕНТЯБРЬ

«Ўзэкспомарказ»да «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САТМЕ 2017» ҳамда «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017» халқаро кўргазмалари очилди.

«Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САТМЕ 2017» ва «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017» халқаро кўргазмалари иштирокчилари сафи ва географияси кенгайиб бораётгани мазкур форумни МДХ ва Марказий Осиёдаги энг йирик экспозицияга айлантирмоқда. Жорий йилги кўргазмаларда Ўзбекистон, Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Қозоғистон, Хитой, Люксембург, Нидерландия, Россия, Руминия, АҚШ, Туркия, Франция, Чехия, Швейцария, Жанубий Корея, Япония сингари 22 давлатдан 350 дан ортиқ компания замонавий технологиялари ҳамда маҳсулотларини намойиш этди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқий театрида ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг «Гул олмаган гўзаллар» пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Қўчқор Норқобилнинг «Гул олмаган гўзаллар» асари замондош бўлган оддий инсонлар, уларнинг ўй-ташвишлари, орзу-истаклари

ҳақида. Спектаклнинг саҳна юзини кўришида Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист С.Узақбаев, актёрлар С.Ғаниева, Д.Жалғасбаева, М.Мамбетмуратова, И.Кўмекбаева ва бош роль ижроқилиши Ж.Пирлешованинг ҳиссаси катта.

Мамлакатимизнинг энг кучли теннисчилари Нигина Абдураимова ва Сабина Шарипова Халқаро теннис федерацияси томонидан Грузия ва Хитойда ўтказилаётган нуфузли турнирларни ғалаба билан бошлади.

Хитойда Сабина Шарипова илк даврада япониялик Мияби Иноуени 6:4, 6:7, 6:3 ҳисобида энгди ва навбатдаги босқичда мезбон Жиакси Лу билан учрашадиган бўлди. С.Шарипова жуфтлик баҳсларида беларуслик Лидзия Морозова билан бирга япон теннисчилари Шихо Акита ва Наги Ханатани устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонди ва чорак финалда хитойлик Юки Шенг ҳамда Вушунанг Женг билан куч синашади.

14 СЕНТЯБРЬ
«Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинди.

«Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини кадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш,

ўқувчиларнинг аниқ фанларнинг юксак марраларини забт этишига кўмаклашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги иқтидорларини аниқлаш ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди. Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар 5-синфдан бошлаб ёзма ва оғзаки синов натижаларига кўра танлов асосида қабул қилинади.

«Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэронавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор астрономия фанининг келгусидаги ривожланиши иқтидорли ёшлар орасидан ушбу соҳанинг малакали кадрларини тайёрлаш самарадорлигини оширишни талаб этиши, ўсиб келаётган ёш авлодни астрономияни ўрганиш бўйича халқимизнинг тарихий анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларнинг астрономия ва аэронавтика фаолияти соҳасидаги миллий ва умумжаҳон илм-фанининг янги ютуқларини ўрганиш ва ўзлаштиришга бўлган интилишини ривожлантириш, ёшларни аэронавтика фани ва техника асосларини эгаллаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилинди. Унга кўра, Фанлар академиясининг Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилди. Қарорга мувофиқ 2018-2019 ўқув йилидан мактабга 7-синфдан бошлаб ҳар бир синфда 20 нафардан ўқувчи қабул қилина бошланди.

Мамлакатимиз теннисчилари Миср, Туркия, Хитой ва Грузияда ўтказилаётган нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этишди.

Мисрда «Фьючерс» туркумига кирувчи турнирнинг яқкалик баҳсларида спортчимиз Сергей Фомин чехиялик Алессандро Рич-

чи билан рақобатлашди. Баҳсда теннисчимиз рақибини ҳар иккала сетда 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи даврада франциялик Томас Брешемьегга қарши кортга чиқадиган бўлди. Теннисчимиз Саидаъло Саидкаримов Туркияда ўтаётган мусобақанинг жуфтлик баҳсларида япониялик шериги Нару Ширафужи билан биргаликда мексикалик Даниел Гарза ва Ангел Передо устидан 6:2, 6:3 ҳисобида зафар кучди. Хитойда хотин-қизлар ўртасида ўтаётган турнирда Сабина Шарипова яқкалик баҳсларининг навбатдаги босқичида мезбон Жиакси Лудан 6:2, 6:3 ҳисобида устун келган бўлса, жуфтлик баҳсларида беларуслик Лидзия Морозова билан чорак финалда хитойлик Юки Шенг ва Вушуанг Женгни 6:3 6:1 ҳисобида енгди. Нигина Абдураимова Грузиядаги мусобақада чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Тошкентда сув спорти турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг сув полоси бўйича қизлар ўртасидаги мусобақаси якунланди.

Ушбу баҳсларда терма жамоамиз дастлаб хитойлик тенгдошларини 8:5 ҳисобида енгган бўлса, Қозоғистон терма жамоаси билан 7:7 ҳисобида дуранг ўйнади. Мусобақанинг сўнгги учрашувида спортчиларимизга омад етишмади ва Япония терма жамоасига кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйди.

Шу тариха Ўзбекистон терма жамоаси кумуш медаль билан тақдирланди. Қозоғистон терма жамоаси олтин, Хитой терма жамоаси эса бронза медалга сазовор бўлди. IX Осиё чемпионати синхрон сузиш мусобақасининг дастлабки кунда спортчиларимиз гуруҳ баҳсларининг «High light» йўналишида бронза медални қўлга киритди.

15 СЕНТЯБРЬ
«Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом

рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўрғазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Отажонов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари кейинги пайтларда жадал ривожланиб бораётгани, бунда давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар ижроси алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Халқаро теннис федерацияси томонидан Хитой ва Грузияда ўтказилаётган турнирларда мамлакатимизнинг кучли теннисчилари Сабина Шарипова ҳамда Нигина Абдураимова муваффақиятли иштирок этди.

Хитойда ўтаётган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида Сабина Шарипова ҳамда беларуслик Лидия Морозова ярим финалда мезбон теннисчилар Хангю Жу ва Кю Юе устидан 6:3, 3:6, 12:10 ҳисобида зафар кучди. Грузиядаги турнирда истеъдодли теннисчимиз Нигина Абдураимова яқкалик баҳсларининг чорак финал учрашувида россиялик Полина Лейкинани 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Самарқанд эшкак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё очик кубоги ва параканоз бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бошланди.

Беллашувларнинг дастлабки кун катталар ва ёшлар ўртасидаги яқкалик ва жуфтлик баҳслари бўлиб ўтди. Катталар ўртасидаги яқкалик баҳсларда 200 метрга параканоз бўйича А.Абдулҳабیبов (Ўзбекистон), Ж.Тайкенов (Қозоғистон), аёллар ўртасида Ш.Мирзаева (Ўзбекистон) ғолибликни қўлга киритди. Катталар ўртасида 1000 метрга байдаркада А.Мочалов (Ўзбекистон), каноэда С.Тожиев (Ўзбекистон), шу масофага ёшлар ўртасида байдаркада А.Герман (Ўзбекистон), каноэда С.Иноғомов (Ўзбекистон) маррага биринчи бўлиб етиб келди. Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида катталар ўртасида байдаркада Ш.Аъзамов ва Ж.Нурматов (Ўзбекистон), каноэда Г.Кочнев ва С.Мирбеков (Ўзбекистон), шу

масофага ёшлар ўртасида байдаркада Д.Онуфриев ва М.Судин (Ўзбекистон), каноэда С.Иноғомов ва Ж.Равшанов (Ўзбекистон) жуфтликлари галаба қозонди.

Тошкентнинг «Лайлак қўнди» маданий мерос биносида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида «Ўзбегим дўппилари» деб номланган кўргазма очилди.

«Дўппи» сўзи уст, юкори деган маънони билдиради. У қадимда саллага ўхшаб ўраладиган гумбаз шаклидаги телпак кўринишида бўлган. Кейинчалик шакли ўзгариб, пахта ёки ипак, атлас ёки бахмалда тилла ранг иплар билан тикилган чўққили, конуссимон, думалоқ ёки тўртбурчак кўринишга келган. Дўппи тикиш санъати қўлдан қўлга, авлоддан авлодга, онадан кизига ўтиб, мерос бўлиб келмоқда. Кўргазмада ўзбек дўппилари қаторида Иброҳим Валихўжаев, Дилшод Назаров, Дилшод Эшматов, Шухрат Абдумаликов, Алишер Умрзоқов каби таникли рангтасвирчи рассомлар ижодий ишлари намойиш этилди.

Марғилонда «Атлас байрами» учинчи фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фестивалнинг очилиш маросимида ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Бадарч Дендев, «Хунарманд» уюшмаси раиси Ақобир Ҳақимов ва бошқалар мамлакатимизда номдодий маданий меросни асраб-авайлаш, миллий хунармандликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Фестиваль доирасида ёш хунармандлар учун таникли усталар иштирокида атлас ва адас матолари беага бўйича маҳорат сабоклари, «Ўзбекистон анъанавий гиламчилик санъати», «Марказий Осиё матолари» Ўзбекистон хунармандчилик кўргазмалари ташкил этилди. Ўзбекистон модельерлари шоу-дефилеси, концертлар, кураш мусобақаси, аскиячилар ва дорбозларнинг чиқишлари, «Девзира» ош танлови ҳам ўтказилди. «Марказий Осиё халқлари анъанавий матолари ва барқарор ривожланиши» мавзусидаги халқаро анжуманда миллий хунармандлигимизнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий матолар ҳақида сўз юритилди.

16 СЕНТЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Давлат раҳбарлари дастлаб тор доирада учрашув ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев мулоқотни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда расмий делегациялар аъзолари, вазирлик ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Кўксаройдаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг турли соҳаларига доир 10 дан зиёд хужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотни имзоладилар.

Давлат чегаралари ўтказиш пунктлари ва автомобиль йўллари реконструкция қилиш ва модернизациялаш ҳамда туташ худудларни ободонлаштириш бўйича йўл харитаси, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида сувга оид муносабатлар соҳасида ҳамкорлик бўйича йўл харитаси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг баъзи масалалари тўғрисида битим, Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси би-

лан Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида битимлар, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан «Қазақстан темир жолы» Миллий компанияси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида битимга имзо чекилди.

Олий даражадаги Ўзбекистон – Қозоғистон мулоқотлари сўнгида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Нурсултон Назарбоев музокаралар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларига хос ўзаро англашув ва самимият руҳида ўтгани, томонлар барча стратегик масалалар бўйича ҳамфикр эканини алоҳида таъкидладилар. 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили ўтказилиши маълум қилинди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистондан қўшни мамлакатга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электр энергияси, мева-сабзавот маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа турдаги товар ва маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Қозоғистондан мамлакатимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, металл, ун, ёғ олиб кирилмоқда. Ўзбекистонда қозоғистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 230 га яқин корхона, Қозоғистонда мамлакатимиз тадбиркорлари билан биргаликда тузилган 130 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Форумда Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, нефть-газ, фармацевтика, машинасозлик, кимё, қурилиш, озиқ-овқат, ҳарбий, енгил саноат ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият кўрсатаётган 400 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Сабина Шарипова Хитойда ўтказилган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида бош совринни қўлга киритди.

Сабина беларуслик Лидия Морозова билан биргаликда финал учрашувида мезбон теннисчилар Хиню Жианг ва Кюнху Тангни 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, С.Шарипова мусобақа ярим финалининг яқкалик баҳсларида АҚШ вакиласи Бернарда Перани 6:4, 7:6 ҳисобида енгди ва финал йўлланмасини қўлга киритди. Халқаро теннис федерацияси томонидан Грузияда ўтказилаётган мусобақада яна бир истеъдодли теннисчимиз Нигина Абдураимова ярим финалда словакиялик Виктория Кузьмова устидан зафар кучди.

Тошкентда сув спорти турлари бўйича ўтказилаётган IX Осиё чемпионатининг синхрон сузиш баҳсларида спортчиларимиз иккита кумуш ва бир бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг соло йўналишидаги баҳсларида Нафиса Шомирзаева кумуш, Виктория Нуштаева эса бронза медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Виктория мажбурий дастур йўналишида ҳам шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой эгаллади. Сув полоси бўйича эркаклар ўртасида ўтган мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

17 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига Туркменистонга борди.

Ашхобод халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Есинмират Оразгелдиев кутиб олди. Шу ерда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Президентимиз Ашхободда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларига кўрилган тайёргарлик ишларига юксак баҳо берди. Туркменистон Президенти Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларга омад тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 сентябрь куни Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Президент Ашхобод Олимпия стадионига ташриф буюрди. 45 минг томошабинга мўлжалланган мухташам иншоотга кўплаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Осиё олимпия кенгаши раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишчибозлари тўпланди. Ашхобод Олимпия стадионида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг тананали очилиш маросими бошланди.

18 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига борди.

Президентни Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда Америка Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм кутиб олди.

«Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевни «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Қарор га кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари, шунингдек, тинчлик ва тараққиёт йўлидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун Қозоғистон Республикаси Президенти Назарбоев Нурсултон Абишевич «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Покистон Ислом Республикаси Қуролли Кучлари штаблар бошлиқларининг Бирлашган қўмитаси раиси, генерал Зубайр Маҳмуд Ҳаёт бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва икки томонлама ҳарбий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Покистон делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига ташриф буюрди ва институт фаолияти билан танишди.

Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйин-

ларининг дастлабки баҳсларида терма жамоамиз аъзолари 2 олтин, 3 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритди.

Туркман кураши бўйича ўтган баҳсларда 75 килограмм вазн тоифасида Илҳомжон Машрабов финалда туркменистонлик Ўрозмамет Велмамедовни мағлубиятга учратди. 90 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги беллашувларда Обидали Мавлонов финал баҳсида Овозгелди Бердиевни йирик ҳисобда енгиб, терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги олтин медални қўшиб қўйди. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда терма жамоамиз аъзоларидан Шаҳзода Эргашева, Гулхуморой Дадабоева ҳамда Гулмира Исматова финалга қадар барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ўз вазн тоифаларида кумуш медалга сазовор бўлди. Туркман кураши бўйича Исломжон Қўлдошев, Файзулла Умматов, Абдурасул Ҳабибуллаев, Шаҳобиддин Сангилов, Элдор Неъматов, Манзуруй Мўйдинова, Дилафруз Мамаджонова, жу-житсу бўйича Сухроб Усмонов ўз вазн тоифаларида бронза медалини қўлга киритди. Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ҳозирча 13 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда бормоқда.

Грузияда Халқаро теннис федерацияси томонидан хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган мусобақада истеъдодли спортчимиз Нигина Абдураимова яқкалик баҳсларида бош совринни қўлга киритди.

Халқаро турнирда Нигина россиялик Полина Монова, Яна Сизикова, Полина Лейкина ҳамда словакиялик Виктория Кузмовани мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Мусобақанинг финал баҳсида Н.Абдураимова Анна Калинскаяга (Россия) қарши кортга чиқди. Нигина баҳсининг биринчи сетини 3:6 ҳисобида бой берган бўлса-да, иккинчи ва учинчи сетларда 6:4, 6:3 ҳисобида зафар қучди. Шу тариқа Нигина Абдураимова мусобақанинг бош совринни қўлга киритди.

Ўзбекистон терма жамоаси таэквондо (ITF) бўйича ёшлар, ўсмирлар ва кадетлар ўртасида Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақада терма жамоамиз аъзолари 26 олтин, 15 кумуш ҳамда 18 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида

биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Россия терма жамоаси, учинчи ўринни Италия терма жамоаси қўлга киритди.

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг рапира йўналишида ғолиблар аниқланди.

Чемпионатда тошкентлик Жонибек Холмуродов, Дониёр Саъдуллаев, Сирожон Бойчаев шохсупага кўтарилган бўлса, хотин-қизлар ўртасида самарқандлик Умида Илёсова олтин медални қўлга киритди. Тошкентлик Илайда Гедикли ва Мадина Парпиева кумуш ҳамда бронза медалига сазовор бўлди.

Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги олдидан Жиззах вилоятида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган турнирда Ш.Рашидов туманидаги ташкилот ва корхоналарнинг 11 жамоаси иштирок этди. Мусобақаларда тумандаги 50-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ўринга туман тиббиёт бирлашмаси, учинчи ўринга 29-умумтаълим мактаби жамоаси сазовор бўлди.

Самарқанд эшак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё очик кубоги ва параканоэ бўйича Осиё чемпионати мусобақалари якунланди.

1000 метрга тўрт кишилик каноэда эшак эшиш бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилган А.Тропин, У.Иброҳимов, В.Горн ва Ш.Маҳкамов тўртлиги, байдаркада Н.Тўхтасин ўғли, С.Тожиев, Г.Кочнев ва С.Мирбеков маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ўсмирлар ўртасидаги бахсларда ҳам юртимиз спортчилари ғолибликни қўлга киритди. Катталар ўртасида каноэда 500 метрга эшак эшишда А.Мочалов, аёллар ўртасида Е.Шубина, ўсмирлардан А.Герман, қизлардан Д.Мишина биринчи ўринни эгаллади. Шу масофада мусобақалашган байдаркачиларимиз Г.Кочнев, Н.Зокирова, С.Иноғомов ва Г.Файзиева ҳам ўз гуруҳларида биринчи бўлди. Мусобақанинг 200, 500 ва 1000 метр масофага эшак эшиш беллашувларида ўзбекистонлик спортчилар ракибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шу тариқа вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Осиё кубогини қўлга киритди.

19 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрида Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Кристин Лагард Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор эканини таъкидлади. Учрашувда валюта ислоҳоти жараёнида давлат органлари ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш, савдодаги тарифларни камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Давлат бюджетини профицит билан бажариш, солиқ маъмурчилиги ва давлат статистикаси соҳасини тубдан яхшилаш, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, ташқи савдо сиёсатини эркинлаштириш каби навбатдаги вазифаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрида АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, «Женерал Электрик» компанияси президенти Рон Поллетт, «Ханивелл» компанияси бўлинмаси президенти ва бош директори Ражив Гаутам, «СиЭнЭйч Индастриал» компанияси вице-президенти Стивен Надерни, «Дир энд Компани» компанияси президенти Жеймс Филд иштирок этди. Шавкат Мирзиёев Кэролин Лэмм билан суҳбатда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилинганини қайд этди. Рон Поллетт билан мулоқотда Ўзбекистон билан «Женерал Электрик» компанияси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, 2018-2025 йилларда Ўзбекистон газ транспорти тизимини техник янгилаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш таклиф қилинди. Мамлакатимизда гидроэлектр станциялари қуриш, замонавий тиббий ускуналар ва ёритиш мосламалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Стивен Надерни билан суҳбатда «СиЭнЭйч Индастриал» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ўрим-ийғим, мелиорация ва йўл қурилишида қўлланиладиган, газда ишлайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари эътибор марказида бўлди.

«Ханивелл» компанияси бўлинмаси президенти ва бош директори Ражив Гаутам билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликда нефть-кимё ва энергетика соҳаларида юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, авиация ускуналарини етказиб бериш борасида фикр алмашилди. Жеймс Филд билан мулоқот чоғида «Дир энд Компани» компанияси билан алоқаларни янги босқичга қўтариш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликда қўлланиладиган трактор ва махсус техника воситалари ишлаб чиқариш, уларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрлашни маҳаллийлаштириш, соҳага ихтисослашган тренинг маркази ташкил этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн билан учрашуви бўлиб ўтди.

Зайд Раад ал-Хусайн мамлакатимиз ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (ИҲОКБ) ўртасидаги амалий ва очик мулоқотни кенгайтириш ва мустақамлашга янги суръат бахш этган 2017 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи яқунларини юксак баҳолади. Июнь ойида парламент Бошқарма билан ҳамкорлик бўйича 90 дан ортиқ тадбирдан иборат ҳаракатлар режасини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади.

Унда бугунги кундаги жаҳондаги энг долзарб мавзулар қамраб олинди. Шунингдек, Ўзбекистондаги ислохотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология ва бошфа масалалар ҳам қайд этилди. Ундан ташқари давлатимиз раҳбарининг,

айниқса, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббуслари тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев Антониу Гутерриш билан мамлакатимиз ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий масалалар бўйича фикр алмашди. «Марказий Осиё минтақаси – ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши», деб алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари. БМТ раҳбари мамлакатимиз томонидан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилатган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳолади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидани фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни илгари суриш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокат оқибатларини юмшатишга халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини қаратиш учун барча имкониятларини ишга солишини билдирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистон Республикасининг туҳфаси – Регистон майдонининг макети топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Регистон майдонининг макети юртимизнинг қўли гул уста ҳунармандлари томонидан ясалган бўлиб, қимматбаҳо металл ва гўзал миллий нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистоннинг «ташриф қоғози» бўлмиш ушбу экспонатнинг БМТ штаб-квартирасининг энг гавжум жойларидан бирига, БМТ Хавфсизлик кенгаши ва Бош Ассамблея заллари ўртасидаги фойега ўрнатилганида ўзига хос чуқур рамзий маъно бор, деди давлатимиз раҳбари.

Туркменистонда ўтаётган Ёлиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари давом этди.

Осиё ўйинларининг баландликка сакраш баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Надия Дусанова 1.86 метрлик баландликни забт этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу йўналишда иштирок этган спортчимиз Сафина Саъдуллаева кумуш медални қўлга киритди. Туркман курашининг хотин-қизлар ўртасидаги классик йўналишида вазни 63 килограммгача бўлган Дилафруз Мамажонова туркменистонлик Динара Холиева, қирғизистонлик Улкан Албиякизини мағлубиятга учратиб, терма жамоамиз ҳисобига кумуш медални қўшиб қўйди. Классик йўналишидаги баҳсларда терма жамоамиз аъзоларидан Исломжон Қўлдошев, Хусан Носиров, Файзулло Уматов, Шаҳобиддин Сангилов, Элбек Сотволдиев, Илҳомжон Машрабов, Обидали Мавлонов, Манзурай Мўйдинова, Ҳавасхон Жўрақўзиева, Гулмира Исматова бронза медал билан тақдирланди. Жиу-житсу бўйича беллашувларда Равшан Хусанов, таэквондо бўйича Валентин Хегай учинчи ўринни эгаллади. Футзал бўйича ўтган баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди футболчиларимиз Малдив терма жамоасига қарши баҳслашади. Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида 3 олтин, 5 кумуш ва 20 бронза медал мавжуд.

20 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрида Грузия Бош вазири Георгий Квирикашвилини қабул қилди.

Ўзбекистон Грузияга автомобиллар, тўқимачилик ва электр техникаси маҳсулотлари экспорт қилиш, Грузия йўллари орқали жаҳон бозорига чиқишдан манфаатдор. Грузия мамлакатимиздан мева-сабзавотлар харид қилиши, виночилик соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиши мумкин.

Шавкат Мирзиёев ва Георгий Квирикашвили учрашувда ўзаро ҳамкорликни барча йўналишларда янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлиги, бу мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Нью-Йорк шаҳрида Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди.

Мазкур банк ва мамлакатимиз молия муассасалари ўртасида амалий мулоқотлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик энергетика, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган. Учрашувда мамлакатимизда Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилингани, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида валюта соҳасида бозор механизмлари жорий этилгани, савдодаги турли тўсиқлар олиб ташлангани, ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшиланаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи доирасида Нью-Йоркда Ўзбекистон – АҚШ бизнес форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Америка – Ўзбекистон савдо палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда АҚШнинг 100 дан ортиқ етакчи компанияси раҳбарлари иштирок этди. «General Electric», «Honeywell», «ExxonMobil», «CNH Industrial», «John Deere», «Coca-Cola», «Boeing», «Caterpillar», «City Group», «Visa», «AGCO», «Gilead Sciences» каби йирик корпорациялар шулар жумласидан. Форум шўъбаларидаги музокараларда икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш, Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш ҳамда саноат, инфратузилма, туризм, фан ва таълим соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалалари қизғин муҳокама қилинди. Тадбир якунида АҚШ компаниялари билан умумий қиймати 2,6 миллиард долларга тенг бўлган йирик ҳужжатлар тўплами, жумладан, «General Electric» ва «Honeywell» корпорациялари билан нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида, «CNH Industrial», «John Deere» ва «Caterpillar» компаниялари билан машинасозлик соҳасида, «OSI Systems» ва «Lutron» компаниялари билан электротехника соҳасида, «Boeing»

компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида истикболли кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Вебстер университети филиалини очиш тўғрисида келишув имзоланди. Бу АҚШ олий ўқув юртининг МДХ мамлакатларидаги биринчи тўлақонли филиали бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йоркда Америка Кўшма Штатларида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашди.

Улар орасида олимлар, ишбилармонлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар бор. Президентимиз 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислохотлар концепциясининг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Суд-ҳуқуқ, молия, кичик бизнес, туризм, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълум қилди. Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича улкан ишлар бошлангани таъкидланди. Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳақида сўз борди. Шавкат Мирзиёев ватандошларимизни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдор бўлиш, замонавий билим ва тажрибаларини мамлакатимиз ривожига йўналтиришга даъват этди. Мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш истагида бўлган барча чет элдаги юртдошларимизни Ўзбекистонга таклиф этаман, деди давлатимиз раҳбари. Мен уларни қўллаб-қувватлашга ва ҳар томонлама рағбатлантиришга тайёрман.

Нью-Йорк шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

ШХТнинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитидан кейинги биринчи мажлис Хитой ташқи ишлар вазири Ван И раислигида ўтказилди ва унда ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Сушма Свараж (Ҳиндистон), Ҳаважа Моҳаммад Асиф (Покистон), Эрлан Абдилдаев (Қирғизистон), Қайрат Абдраҳмонов (Қозоғистон), Сергей Лавров (Россия), Сирожиддин Аслов (Тожикистон) ва Абдулазиз Камиллов (Ўзбекистон) иштирок этди. Мажлис давомида ШХТни

ривожлантиришнинг устувор йўналишлари Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кўшилишлари нуқтаи назаридан муҳокама қилинди ва халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши Котиби Н.Патрушев бошчилигидаги Россия делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди.

Музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон ва Россия ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболларини муҳокама қилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва божхона органлари, фавқулодда вазиятлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, шунингдек, ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини кўриб чиқдилар. Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзэкспомарказда ўнинчи халқаро ихтисослашган «UzMedExpo – 2017» тиббиёт кўргазмаси иш бошлади.

Тадбирда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда Хитой, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон, Италия, Швейцария, Чехия каби мамлакатлардан 50 дан зиёд етакчи компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. Кўргазмада замонавий диагностика, даволаш, тиббий лаборатория асбоб-ускуналари, махсус мебеллар, фармацевтика ва косметология маҳсулотлари ҳамда витаминлар намойиш этилди.

21 СЕНТЯБРЬ

Тошкентда «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар – UzCharmExpo – 2017» ҳамда «Махсус пойабзал ва индивидуал ҳимоя воситалари – MaxsusExpo – 2017» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Кўргазма доирасида маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг такдимотлари ҳам ўтказилди. Замонавий чарм-пойабзал ишлаб чиқаришнинг микробиологик жиҳатлари, Италияда пойабзаллар учун техник матоларни ишлаб чиқарувчи компания такдимооти, тўқимачилик маҳсулотларининг кенг мажмуи ҳамда инновацион лойиҳалар ҳақидаги такдимотлар шулар сирасидандир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда соҳани ривожлантириш имконияти ниҳоятда юқори.»2017 йилда Инвестиция дастури доирасида соҳага 94 миллион доллар миқдорида инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган. Кўргазма доирасида янги маҳсулотлар тақдимотлари, маҳорат дарслари, шунингдек, энг яхши маҳсулотлар танлови ўтказилиши тадбирнинг янада самарали кечишига хизмат қилди.

Туркменистонда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари давом этди.

Белбоғли курашнинг классик йўналишида вазни 100 килограммдан ошиқ бўлган полвонлар ўртасида Шерзоджон Раҳимов чорак финалда туркменистонлик Мурат Жумаевни ярим финалда тожикистонлик Маҳмад Мировни мағлубиятга учратди. Мусобаканинг сўнгги ҳал қилувчи финал баҳсида мезбон курашчиси Аҳал Балларовни енгиб, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, классик йўналишида Хусниддин Рўзиев туркменистонлик Хонгелди Аллаковни, Обидали Мавлонов туркменистонлик Овозгелди Бердиевни ўз вазн тоифаларида мағлуб этиб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ушбу йўналишда терма жамоамиз аъзоларидан Исломжон Кўлдошев, Элдор Нетьматов, Шаҳзода Эргашева, Дилафруз Мамажоновна кумуш медаль билан тақдирланди. Одилжон Суёнов, Хусан Носиров, Файзулло Умматов, Ҳавасхон Жўрақўзиева эса бронза медалга сазовор бўлди. Кураш бўйича хотин-қизлар ўртасида ҳамюртимиз Раҳима Йўлдошева биринчи ўринни эгаллади. Енгил атлетикачи Елена Смолянова ядрони 15.60 метрга улоқтириб, мусобаканинг кумуш медалига сазовор бўлди. Еттикураш баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Марат Ҳайдаров бронза медал соҳиби бўлди. Таэквондо баҳсларида Ниёз Пўлатов, муайтайда эса Уббинийез Тўраниёзов шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Оғир атлетика бўйича куч синашган Достон Ёкубов ва Муаттар Набиева терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални қўшиб қўйди,

22 СЕНТЯБРЬ

Жиззах шаҳрида «Silk Expert processing» инак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси пойдеворида тамал тоши қўйилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ходимлари, Буюк британиялик инвесторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Жиззах шаҳри Сайилжойи маҳалласида барпо этилаётган қўшма корхонанинг лойиҳа қиймати 5 миллион долларга тенг. Корхона биринчи босқичда йилига 144 тонна қурук пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бу кўрсаткични 2021 йилга бориб 576 тоннага етказиш режалаштирилган. Шунингдек, йилига 374 тонна хом пилла қайта ишланади. 2021 йилга бориб бу қувват 1 минг 498 тоннага етказилади.

Туркменистонда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг кураш бўйича баҳслари давом этди.

81 килограммгача вазн тоифасида полвонимиз Камолиддин Расулов яманлик Муҳаммад Хусайн Ал-Жаррахни, ярим финалда туркменистонлик Муҳаммад Темировни мағлубиятга учратди. Финал беллашувида Камолиддин Хитой Тайпейи вакили Та Чун Хуанг устидан 5:0 ҳисобида зафар кучиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Давлат Абраев ва Кумуш Йўлдошева ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Гавҳар Худойкулова бронза медал билан тақдирланди. Оғир атлетикачилар мусобақасида Шаҳзод Худойберганов кумуш, таэквондочилар баҳсида Шухрат Салаев бронза медал соҳиби бўлди.

23 СЕНТЯБРЬ

Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов Самарқандга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида юқори мартабали меҳмонни Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Туробжон Жўраев кутиб олди.

Қашқадарё вилоятида Ҳисор конлари гуруҳининг янги объектлари ишга туширилди.

«Жануби-Ғарбий Ҳисор» лойиҳаси доирасида йилига 4,4 миллиард куб метр газни комплекс тайёрлаш қувватига эга қурилма, газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси, олтига газ йиғиш пункти ишга туширилди. Объектларнинг ишга туширилиши Ҳисор конлари гуруҳида газ қазиб олиш ҳажмини йилига 5 миллиард куб мет-

рга етказиш имконини беради. Жаҳоннинг йирик нефть-газ корпорацияларидан бири бўлган «Лукойл» мамлакатимизда истиқболли конларни кидириш, ўзлаштириш ва углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш каби қатор инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошироқда. Мазкур компания мамлакатимиз ҳудудида ўз фаолиятини «Қандим-Ҳаузак-Шоди-Қўнғирот» ва «Жануби-Ғарбий Ҳисор» лойиҳалари бўйича маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим асосида олиб боради. Бугунги кунда «Лукойл»нинг юртимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди.

Туркменистонда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича давом этаётган V Осиё ўйинларида спортчиларимиз навбатдаги медалларни қўлга киритди.

Белбоғли кураш бўйича вазни 55 килограммгача бўлган хотин-қизлар ўртасида Манзурой Мўйдинова покстонлик Хумайра Ошиқ, туркменистонлик Лочин Бадағлиева, индонезиялик Путри Диан Раҳманиахни мағлубиятга учратиб, финалда мезбонлар вакили Маржон Инатуллаева билан қарши куч синашди. Манзурой сўнгги ҳал қилувчи беллашувда Маржонни катта устунлик билан енгиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Шерзоджон Раҳимов, Абдурашул Ҳабибуллаев, Элдор Неъматов, Обидали Мавлонов, Саҳобат Шералиева, Гулмира Исматова ўз вазн тоифаларида шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади. Кураш бўйича ўтган баҳсларда Муҳсин Хисомиддинов, Илҳом Жўраев, Шухратжон Арслонов, Гулнора Сулаймонова, Дилдора Шерматова барча рақибларини енгиб, терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни қўшиб қўйди. 50 метр масофага эркин усулда сузиш баҳсларида истеъдодли спортчимиз Хуршиджон Турсунов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, вазни 85 килограмм бўлган оғир атлетикачилар ўртасида Улуғбек Алимов иккинчи поғонани эгаллади. Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларида ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси 16 олтин, 19 кумуш ва 42 бронза медаль жамғариб умумжамоа ҳисобида учинчи поғонада бормоқда.

Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов мамлакатимизга ташрифи доирасида Самарқанддаги

муқаддас қадамжо ва тарихий обидалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов мангу қўним топган масканни зиёрат қилди, Буюк Йўлбошчимиз қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди. Шаҳардаги Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони ва Мирзо Улуғбек расадхонасини томоша қилди. Имом Бухорий мажмуаси зиёрати Татаристон Президенти учун Самарқандга ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Татаристон Республикаси Президенти Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида мамлакатимизда истиқомат қилаётган татар миллатига мансуб юртдошларимиз билан учрашди, Татаристон санъат усталари иштирокидаги концерт дастурини томоша қилди.

25 СЕНТЯБРЬ

«Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ноқонуний амалга оширилишига йўл қўймаслик, атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш, шунингдек, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида «Корея – Ўзбекистон» парламент дўстлик ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилган. Томонлар парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашди.

Корея Республикаси делегацияси аъзолари Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топширигига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган «яшил йўлак» доирасида Россия бозорига етказиб берилаётган ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг тури ва ҳажми кенгайиб бормоқда. Россия ташкилот ва компаниялари ҳар йили Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу ойнинг бошида бўлиб ўтган навбатдаги ярмарка якунида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди. Учрашувда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва замонавий савдо-логистика инфратузилмасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновни қабул қилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уник мазмун билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновнинг ташрифи доирасида пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доираларининг қўшма бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Форумда Татаристоннинг 50 га яқин компанияси вакилла-

ри Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг нефть-газ, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти, амалга оширилаётган изчил ислохотлар, яратилган сармоявий муҳит ва имкониятлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самаралари билан танишди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси ва Татаристон Республикаси Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, туризмни ривожлантириш, ахборот-коммуникация, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди. Рустам Миннихонов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа идораларда музокаралар ўтказди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг Ўзбекистонда яшаётганлигининг 80 йиллигига бағишлаб ўзбек ва корейс рангасвир усталарининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада Кёнги тасвирий санъат ассоциацияси рассомлари ўз асарлари билан қатнашди. Улар ижодига оид «Гуллаган олхўри дарахти», «Ажойиб аёл», «Севги гуллари», «Узум мазаси», «Олам уйғунлиги», «Қизил ўрмон ҳиссиётлари», «Куз тафти» каби картиналар билан бирга ўзбек рассомларининг «Осмон отлари», «Оппок тонг», «Нилуфар гуллаган макон», «Яккашоҳ овида», «Муқаддас оила», «Хайрли тонг» асарлари намойиш этилди.

Тошкентда Халқаро хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) таснифига кирувчи «Тошкент опен – 2017» халқаро турнири бошланди.

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўтказилаётган турнирнинг яққаликлар ўртасидаги биринчи даврасида ҳамюртларимиздан Нигина Абдураимова япониялик Нара Куруми билан баҳслашди. Сабина Шарипова эса швейцариялик Штефани Фёгелега қарши кортга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт дав-

лат кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси ва мамлакатимиз сузиш федерацияси томонидан ўтказилган нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Германия, Беларусь, Испания, Филиппин, Украина, Япония терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

«Сув париси» FINA жаҳон кубоги босқичида терма жамоамиз аъзолари «High light» бирлашган гуруҳ ва гуруҳ баҳсларида кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, соло, дуэт ва аралаш дуэтда бронза медаль сохиби бўлди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида гандбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Осиё чемпионлар лигаси мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Унда Ўзбекистон, Эрон, Қозоғистон ва Ҳиндистон жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

Мусобақанинг дастлабки турида «AGMK» жамоаси Қозоғистоннинг «ILE» клуби билан 36:36 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, «Uzbechka» жамоаси Ҳиндистоннинг «India» командасини 37:31 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, Қозоғистоннинг «Almaty» ва Эроннинг «Larestan» жамоалари баҳси 23:19 ҳисобида яқунланди. Мусобақанинг иккинчи турида қуйидаги натижалар қайд этилди: «ILE»-«Almaty» - 32:27, «Larestan»-«Uzbechka» - 23:20, «AGMK»-«India» - 45:27.

Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Токаев бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрига келди.

Меҳмонларни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б.Алихонов, Самарқанд вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Т.Жўраев кутиб олди.

Қозоғистон парламенти вакиллари Самарқанд билан танишувни Ҳазрати Хизр мажмуаси зиёратидан бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабрига гул қўйди. Қуръон тиловат қилинди.

26 СЕНТЯБРЬ
«Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

«Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарорига мувофиқ ҳамда олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюнни қабул қилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири экани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ҳам ўзаро, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида фаол ривожланмоқда. Мамлакатимизда саноатни диверсификация қилиш ва инфратузилмани модернизациялаш бўйича устувор дастурларни амалга оширишда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган қўшма инвестиция лойиҳалари қиймати 7 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Ўзбекистонда қабул қилинган мамлакатни янада ривожлан-

тириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Афғонистон Ислом Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг ташқи алоқалар ва минтақавий ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи Моҳаммад Қосим Лудин бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Афғонистоннинг ваколатли идоралари томонидан кўриб чиқиладиган ҳукуматлараро битимлар лойиҳалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Афғонистон Элчиси Сайид Шаҳобиддин Тимурий ташқи ишлар вазирлигидаги суҳбатда иштирок этди.

Тошкент шаҳрида «Ҳамкорликнинг янги уфқлари» мавзuida Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг форуми бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган секция мажлисларида «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш», «Туризм – ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантирувчи куч сифатида», «Минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда транспорт ва логистика» каби мавзуларга оид маърузалар тингланди. Форум доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ўртасида халқаро тижорат арбитражи ва медиация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, 2018-2019 йилларда Россия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ва Ўзбекистон – Россия ишбилармонлар кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум низомларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси («Йўл харитаси») имзоланди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганлигининг 80 йиллигига бағишлаб кўрғазма очилди.

«Korean Festival-2017» доирасида ташкил этилган ушбу кўрғазма мамлакатимизда аҳил-иноқ яшаб келаётган корейс миллатига мансуб юртдошларимиз вакиллари – таниқли рассомлар Николай Шин, Николай Пак, Анатолий Лигай, Александр Ли, Искра Шин, Лана Лим, Елена Ли, Владимир Ким, Татьяна Ли, Светлана Шин, Светлана Цой ижодига бағишланган. Кўрғазмада муаллифларнинг рангтасвир, графика йўналишларидаги бир юз элликка яқин асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Туркменистонда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг эркин кураш баҳсларида юртдошимиз Давид Модзманашили тожикистонлик Фарҳод Анакулов, эронлик Ядаллоҳ Моҳеби, қозоғистонлик Даулет Шабанбай, хитойлик Вуренбилгани мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Умиджон Исманов эркин курашчилар ўртасида кумуш, Ихтиёр Наврўзов ва Севара Эшмуратова бронза медал соҳиби бўлди. Оғир атлетика бўйича куч синашган Рустам Жангабоев даст кўтаришда 199 килограмм, силтаб кўтаришда 243 килограмм, жами 442 килограмм натижа кўрсатиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Баскетбол (3x3) бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси финалга қадар барча рақибларини енгди ва кумуш медални қўлга киритди. Самбо беллашувларида Олим Худойкулов кумуш, Улуғбек Ҳакимов, Ирина Кулакова бронза медал билан тақдирланди. Кикбоксингда Ҳумоюн Фармонов, теннис бўйича эса Фарруҳ Дўстов ва Санжар Файзиев яққалик баҳсларида учинчи ўринни эгаллади. 100 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида иштирок этган истеъдодли спортчимиз Алексей Тарасенко марра чизигини учинчи бўлиб босиб ўтди.

27 СЕНТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Токаев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорлик, жумладан, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йилнинг 21-27 сентябрь кунлари Қирғизистоннинг Боткен шаҳрида Ўзбекистон-Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Хукуматлари делегациялари ишчи гуруҳларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5-6-сентябрдаги Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи давомида тузилган Ўзбекистон-Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация қилиш бўйича Шартномада келтирилмаган чегарадаги бошқа участкаларни белгилаш давом эттирилди. Анъанавий дўстлик ва конструктив руҳда бўлиб ўтган музокаралар якунига кўра Баённома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда мамлакатимизда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз яшай бошлаганининг 80 йиллиги муносабати билан фестиваль ташкил этилди.

Маданият анжумани пойтахтимизнинг «Зарқайнар» мажмуасида корейс миллий либослари намоиши билан бошланди. Тадбирда мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик ва идоралар, маданият ва санъат ихлосмандлари, ёш ижодкорлар, дизайнерлар ва рангтасвир усталари иштирок этди.

Пойтахтимизда «Korea festival – 2017» тадбирлари ўтказилди.

Модалар тақдимоти дизайнер Жун Хо Кан томонидан яратилган анъанавий либослар намоиши билан бошланди. Мазкур либослар миллий ва замонавий андозалар уйғунлигини ўзида акс эттиргани билан ажралиб турди. Тинчлик ва дўстлик, инсон ва табиат, ўтмиш ва бугун, эзгулик, гўзаллик тараннуми сифатида янграган корейс миллий куй-қўшиқлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Фестиваль доирасида корейс халқининг бой тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қиладиган ранг-баранг тақдимотлар, модалар намоиши, кино кечалари, қўшиқчилик ва рақс санъати байрамлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон футбол федерацияси вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон футбол федерацияси раиси У.Аҳмаджонов ва бошқалар мамлакатимизда футболни ривожлантириш, ёшларнинг футбол билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Анжуманда ўтган йиллар давомида ўзбек футболда эришилган натижа ва ютуқлар қайд этилган ҳолда, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида футболда туб ислохотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Туркменистонда Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари давом этди.

Жанговар самбо бўйича 68 килограммгача вазн тоифасидаги спортчилар беллашувида иштирок этган Зафар Аллаберганов Индонезия, Туркменистон ва Қозоғистон вакилларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Толмас Тўқлиев ва Санжар Неъматов бронза медал билан тақдирланди. Самбо бўйича вазни 82 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида Улуғбек Раҳмонов учинчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида Маликабону Мирзаева ва Гулмира Исмадова ҳам шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кумуш медалга сазовор бўлди. Кикбоксинг бўйича ўтказилган беллашувларда Жавохир Элбоев ва Жаҳонгир Хусанов иккинчи ўринни эгаллади. Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мусобақада Мўминжон Абдуллаев, Ислон Баҳромов, Элмурод Тасмуродов ва Арам Варданян бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасидаги жамоавий блиц мусобақасида Нодира Нодиржонова ва Ирина Геворгяндан иборат терма жамоамиз бронза медал билан тақдирланди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг пичоқ билан жанг қилиш ҳамда пичоқ улоқтириш бўйича чемпионати бошланди.

65 килограммгача бўлган вазн тоифасида Шимоли-ғарбий ҳарбий округи вакили Редван Усаинов Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи вакили Отабек Сирожиддинов устидан ғалаба

қозонди. Шарқий ҳарбий округ вакили Шаҳзод Ҳакимов Ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХХМ) ва Ҳарбий ҳаво кучлари (ХХК) қўшинлари жамоаси аъзоси Соҳибжон Сулаймоновни муддатидан олдин мағлубиятга учратди. Бўлажак зобитлар – Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти (СОҲАҚМБЮ) курсанти Сирож Самандаров ҳамда Қуролли Кучлар академияси курсанти Козимжон Исмоиловлар ўртасидаги баҳс биринчи раунддаёқ СОҲАҚМБЮ вакили ғалабаси билан якунланди. 70 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги спортчилар беллашувида ЖФМҲО вакили Жавлон Тоғаев биринчи жангда СОҲАҚМБЮ курсанти Рафиқ Исроиловни мағлуб этди. Қуролли Кучлар академиясидан Сирожиддин Абдуҳалилов ШФҲО вакили Мухриддин Нуриддинов устидан зафар қучди. Чемпионат дастуридан 3, 5 ва 7 метрлик масофалардан пичоқ улоқтириш бўйича ғолибларни аниқлаш ҳам жой олган. Беллашувлар шанба куни ўз ниҳоясига етади.

28 СЕНТЯБРЬ

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан ҳамкорлигининг ташкилий- ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнида ва ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси иштирокининг самарадорлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини бажаришда Ҳукумат масъулиятини кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида хорижий сармоя иштирокидаги «Moderin lift systems» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Гулистон шаҳрида барпо этилган мазкур корхонанинг лойиҳа қиймати 5 миллион долларга тенг. Сармоянинг 90 фоизи хориж инвестицияси, қолган қисми маҳаллий сармоядорлар ҳиссасига тўғри келади. Йилига 300 дона лифт, 200 дона эскалатор ва траволатор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона иш бошлаши билан касб-ҳунар коллежини битирган 25 нафар ёш мутахассиснинг доимий бандлиги таъминланди. Хитойлик мутахассислар кўмагида қайта малака оширган бу йигит-қизлар замонавий технологияларни бемалол бошқармоқда. 2018 йили корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати уч баробар ошади ва яна 75 янги иш ўрни яратилади.

Алишер Навои номидаги Кино саройида Жанубий Корея кинолари фестивали очилди.

Маданий анжуман Ли Хван Гён томонидан суратга олинган «Еттинчи камерадаги мўъжиза» фильми билан бошланди. Унда оилавий муносабатлар, ёшлар ҳаёти, садоқат ва инсон иродаси ҳақида ҳикоя қилинади. Мамлакатимиз кино ихлосмандлари тадбир кунлари Жанубий корейлик киноижодкорларнинг «Қирол тикувчиси», «Абадий» ва «Можаро сабабчилари» фильмларини томоша қилиш имконига эга бўлишади.

Тошкент шаҳрига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Россия бўйича бошқарувчи директори Наталя Ханженкова бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Делегация ташриф дастуридан Олий Мажлис Сенати, ташқи ишлар, молия, иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва коммуникациялар вазирликлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидаги учрашувлар ва музокаралар ўрин олган. Делегация, шунингдек, Навоий шаҳрига ташриф буюриб, у ерда «Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик ва ўрта бизнес субектлари билан ҳамкорлик механизмлари» тренинг-семинарида иштирок этади, дейилади хабарда.

29 СЕНТЯБРЬ

«Биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор валютани тартибга солиш соҳасида давлат сиёса-

ти самарадорлигини янада ошириш, ишбилармонлик мухитини яхшилаш, шунингдек, биржа ва кўрғазма-ярмарка битимлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг шаффоф механизмларини шакллантириш мақсадида қабул қилинди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ черковининг Москва Патриархати делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Делегация аъзолари ташрифни пойтахтимиздаги Свято-Троицкий Никольский аёллар монастирини зиёрат қилишдан бошлади. Христиан динига эътиқод қилувчи юртдошларимиз учун яратилган шароитлар мисолида Ўзбекистонда бағрикенглик, диний ва миллатлараро тотувликни таъминлашга доир инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорликка гувоҳ бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита ҳамда Мусулмонлар идораси раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Делегация аъзолари ташриф давомида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлади. Тошкент епархиясининг 145 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ташкил этиладиган тантанали тадбирда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди.

Патриарх Кириллнинг ташрифи мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди. Рус православ черкови Ўзбекистон – Россия муносабатларини мустаҳкамлашда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш, маънавий қадриятларимизни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга кўмаклашишга тайёр экани қайд этилди.

«Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фискал хотирали назорат-касса машиналар қўлланишини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишни тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида Антон Чехов номидаги Москва бадий театрининг ижодий сафари ушбу жамоанинг «Хонадон» спектакли намойиши билан бошланди.

Москва бадий театри халқаро театр жамоатчилигида ўзига хос бой тажриба, ижодий нуфузга эга бўлган маърифат масканларидан саналади. Ижодий гастроль давомида театрнинг «Хонадон» ва «Тарози» спектакллари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

30 СЕНТЯБРЬ

«Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинди. Фанмонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар) лардаги бўлимлари ташкил этилди.

«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти-ни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор халқ таълими тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, вазирлик фаолиятини умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш, таълимнинг бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда масъулиятини ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш орқали таълим сифатини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш шароитларини яратиш, давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабгача таълим муассасаларининг янги шаклларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

ОКТАБРЬ

1 ОКТАБРЬ **Туркистон саройида Тошкент епархиясининг 145 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик меҳмонлар ва христиан динига эътиқод қилувчи юртдошларимиз иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент епархиясининг 145 йиллиги муносабати билан табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р.Комилов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистонда динлараро фаол мулоқот майдони яратилгани жамиятдаги барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Тадбирда Ўзбекистон ва Россия санъат усталари, ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

2 ОКТАБРЬ **«Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.**

Мазкур Қарор юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фискал хотирали назорат-касса машиналар қўлланишини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишни тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

«Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор «Кураш» миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом

турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонида юкори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов билан учрашди.

Мулоқотда мамлакатимизда турли миллат ва дин вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Фуқаролар қонуний манфаатларини таъминлашда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ҳам алоҳида ўрни бор. Марказ томонидан қатор халқаро ташкилотлар билан биргаликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга қаратилган ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликларида ҳам музокаралар ўтказди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ черковининг Москва Патриархати делегацияси мамлакатимизга ташрифи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, муқаддас қадамжо ва тарихий обидалар билан танишди.

Самарқандда меҳмонлар Ҳазрати Хизр мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қабрини зиёрат қилди. Делегация аъзолари, шунингдек, Амир Темур ва Хўжа Дониёр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон мажмуаси ва бошқа тарихий обидаларни ҳам томоша қилди. Шаҳардаги Алексей соборида Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл иштирокида маросим ўтказилди.

Меҳмонлар Бухоро шаҳрида Архистратиг Михаил ибодатхонасига ташриф буюрди. Шунингдек, дунёга машҳур меъморий ва тарихий обидалар сирасига кирувчи Чашмаи Аюб мақбараси, Пойи Калон мажмуаси ва Арк қалъаси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларининг ҳолати таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда аҳолига уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларида иборат иккита махсус ишчи гуруҳ тузилди. 1-ишчи гуруҳ томонидан Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, 2-ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ҳолат ўрганилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига уй-жойлар ва ижтимоий-иқтисодий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини яқунлаш, аҳолини электр, иссиқлик, газ, сув ва бошқа ҳаётий зарур воситалар билан узлуксиз таъминлаш, одамларнинг фаровонлиги ва розилигини ошириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берди.

Сурхондарё вилоятидаги «Termiz Cargo Centre» халқаро логистика маркази негизда ташкил этилган «Termiz kargo» экспорт марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Президент БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, афғон халқининг ўз тақдирини мустақил, тинч йўл билан ҳал қилишига эришиш масаласини халқаро миқёсда кўтаргани бунинг ёрқин далилидир. «Termiz kargo» экспорт маркази мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари билан афғонистонлик ишбилармонлар доирасининг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда ўзига хос дўстлик кўприги вазифасини ўтайди. Замонавий марказда қўшни давлат тадбиркорларига сифатли хиз-

мат кўрсатиш учун барча қулайлик мавжуд. Консуллик вакили, божхона терминали биноси, омборлар қурилган. Бошқа зарур шароитлар яратилган.

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Професионал теннисчилар уюшмаси (АТР) томонидан Хитойда ўтказилган халқаро турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Турнирнинг дастлабки баҳсида Денис германиялик Ян-Леннард Штруфф, иккинчи даврада россиялик Карен Хачанов, чорак финалда АҚШ вакили Жаред Дональдсон ва ярим финалда япониялик Юити Сугитани мағлубитга учратиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Финал баҳсида Д.Истомин кипрлик Маркос Багдатисга қарши кортга чиқди. Учрашувнинг биринчи сетиди 3:2 ҳисобида имкониятни бой бераётган Маркос ўйинни тўхтатди ва мағлубиятни тан олди. Шу тариқа Денис Истомин финал учрашувида ғалаба қозониб, АТР рейтингининг 250 очкосини қўлга киритди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 4 олтин, 2 кумуш медални қўлга киритди.

Вазни 48 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида Бекзод Турдиалиев қирғизистонлик Мақсад Юсупов ва қозоғистонлик Газиз Қанини мағлубиятга учратиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Ҳал қилувчи баҳсда Бекзод мезбон Бахтибек Садирбек ўғлини 3:0 ҳисобида енгди ва олтин медалга сазовор бўлди. Анваржон Сиддиқов, Ҳасан Мусахонов, Иброҳимжон Ортиқов ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Шунингдек, финалга қадар барча рақиблари устидан зафар кучган Азимжон Эргашев ва Лутфулло Ҳабибуллаев терма жамоамиз ҳисобига кумуш медалларни қўшиб қўйди.

3 ОКТЯБРЬ

«Тараққиёт стратегияси» марказида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегациянинг ушбу ташрифи 2017 июнь ойида мамлакатимиз ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ўртасида ишлаб чиқилган ҳаракатлар режаси асосида амалга оширилмоқда. Учрашувда А.Шаҳид Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишувидан кўзланган мақсад, мамлакатимизнинг бу боладаги тажрибаси ҳамда ташриф якунида ишлаб чиқиладиган ҳулосалар ҳақида сўз юритди. БМТ фаолиятида марказий ўрин эгаллайдиган Махсус маърузачилар тизими барча фуқаролик, маданий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларни қамраб олишини, мазкур танишув Ўзбекистон билан Бошқарма ўртасидаги очик ва амалий мулоқотни янада кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди. Делегация аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан учрашди, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида ҳам музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказди.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика, деб таъкидлади Президентимиз. Ўтган давр мобайнида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат «Қадимий Бухоро» ва «Самарқанд сити» туризм ҳудудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда Ўзбекистон – Россия ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э.Ғаниев, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А.Аҳмадхўжаев ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланаётгани, россиялик ишбилармонлар учун Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит, зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Д.Мантуров Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди. Ишлаб чиқариш ва саноатни диверсификация қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар инвестиция муҳити ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришга хизмат қилаётганини қайд этди. Бизнес-форумда ишбилармонлар ўзларини қизиқтирган лойиҳаларни муҳокама қилди. Нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, саноат ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича истиқболли келишувларга эришди.

4 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Унда «Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги давлат чегаралари тўғрисидаги шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Сенат ялпи мажлисида бу тарихий ҳужжатнинг ратификация қилингани ўзбек ва қирғиз халқларининг ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси ветеринария қўмитаси ташкил этилганлиги туфайли янги қонун билан қатор қонунчилик ҳужжатларига, жумладан, 9 кодекс, ўнга яқин қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида қўйилган вазифа ижросини таъминлашга қаратилган янги қонунда юқоридаги қондалар Жинойят-процессуал кодексининг 211-моддасига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун Давлат ветеринария қўмитасининг ҳуқуқий асоси бўлди.

Бу ўзгаришлар ветеринария соҳасидаги фаолиятни бевосита амалга оширувчи ҳамда тадбирлар ва дастурларни рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради. Ушбу соҳада илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария амалиётига жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкент ислом университети ташриф буюрди.

Мамлакатимизда ёш авлодга муқаддас динимизнинг асл моҳиятини ўргатишда Тошкент ислом университети муҳим ўрин тутди.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари университетда нашр этилган илмий-оммабоп адабиётлардан иборат кўргазма билан танишди. Университет Манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзма асарлар, тарихий манбалар, хаттотлик намуналарини кўздан кечирди. Университетда ташкил этилган Таълим, фан ва ма-

даният масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOнинг «Ислом цивилизациясини ўрганиш» кафедраси фаолияти, ўқув жараёни делегация аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонлар университет худудидаги Юнусхон, Шайх Хованди Тохур ва Тўлабий мақбараларини зиёрат қилди.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Кино саройида буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино ҳаётига бағишланган «Шарқдан таралган нур» бадий-ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Режиссёр Шухрат Маҳмудов томонидан суратга олинган «Шарқдан таралган нур» фильми тиббиёт илмининг йирик намоёндаси Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган. Фильмга комусий олим сифатида жаҳонга машҳур Ибн Синонинг буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний билан танишуви асос қилиб олинган. Кинолавҳалар мамлакатимизда, шунингдек, Эрон, Франция ва Россияда тасвирга олинган. Ибн Сино ролини истеъдодли ёш актёрлар Ҳасан ва Ҳусан Солиховлар ижро этган.

5 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев «ЎзэкспоМарказ»да ташкил этилган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Кўргазмада мамлакатларимиз сўнгги йилларда иқтисодий соҳасида эришган ютуқлар, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган компаниялар маҳсулотлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион лойиҳа ва ишланмалари намойиш этилмоқда. Икки мамлакат иқтисодий тармоқлари ўртасида

ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ишлаб чиқариш жараёни такомиллашиши ва маҳсулотларнинг янада оммавийлашишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Кўксарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бошланди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилиниши, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилиши режалаштирилган. Кўксаройда кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги Ўзбекистон – Қирғизистон музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида декларацияни имзолادилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Олий даражада ўтган музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев музокаралар ўзаро англашув ва самимият руҳида ўтгани, томонлар барча стратегик масалалар бўйича ҳамфикр эканини алоҳида таъкидладилар. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, чегарадан ўтказиш

пунктлари очилиб, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар кенгайгани бунда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитларида кадрлар тайёрлашнинг жорий ҳолати, 11 йиллик таълимни жорий этиш, коллежларда таълимни ислоҳ этиш борасидаги долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур ислохотлар самарасида юртимизда умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик таълим тизими жорий этилди. Мажлисида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда соҳага оид қонунларни инвентаризация қилиб бориш, тизимдаги ислохотларга ҳамоҳанг тарзда қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Қўмита томонидан таълим тизимидаги ислохотларнинг бориши юзасидан парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш бўйича муайян вазифалар белгиланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Наманганда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда мамлакатимизда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз яшай бошлаганининг 80 йиллиги муносабати билан «Корея фестивали – 2017» тадбирлари бўлиб ўтди.

Фестиваль Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида истеъдодли ёшларнинг «Ўзбекистон ва Корея дўстлиги» мавзусидаги расм чизиш танлови билан бошланди. Унда шаҳардаги бир қатор умумтаълим ва болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари мавзуга доир сурат чизиш бўйича ижодий қобилятини намойиш этди. Турли тадбир ва танловларда ўқувчиларнинг тасвирий санъат бўйича ижодий машқлари кўرғазмаси кўп ташкил этилди. Вилоят мусиқали драма театрида Жанубий Кореянинг «Last For One B-boy» гуруҳи ва «Когоу» ансамбли ижросидаги корейс миллий ва замонавий мусиқа ва рақсларидан тузилган концерт дастури, корейс киноижодкорлари томонидан яратилган бадиий фильмлар намойиш этилди.

6 ОКТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар кўпгина масалаларни кўриб чиқдилар. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Тошкентда Ўзбекистон – Қирғизистон ишбилармонлари бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Қирғизистон Савдо-саноат палатаси президенти М.Шаршекеев ва бошқалар тарихи, дини, тили, маданияти бир икки халқнинг ўзаро яқин қўшничилик алоқалари, савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бугун юқори руҳда давом этаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегарасига оид шартноманинг ратификация қилингани мамлакатларимиз миллий манфаатларида алоҳида ўрин тутиши, келгусидаги истиқболли ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадам экани қайд этилди. Форумда икки мамлакатнинг 500 дан зиёд давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, фирма, компания ҳамда бизнес доираси вакиллари иштирок этди. Бизнес-форумда автомобилсозлик, уларга техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маиший техника маҳсулотлари каби қатор йўналишларда ҳамкорликка оид 17 ҳужжат имзоланди, қиймати 200 миллион доллардан зиёд шартномалар имзоланди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Исроилнинг Холон технология институти билан биргаликда «Математика ва физиканинг долзарб масалалари» мавзусида халқаро илмий конференция бошланди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Мараҳимов, Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқуллода

ва мухтор элчиси Эдуард Шапира ва бошқалар халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлаш, ёшларнинг билим олишга иштиёқини оширишда илм-фан, маданий-маърифий жабҳалардаги алоқалар муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Конференция давомида комплекс таҳлил ва функционал назария, алгебра, амалий математика, ҳисоб геометрияси, математик моделлаштириш, оптика, умумий физика, рақамли тиббиёт фани, биотехнологик физика ва бошқа қўплаб йўналишлар бўйича илмий муҳокамалар ўтказилиши режалаштирилди.

7 ОКТЯБРЬ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегацияси аъзолари Бухоро вилоятида бўлди.

Меҳмонлар вилоятга ташрифини ислом оламида машҳур нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Улуғ пир қабри олдида Қуръон тиловат қилинди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод масаласи бўйича махсус маърузачиси шу ерда вилоятнинг бир гуруҳ имом хатиблари билан мулоқотда бўлди. Унда ислом тинчлик ва эзгулик дини экани таъкидланди. Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев билан учрашди. Меҳмонлар қадимий Масжиди Калонда ҳам бўлди. Бухоро вилоятида учта диний таълим муассасаси – Мир Араб олий мадрасаси, Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти, Жўйбори Калон аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатмоқда. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси ва делегацияси аъзолари Мир Араб ўрта махсус ҳамда Жўйбори Калон аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртида бўлиб, толиби илмлар ва мударрислар билан учрашди. Мир Араб ўрта махсус ислом билим юртида қадимий хаттотлик санъати намуналари ва толибларнинг «устоз – шогирд» анъанаси асосида араб ёзувининг турфа усуллари пухта эгаллаётгани билан танишди. Аёл-қизлар ислом билим юртида талаба-

ларнинг дарс машғулотларидан сўнг миллий халқ ҳунармандлиги тўғарагида шуғулланиб яратган зардўзлик ва патдўзлик буюмлари кўргазмасини, иш жараёнини кўздан кечирди. Меҳмонлар ташриф доирасида Бухоро шаҳридаги Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

8 ОКТЯБРЬ

Нукусда 6-8 октябрь кунлари Европа киноси фестивали бўлиб ўтди.

Маданият ва санъат байрами Швейцария кинематографлари томонидан яратилган «Хайди» бадийий фильми намоёйиши билан бошланди. Фестиваль доирасида, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Финляндия ва Франция давлатлари киноусталари томонидан яратилган бадийий ва ҳужжатли картиналар, анимацион фильмлар намоёйиш этилди. Германиялик киноижодкорлар томонидан 2015 йилда суратга олинган «Тўрт қирол», франциялик киносанъаткорларнинг 2014 йилда яратилган «Сўнгги гавҳар тош», Буюк Британиянинг 2010 йилда яратилган «Қирол гапиради» бадийий фильмлари, Финляндиянинг «Кўл ҳақида эртақ» ҳужжатли картинаси ҳамда Франциянинг «Қанот қоқиб юбор» мультфильми намоёйиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. «Навойи», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Паркент-фарм» сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Йиғилишда эркин иқтисодий зоналардаги натижалар қониқарли эмаслиги, уларни янада ривожлантириш учун тартиб-таомилларни

соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев таълим соҳасини ислоҳ қилиш, касб-ҳунар таълими тизимини янада ривожлантириш ва олий таълимнинг бакалавр йўналишига қабул бўйича тест синовларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада замонавийлаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўқув юр்தларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантириб борилади. Президент соҳада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш бўйича ота-оналар ва ўқувчиларнинг фикрларини инобатга олиш, улар билан «очик эшиклар» куни каби тадбирлар ташкил қилиб, турли учрашувлар ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

9 ОКТЯБРЬ

Андижонда «Korean Festival – 2017» фестивали тадбирлари бўлиб ўтди.

Фестиваль тадбирлари вилоят қўғирчоқ театрида «Ўзбекистон – Жанубий Корея дўстлиги» мавзусидаги расмлар кўргазмаси билан бошланди. Унда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғараклари аъзоларининг корейс ва ўзбек миллатининг ўзига хос кадриятлари, анъана ва урф-одатлари, икки халқ турмуш тарзини ифодаловчи асарлари намойиш этилди. Фестиваль доирасида Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида андижонлик ва Жанубий корейлик санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Корейс киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Етти камерадаги мўъжиза» фильми намойиш этилди. Фестиваль доирасида «Қирол тикувчиси», «Ҳамиша» номли корейс фильмлари намойиш этилди.

«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 олтин, 2 кумуш ва 9 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. 73 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Ғиёсжон Бобоев ҳамда 90 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида Дилшод Чориев шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой эгаллади. Шунингдек, Болтабой Болтаев, Шарофиддин Болтабоев, Ҳикматиллох Тўраев, Давронбек Сатторов, Сардор Нуриллаев, Бекмурод Олтибоев, Шарофиддин Лутфуллаев, Яхё Имомов ва Шерали Жўраев ўз вазн тоифаларида бронза медални қўлга киритди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда қатнашди.

75 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Исроил Мадримов озарбайжонлик Исмоил Ҳусайнли, россиялик Ризвон Эликхонов ва қозоғистонлик Алмаз Глеубергенов устидан ғалаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Исроил мутахассислар томонидан турнирнинг энг яхши боксчиси дея эътироф этилди. Шунингдек, финал жанглирида боксчиларимиздан Маҳмуд Ғоипов, Элнур Абдураимов ва Баҳодир Жалолов қозоғистонлик Қанағат Маралов, Дилшод Нурим ва Ойбўлди Дауренулини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Мусобақада Отабек Холматов ва Мадийр Саидрахимов кумуш медалга сазовор бўлди. Мироншоҳ Иброҳимов, Муроджон Аҳмадалиев, Санжар Турсунов эса терма жамоамиз ҳисобига бронза медални келтирди.

Шу тариха боксчиларимиз нуфузли мусобақада 4 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида жаҳон кубоги ўтказилди.

Нуфузли мусобақада 30 га яқин давлатдан келган полвонлар 13 вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди. Кескин ва мурасасиз баҳсларга бой ўтган чемпионатда Шухрат Бобоев, Шерзод Намозов, Феруз Саидов, Парвина Самандарова ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Спортчиларимиз Нурбек Мирзаев, Васида Алибоева, Севинч Салаева кумуш медални қўлга киритган бўлса, Шариф Халилов, Ширин Шарипов, Ферузахон Юсупова, Гулрух Раҳимова бронза медал билан тақдирланди. Чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси 4 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

10 ОКТЯБРЬ
«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра, «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилиши белгиланди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегацияси аъзолари 9-10 октябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасида бўлиб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари, бу ерда яратилган шароитлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш

жараёни билан танишди. Делегация аъзолари, шунингдек, Қорақалпоғистондаги диний таълим муассасаси – Муҳаммад ибн ал-Беруний номидаги ўрта махсус ислом билим юртида ҳам бўлди. Меҳмонлар ташриф доирасида «Сахро Луври» номи билан машҳур И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида ҳам бўлиб, Оролбўйи халқларининг қадим тарихи ва маданиятига оид қимматбаҳо осори-атиқалар билан танишди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли rassom Имяр Мансуровнинг «Кўҳна Туроннинг шонли ўтмиши» деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазма И.Мансуровнинг кўп йиллик ижод маҳсули бўлиб, уларда тарихий лавҳалар жонлангандай бўлади. «Кушон шаҳзодаси меҳмонлари билан овда», «Олтин одам. Жанг», «Кушон шаҳзодаси малика билан», «Амир Темур», «Афросиёб», «Ипак йўли», «Ғалаба билан қайтиш», «Тўмарис», «Афросиёб маликаси», «Бибихоним» каби картиналарида буюк тарихимиз ранглар, деталлар, мимикалар, ҳолатлар орқали моҳирона талқин этилган. Кўргазмада rassomнинг эллиқдан ортик рангтасвир асари намойиш этилди.

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Қирғизистонда ўтказилган халқаро турнирда 15 олтин, 13 кумуш ва 12 бронза медални қўлга киритди.

Мусобақанинг турли масофага югуриш баҳсларида Азамат Тауров, Мирсаид Қаҳҳоров, Хислатжон Муроджонов, Хуснида Аҳмедова, Мадина Хусанова марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Шунингдек, 100 метрга эстафета баҳсларида терма жамоамиз олтин медални қўлга киритди. Қизлар ўртасида ядро ва найза улоқтиришда Махлиё Тожиалиевага тенг келадиган топилмади. Носирбек Бекатов найза улоқтиришда, Меҳрож Маматқулов ядро улоқтиришда шохсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. Узунлик ва баландликка сакрашда Зебо Жумабекова, Диёр Мансуржонов ва Саидали Саиднабиев ғолибликни қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзолари Бекзод Насайдинов, Маҳмуд Қаршибоев, Вадим Чкалов, Асадбек Сулаймонов, Шухрат Азимов, Умид Абдураимов, Маъмуржон Маматазимов, Азиза Раҳматуллаева, Дилбархон Абдулхамидова, Гулшода Қосимова, Фариза Абдувалиева, Шохсанам Хуррамова, Фариди Яшинова ва Одина Хусанова югу-

риш, тўсиқлар оша югуриш, найза ва ядро улоқтириш, баландликка ва узунликка сакраш баҳсларида совриндорлар қаторидан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига борди.

Президентимизни Сочи халқаро аэропортида Россия Федерацияси расмий доиралари ва МДХ Ижроия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

11 ОКТЯБРЬ

Сочи шаҳрида ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сочи шаҳрида ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенко-ни Ўзбекистонга таклиф этди.

Сочи шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди. Шундан сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилиниши, 2018 йилда МДХга раислик қиладиган мамлакат масаласи кўриб чиқилиши, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Москвада бўлиб ўтган «ШХТ – Афғонистон» мулоқот гуруҳининг мажлисида иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Хитой ва Ўзбекистон – вакиллари Афғонистон Ислом Республикаси делегацияси билан биргаликда Афғонистон ва унинг атрофидаги вазият ва уни тартибга солиш йўллари тўғрисида фикр алмашди. ШХТ ва Афғонистон ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДХ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16

июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Қўшма корxonалар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси Глобал тадбиркорлик тармоғининг Ўзбекистондаги вакили сифатида ўзини бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмаси Глобал тадбиркорлик тармоғи доирасида ташкил этиладиган тадбирлар орқали Ўзбекистонда тадбиркорлик экотизимини яратиш, халқаро тажриба ва ёндашувларни жорий этишни мақсад қилгани таъкидланди. Глобал тадбиркорлик ҳафталиги тадбиркорлик экотизимининг барча иштирокчиларини бирлаштириш, шу йўналишда таълим бериш орқали бизнесни ривожлантиришнинг замонавий ва халқаро амалиёти ҳақида маълумот бериш, Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқиш учун ўзига хос платформа вазифасини ўтайди.

12 ОКТЯБРЬ
Тошкентда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи яқунларига бағишланган матбуот

анжумани бўлиб ўтди.

БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация 2-12 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Ташриф давомида делегация Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимизнинг бу борадаги ижобий тажрибаси билан яқиндан танишди. Махсус маърузачи Ўзбекистонда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар, 140 га яқин миллий маданий марказ эмин-эркин фаолият юритаётгани, юртимизда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлаш, диний маросимларни адо этиш учун зарур шароит яратиш, динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилаётгани ютуқ эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳидни қабул қилди.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли Ҳаракатлар стратегияси ва БМТ билан кенг кўламли ҳамкорлик дастурининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди. БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик бўйича янги босқичда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади.

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин «Tashkent Challenger – 2017» турнирининг чорак финалида беларуслик Владимир Игнатик билан куч синашди.

Денис ўзининг аниқ ва кучли зарбалари орқали В.Игнатикни ҳариккала сетда 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунингдек, чорак финалнинг иккинчи учрашувида испаниялик Гильермо Гарсия-Лопес чехиялик Вацлав Шафранек устидан 6:3, 6:3 ҳисобида зафар кучди. Турнирнинг ярим финал учрашувида Денис ва Гильермо ўзаро куч синашадиган бўлди.

13 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида sanoat va ijtimoiy soxa obyektlari, aholini tabiiy gaz, elektr energiyasi bilan uzluksiz ta'minlash, bu boradagi qarzdorlikni bartaraf etish, ushbu iynalishdagi amaliy chora-tadbirlarga ba'gishlangan iynilish b'lib utdi.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузурида ташкил этилган Мажбурий ижро бюросининг асосий вазифалари фойдаланилган энергия ресурслари учун қарздорликни кескин камайтириш, электр энергияси ва табиий газ тармоқларига ноқонуний уланишларнинг олдини олиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашдан иборатлиги айтиб ўтилди. Танкидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда Мажбурий ижро бюроси фаолияти, қарздорликларни ундириш, ҳуқуқбузурликларни фош этиш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Ришта» номли бадий фильмнинг премьераси б'либ ўтди.

Кинорежиссёр Мирмақсуд Охунов томонидан суратга олинган «Ришта» бадий фильми ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади. Фильмда Ватанга, ота-онага ҳозирги баъзи бир ёшларнинг муносабати, уларнинг муаммо ва ютуқлари, турмуш тарзи, миллий кадриятларимиз ранг-баранг тасвирларда очиб берилган. Кинолавҳалар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида суратга олинган. Бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов, шунингдек, Нигина Анорбоева, Адиз Ражабов, Жамшид Ғаниев, Шарофат Ҳасанхўжаева, Жаҳонгир Хўжаев ва Гулрух Зокирова ижро этган.

Ўзбекистон терма жамоаси Венгрияда қўл жанги б'йича катталар ўртасида ўтказилган Европа очик чемпионатида 5 олтин ва 1 кумуш медални қўлга киритди.

20 га яқин давлатдан келган 200 спортчи иштирок этган мусобақада Олим Нормуродов, Муҳиддин Мамажонов, Жаҳонгир Жумаев, Ҳасан Бозоров, Жамшид Раҳмоналиев олтин, Ботир Хўжабеков эса кумуш медал сохиби бўлди.

Қозоғистонда теннис б'йича ўсмирлар ўртасида ўтаётган халқаро турнирнинг яққалик баҳсларида теннисчимиз Ясмينا Каримжонова россиялик Екатерина Никифорова ва Ирина Шетининани мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Спортчимиз Одил Каримов жуфтлик баҳсларида канадалик Глеб Блекер билан бирга финал учрашувида мусобаканинг бош соврини учун россиялик теннисчилар Александр Бинда ва Даниил Спасибога қарши кортга чиқди.

14 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида Хоразм вилоятига борди.

Хоразм йирик sanoat korxonalari, transport va kommunikatsiya tizimlari, kichik biznes salohiyati bilan mamlakatimiz tarakkietida muhim urin tutaди. «GM Uzbekistan» aksiyadorlik jamiyatining Xorazm filiali, «UzXMG» ekskavator zavodi, «Ўзтекс Шовот», «Хоразм маиший техника» korxonalari, «Хоразм шакар» қўшма korxonasiда ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Президент Хоразм вилоятига ташрифини Урганч халқаро аэропортида бажарилган реконструкция ишлари билан танишишдан бошлади. Давлатимиз раҳбари топириғига мувофиқ аэропортда расмий делегациялар, хорижий меҳмонларни кутиб олиш учун зарур шароит яратилмоқда.

Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хоразм вилояти суғорма деҳқончилиги тарихи бундан тўрт минг йил аввалги даврга бориб тақалади. Мазкур лойиҳага қўра вилоятдаги Тошсоқа, Шовот, Полвон Ғазовот ва Ғазовот магистрал ва хўжаликлараро каналларининг 120 километри реконструкция қилинди. Режадаги 607 гидротехник иншоотдан 318 таси янгидан қурилди. Бу ишлар натижасида 279 дона насос агрегатларидан воз кечилиб, кишлоқ хўжалик экинлари ўзи оқар сув билан таъ-

минланади ва 31,6 миллион киловатт соат электр энергия иқтисод қилинади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Нурил-лабой сарой мажмуасини кўздан кечирди.

Маълумотларига кўра, мазкур сарой ҳудуди шу ерда яшаб ўтган Нуриллабой исмли савдогарга тегишли бўлган. Мажмуа хорижлик меҳмонларни қабул қиладиган қароргоҳ вазифасини ўтаган. Шунингдек, кўргазмаларда Хоразмнинг XIX-XX асрлардаги тарихий фотосуратлари, биринчи ўзбек кинооператори ва фотосуратчиси Худойберган Девонов олган суратлар ва киноасарлар намойиш этилмоқда. Президент Хива шаҳри меъморчилик обидалари, жумладан, мазкур мажмуанинг бой тарихи ҳақида сайёҳлар ва хорижлик меҳмонларга замонавий услубларга таянган ҳолда сўзлаб бериш, бу билан уларнинг мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинадиган тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпайтириш ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

«Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун 414 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. Кейинчалик ушбу ҳудуд янада кенгайтирилади. Янги эркин иқтисодий зонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари каби қатор йўналишларда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади. Ҳудудда ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича бугунги кунда 25 лойиҳа ишлаб чиқилган. Натижада 1000 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Президент Хива шаҳридаги «Ичан-қалъа» музей кўриқхонаси ҳудудидаги «Пахлавон Маҳмуд» мажмуасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида ушбу ҳудудда бўлди.

Мазкур мажмуага кунига ўртача 400 га яқин зиёратчи келади. Таъмирлаш ва қурилиш ишларини жорий йил охирида якунига етказиш кўзда тутилган. Таъмирлашда барча жиҳатлар эътиборга

олинган. Ҳаво ҳароратининг мўътадиллигини таъминловчи замонавий тизимлар ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари Шерғозихон мадрасасини кўздан кечирди. Бу масканда таълим олган алломалар шарафига ташкил қилинган музей фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Хива туманидаги «Раҳимберган хожи анбар» кўп тармоқли фермер хўжалиги даласида илғор деҳқон ва фермерлар билан суҳбатлашди.

Мулоқотда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, одамлар тафаккури, меҳнатга муносабатида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш, такрорий экинлар экиб, қўшимча даромад топишнинг аҳамияти таъкидланди. Бу ислохотлардан асосий мақсад – одамларнинг даромадини, юрти-миз файзу баракасини оширишдир. Токи ишлаганлар меҳнатининг роҳатини кўрсин, халқимиз бой бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Урганч шаҳрида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенга-шининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз тавсиясига кўра, Хоразм вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Илғизар Собиров Хоразм вилояти ҳокими лавозими-мига тасдиқланди.

15 ОКТЯБРЬ
Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти мусиқали драма театрини бориб кўрди.

Хоразм вилояти мусиқали драма театри 1975 йилда қурилган. Президентимиз ташаббуси билан шу кунларда театр биноси, жумладан, 572 томошабинга мўлжалланган зал капитал таъмирлан-моқда. Театрни ҳақиқий маънавият ўчоғига айлантириш учун аввало яхши асарлар керак, деди давлатимиз раҳбари. Хоразмнинг буюк тарихи бор. Улуғ алломаларимиз, шу билан бирга замонамиз қаҳрамонлари ҳақида сахна асарлари яратиш зарур.

Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида бўлди.

Президент Ёшлар марказида яратилган шароитлар билан

яқиндан танишди. Биз бу каби замонавий иншоотларни кўплаб қуришимиз мумкин. Лекин унинг ичида қандай таълим-тарбия олиш, хунар ўрганиш сиз ёшларнинг интилиш ва ташаббусларингизга боғлиқ, деди давлатимиз раҳбари. Хоразмлик ёшлар бу борда бошқаларга ўрناق бўлиши керак.

16 ОКТЯБРЬ
«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор маданият ва санъат соҳасидаги бошқарув тизимида давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши белгиланди.

«Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикамизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадида қабул қилинди.

Россия Федерациясининг Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодиров амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Рамзан Қодиров Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасига таш-

риф буюрди. Меҳмонга мажмуа таркибидаги Қафқол Шоший мақбараси, Барокхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Гилла Шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ҳудудда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Чеченистон раҳбари Мўйи Муборак мадрасасида сақланаётган Усмон Мусхафини кўрди. Меҳмон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси бўлиб ишлаган, машҳур исломшунос олим Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф қабрини зиёрат қилди. Делегация аъзолари «Artel Engeneering» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирди. «Gold Dried Fruits Export» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Эронда Хитой Тайпейда 2018 йилнинг 6-18 февраль кунлари футбол бўйича бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида саралаш босқичи ўйинлари бошланди.

Ўзбекистон терма жамоаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақасининг «А» гуруҳида Непал, Қирғизистон, Туркменистон терма жамоалари билан баҳслашмоқда. Гуруҳда 1-2 ўринларни эгаллаган жамоалар Осиё чемпионати йўлланмасига эга бўлади. Мамлакатимиз спортчилари саралаш баҳсларининг дастлабки турида Непал терма жамоаси билан куч синашди. Учрашувда вакилларимиз рақибларини 14:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Тошкентда енгил атлетика бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий республика мусобақаси ўтказилди.

Турли масофаларга югуриш баҳсларида Виктория Левина, Санат Нўмонжонова, Карина Абдуллаева, Азиза Миракбарова, Муштарий Усмонова, Руслан Мақсумов, Александр Нувальцев, Худоёр Аҳмедов, Виктор Цуренко марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Найза, ядро ва босқон улоқтиришда Элшод Қувватов, Рашид Содиқов, Аюб Фаёзов, Зебинисо Камолитдинова, Регина Адашбоева, Мавлуда Умаровага тенг келадигани топилмади. Спортча юриш бўйича Асилбек Зокиров ва Диана Яфасова биринчи ўринни қўлга киритди. Узунликка, баландликка ва уч хатлаб сакрашда Жавоҳир

Нориев, Ислом Сибатуллин, Даниил Карл, Ольга Цмейрек, Альбина Раззокова ҳамда Алина Яблокова барча ракибларини ортда қолдирди. Еттикурашда Шахрибону Ғофуржанова ва саккизкурашда Элдор Номозбоев олтин медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида рассом Андрей Есионовнинг «Дарёга икки марта кириш» деб номланган кўрғазмаси очилди.

Истеъдодли рассом Андрей Есионов Тошкентда туғилиб, вояга етган. Унинг болалигидан тасвирий санъатга иштиёқи баланд бўлган. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олган таълим ва устозлар ўғити бўлажак рассом ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

А.Есионов Россия Бадий академияси мухбир аъзоси ва академиянинг олтин медал соҳиби ҳамдир. У Париж, Москва, Санкт-Петербург, Қозон каби шаҳарларда шахсий кўрғазмаларини ташкил этиб, мухлислар эътиборини қозонган. Бугунги кунда унинг асарлари Россиянинг нуфузли музейларида сақланмоқда.

17 Октябрь

Тошкентда Россия кинеси ҳафталиги бошланди.

Ёшлар ижод саройида ҳафталикнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳафталикдан кўзланган мақсад кино санъати соҳасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун қулай имконият яратишдан иборатдир. Россия фильмлари ҳафталиги «Қути» картинаси намойиши билан бошланди.

18 ОКТЯБРЬ
«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, маданият ва санъат соҳаси вакиллари учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли доридармон билан таъминлаш борасидаги ислохотлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Президент 2017 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш масаласига бағишлаб уч марта видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида шифохоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар билан бевосита танишди, замонавий клиникалар қуриш бўйича топшириқлар берди. Соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Кумидон қишлоғида «Замин саховати» совитиш ва музлатиш омборлари мажмуаси иш бошлади.

Айни пайтда мажмуада олма, нок, хурмо, узум, олхўри сингари меваларни сақлашга қўйиш бошланди. Захирага қўйилган бундай маҳсулотларнинг ҳажми 1000 тоннадан ошди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун муассисларнинг ўз маблағи ҳисобидан 770 минг доллар ҳамда банкнинг 970 минг долларлик кредит сармояси сарфланди.

Ўзбекистон халқаро ипакчилик комиссияси аъзо бўлди.

Бу комиссия Бирлашган Миллатлар Ташкилотида рўйхатга олинган тузилма бўлиб, унинг асосий мақсади халқаро кўламда ипакчилик ва ипак саноатини ривожлантиришга қаратилган. Унга аъзо бўлиш, энг аввало, соҳада юз бераётган сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишимизни таъминлайди. Шунингдек, юртимизда ипакни қайта ишлаш ва унинг экспортини кенгайтиришда қўл келади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистон билан Япония ўртасида дипломатик

муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Япониянинг «Но» анъанавий театри актёри Кацуми Нобору томонидан сахналаштирилган «Пардан тайёрланган либос» ҳамда «Ер ўргимчаги» пьесалари намойиш этилди. Етти асрлик тарихга эга «Но» анъанавий театри япон халқининг урф-одатлари, тарихи ва маданиятини ўзида акс эттиради. ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган мазкур қадимий санъат турида ижрочи ўз фикр ва қарашларини рақс, мусиқа, ҳаракатлар ва оҳанг уйғунлигида томошабинга етказди. Тадбирда Кацуми Нобору томонидан Алишер Навоий хотирасига бағишланган сахна кўриниши ҳам намойиш этилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда молиялаштириш учун лойиҳаларни маъқуллади.

Лондонда ЕТТБ Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонда молиялаштириш учун иккита лойиҳа маъқулланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит линияси тақдим этилиши тасдиқланди. Бундан 70 миллион АҚШ доллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқуний қарз олувчиларини, 30 миллион доллари савдо соҳасини молиялаштиришга йўналтирилади. Ушбу кредитдан мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, жумладан, мамлакатимиз минтақаларидаги тадбиркорларни ўрта муддатли молиялаштириш имкониятини яхшилашдан иборат.

19 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا мувофиқ Агрепина Васильевна Шин Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири лавозимига тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференциясининг Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода бошчилигидаги иштирокчилари делегациясини қабул қилди.

Президент ушбу конференция ташкил қилингани ва унинг

ишида хорижий мамлакатлардан нуфузли делегациялар иштирок этгани жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, конфессиялараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганидан далолат эканини алоҳида таъкидлади. Учрашувда бугунги кундаги глобал жараёнлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарлар саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, конфессиялараро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришни тақозо қилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Янги ташкил этилган Мактабгача таълим вазирлиги олдида мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазибалари қўйилди.

Бухорода «Ёқилғи-мойлаш материаллари кимёси ва технологияси соҳасида инновацион ишланмалар» мавзуида II халқаро илмий-техникавий конференция ўтказилди.

Анжуманда МДХ мамлакатларида мойлаш материаллари ишлаб чиқариш ва уларнинг қўлланилиши истиқболлари, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳсулот инновацион турлари ишланмасини яратиш ва улардан фойдаланиш, нефтни қайта ишлашда ёрқин рангли нефть маҳсулотларидан фойдаланишга янгича қарашлар, экологик тоза бензин олиш самарадорлигини ошириш, «Евро-5» стандартидаги дизель ёнилғисини ишлаб чиқаришга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари бизнес форуми бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида ташкил этилаётган бизнес-форумлар савдо-иқтисодий соҳада мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Шунинг учун март ойида Остона шаҳрида ҳамда сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-форумларда умумий қиймати 1,2 миллиард долларга тенг битимлар имзоланди. Бизнес-форум доирасида «Чирчиқ трансформатор заводи» ва Қозоғистоннинг «Alageum Electric» акциядорлик жамиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва бошқа келишувлар имзоланди. Форум давомида В2В шаклидаги мулоқотлар ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида Евгений Пановнинг кўрғазмаси очилди.

Тошкент кўчаси», «Тунги йўл», «Тоғда», «Эски уй», «Чилонзор. Ҳовли» каби қирқдан ортиқ асарини мухлислар эътиборига ҳавола этган график рассом Евгений Пановнинг навбатдаги кўрғазмаси Тошкент мавзусига бағишланди. Бу суратларда рассом пойтахтимиз иншоотлари, кўчалари, йўллари тасвирлар экан, уларда болалик хотиралари билан бугунги ҳаётнинг қиёсий ифодасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Тошкентдаги «Bonum faktum» галереясида «Осиё уйи» деб номланган кўрғазма ташкил этилди.

Тасвирий санъат оламида ўз ўрнини эгаллаган Татьяна Ли ва Мария Ли-Софи навбатдаги кўрғазмасини ўзбек миллий қадриятлари ва анъаналари намойишига бағишлади. Умухлислар эътиборига «Шажара», «Юрак кулфи», «Дуэт», «Лилар оиласи», «Тошкент: кеча, бугун ва эртага», «Графиканинг яраллиши», «Монолог» каби тасвирларни ҳавола этишди.

20 ОКТЯБРЬ
Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар адлия вазирларининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида ШХТга аъзо давлатлар адлия вазирларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги

ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, фуқаролар ва бизнесга юридик хизмат кўрсатиш сифатини изчил юксалтириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, ШХТ маконида инвестицияларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Америка Қўшма Штатларининг ойига 4,2 миллионлик аудиторияга эга «Real Clear World» нашрида «Ўзбекистон янги марраларни кўзламоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақола муаллифи – нашр шарҳловчиси ва «Corsair LLC» консалтинг компаниясининг бошқарувчи директори Жеймс Дурсо. Мақолада қайд этилишича, 2016 йилнинг 4 декабридан, яъни Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти этиб сайланган кундан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди. Экспертнинг фикрича, Ўзбекистонда рўй берган муҳим ички ўзгаришлар қаторида ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш ходимларини пахта йиғим-теримига жалб қилиш тақиқланганини қайд этиш мумкин. Бу борадаги ишларнинг давом эттирилиши Ўзбекистон пахтасини ташқи бозорда сотиш кўламини кенгайтириш имконини беради, деб ҳисоблайди америкалик шарҳловчи. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарияти экспортчилар хориж валютасида олган даромадларининг 25 фоизини мажбурий сотиш амалиётини бекор қилди. Мамлакат фуқаролари чет эл валютасини банкдан сотиб олиш ва сотиш имкониятига эга бўлди.

Самарқанд шаҳридаги «Чорсу» тасвирий санъат галереясида «Буюк Самарқанд» деб номланган кўрғазма очилди.

Кўрғазмадан асосан манзара ва мемориал манзара жанрларида яратилган ижод намуналари ўрин олди. Уларда Самарқанднинг мафтункор табиати, тарихий обидалари, замонавий қиёфаси акс эттирилган. А.Исаев, Д.Раҳимова, А.Фозилов, Н.Колонов, Н. Султонов, В.Повариллисларнинг асарлари намойиш этилди.

Шахмат бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари голиби, халқаро шахмат устаси Жавоҳир Синдоровга Президент совғаси топширилди.

Шу муносабат билан Шахмат бўйича республика ихтисослаш-

тирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов ва бошқалар мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

22 ОКТЯБРЬ Бухорода «Бухоро шаҳар куни» фестивали доирасида «Кўхна ва боқий Бухоро» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Бухоро тарихининг қадимият обидалари, туризмни ривожлантириш ва бунда ҳунармандчиликнинг ўзига хос ўрни, Бухоронинг Шарқ ва Ғарб цивилизациясига қўшган ҳиссаси, Бухоро маънавий тараққиётининг жаҳоншумул шуҳрати, Бухоро шашмақомининг аҳамияти каби долзарб мавзуларда маърузалар қилинди. Бухоронинг «Боқий ва навқирон Бухоро», «Бухорои Шариф», «Тангри сайқал берган шаҳар», «Мадинат-ут-тужжор», «Илмлар маскани», «Рим тенгдоши», «Шарқнинг Парижи» каби ўнлаб номлар билан аталиши айтиб ўтилди.

23 ОКТЯБРЬ Тошкентда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг етмиш олтинчи ялпи мажлиси ҳамда XIII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг энг муҳим тадбирлари реестрига Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ҳам киритилган. Бу эса ушбу ярмарка дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгиловчи нуфузли анжуманлардан бири эканидан далолатдир. Ярмарка доирасида илк бор Жанубий Корея ва Ўзбекистон дизайнерлари иштирокида маҳорат дарслари, тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишни кенгай-

тириш масалалари бўйича семинар ва тренинглари ўтказилиши мўлжалланди. Енгил саноат салоҳияти, жумладан, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турфа либослар намойиши ҳам режалаштирилган.

Ўзбекино» миллий агентлигининг Алишер Навоий номидаги Кино саройида «Ўзбек киноси дурдоналари» зали ишга туширилди.

«Ўзбек киноси дурдоналари» залини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ҳам ёшлар орасида халқимиз қалбидан жой олган дурдона кино картиналарни кенг тарғиб этиш, ихлосмандларнинг афсонавий ўзбек киносининг энг бебаҳо намуналаридан яна баҳраманд бўлиши учун имкон яратиш, ёш киночиларнинг маҳоратини оширишдан иборатдир. Илк ҳафтада намойиш қилиниш учун «Синчалак», «Дилбарим», «Абу Али ибн Сино», «Ёлғиз ёдгорим», «Атроф оппоқ қорга бурканган» каби фильмлар танлаб олинди. Янги кинозалнинг очилишида режиссёр Шухрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний» номли тарихий экран асари намойиш этилди.

Теннисчимиз Жўрабек Каримов Малайзияда Халқаро теннис федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли турнирда ўзининг дастлабки совринини қўлга киритди.

Жўрабек «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда россиялик Александр Малишев, ҳиндистонлик Сураж Прабодх, қозоғистонлик Денис Евсеев ҳамда япониялик Рёта Танумани мағлубиятга учратиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Финалда Ж.Каримов АҚШ вакили Эван Сонгга қарши кортга чикди. Баҳсининг биринчи сетиде тай-брекда ғалаба қозонган теннисчимиз иккинчи сетда 6:2 ҳисобида зафар кучди. Шу тарихда 19 ёшли Жўрабек Каримов мусобақанинг бош совринини қўлга киритди.

24 ОКТЯБРЬ Тошкентда XIII Халқаро Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунланди.

Экспертлар фикрича, мамлакатимизда экологик тоза пахта толаси етиштириш борасида бой тажриба тўпланган. Турли давлатлардан ярмаркада қатнашган 1 минг 500 дан ортиқ мутахассис бу

борадаги ишларни таҳлил қилиб, ўзларига энг мақбул стандартларни белгилаб олиш имконига эга бўлди. 2017 йилдаги ярмаркада Ўзбекистон ўзининг пахта сотиш сиёсатида янги стратегияни қўллади. Хусусан, экспонатларнинг салмоқли қисми тўқимачилик ва энгил саноат корхоналари маҳсулотларидан иборат бўлди.

Ярмаркада «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти қошидаги дизайн маркази модалар кўрғазмасини ўтказди. Унда «Ўзтекс», «Само», «Идеал», «Бонита», «Барчиной», «Чуст текс», «Контекс» корхоналари, «Анор Ателье», «Гигу», «Сабина Назар» каби дизайнерлар гуруҳлари ўз тўпламларини намойиш этди.

Бухорода «Марказий Осиёда ночизиқли динамика кунлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда ночизиқли динамика ва тартибсизлик (чалкашлик) назарияси, беқарор, яъни ўзгарувчан статистик физика, мураккаб тармоқлар ва нейродинамика, мураккаб атмосфера ҳодисалари каби долзарб муаммолар муҳокама қилиниши асносида ўзаро тажриба алмашилди, тавсия ва таклифлар ўртага ташланди. Конференцияда мамлакатимизнинг бир қатор ёш олимлари ўз тадқиқотлари тақдимотини ўтказди.

25 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Туркияга келди.

Анкара шаҳридаги Эсонбуға халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Бекир Боздағ ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк ҳоки қўйилган Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди.

Мустафо Камол Отатурк ўз ватанининг миллий истиқлоли учун курашган ва Туркия Республикасига асос солган инсон сифатида қадрланади. Аниткабир ёдгорлик мажмуаси унинг давлат ва халқ

олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган. Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби Мустафо Камол Отатурк қабрига гул қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди.

Тадбирда Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси раҳбари Т. Чакар ассоциация фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Музокара якунида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжатда қўшма лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, тажриба алмашиш мақсадида экспертлар ва делегациялар алмашиш, қўшма ишчи гуруҳи, мувофиқлаштириш ва маслаҳат кенгашлари тузиш, симпозиум ва семинарлар ўтказиш ва бошқа масалалар кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Туркия Республикаси Президенти саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни кизиктирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон мулоқотни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Унда расмий делегациялар аъзолари, вазирлик ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Йиғилиш яқунлари бўйича ШХТга аъзо давлатлар суд ҳокимияти олий органлари ҳамкорлиги истиқболлари тўғрисида Кўшма баёнот имзоланди.

Нукусда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Айни пайтда Оролбўйи минтақасида 6 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Қўнғирот туманида Пак Гук, Қанликўл туманида Хе Нам, Ли Чун, Чимбой туманида Ким Бон, Ким Моисей, Қораўзак туманида Ким Виктор каби уста деҳқонлар ҳудудда шоли етиштириш бўйича ўзига хос мактаб яратган.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида халқ шoirлари Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган халқаро фестивал, «Орол балиқларидан 99 турдаги таом» гастрономик фестивали ҳамда «Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши» мавзусида халқаро экофестиваль ўтказилди.

И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида ушбу халқаро фестивалларнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида анжуман иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи экспозицияларини томоша қилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг «Орол бобо» спектакли намойиш этилди. Оролбўйи ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий таомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва Орол балиқларидан 99 турли овқат тайёрлашга бағишланган гастрономик фестивал ҳамда «Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши» мавзусидаги халқаро экофестиваль Мўйноқ туманида давом этди.

26 ОКТЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюрди.

Буюк миллат мажлиси Туркия Республикасининг олий қонун чиқарувчи органидир. Унга 1920 йил 23 апрелда асос солинган. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери Исмоил Қахрамон билан учрашди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Президентимиз Буюк миллат мажлиси биноси ва фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шахрига ташрифи чоғида Топкапи саройини бориб кўрди.

XV асрда қурилган мазкур тарихий мажмуа кўп асрлар давомида Усмонлилар сулоласининг саройи бўлган. 1923 йил музейга айлантирилган. Бугунги кунда мажмуада 65 мингдан зиёд экспонат сақланади. Давлатимиз раҳбари сарой тарихи ва музейдаги қадимий экспонатлар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Истанбул шахрида Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Мулоқотда мазкур келишувларни амалга ошириш, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдирим иштирокида икки мамлакат молия ва ишбилармон доиралари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда олий даражадаги мулоқотлар самарасида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имзоланган ҳужжатлар улкан аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Президент ишбилармонларнинг Ўзбекистонда бизнес юритиш борасидаги фикрлари билан қизиқди. Туркиялик ишбилармонлар Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида ўтказилган халқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз ижоди-га бағишланган халқаро фестивалъ, «Орол балиқларидан 99 турдаги таом» гастрономик фестивали ҳамда «Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши» мавзуидаги халқаро экофестивалъ якунланди.

Унда қорақалпоқ халқининг қадимий урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва санъатини ўзида акс эттирган мусиқий театрлаштирилган сахна кўринишлари, ижодий чиқишлар, ўлан ва лапарлар ижроси, жировлар баҳси, миллий либослар намойиши бўлиб ўтди. Танлов якунида балиқдан энг кўп турдаги мазали овқат тайёрлаган Мўйноқ тумани ошпазлари биринчи ўринни эгаллаб, ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Хоразм вилояти ошпазларига берилди. Учинчи ўринга Амударё тумани ошпазлар жамоаси сазовор бўлди. «Энг ёш балиқ ошпази», «Балиқ тайёрлаш бўйича энг тажрибали уй бекаси», «Балиқдан энг яхши таом», «Балиқ таомининг энг яхши рецепти», «Балиқ таомидан энг яхши санъат асари», «Энг яхши балиқ таоми ошхонаси» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, фестивалъ иштирокчилари «Қушлар байрами», «Сайёрамиз сувини муҳофаза қилайлик» мавзуларидаги тадбирларда қатнашди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида «Оиланинг Евро-Осиё маданиятидаги ўрни. XX аср» деб номланган фотокўргазма очилди.

Россия этнография музейи томонидан ҳавола этилаётган фотокўргазма томошабинларни Россия ва Ўрта Осиё халқларининг XIX аср охири ҳамда XX аср бошларидаги ҳаёти билан таништиради. Масалан, фотограф С.Дудиннинг «Шердор мадрасаси яқинидаги кўчада бозор куни» деб номланган сурати 1902 йилда олинган. Қадим Самарқанд ҳаёти акс эттирилган бу сурат аждодларимиз турмуш тарзини ифода этгани билан аҳамиятлидир. Д.Ермаковнинг «Ип йиғириш», В.Машечкиннинг «Буви қизи ва набираси билан», И.Абрамовнинг «Ўрим олдидан» каби саксондан ортиқ фотолавҳада тарихий лаҳзалар акс этган.

27 ОКТЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини янги сифат даражасига кўтариш, хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент вилоятларга ташриф чоғида хусусийлаштирилган корхоналар эгалари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланмаётгани, корхоналарни узок муддатли ривожлантириш билан шуғулланмаётгани, ихтисослашган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилмаётгани, махсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга замонавий технологиялар жорий этмаётганини танқид қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Рогозинни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз етакчи корхона ва компаниялари ўртасида истиқболли қўшма дастур ва инновация лойиҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган саноат кооперациясини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

28 ОКТЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Tashkent City лойиҳаси билан танишди.

Tashkent City халқаро бизнес маркази бўлади. Мазкур замонавий комплекс пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислон Каримов ва Фурқат кўчалари оралиғидаги 80 гектар худудда барпо этилади. Лойиҳага мувофиқ Tashkent Cityда бизнес марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, конгресс-хол, кўргазма

заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, ресторанлар, сунъий кўл, фавворалар, ижтимоий ва бошқа объектлар қурилади. Президент қурилиш участкасида ушбу замонавий марказ лойиҳалари ва режалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шахрининг Кичик халқа йўли ва Фарғона йўли кўчалари кесишган жойда қурилган йўл ўтказгични бориб кўрди.

Йўл ўтказгичнинг эни 30, узунлиги 346 метр бўлган қисми реконструкция қилинди. Эни 22, узунлиги 281 метр бўлган қисми янгидан барпо этилди. Икки томонида пиёдалар йўлакчалари қурилди. Президент ушбу йўл ўтказгич одамларга қанчалик манзур бўлгани, транспорт ҳаракати ва хавфсизлигига қандай таъсир кўрсатгани билан қизиқди. Бундай кўприкларни пойтахтимизнинг бошқа жойларида ҳам қуриш, бунда аввало, хавфсизлик талабларига риоя этиш зарурлигини таъкидлади. Кўприк атрофини ободонлаштириш, пойтахтимиз қиёфасига мос замонавий бинолар қуриш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шахри бўйлаб ер усти халқа метро линияси қурилиши билан танишди.

Умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат мазкур метро йўналишининг 50,5 километри баландлиги 6 метрлик эстакадалар орқали ўтказилади, 1,6 километри ер устида қурилади. 2017-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқичда Тошкент метрополитенининг «Дўстлик» бекатидан Қўйлик бозоригача бўлган қисми қурилади. Узунлиги 11 километр бўлган ушбу қисмда саккизта бекат бунёд этилиши мўлжалланмоқда. Иккинчи босқич Қўйлик бозори билан «Олмазор» бекатини боғлайди. Учинчи босқичда «Олмазор»дан «Беруний» бекатигача бўлган қисм барпо этилади. Кейинги босқичда иншоот «Беруний»дан «Бодомзор» бекатигача қурилади, сўнгги босқичда «Дўстлик» бекатига уланади.

Президент Яшнобод туманидаги «Ватандош» маҳалла фуқаролар йиғинида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари ва фаоллари билан учрашди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда коммунал, йўл-

транспорт, таълим, тиббиёт, фан-техника соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва ечимини кутаётган долзарб масалалар хусусида сўз юритилди. Шавкат Мирзиёев мазкур маҳалладаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дўкониди ҳам бўлди ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар тури ва нархи билан қизиқди.

Андижонда «Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Анжуманда истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг бой маданий мероси, бетакрор археологик ва тарихий ёдгорликлари, миллий кадриятларимизни, айниқса, жаҳон илм-фани тараққиётига, инсоният тафаккурининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизни улуғлаш, улар қолдирган бебаҳо илмий мероснинг тарихий аҳамиятини жаҳон жамоатчилиги эътиборига кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётгани таъкидланди. Анжуманда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Япония, Бангладеш, Афғонистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон каби кўплаб давлатлардан бобуршунос олимлар иштирок этишди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида яратган илмий асарлари ҳамда Бобур ва бобурийлар меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари учун россиялик олима Анна Дыбо, бобуршунослар Мирмахмуд Мирсайдуллаев, Шоқирхон Рустамхўжаев, туркиялик бобуршунос олим Южел Билол Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди.

28 ОКТЯБРЬ
Президент Тошкентнинг Яшнобод туманида қуриб битказилган «Ашхобод сайлгоҳи»ни бориб кўрди.

Умумий майдони 10 гектардан ортиқ бўлган ушбу сайлгоҳга қираверишда қатта фаввора қурилган. Боғдаги хушманзара дарахтлар, замонавий ўриндиқлар ва бошқа қулайликлар киши кайфиятини чоғ қилиб, атроф-муҳитга сўлимлик бахш этади. Президент сайлгоҳ атрофи, унга туташ худудларни янада ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Украина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг

25 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон ва Украина рассомлар нигоҳида» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмада ўзбек рассомлари ва украин миллатига мансуб юртдошларимизнинг тасвирий санъат йўналишидаги ижодидан намуналар намойиш этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, уларда ўзбек рассомлари Украина ҳаёти, табиат манзараларини мўйқаламга олса, ўзбекистонлик украин миллати вакиллари она заминимиз гўзаллиги, тарихий ва замонавий иншоотларини ўзига хос чизгилар ва ранглар билан жилолаганини кўриш мумкин. Шунингдек, таниқли украин ёзувчиси Тарас Шевченко чизган график асарлар репродукцияси ҳам ўрин олди. Кўргазмадан Р.Ризомухамедов, В.Охунов, О.Харченко, Х.Содиқов А.Донец, К.Галицкая, У.Ражабов, Л.Рябцев, Н.Доманцевич каби ижодкорларнинг юздан ортиқ рангтасвир, графика, амалий-безак санъати намуналари жой олган.

31 ОКТЯБРЬ

Халқаро ҳамкорлик марказида «Ўзбекистон – Қозоғистон: дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Форумда қайд этилганидек, иқтисодий, гуманитар, савдо, сармоя соҳасида сезиларли натижаларга эришишда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим ўрин тутди. 2016 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард долларни ташкил қилди. Келгусида савдо айланмасини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Форум якуни бўйича қўшма коммюнике қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизими-ни такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, тегишли вазирлик ва қўмиталар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда спорт соҳаси учун малакали кадрлар ва мураббийлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан муайян ишлар бажарилди. Бу бо-рада асосий билим маскани бўлган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. Натижада институт малакали спортчи ва мураббийларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш учун зарур инфратузилмага эга бўлди, замонавий спорт шаҳарчаси бар-по этиш имконияти яратилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Шароф Рашидов қаламига мансуб «Икки дил достони» асари асосида саҳналаштирилган балет премьераси бўлиб ўтди.

Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» асари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Мазкур асар асосида бадиий фильмлар суратга олинган. Асар асосида озарбайжонлик бастакор А.Меликов либретто яратган.

«Икки дил достони» балетини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Шавкат Турсунов саҳналаштирган. Дирижёр Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Фазлиддин Ёқубжонов. Асарда бош ролларни Нодира Ҳамроева, Дониёр Хасманов, Улуғбек Олимов, Ольга Собирова, Замир Фазлутов ижро этмоқда.

НОЯБРЬ

1 НОЯБРЬ

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ижрочи директори Юрий Федотовни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг «Йўл харитаси» – Амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асосида наркотрафик, жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш ва биргаликдаги ишларни янада кучайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. БМТ Бош котиби ўринбосари нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон билан глобал хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича узоқ истиқболга мўлжалланган ва тизимли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

«Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, ёш халқаро гроссмейстер Нодирбек Абдусатторовга Президентимиз совғаси топширилди.

Шу муносабат билан Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида тадбир бўлиб ўтди. Нодирбек 2011 йили икки йирик мусобақа – Ҳиндистонда мак-

таб ўқувчиларининг Осиё чемпионатида олтин ва Филиппинда ўсмирлар ўртасидаги китъа биринчилигида бронза медални қўлга киритган. 2012 йил Словениянинг Марибор шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган, Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасидаги VIII Осиё чемпионатининг рапид – тезкор шахмат баҳсларида кумуш медал билан тақдирланган. 2014 йили пойтахтимизда ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионатида Нодирбек Абдусатторов ўн ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган, блиц турнирда эса кумуш медални қўлга киритган. Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича 8-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. 2016 йили Россиянинг Сочи шаҳри мезбонлик қилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккита олтин медалга сазовор бўлган. 2016-2017 йилларда Россия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, халқаро гроссмейстер талабини бажарган.

Жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий ноутбук билан тақдирланди.

Халқаро ҳарбий-спорт кенгаши (CISM) бош котиби Дорах Мамби Коита Тошкент шаҳрида амалий ташриф билан бўлди.

Ташриф доирасида меҳмон Ўзбекистон Республикаси Куролли Қучлари давлат музейи ва Олимпия шон-шухрати музейи экспозицияси билан танишди, ҳарбий спортчилар – МХСК клуби аъзолари билан учрашди.

Д.Коита пойтахтимиздаги Осиё дзюдони ривожлантириш маркази, «Бунёдкор» стадиони каби спорт иншоотлари билан танишди.

Нукусда йирик саноат корхонаси →Roodell recovery» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан олинган 4 миллион 705 минг доллар миқдоридagi кредит маблағи эвазига бу ерда чиқиндиларни саралаш ва қайта ишловчи «Roodell recovery» корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширил-

ди. Йилига 146 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, 100 га яқин иш ўрни яратилди.

Тошкентда Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг иждодий сафари бошланди.

Бухоролик театр усталарининг иждодий сафари «Бурч» спектакли билан бошланди. Нурилла Аббосхон ҳамда Валижон Умаров асари асосида режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан сахналаштирилган «Бурч» спектакли миллий армиямизда офицерлар сулоласининг шаклланиши, уларнинг халқимиз тинч ва осуда ҳаётини муҳофаза этишга оид жасорати, аскарлик қасамёди ва бурчига содиқ мард ўғлонлар тақдирига бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Дубна ш.) ва Россия Федерацияси «Росатом» Давлат корпорациясида фан ва таълим» мавзусида Ишчи кенгашнинг биринчи иш куни бошланди.

Кенгашда БЯТИ етакчи олимлари, профессорлар: Иткис М.Г., Ледницкий Р., Тихомиров Г.В. ўз маърузалари билан ядро физикаси, астрофизика, конденсирланган ҳолат физикаси, нанотехнология ва ахборот хавфсизлиги соҳасида БЯТИда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва ютуқлар ҳақида сўзга чиқишди. Профессор Каманин Д.В. ўзининг маърузасида БЯТИда халқаро алоқаларни ривожлантириш, Ўзбекистон билан илмий алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболлари ва ҳолатлари ҳақида ҳамда БЯТИ билан халқаро лойиҳалар кооперациясида Ўзбекистон олимларининг иштирок этиш имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтди.

2 НОЯБРЬ

Россия бош вазири Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи амалга оширилди.

Ташриф мобайнида Россия-Ўзбекистон музоқаралари якуни бўйича «Росатом» давлат корпорацияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми, шунингдек, «ТВЭЛ» АЖ (Росатом тузилмасига киради) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти ўртасида ВВР-СМ тадқиқот реакторига ядровий ёқилғи

ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қохир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Бақитжан Сагинтаев, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Мазкур учрашувларда конструктив ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан томонларнинг манфаатдор экани ҳақида сўз юритилди.

Савдо, инвестиция, энергетика, транспорт ва бошқа устувор йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

19 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Тожикистонда ўтаётган Осиё чемпионатида саралаш баҳсларининг «В» гуруҳида Тожикистон, Шри-Ланка, Мальдив ороллари ва Бангладеш терма жамоалари билан баҳслашди.

Футболчиларимиз дастлабки учрашувини Шри-Ланка футболчиларига қарши ўтказди. Хужумкор ўйин намойиш этган терма жамоамиз аъзолари рақибларини 10:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлади.

Ушбу Низомга асосан тижорат банклари муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истагида бўлган кам таъминланган оилаларга уларнинг оилаларини етарли даражада таъминлаш имконини берадиган имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар ажратиб боради. Микрокредитлар қарз олувчиларга тикув машиналари, матолар ва бошқа сарф материаллари, косибчилик фаолияти учун инвентарлар, маиший, компьютер ва бошқа техникалар, шунингдек, меҳнат билан бандликни таъминловчи бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш,

шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоригача йиллик 4 фоиз ставкада ажратилади.

Бухоро вилояти Когон туманида маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводининг дастлабки саралаш корхонаси иш бошлади.

Корхонага тумандаги фойдаланилмай ётган бўш бино ва иншоотлар инвестиция киритиш мажбурияти билан «ноль» қийматда берилди. Шартномага кўра, 1,6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, ёрдамчи бинолар таъмирланди, 5,5 миллиард сўмлик инвестиция киритилиб, заводнинг асосий ишлаб чиқариш бинолари қурилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят филиали томонидан ажратилган 970 минг доллар миқдорига кредит ҳисобига лойиҳанинг биринчи босқичи ниҳоясига етказилди. Бу ерда Хитойда ишлаб чиқарилган чиқиндиларни саралаш линияси ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботи тингланди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳисобот даврида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 5,3, саноат ҳажми 4,1, қишлоқ хўжалиги ҳажми 3,5, хизматлар ҳажми 6,4 фоизга ўсиши кузатилганига эътибор қаратди.

Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида Бельгия маданияти ва санъати, тарихи, урф-одатлари ва тарихий обидаларини ўзида акс эттирган «Сиз Бельгияни биласизми?» мавзудаги фотокўргазма ташкил этилди.

Мазкур кўргазманинг ташкил этилгани Ўзбекистонда Бельгия тарихи, маданияти, санъати ва миллий урф-одатларига қизиқиш баланд эканидан далолат берди. Кўргазма доирасида намойиш этилган фотосуратлар ҳамда экспонатларда миллий ўзлик, замон

ва макон тушунчалари ёрқин тасвир ва фалсафий қарашлар асосида акс эттирилган. Тадбирда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Сиз Бельгияни биласизми?» иншолар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

3 НОЯБРЬ

Тошкент шаҳрида МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. МДХ ҳукумат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид катор масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур тузилманинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга доир ўндан ортик ҳужжат имзоланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар МДХ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5012-сон ва 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4996-сон фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2887-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этган Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Арманистон Бош вазири Карен Карапетян ҳамда Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Эюбов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Арманистон Бош вазири Карен Карапетян билан учрашувда ўзаро алоқаларнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг самарали фаолиятини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Эюбов билан Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги савдо, энергетика, транспорт ва транзит соҳалари, шунингдек, бошқа устувор йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда халқ хунармандлиги ва амалий санъатини ривожлантириш, улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди. Хунармандларнинг истикболли лойиҳаларини

молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Хунармандликни ривожлантириш учун «Устоз-шогирд» анъанаси асосида бу жараёнга ёшларни жалб этиш, хунармандларни шогирд олиш ва хунарга ўргатишга рағбатлантириш, ёш хунармандларга фаолиятини бошлашда ҳар томонлама қўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкали очилди.

Қисқа фурсатда барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони бадий фалсафа касб этган. Унга туташ майдонда бу икки ардоқли ижодкор музейи, ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослашган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернат жойлашган, болалар кутубхонаси бунёд этилмоқда. Тантанали тадбир иштирокчилари мазкур музей, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернат фаолияти билан танишди

«Маҳсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5012-сон ва 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4996-сон фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2887-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

«Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш,

ташқи бозорларда талаб юкори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

4 НОЯБРЬ

Тошкент шаҳрида Мустақил давлат ҳамдўстлиги Электр энергетика Кенгашининг 51-йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда кун тартибидан ўрин олган 14 та масала муҳокама қилиниб, учрашув сўнгида бир қатор ҳужжат лойиҳалар имзоланди. Йиғилиш давомида аъзо давлатлар энергетика соҳа раҳбарлари тармоқ ходимлари билан ишлаш, электроэнергетика соҳасида кадрларни етиштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтди.

6 НОЯБРЬ

Жиззах шаҳрида Шароф Рашидовнинг ҳайкали очилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг халқимиз манфаатлари йўлидаги улкан хизматлари ҳақида сўзлади. Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққани, ноёб ақл-заковати, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги билан катта обрў-эътибор қозонгани, халқимизга садоқат билан ҳалол хизмат қилганини таъкидлади. Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Тошкентда Биринчи Халқаро амалий санъат фестивали очилди.

Фестивалда юртимиз уста ва хунармандлари билан бирга Озарбайжон, Буюк Британия, Эрон, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Тожикистон, Германия, Қозоғистон, Қирғизистондан ҳам ижодкорлар иштирок этишди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Санъат даргоҳининг биринчи ва иккинчи қаватлари миллий

ва замонавий архитектура меъёрлари асосида қайта таъмирдан чиқарилди. Иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, сахнани ёритиш, овоз кучайтириш ускуналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги олдидан қайта қуриб битказилган адибнинг мемориал музейида бўлиб, бу ердаги экспозициялар ва яратилган шароитлар билан танишди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари доирасида музей биноси кенгайтирилди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчининг ҳаёт йўли ва ижодига дахлдор 2 минг 700 дан ортиқ экспонат билан таъминланди. Бинонинг ички ва ташқи қисми миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида безатилиб, анжуманлар залида Шароф Рашидов фаолиятига доир фильмларни намойиш этиш имконияти яратилди. Музей ёнига Шароф Рашидов давлат хизмати чоғида фойдаланган поезд вағони ўрнатилди. Ундаги шароит ва буюмлар асл ҳолича сақланган.

Музей Шароф Рашидов ҳақида тўлиқ маълумот берадиган, у кишининг руҳларини сезадиган жой бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерга ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифини йўлга қўйиб, турли тадбирлар ўтказиш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Жиззах шаҳридаги тарихий Хўжа Нуриддин мадрасасида адабиётимизнинг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, тарихий кўриниши тикланди. Мадрасанинг гумбаз қисми сирланган кошин билан қопланди. Музей экспозицияси мазмуни Президентимизнинг «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» асари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Жиззах вилояти мусиқали драма театрида атоқли давлат

арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Концертда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, жаҳон санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Тошкент шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партиясининг XIX съезди якунларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

Тадбирда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилангани каби Хитой Халқ Республикасини тараққий эттиришнинг беш йиллик истиқболларида ҳам яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласи ташқи сиёсатда асосий йўналиш сифатида белгилангани қайд этилди. Бу ўзаро манфаатли инвестициявий ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларининг 27-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионатда пешқадамлик қилаётган «Локомотив» жамоаси сафарда «Нефтчи» клуби билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Қаршида ўтказилган «Насаф» ва «Металлург» учрашувида мезбонлар 2:0 ҳисобида зафар кучди. «Сўғдиёна» ҳамда «Пахтакор» ўртасидаги баҳсда пойтахтликлар рақибларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Олмалик» ўз майдонида «Шўртан»ни 3:1 ҳисобида енгган бўлса, «Қизилқум» – «Динамо» учрашуви 1:0 ҳисобида якунланди. «Бухоро» – «Кўкон-1912», «Бунёдкор» – «Навбахор» учрашувларида 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Миллий матбуот марказида «Ўзстандарт» агентлигининг ахборот тизимлари орқали аҳоли ва тадбиркорлар учун яратилаётган қулайликлар ҳамда янги имкониятларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Агентликнинг расмий веб-сайтидаги «Стандартларни кидириш миллий тизими» ахборот тизимида аҳоли ва тадбиркорларга стандартлаштиришга доир ҳуқуқий ҳужжатлардан бепул фойдаланиш

имкони мавжуд. Ушбу тизимга 19 мингдан ортиқ стандарт, шундан 1 минг 200 дан зиёд давлат стандартининг электрон нусхалари жойлаштирилди. portal.standart.uz портали орқали сертификатлаштириш идораларининг иш фаолияти автоматлаштирилди. Ушбу портал ёрдамида маҳсулотларга берилаётган сертификатларнинг электрон базаси шакллантирилмоқда. Веб-сайтда 2017 йил 10 мартдан бошлаб ишга тушган «Онлайн маслаҳат» рукнида аҳоли ва тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

I Тошкент Халқаро амалий санъат фестивали очилишига бағишланган Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида тадбир бўлиб ўтди.

Фестивалда юртимиз уста ва ҳунармандлари билан бирга Озарбайжон, Буюк Британия, Эрон, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Тожикистон, Германия, Қозоғистон, Қирғизистондан ҳам ижодкорлар иштирок этишди. Фестиваль доирасида кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, тақдимот тадбирлари, ижодий мулоқотлар, учрашув ва анжуманлар, модалар намойиши бўлиб ўтади. Лойиҳа доирасидаги илк кўргазмада миллий каштачилик, либослар дизайни, матодаги тасвир – батика санъати, қуроқчилик каби йўналишлар бўйича ижод намуналари томошабинларга хавола этилди.

«Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт қилинадиган янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларнинг (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

7 НОЯБРЬ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони – Ўзбекистон парламентлараро дўстлик қўмитаси раиси ўринбосари Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ҳомидий бошчилигидаги делегация қатор учрашувлар ўтказди.

Тадбирда парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва уларни мустаҳкамлаш, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида меҳмонлар Ҳазрати Имом мажмуасидаги масжид ва Усмон муҳафи билан танишди. Саудия Арабистони – Ўзбекистон парламентлараро дўстлик қўмитаси делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам учрашувлар ўтказди.

«Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) биринчи вице-президенти Филипп Беннетт бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Томонлар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги ҳамкорлик истиқболлари, хусусий секторни қўллаб-қувватлашни давом эттириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, жумладан, фонд биржасини модернизация қилиш, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Филипп Беннетт самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори эканини таъкидлади. Ев-

ропа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси қатор вазирлик ва идораларда ҳам учрашувлар ўтказди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил тўққиз ойидаги ижросини муҳокама қилдилар

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига қўра ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини бажара бориб, иқтисодиётнинг барқарор, юқори суръатлар билан ривожланиши ҳамда ўсиши таъминланди. Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолди. Ижтимоий соҳани молиялаштириш учун харажатлар умумий ҳажмининг 54,8 фоизи миқдориди маблағ ажратилди.

«Ўзэкспомарказ»да «Made in Uzbekistan» деб номланган мамлакатимиз иқтисодий соҳа ютуқлари кўргазма-ярмаркаси иш бошлади.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар енгил саноат, фармацевтика, нефть-газ, озик-овқат, чарм-пойабзал, қурилиш, халқ истеъмоли моллари, автомобилсозлик, кимё саноати, йўл-транспорт инфратузилмаси, электротехника, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, агросаноат ютуқлари, янги маҳсулотлар, таълим ва бошқа турдаги хизматларни намойиш этилди.

Жиззах вилояти кўғирчоқ театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Кашмир қўшиғи» асари сахналаштирилди.

Янги сахна асарининг тақдимот маросимида театр мутахассислари, адабиётшунослар, педагоглар иштирок этиб, унинг режиссураси ва ижроси ҳақида сўз юритди. Қисса мазмуни, эзгу ғояси унинг қаҳрамонлари – асарилар шоҳи – Бамбур, гуллар маликаси – Наргиз, ёвуз, емирувчи куч – Бўрон, зироат зараркунандаси – Хоруд ўртасидаги кураш кўғирчоқлар орқали кизиқарли, болалар руҳий дунёсига мос талқин этилгани барчада катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган I Тошкент халқаро амалий санъат фестивали доирасида ташкил этилган кўргазмада анъанавий ва замонавий усулдаги ижод намуналари намойиш этилди.

Бу ерда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги уста ва ҳунармандлар, уларнинг шогирдларининг ижод намуналари билан бирга чет эллик ижодкорларнинг ишлари билан ҳам танишиш мумкин. Естиваль доирасида ўтган давра суҳбатида ҳунармандликнинг турли йўналишлари бўйича долзарб масалалар муҳокама этилди. Ёшлар ижод саройида амалий ва декоратив санъат намуналарига оид кўргазмалар очилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Шароф Рашидовнинг хотирасига бағишланган «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» га бағишланган тантанали конференция бўлиб ўтди.

Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида академик О.У.Салимов, Россия Федерациясидан келган ёзувчи Ф.И.Раззаков, ФА Тарих институти профессори Қ.Қ.Ражабов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси М.Али, Россия фанлар академияси академиги И.И.Кузмин, ЎзР Фанлар академияси академиклари И.И.Искандаров, Б.Назаров, А.А.Асқаров ва бошқалар маъруза қилдилар.

8 НОЯБРЬ

Россиянинг Санкт-Петербург шахривиде-губернаторлари О.Марков ва А.Митянина бошчилигидаги делегация Самарқанд шахрига ташриф буюрди.

Меҳмонлар Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Россиялик меҳмонлар Самарқанд шахрида фаолият бошлаган Россия Федерациясига меҳнат мигрантларини тайёрлаш ва жўнатиш маркази очилиш маросимида иштирок этди. Бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар билан танишди. Ташриф давомида делегация аъзолари Самарқанд шахридаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларни томоша қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Санкт-Петербург шахри губернатори Георгий Полтавченкони қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Санкт-Петербург шахри ўртасидаги анъанавий яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Бугунги кунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 200 миллион долларни ташкил қилмоқда. Санкт-Петербург шахрида 1 миллионга яқин юртдошимиз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Шаҳарнинг етакчи олий ўқув юртларида 3 мингдан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

«Энергия ресурсларидан оқилona фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор электр ва газ таъминоти тизимини янада такомиллаштириш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилona фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Бизнес-форумда Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити, эркин иқтисодий зоналар фаолияти ҳақида маълумот берилди. Бизнес-форум доирасида бўлиб ўтган кооперация биржасида икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини келишиб олди. Тадбир иштирокчилари «Ўзэкспомарказ»да ўтаётган «Made in Uzbekistan» кўргазма-ярмаркасида намойиш этилаётган маҳаллий маҳсулотлар ва хизмат турлари билан танишди.

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ваколатхонаси очилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик йилларида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига 500 миллион доллардан зиёд маблағ жалб қилиниб, бунинг самарасида 54 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Тадбир доирасида Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида сув ва иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга оид қиймати қарийб 215 миллион АҚШ долларлик бешта ҳужжат имзоланди. Бу лойиҳалар аҳоли саломатлиги ва турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Шу кунги Ф.Беннетт бошчилигидаги делегация Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди.

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси мутахассислари томонидан қора сланесли рудалардан уран, ванадий, рений каби қимматбаҳо металлларни, нодир қазилма элементларни ва скандийни ажратиб чиқариб олиш соҳасида рудаларни комплекс қайта ишлаш усули яратилди.

Муаллифлар Қувандиқ Санақулов, Олег Петухов, Анваржон Сапаров, Юрий Золотарёв, Азимжон Каримов ва Бахтиёр Рўзиевларга ушбу ихтиролари учун ИАП 05479 рақамли патент берилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Рашид Алимов билан учрашди.

Сухбат давомида халқаро форум кун тартиби ҳамда ШХТ ва ШХТ органларининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш масалаларини ҳал қилишдаги иштирокининг амалий жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Учрашувда ШХТни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

9 НОЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган нуфузли делегацияга бошчилик қилаётган АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Президент хозирги вақтда Ўзбекистон – Америка мулоқоти

амалий ҳамкорлик руҳида барқарор ривожланиб бораётганини қайд этди. Сентябрь ойида Ўзбекистон делегациясининг АҚШга сафари ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп ва Америка бизнес доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар яқунлари томонларнинг ўзаро ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқаларни амалий жиҳатдан кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича интилишлари қатъий эканини намоиш қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча ва Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Германни қабул қилди.

Президент Н.Германни БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари лавозимига тайинлангани билан табриклади ва фаолиятига муваффақият тилади. Меҳмонлар БМТ ва унинг Бош котиби Антониу Гутерриш номидан минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро форум мақсади ва вазифаларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Бош котиби Томас Гремингерни қабул қилди.

Томас Гремингер Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича изчил ва амалий қадамларини юксак кадрлайди. Юқори мартабали меҳмон нуфузи ва иштирокчилари сони кўплиги бўйича мислсиз бўлган Самарқанд форуми натижалари минтақавий ҳамкорликка янги суръат бериш, стратегик жиҳатдан муҳим минтақада ўзаро англашув ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди. Учрашувда ЕХХТ фаолиятига оид бошқа масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқандга келди.

Президент Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди. Шавкат Мирзиёев мазкур мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Президент зиёратгоҳга келувчилар учун катта қулайликлар яратилганини таъкидлаб, бу ердаги шароитларни янада яхшилаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

Президент Самарқанд шаҳридаги собиқ лифтсозлик заводи ҳудудида ташкил этилган саноат мажмуасида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган энгил саноат лойиҳалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев вилоятдаги корхоналарида ишлаб чиқарилган энгил саноат маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз соҳада яратиладиган ҳар бир ишчи ўрни муҳим экани, бу корхоналар истиқболини белгилаш ва аҳолини доимий иш билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу ерда терини қайта ишлаш, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент «Ideal Elektroluks» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший техника жиҳозлари, «Sino» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган музлаткич ва совуткичларни кўздан кечириб, маҳсулотларни ташқи бозорга йўналтириш, экспорт имкониятларини ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Жаҳон футбол афсонаси, «Барселона» клубининг собиқ ҳимоячиси, Испания терма жамоаси таркибида Европа ва Жаҳон чемпиони деган юксак номларга сазовор бўлган Карлес Пуйоль Тошкентга ташриф буюрди.

Пуйолнинг мамлакатимизга ташрифи шахсан ФИФА президенти Жанни Инфантино томонидан уюштирилган бўлиб, бу орқали Ўзбекистонда футболнинг оммавийлигини оширишга ҳисса қўшишни мақсад қилган эди.

Тошкент халқаро амалий санъат фестивали доирасида Иқоу Хирояма халқаро маданият қарвон саройида навбатдаги кўргазма очилди.

Икки қисмли экспозициядан иборат кўргазмада Тошкентдаги «Колибри» болалар ижодиёти студияси бадиий тўғарақлари қатнашчиларининг ижод намуналари мухлислар эътиборига ҳавола этилган. Кўргазманинг иккинчи қисмида эса юртимизнинг усталари билан бирга Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Буюк Британия ҳунармандлари ижодига назар ташлаш имконияти яратилган. Хитойлик усталар ижод намунаси мукамаллиги, инглиз ҳунарманди ясаган чой идишлари оддийлиги, корейлик мусаввирларнинг ҳарир матода акс этган чизгилари ғоят нафислиги билан томошабинга манзур бўлди. Ўзбекистонлик Юлия Дробованинг шишали мозаикаси рангин ва бетакрор, Рафаэль Еналиевнинг «Ипак йўлининг соя ва акслари» номли туркум иши гул ва ўсимликлар, кўзмунчок ва бошқа ўзига хос, қутилмаган деталларга ғоят бой бўлди.

ЎзР Фанлар академиясида машхур биокимёгар олим, академик Ё.Х.Тўрақулов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ё.Х.Тўрақулов машхур олим, маҳоратли лектор ҳамда Ўзбекистон илм-фани ва соғлиқни сақлаш соҳаси ташкилотчиси сифатида мамлакатимиз илм-фани тарихида ўчмас из қолдирди. Олим турли йилларда етти тиббиёт институти, жумладан, Тошкент тиббиёт институти, Ўлка тиббиёт (эндокринология) институти, ректори, Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти, Биокимё институти директори ва илмий раҳбари сифатида фаолият юритган. Академик Ё.Х.Тўрақулов раҳбарлиги остида республикада эндокрин касалликлари, шу жумладан, қандли диабетни ташхислаш, олдини олиш ва даволаш бўйича тиббиёт илмий-амалий муассасаларининг кенг тармоғи яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 октябрдаги ПФ-5216-сонли Фармонида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига академик Ё.Х.Тўрақулов номи берилди.

10 НОЯБРЬ
Академик Ш.И.Салихов Хитой халқ Республикаси Фанлар академиясининг хорижий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори, академик Ш.И.Салиховнинг илм-фан

ва технологиялар ривожига қўшган ҳиссаси, хусусан ХХР Фанлар академияси билан самарали илмий ҳамкорлик олиб боргани учун Хитой халқ Республикаси Фанлар академиясининг хорижий аъзоси этиб сайланди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзудаги халқаро конференция доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ўртасида ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қ.Абдраҳмонов ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Р.Мередов Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон давлат чегараларининг туташ ҳудуди тўғрисида шартномани имзолади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ратификация қилингани ҳақидаги ёрликлар алмашилди.

Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзудаги халқаро конференция бошланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Анжуманда минтақа давлатларининг ташқи ишлар вазирлари, БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, ШХТ, МДХ, ЕТТБ каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, жами 500 дан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко бошчилигидаги делегация Андижон шаҳрида бўлди.

Дастлаб меҳмонлар Президентимиз ташаббуси билан янгидан барпо этилган Андижон шаҳрининг «Эски шаҳар деҳқон бозори»да бўлиб, бу ерда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди, сархил мева-сабзавотлар ўрин олган бозор павильонларини кўрди. Ташриф давомида россиялик меҳмонлар вилоят марказидаги «Са-

довое» қабристонига бўлиб, Андижонда яшаб ўтган миллатдошлари қабрини зиёрат қилди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлди.

Самарқандда Форумлар мажмуасида «Европа иттифоқи Марказий Осиё» форматидаги давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу форматдаги муносабатлар келажаги, минтақанинг иқтисодий ривожланиш истикболлари, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашув якунлари бўйича «ЕИ ва Марказий Осиё: янада хавфсиз ва муваффақиятли келажак йўлида ҳамкорлик» қўшма коммюникеси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Европа иттифоқининг Олий вакили Федерика Могерини оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Куръон тиловат қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу мажмуа қошида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Президентимиз Имом Бухорий мажмуаси, халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ҳудудда жойлашадиган бошқа инфратузилма иншоотлари концепцияси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилаётган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этган Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ва Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Учрашувда Европа билан кенг қамровли алоқаларни кенгайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Европа иттифоқи билан шерикликни инвестиция, савдо, молиявий-техникавий ҳамкорлик, таълим ва бошқа қатор йўналишларда

илғор тажриба ва технологиялар алмашиш соҳасидаги амалий мазмун билан бойитиш томонлар учун манфаатли эканига эътибор қаратилди. Халқаро ва минтақавий, хусусан, Марказий Осиёда сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференция бошланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш, улкан ҳудудда тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Тошкент халқаро амалий санъат фестивалининг ёпилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бир ҳафта мобайнида Тошкентдаги кўргазма заллари, галереялар, музейларда амалий ва декоратив санъатга оид ижод намуналари кўргазмалари бўлиб ўтди. Давра суҳбатлари, конференциялар, ижодий мулоқотлар чоғида амалий санъатнинг бугунги ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги вазифалар белгиланди. Фестиваль мобайнида санъатшунослар, чевар ҳамда мусавирлар гуруҳлари ҳамкорлигида яратилган «Олис юлдуз шуъласи», «Жонзотлар», «Шойи, адрас, бахмал», «Анжели», «Қрим услуги», «Россиянинг қуроқли мозаикаси» сингари кўплаб ижодий лойиҳалар, туркум композициялар томошабинларда катта кизиқиш уйғотди.

Ромитан тумани маданият ва истироҳат боғида «Нуронийлар маскани» мажмуаси фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётини эҳтиёжларини таъминлаш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди. Шу куни Ёиждувон тумани маданият ва истироҳат боғида ҳам «Нуронийлар маскани» мажмуаси фойдаланишга топширилди.

13 НОЯБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида куни геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ва қимматбаҳо металллар ресурс базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда геология соҳасининг бугунги ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва кончиликни бошқаришда аниқ механизм мавжуд эмаслиги, бу соҳага етарлича эътибор берилмагани кўрсатиб ўтилди. Бу соҳада илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг бутунлай янги тузилмаси ва йўналишларини ишлаб чиқиш, салоҳиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

«Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Қарорга кўра, 2020 йил 1 январдан қайд этилган тизимни амалга ошириш муддатига 1 кВт/соат электр энергияси учун 15 сўм, 1 м. куб табиий газ учун 17 сўм (республикада реализация қилинадиган) миқдорида заруратга кўра индексация қилинадиган ҳамда фақатгина Лойиҳа доирасида Жамғарманнинг жалб этилган маблағларини қоплашга ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициявий устама жорий этилиши ва бошқалар белгилаб қўйилди.

Навоийда кураш бўйича 1997-1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда мезбон спортчилар Шахзод Қодиров, Шердор Тошботиров, Шаҳбоз Комилов, Самарқанд вилоятидан Жонибек Қозоқов, Исломжон Каримов, Андижон вилоятидан Ойбек Усмонов, Бухородан Маҳмадўст Маҳманиёзов, Қашқадарёдан Шербек Аблоқулов, Сурхондарё вилоятидан Аъзамжон Мақсудалиев ўз вазн тоифасида рақибларидан устун келди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда Навоий вилояти вакиласи Маржона Бобоқандова, Дилноза Камолова, Сурхонда-

рѐдан Моҳинур Мўминова, Андижон вилоятидан Ойсулув Абдумажидова, Тошкент шаҳридан Кумуш Хўжаева, Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилган Моҳинур Пирназарова, Хоразм вилояти спортчиси Насиба Йўлдошеванинг қўли баланд келди. Мусобақада мезбон жамоа спортчилари 14 медаль жамғарган ҳолда ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятлари курашчиларига насиб этди.

13-18 ноябрь кунлари Тошкент, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида Глобал тадбиркорлик ҳафталиги бўлиб ўтди.

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги – бу истикболли лойиҳаларни амалиётда қўллаётган, тадбиркорлик экотизимини ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳаларни ишлаб чиқаётган новаторлар ва иш берувчиларга мўлжалланган халқаро тадбир ҳисобланади. Глобал ҳафталик доирасида маҳаллий ва чет эллик ишбилармон доира вакилларининг Самарқанд ва Фарғона шаҳарларига ташрифи режалаштирилди. Мутахассислар ушбу йирик тадбир замонавий ва халқаро амалиётлар уйғунлигида мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш борасида янги таклифларни ишлаб чиқиш, ишбилармонликни тараққий эттиришга хизмат қиладиган чора-тадбирларни режалаштиришга катта имконият яратади, дея баҳолашди.

Жиззахда янги меҳмонхона иш бошлади

Жиззах шаҳрининг Қассоблик маҳалласида иш бошлаган «Бууук hotel» меҳмонхона мажмуаси ана шу изчил ислохотлар самарасидир. 35 ўринли 4 қаватли меҳмонхона мажмуасида барча қулайликлар яратилган.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида мусаввир Даврон Тошевнинг «Муҳаббат боғи» деб номланган кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазма экспозициясидан мусаввирнинг «Устоз ҳузурида», «Мутолаа», «Кўнгил баҳори», «Шоҳ саройида», «Малика», «Баҳром қора қасрда», «Шоҳона ов», «Минг бир кеча», «Шоҳ ва чўпон» каби саксонга яқин асари жой олди. Даврон Тошев Бухоро мактабининг тарихий чизгиларини тасвир этиб, ўша даврдаги ҳолат ва моҳиятни юракдан ҳис этган.

14 НОЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилган чемпионатда уч юздан ортиқ спортчи 14 вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.

Чемпионатда Акмалжон Нажмиддинов, Яхё Имомов, Шерали Жўраев, Ихтиёр Холмуродов, Дониёр Султонбоев, Шаҳрам Аҳадов, Умиджон Абдуллаев шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида Шоҳиста Назарова, Гулнур Муродбоева, Зухраҳон Маъмуржонова, Дилдора Шерматова, Ҳожинисо Камолиддинова, Кумуш ва Раҳима Йўлдошевалар биринчи ўринни қўлга киритди.

15 НОЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент айрим ҳудудларда жиноятларни сезиларли камайтиришга эришилмагани, баъзи жиноят турлари ошгани каби камчиликларни кескин танқид қилди. Йиғилишда фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайтиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, аёллар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларига барҳам берилмаётгани танқид қилинди, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Муҳокама қилинган яна бир долзарб масала – бу йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўрилаётган чораларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигидир. Шуларни инобатга олган ҳолда, мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 93 давлатидан мингдан ортиқ самбочи қатнашди.

90 килограммгача вазн тоифасидаги беллашувларда юртдоши-

миз Неъмат Ёқубов финалга қадар барча жангларида ғалаба қозониб, кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, Истам Қудратов, Ҳакимжон Исмоилов ва Толмас Тўқлиев чемпионатнинг бронза медалига сазовор бўлди.

Тижорат банкларининг лицензиялари қайта расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Марказий банк Бошқарувининг тегишли қарорлари билан мамлакатимиздаги барча тижорат банкларининг чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун берилган лицензияларининг амал қилиши тугатилди ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялари қайта расмийлаштириб берилди.

Ўзэкспомарказда «Марказий Осиё саноати халқаро кўргазмаси – 2017» очилди.

Форум доирасида «Тоғ-кон ускуналари, руда ва минералларни казиб олиш ва бойитиш – Mining World Uzbekistan – 2017», «Металлургия, машинасозлик ва дастгоҳлар – Machinery Central Asia – 2017», «Транспорт ва логистика – Trans Uzbekistan/Trans Logistica – 2017» ва «Кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя CAIPS/Securika Central Asia – 2017» халқаро кўргазмалари иш бошлади. Кўргазмаларда Ўзбекистон, Австралия, Бельгия, Германия, Италия, Испания, Швейцария, Польша, Чехия, Дания, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Украина, Қозоғистон, Латвия каби мамлакатлардан 80 га яқин компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат музейида Ўзбекистон ва Италия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллигига бағишлаб «Италия модаси 60 йил ичида» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмада жаҳоннинг энг яхши мода каталоглари ва энци-

клопедияларига кирган 70 га яқин аёллар ва эркаклар кийимини ўзбекистонлик мухлисларга тақдим этилди. Унда Роберто де Камерино, Санторио Бонфани, Фенди, Роберто Капуччи, Лусиано Сопрано, Гаттиони, Сальвадоре Феррагамо каби мода олами ижодкорлари томонидан яратилган либослар тақдим этилди.

«Туркистон» санъат саройида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ўртасида ўтказилаётган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг ярим финал беллашувлари бўлиб ўтди.

Ярим финал беллашувларида Тошкент молия институтининг «Молиячи», Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг «Тарғибот», Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Болалар», Нукус давлат педагогика институтининг «Турон», Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг «Баркамол авлод», Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Ўзбегим», Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Дизайн», Ўзбекистон миллий университетининг «Шоввозлар», Тошкент давлат аграр университетининг «Янги юлдузлар», Термиз давлат университетининг «Сурхон ёшлари», Навоий давлат кончилик институтининг «Т.Б.Т.», Андижон машинасозлик институтининг «Беклар» жамоалари ўзаро беллашдилар. Беллашувлар натижаларига кўра «Тарғибот», «Молиячи», «Янги юлдузлар», «Талабларга биноан талабалар» ҳамда «Дизайн» жамоалари кўрик-танловнинг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

16 НОЯБРЬ
«Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинди

«Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига ки-

риш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлиши, кириш тест синовлари натижаларини тест ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиши, абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди.

«Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таркибида «Таэквондо ва спорт фаолияти» факультетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор мустақиллик йилларида мазкур спорт тури бўйича спортчиларимиз нуфузли халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 44 та олтин, 64 та кумуш ва 71 та бронза медалларини қўлга киритган ҳолда дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳиятини ошириб келаётганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида таэквондо WTF спорт турини янада ривожлантириш, юқори маҳоратли спортчилар ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Нукусда жорий йил сентябрь ойида Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари совриндори бўлган қорақалпоғистонлик спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда халқаро мусобақаларда юртимиз доврўғини дунёга танитган спортчи Рустам Жангабоевга «Nexia» автомобилнинг калити топширилди.

Шунингдек, V Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, бронза медалга сазовор бўлган спортчилар – муайтай бўйича Уббинийез Тўрениёзов, эркин кураш бўйича Давлетбике Яхшимурадова ва Севара Ешмуратова ҳамда спортчиларни мусобақаларга тайёрлаган мураббийлар Мансур Чашимов, Қутлимурад Жуманов, Дамир Ҳасанов ва Нукусбой Даниёровга телевизорлар топширилди.

17 НОЯБРЬ
Шавкат Мирзиёев Сергели туманида қуриб битказилган янги уй-жойлар массивини бориб кўрди.

Илгари бу каби уйлар йиллар давомида қурилар эди. Бугун қурувчиларимиз бу борада етарли тажриба тўплаб, иншоотларни сифатли ва тез қуриб фойдаланишга топширмоқда.

Президент Сергели туманида фойдаланишга топширилган янги мактабни кўрди.

Замонавий талаблар асосида бунёд этилган 630 ўринли 55-сонли мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун барча шароит яратилган. Ёруғ хоналар, қулай мебель, ўқув-лаборатория ускуналари, спорт зали, стадион, ошхона-буфет ва бошқа қулайликлар болаларнинг сифатли таълим олишида муҳим ўрин тутди. Президентимиз шу ерда Сергели тумани фаоллари, нурунийлар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари, янги уй соҳиблари билан учрашди. Учрашувда жамиятимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳолига яратилаётган шароитлар, янги иш ўринлари яратиш тўғрисида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Сергели туманида амалга оширилиши режалаштирилган иқтисодий лойиҳалар тақдимоги бўлиб ўтди.

Тақдимотда «Bek mega textile», «Dara elite», «Laura peri fashion», «Orchid beauty» масъулияти чекланган жамиятлари тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, «Original textile and print» жинси матосидан кийим, аксессуар ва фурни-

туралар тайёрлаш, «Ella» корхонаси аёллар учун пальто ва чарм маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Президент Сергели тумани 6-А мавзесида барпо этилган 61-оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишди.

Уч қаватли, 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиникада ультратовуш ташхиси, рақамли рентген, электрокардиограф, физиотерапия, клиник ва биокимё лаборатория бўлимлари, кундузги шифохона фаолияти йўлга қўйилган. Терапевт, педиатр, жаррох, отоларинголог, окулист, невролог, иммунолог каби тор соҳа мутахассислари томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Оилавий поликлиникадаги асосий янгиликлардан бири – бу беморлар навбатга ёзилиши учун электрон тизим жорий қилинганидир.

«Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарни янги босқичда раванқ топтириш, унинг «олтин фонди»ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида қабул қилинди. Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланди.

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси Инвестицион кодекси концепцияси лойиҳаси: долзарблиги ва инвестицион қонунчиликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ташаббуси билан киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Инвестицион кодекси концепцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Муҳокама этилаётган концепция лойиҳаси бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида инвестор визаси, инвестиция ссудаси, инве-

стиция солиқ кредитлари, инвестиция субсидиялари ҳамда хорижий инвесторлар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилади.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Глобал тадбиркорлик ҳафталиги доирасида Фарғона вилоятида ҳам турли тадбирлар ўтказилди.

Фарғонада ҳафталик доирасида бўлиб ўтган тадбирлар ҳам қизғин ва янги ташаббусларга бой бўлди. Тадбир иштирокчилари Фарғона шаҳридаги «Туронтекстиль» масъулияти чекланган жамияти, «UZSUNGWOO» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида бўлиб, бу ердаги иш жараёни билан танишди. Тошкентдан келган ишбилармонлар ўз бизнес тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Тадбир доирасида «Муваффақиятга эришиш сирлари» мавзусида маҳорат дарслари ўтказилди, маърузалар тингланди.

20 НОЯБРЬ
«Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларининг 29-тур баҳслари бўлиб ўтди.

«Локомотив» жамоаси Самарқандда «Динамо» клубини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўйинда «Динамо» дарвозасини Марат Бикмаев уч маротаба аниқ нишонга олган бўлса, Санжар Шоаҳмедов ва Жалолиддин Машарипов биттадан гол урди. Шунингдек, «темирйўлчилар» дарвозасига киритилган ягона голга Аднан Ораховац муаллифлик қилди. Мусобақанинг иккинчи поғонаси учун кураш олиб борган «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги учрашув мазкур турнинг марказий ўйинига айланди. Қаршида ўтказилган баҳсда мезбонлар «Пахтакор» жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мазкур ўйиндан сўнг «Насаф» кумуш, «Пахтакор» эса бронза медалларини муддатидан олдин қўлга киритди. Шунингдек, «Бунёкор» ўз майдонида «Бу-

хоро» устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. «Қизилқум» – «Металлурж», «Олмалик» – «Навбахор», «Сўғдиёна» – «Қўқон-1912» ва «Нефтчи» – «Машғал» жамоалари ўртасидаги ўйинлар 2:1 ҳисобида яқунланди.

Таэквондо бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати яқунланди

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, мамлакатимиз таэквондо ассоциацияси томонидан ташкил этилган мусобақада уч юздан зиёд спортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Чемпионатда Бекзод Иброҳимов, Эргашбой Йўлдошев, Абдулазиз Маҳмудов, Рухшона Турсунова, Зарнигор Абдуллаева, Заринабону Эргашева, Дурдона Абдуллаева, Ширин Алланазарова, Муҳайё Сирожиддинова ва Нишонгул Эргашалиева шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Бодибилдинг бўйича Ўзбекистон очик чемпионати яқунланди.

Бодибилдинг ва фитнес – дунёда оммалашаётган спорт турларидан. «Туркистон» саройида ўтказилган мусобақада Нуриллахўжа Ғуломов, Баҳромжон Боймирзаев, Пётр Третьяков, Миржалол Муродов, Ғайрат Асадов, Ақром Акбаров, Николай Таварбеков, Суннат Зуфаров, Руслан Александров, Диана Аҳмадқулова, Гулжаҳон Турдиқулова, Елена Нураева, Светлана Шаварина ва козоғистонлик Сагадат Салмонов турли йўналишларда биринчи ўринни эгаллади.

Қўқон» ЭИЗда 18 истиқболли лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди.

«Қўқон» эркин иқтисодий зонасининг 700 гектардан зиёд майдонида тадбиркорлар янги лойиҳаларни амалга ошириши учун барча шароит яратилаётир. Ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. «Қўқон» эркин иқтисодий зонаси ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади.

Олтинқўл тумани Оқтепа қишлоғида замонавий деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа қиймати 2 миллиард 350 миллион сўм бўлган ушбу мажмуа Президентимизнинг жорий йил 27 мартдаги «2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида «Глобал инвест премиум» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди.

Тошкент мода ҳафталиги Миллий либослар фестивали билан яқунланди.

Ҳафталик доирасида бўлиб ўтган тадбирларда юртимиз ва хорижлик мутахассислар, айниқса, италиялик дизайнерлар ҳам фаол қатнашди. Улар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлар, ижодий мулоқотлар ёшларни мода дунёсидаги илғор тенденциялар билан таништирди.

Миллий ва замонавий ўзбек матолари кўرғазмаси, ёш дизайнерлар ижодининг намоиши, профессионал модельерлар ишига оид муаллифлик, юртимиз ва хорижлик модельерлар ижодига оид кўриклар – «Tashkent fashion performance» лойиҳалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўрғазмалар саройида таниқли рассом Абдулла Еримбетовнинг «Туғилган ер жилоси» деб номланган шахсий кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмада мусаввирнинг турли жанрларда яратган 60 дан ортиқ картинаси намоиш этилди. «Оролда куз», «Яйлов», «Балиқчи», «Амударё», «Юсупнинг уйида баҳор» каби ёрқин характердаги картиналар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Мустақиллик йилларида у янада баракали ижод қилди. Айниқса, «Автопортрет», «Қаратеренг қўли», «Булутли кун», «Қизкеткен», «Она ер қирғоғида», «Ўтов атрофида» сингари асарлари қорақалпоқ диёрининг ўзига хос табиати, самимий ва меҳнатқаш одамларини ўзига хос акс эттиргани билан мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлган. Ҳозирги кунда бу картиналар И.Савицкий номида-

ги Қорақалпоқ давлат санъат музейи ҳамда ўлкашунослик музейи-да сақланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Натижада жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 9 минг 698 тага ёки 14 фоизга, жиноятқидирув йўналишида эса 4 минг 562 тага ёки 11 фоизга камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бозорларни қиш-баҳор мавсумида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш қўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини шакллантириш вазифалари ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

2017 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидоргир турларини такрорий экиш майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сентябрь-октябрь ойларида такрорий экиндан етиштирилган қарийб 65 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотлари 54 мамлакатга экспорт қилинди. Бангладеш, Филиппин, Сурия, Тайван, Иордания, Македония ва бошқа мамлакатларда янги бозорлар ўзлаштирилди. Давлатимиз раҳбари қиш-баҳор мавсумида халқимиз дастурхони сархил мевалар, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин бўлиши зарурлигини таъкидлади.

21 НОЯБРЬ

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Сабина Шарипова Ҳиндистонда Хотин-қизлар теннис уюш-

маси томонидан ташкил этилган мусобақани муваффақиятли бошлади.

Сабина турнирнинг дастлабки даврасида россиялик Ирина Хромачёвага қарши кортга чиқди. Учрашувнинг биринчи сетиди 2:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган теннисчимиз, иккинчи ва учинчи сетларда тай-брекда ғалаба қозонди ва кейинги босқичда венгриялик Фанни Штолларга қарши кортга чиқадиغان бўлди.

Тошкентдаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида баҳодирлар ўйини бўйича жаҳон кубоги баҳслари ўтказилди.

Польшалик Роберт Кирвус 54,5 очко билан мусобақа ғолибига айланди. Украиналик Константин Ильин ва россиялик Валерий Савин шоҳсупанинг иккинчи ҳамда учинчи поғоналаридан жой эгаллади.

Олмалик шаҳрида мотокросс бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди.

Двигател сифими 65см³, 85см³ ҳамда 125 см³ бўлган мотокциклларда бухоролик Жасурбек Самадов, жиззахлик Дадажон Тўйчиев, Андрей Сазанов барча рақибларини ортда қолдириб, марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Бухоро вилояти вакиллари иккинчи, Тошкент вилояти спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

Олий лига аёллар футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубогининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Финал учрашувида пойтахтнинг «Бунёдкор W» ва Бекободнинг «Металлург W» жамоалари беллашди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган ўйинда бекободликларнинг қўли баланд келди. Тошкент вилояти жамоаси рақибларини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, учинчи бор Ўзбекистон кубоги соҳибасига айланди.

Тошкентда «Цемент саноати ва бозори» XV халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон цемент саноатининг технологик линияларини модернизация қилиш, янги цемент заводлари қуришда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиш, цемент тайёрлаш жараёнида ис гази ажралиб чиқишини камайтириш мавзуларида маърузалар тингланди. 2018 йилда қуриб битказилиши режалаштирилган 4 та цемент заводи барпо этиш бўйича амалга

оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Соҳага экологик тоза технологияларни жорий қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда дунёга машҳур «AUMUND», «GeoCon GmbH», «Refrotrenik Cement GmbH», «Haver&Boecker», «Thyssenkrupp Industrial Solutions», «FLSmidth A/S», «Fundiciones Del Estanda», «Dal Teknik Makina» каби бир қанча йирик компанияларнинг цемент саноати ускуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида «Илк парвоз» номли кўргазма очилди.

Экспозициядан жой олган Ҳасан Исоқжонов ва Малика Сатбаева, Азиз Даминов, Шахзод Турсунмуҳаммедов, Алишер Авазов, Баҳром Холбоев, Гулираъно Абдуллаева, Гулҳаё Абдуллаева, Зарина Шералиева, Шерали Мусаев, Сухроб Шермуҳаммедов, Ойбек Норбоев каби шогирдларининг 50 дан ортиқ миниатюра асари ўзига хос бадийлиги, чуқур маъно ва мазмунга эгаллиги, бетакрорлиги билан барчага манзур бўлди.

22 НОЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан давлат ташири билан Корея Республикасига борди.

Сеул шаҳри аэропортида Ўзбекистон Президенти шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён кутиб олди. Маросимдан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

«Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармонида мувофиқ

«Мард ўғлон» давлат мукофоти таъсис этилганлиги муносабати билан мамлакатимизда буюк аждодларимизга муносиб бўлган, мардлик ва жасорат, қатъиятлилиқ, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатларга эга мард ўғлонларимизни тарбиялаш ҳамда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришиб келаётган билимли, ташаббускор, ишбилармон, шижоатли ва фидойи йигитларни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди.

Андижонда «Нафосат – 2017» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Иштирокчилар дизайнерлик фаолияти, миллий кўринишдаги либослар тайёрлашга замонавий ёндашув, соҳани ривожлантиришга оид илғор тажриба ва таклифлар, шунингдек, етакчи аёл, талаба киз, ижодкор аёл тимсолларида либослар эскизи намойиши ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Марҳамат туманидан Моҳичехра Раимжонова биринчи, Асака туманидан Зулайҳо Тўхтасинова иккинчи, Андижон шаҳридан Дилноза Холматова учинчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

23 НОЯБРЬ

Корея Республикасида Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги фаолиятининг биринчи йили ҳақида корейс тилида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев» номли китоб 50 минг нусхада чоп этилди.

Жорий йил 20 ноябрь куни нашр этилган ушбу китоб 8 бўлим, 320 саҳифадан иборат бўлиб, кўплаб суратлар билан бойитилган. Нашрда Шавкат Мирзиёевнинг аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, сўнг Президент сифатидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилган. Китобнинг «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» номли бобида ушбу дастур чуқур таҳлил қилган. Китоб «Uz Kor Economy Media Group» томонидан чоп этилган. Унинг муаллифи машҳур журналист ва ёзувчи Чо Чоль Хендир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Сеул шаҳрига келди.

Президент икки мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари иштирокидаги Жанубий Корея –Ўзбекистон бизнес-форумида қатнашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бораётгани, Ўзбекистонда бизнес юритиш учун етарли шароит ва имкониятлар яратилаётганини қайд этди. Корея Республикаси бизнес вакиллари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

Президент ватанпарварлар хотирасига хурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Корея Республикаси Президентининг «Чонг Ва Дэ» («Мовий сарой») қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Иннинг тор доирадаги музокарасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг узок истикболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирди.

Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилди. Олий даражадаги учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд имконият ва салоҳият тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди. Ушбу кўрсаткичларни янада ошириш бўйича янги қадамлар ташланиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига ташрифи давомида эришилган келишувлар бўйича ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат адлия вазирликлари ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари ўртасида Ўзбекистонда Миллий электрон савдо платформасини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик битими, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Корея Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Билимлар алмашинув дастури бўйича Англашув меморандуми, 2018-2020 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматлараро ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида келишув каби олтидан ортиқ муҳим ҳужжат имзоланди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) ва Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) томонидан Туркия ҳамда Ҳиндистонда ўтказилаётган мусобақаларда Ҳумоюн Султонов ва Сабина Шарипова муносиб иштирок этишди.

Сабина Шарипова Ҳиндистонда давом этаётган мусобаканинг биринчи даврасида россиялик Ирина Хромачёвани 2:6, 7:6, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Туркияда «Фьючерс» туркумига кирувчи мусобақада ёш теннисчимиз Ҳумоюн Султонов илк баҳсда россиялик Михаил Балмашевга бор йўғи бир геймни бой бериб, ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди.

Тошкентда енгил атлетика маркази фойдаланишга топширилди.

Мажмуада спортчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Бугунги кунда Марказий Осиёда ягона бўлган ва жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган енгил атлетика марказида тўққизта

югуриш йўлаги, тўртта узунликка, иккитадан баландликка ва лангарчўпга таяниб сакраш сектори мавжуд. Найза, ядро, диск, боскон улоктириш майдони, 3000 метрга югуришга мўлжалланган махсус йўлак ажратилган. Шунингдек, марказ биносида 72 кишилик ётоқхона, тренажёр зали, сув ҳавзаси, кийим алмаштириш ва тиббиёт хоналари замонавий инвентарлар билан жиҳозланган.

«Цемент саноати ва бозори» XV халқаро конференцияси иштирокчилари «Қизилқумцемент» АЖда бўлди.

Россия, Германия, Туркия, Қозоғистон, Италия, Швейцария, Австралия каби давлатларнинг етакчи компания ва фирмалари вакилларида иборат делегация аъзолари цемент ва бошқа турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни, инновацион изланишлар самараси билан танишди. Бугунги кунда корхонада йилига 3,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилмоқда. Бу юртимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 40 фоизини ташкил этади. 3 минг 500 дан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган корхонада 10 дан зиёд қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «RDR» бир актёр театр студияси томонидан «Широқ» спектакли намойиши бўлиб ўтди.

«Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси Раҳимжон Дўсанов ташаббуси билан ташкил қилинган «RDR» бир актёр театр студиясининг ушбу илк саҳна асари Миркарим Осимнинг «Широқ» афсонаси ва Мирмуҳсиннинг «Широқ» достони асосида саҳналаштирилган. Унда чўпон йигит Широқнинг мислсиз қаҳрамонлиги, она юрти учун жонини фидо қилган бу инсоннинг ҳақиқий ватанпарварлиги ҳақида ҳикоя қилинган.

«Нафосат – 2017» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Нукуслик Жулдуз Шрашова, Қанлиқўл туманидан Карима Матрасулева, Тахиатош туманидан Дилфуза Сапарбоева ғолиб, деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

24 НОЯБРЬ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрида БМТнинг собиқ Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди.**

Пан Ги Мун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини юқори баҳолаб, бу икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн билан учрашди.

Спикер давлатимиз раҳбарини қутлар экан, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик муносабатларни янада мустаҳкамлаш кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2017 йил 5 сентябрда Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган «Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида»ги битим кучга кирди.

Шартнома икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш, сайёҳлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган. Ҳужжатда маҳаллий даражада ўзаро алоқаларнинг муҳим масалаларини ўз вақтида тартибга солиш мақсадида икки давлат минтақаларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳар чоракдаги учрашувларини ўтказиш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси пойтахти мэриясига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун кутиб

олди. Учрашувда замонавий технологиялар асосида шаҳарни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик, архитектура ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳри фахрий фуқароси унвони тантанали топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанубий Кореяга давлат ташрифи доирасида Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашувда эришилган мазкур келишувларни амалиётга изчил татбиқ қилиш, янги лойиҳалар устида ҳамкорлик алоқаларини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳамроҳлигида Сеул шаҳридаги Жанубий Корея Миллий музейга ташриф буюрди.

Мазкур музей Корея Республикасининг энг йирик тарихий ва маданий марказларидан бири ҳисобланади. 1945 йил асос солинган музей учун 2005 йил ўзига хос меъморий ечимга эга замонавий бино барпо этилган. Осиёда энг йирик, дея эътироф этиладиган ушбу музей кўлами жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради. Музейда 220 мингдан ортиқ тарихий, бадиий, археологик ва бошқа экспонатлар мавжуд.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тошкентдаги «Наврўз» давлат қабуллар уйида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон ва Қозоғистон санъаткорлари ижросида миллий куй-кўшиқлар янгради. Ушбу тантанали тадбирда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Мамин ва Ўзбекистон Респу-

бликаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Давлат раҳбарларининг музокаралари натижасида ҳамкорликка кенг йўл очилгани, уларда эришилган келишувлар тўла амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида «Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Илмий маъруза ва амалий машғулотлар тарзида ўтган тадбирда валюта сиёсатини эркинлаштиришнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни, давлат молия тизимини такомиллаштиришнинг устувор масалалари, иқтисодий ўсишни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг замонавий тенденциялари, инвестициявий муҳит жозибadorлигини таъминлаш омиллари, молия тизимини модернизация қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Тадбир доирасида халқаро ва маҳаллий экспертлар томонидан банк-молия тизимида янги хизмат ва имтиёزلарни жорий этишга қаратилган маърузалар тингланди, билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Ўзэкспомарказ»да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига ихтисослаштирилган «UzAgroExpo – 2017» ҳамда «UzProdExpo – 2017» XIII халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «IEG Uzbekistan» халқаро компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Корея Республикаси, Германия, Россия, Исроил, Испания, Италия, Туркия, Финляндия, Голландия, Ҳиндистон, Беларусь, Латвия, Украина ва Қозоғистон каби давлатлардан 120 компания вакиллари иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев ўзига хос ижро ва ширали овози билан элимиз қалбидан чуқур жой олган санъаткор эди. Айниқса, у «Фарҳод ва Ширин» мусикали драмасида Фарҳод,

«Тохир ва Зухра»да Тохир, «Лайли ва Мажнун»да Мажнун, «Шоир тақдири»да Фуркат, «Дилором»да Моний, «Гулсара»да Қодир каби ролларни маромига етказиб ижро этган. Кечада «Устозни хотирлаб» хужжатли фильми ҳамда театр жамоаси ва таниқли санъаткорлар ижросида концерт намоиш этилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбек Миллий академик драма театри билан ҳамкорликда «Театрнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда театрнинг инсон маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутиши, асл санъат инсонда муҳаббат, эзгулик, гўзаллик, олижаноблик каби умуминсоний қадриятларни тарбиялаши алоҳида таъкидланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида франциялик композитор Адольф Аданнинг «Корсар» балети намоиш этилди.

Асарнинг мусика раҳбари ва дирижёри – Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Абдурахмонова. Саҳнада асосий ролларни З.Фазлутов, Р.Чориев, Ш.Ҳасанова, О.Собирова, Б.Акимбоев, А.Сафронова, Е.Тихоновская ва бошқалар маҳорат билан ижро этган.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида «Дунёнинг қуёшли томони» деб номланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Унда рангтасвирчи рассом Гулнора Раҳмонова ҳамда ёш ижодкор Ойзода Жуманиёзова ижоди санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган «Мусаффо осмон остида», «Қишлоқ манзараси», «Куз», «Соябонли қиз», «Кўчамизда баҳор», «Дарё бўйида. Кутиш» каби кўплаб картиналар тинч ва осойишта кунларимиз учун шукроналик, Ватанга чексиз меҳр ва муҳаббат, она табиатга эҳтиром руҳи билан йўғрилгани боис санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

25 НОЯБРЬ

Самарқанд автомобиль заводида ўттиз мингинчи автомобиль – SAZ HC45 маркали автобус ишлаб чиқарилди.

Шу муносабат билан корхонада ўтказилган тантанали маросимда

«Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти, Япониянинг ISUZU Motors компанияси ва Itochu корпорацияси вакиллари, завод жамоаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Автомобилнинг тақдимот маросимида «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти, ISUZU Motors ва Itochu Corporation компаниялари вакиллари сўзга чиқиб, маҳсулотнинг юқори технологик кўрсаткичлари ва замонавий дизайнини алоҳида таъкидлади. Тақдимот маросими доирасида меҳмонлар заводдаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди ҳамда янги автобусларнинг тест-драйв кўригида қатнашди.

27 НОЯБРЬ

«Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматларини инобатга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадида қабул қилинди.

Белоярский шаҳрида ташкил этилган турнирда боксчиларимиз 1 олтин ва 3 кумуш медални қўлга киритди.

Турнирда мезбон боксчилардан ташқари Ўзбекистон, Хитой, Мўғулистон, Польша, Озарбайжон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Қозоғистон, Молдавиядан 150 га яқин спортчи 10 вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Мусобақада тажрибали боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов ўзини 52 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда синаб кўрди. У озарбайжонлик Қосқар Сафарли, россиялик Артур Ложников ва Расул Жаевни енгиб, олтин медални қўлга киритди. Ўз вазн тоифасида Исроил Мадримов, Иқболжон Холдоров ва Санжар Турсунов иккинчи ўринни эгаллади. Каменск-Уральский шаҳрида ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги анъанавий халқаро турнирда қатнашган Самандар Холмуродов, Абдумалик Халаков, Ҳалимбек Утегенов, Жаҳонгир Раҳмонов, Мангуберди

Абдурасулов, Жамшид Махамдалиев барча рақибларини енгиб, терма жамоамизга олтин медални келтирди. Садир Камолмирзаев ва Алимардон Абдужабборов кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, ўсмирлар ўртасида Отабек Аҳадов ва Комилжон Юсупов шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларида сўнгги, 30-тур ўйинлари ўтказилди.

Сўнгги турда «Локомотив» ўз майдонида «Бунёдкор» устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. «Темирийўлчи»ларга ғалаба келтирган голларга Сардор Мирзаев, Олабиран Муйва ҳамда Марат Бикмаев муаллифлик қилди. «Бунёдкор» клуби аъзоларидан Достонбек Ҳамдамов ва Ақром Комилов ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди. Қўқон шаҳрида ўтган «Қўқон-1912» ва «Олмалиқ» жамоалари ўртасидаги ўйинда 1:2 ҳисоби қайд этилган бўлса, «Машъал» – «Динамо», «Металлург» – «Нефтчи», «Навбахор» – «Насаф», «Бухоро» – «Сўғдиёна» ўртасидаги ўйинлар 1:0 ҳисобида яқунланди. Ғузорда «Шўртан» ва «Қизилқум» учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди.

27 НОЯБРЬ

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «PROlogue» – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III фестивали бошланди.

«PROlogue» ёш киноижодкорлар фестивали кинематография соҳасига кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлашда, уларнинг ижоди билан халқимизни яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳа учун тақдим этилган қисқа метражли картиналар «Энг яхши қисқа метражли фильм учун бош соврин», «Энг яхши сценарий», «Энг яхши режиссёрлик иши», «Энг яхши операторлик иши», «Энг яхши актёр», «Энг яхши актриса» каби номинациялар бўйича аниқланиши белгиланди. Фестиваль доирасида «Ёшлар ва кинематография» мавзуида илмий-амалий анжуман, «Халқаро кинофестиваль остонасида» мавзуидаги давра суҳбати, ёшлар учун маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар, ёш киночилар ижодий лойиҳалари тақдимотлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Тошкентда жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса

қўшаётган фаол ва изланувчан олимларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан, АҚШнинг «Clarivate Analytics» компаниясининг «Web of Science» халқаро илмий-таҳлилий электрон маълумотлар базасига 2017 йилнинг 1 июлидан мамлакатимиз ҳам обуна бўлди. «Clarivate Analytcs» компанияси турли давлатларда йилнинг энг яхши фан етакчиларини аниқлаш мақсадида танлов эълон қилиб, энг яхши натижаларга эришган, «Web of Science» халқаро базасига мақолалари киритилган олимларни рағбатлантириб келади.

Фанлар академиясининг Астрономия институти етакчи илмий ходими Аҳмаджон Абдужабборов астрономия соҳасида самарали фаолият юритаётган ёш изланувчан олимлардан бири. У астрофизика соҳасида нафақат мамлакатимиздаги, балки Германия, Чехия, АҚШ, Хитой сингари давлатларнинг нуфузли илмий муассасалари тадқиқотчи олимлари билан ҳам ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқда. Ёш олимнинг 40 дан ортиқ илмий мақоласи жаҳоннинг етакчи илмий журналларида чоп этилган. Олимнинг изланишлари юқори баҳоланиб, бугунги тадбирда «Энг яхши ёш олим» номинациясида ғолиб, деб топилди.

28 НОЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, департаментлар мудирлари, вазирлар, қўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кун тартибидаги масалага чуқур таҳлил асосида танқидий ёндашиб, аксарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшаштириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмайгани, хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлаётгани каби ҳолатлар умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни

ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади.

«Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни йирик хорижий бозорларга янада олиб чиқиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ ҳолда қабул қилинди.

Ўзбекистон» спорт мажмуида мини-футбол бўйича мамлакат футбол федерацияси кубоги мусобақалари якунига етди.

16 жамоа иштирокида ўтган баҳслар финалида Тошкент вилоятининг «Олмалик» ҳамда пойтахтимизнинг «Ардус» жамоалари учрашди. Қизиқарли ва мурасасиз курашларга бой бўлган ўйинда «Олмалик» жамоаси рақибларини 6:2 ҳисобида мағлуб этди ва Кубок соҳиби бўлди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Континент ФА» форум-фестивали доирасида «Вена таклиф этади» номли концерт ўтказилди.

«Континент ФА» форум-фестивали Ўзбекистонда фортепиано санъатини ривожлантириш мақсадида 2017-2019 йиллар учун мўлжалланган кенг қамровли мусиқий лойиҳа ҳисобланади. Мамлакатимизда илк бор татбиқ этилаётган мазкур лойиҳа фортепиано ансамбли ижросидаги ўзбек ва хорижий мусиқаларни тарғиб этиш ҳамда дуэт ижрочилиги анъаналарини давом эттиришга қаратилган. Концертда А.Шарипова, М.Қосимова, Р.Полвонов, Т.Мякушко, Э.Дергачева, Ж.Муродбекова, Л.Вашурина, А.Юрганидзе, У.Маҳмудов каби фортепиано ижрочиларининг чиқишлари муҳлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди.

Тошкентда бўлиб ўтган «PROlogue» – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III фестивали доирасида «Ёшлар ва кинематография» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда кинонинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, ўзбек мультипликация санъатида янги ижодий жараёнлар, кинода тасвирий ечим, бадиий асарлар экранизацияси, миллий кинематография ривожидида театрнинг ўрни, кино ва эстетик дид, фильм яратишда кинооператор маҳорати каби мавзуларда маърузалар муҳокама этилди. Фестивалнинг навбатдаги кунда атоқли киноижодкорлар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, фестиваль учун тақдим этилган фильмлар намойиши бўлиб ўтди.

29 НОЯБРЬ
«Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қабул қилинди.

Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мамлакатимиз анъанавий каратэ-до федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада 100 га яқин спортчи ката ва кумите йўналишларида ғолиблик учун курашди.

Тошкентда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида қиличбозлик бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик кубогида 300 га яқин спортчи ўзаро куч синашди.

Мусобақанинг шамшир йўналиши яқкалик баҳсларида қорақалпоғистонлик Шерзод Мамутов ва Зайнаб Дайбекова биринчи ўринни эгаллади. Гуруҳ баҳсларида Евгений Коновалов,

Самандар Алимов, Темур Сатторов ва Бобур Шагаевдан иборат Тошкент шаҳри жамоаси олтин медални қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида қорақалпоғистонлик спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Тошкентлик Курбон Қаноатов ва самарқандлик Умида Илёсова рапира йўналишида ғолиб бўлди. Шунингдек, гуруҳ бахсларида ўғил болалар ва қизлар ўртасида Тошкент шаҳри жамоалари олтин медаль билан тақдирланди. Қиличбозликнинг шпага беллашувлари қизиқарли бахсларга бой ўтди. Унда наманганлик Роман Александров барча рақибларини мағлубиятга учратган бўлса, қизлар ўртасида тошкентлик Вероника Рожкованинг қўли баланд келди. Шпаганинг гуруҳ бахсларида ўғил болалар ўртасида Андижон вилояти жамоаси, қизлар ўртасида эса Тошкент шаҳри вакиллари ғолибликни қўлга киритди.

Наманганда 16-17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида дзюдо бўйича республика очик турнири бўлиб ўтди.

Қизлар ўртасида Наманган вилоятидан Х.Ҳасанбоева, Андижондан М.Азимова, К.Икромов, фарғоналик З.Раҳмиддинова, Тошкент вилоятидан И.Куюлова, Қорақалпоғистон Республикасидан Ш.Эрмаганбетова, Хоразм вилоятидан И.Курбонбоева, М.Султонова ва М.Машарипова ўз вазн тоифасида ғолиб бўлди. Ўғил болалар бахсида Фарғона вилоятидан А.Абдусалимов, Ш.Адхамов, Тошкент вилоятидан Б.Шарифжонов, З.Эргашев, М.Мансуров, Самарқанд вилоятидан Э.Абдувоҳидов, Ш.Умрзоков, Андижон вилоятидан А.Абдулазизов, Тошкент шаҳридан И.Равшанкулов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан «Фаолият юритмаётган объектлар негизида ва кичик саноат зоналарида янги лойиҳаларни амалга оширишнинг мавжуд имкониятлари ва механизмлари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда Президентимиз ташаббуси билан туманларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича режалар ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 9 кичик саноат зонаси ташкил этилди. Кичик саноат зоналари иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратилди. Худудлардаги тадбир-

корлар икки йил муддатга мулк ва фойда солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Самарқанд вилояти мусиқали драма театри жамоаси томонидан сахналаштирилган «Иймон» спектакли намойиш этилди.

Иззат Султон асари асосида сахналаштирилган «Иймон» спектакли инсофли, диёнатли олим Йўлдош Комилов ва унинг ўғли Ориф ўртасидаги муносабат ҳақида. – Спектаклни Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев сахналаштирган. Спектакль бадий раҳбари Баҳодир Шаропов, рассом Баҳром Сафоев. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Раҳимов, Темур Пардаев, Меҳрихон Ҳақимова, шунингдек, Ҳаёт Ҳамидов, Зарифа Ғафурова, Шохсанам Раҳимова, Сарвиноз Саитова, Мурод Носиров каби актёрлар ўз истеъдодини намойиш этган.

30 НОЯБРЬ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурда архитектура ва қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари юзасидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

2017 йилмай ойида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибий тузилмаси тубдан ўзгартирилди ва янги вазифалар қўйилди. Қўмитанинг худудий бўлинмалари қўшимча штат бирликлари билан кенгайтирилди. Жумладан, 11 худудда «Ўзшаҳарсозлик» ва Самарқанд шаҳрида «Тошкентбошплан» лойиҳа институти филиаллари, шунингдек, 13 худудда 26 етакчи лойиҳа ташкилоти очилди. Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари ҳамда 14 қурилиш касб-хунар коллежи қўмита тасарруфига ўтказилди. Қабул қилинган мақсадли давлат дастурлари доирасида ҳамда давлатимиз раҳбарининг худудларга ташрифлари давомида берилган топшириқларга мувофиқ, жойларда қатор ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Ислон Каримов, Фурқат, Навоий ва Олмazor кўчалари оралиғидаги худудда «Тошкент-сити» замонавий халқаро ишбилармонлик маркази барпо этилмоқда.

Ўзэкспомарказда «Ўзбекистон ва Россия: стратегик шер-

кликнинг 25 йили» номли тарихий-ҳужжатли кўргазма очилди.

Кўргазмада сиёсий мулоқот, иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликка бағишланга блоклар ўрин олган.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Галина Мельникова Россия Федерацияси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги фармонида мувофиқ, Россиянинг «Дружба» (Дўстлик) ордени билан тақдирланган эди. Россия Федерацияси Президентининг хорижий давлатлар билан минтақалараро ва маданий алоқалар бўйича бошқармаси бошлиғи В.Чернов Галина Мельниковага ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

«Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон конун устуворлиги, фуқароларнинг конун олдиди тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қабул қилинди.

«Ўзэкспомарказ»да «EXPORestaurants & Cafe – 2017» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ресторан бизнеси сайёҳликнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоқларидан. Юртимизда ресторан ходимларининг малакасини ошириш, мижозларга хизмат кўрсатиш техникасини такомиллаштириш ва бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Пойтахтимизда ташкил этилган навбатдаги «EXPORestaurants & Cafe – 2017» кўргазмаси ҳам ана шундай лойиҳалардан биридир. Кўргазмада бозор учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берувчилари, овқатланиш жойлари, боғ меъморчилиги (ландшафт) ва кўкаламзорлаштириш бўйича лойиҳалаштирувчи фирмалар, мебель фабрикалари, турли агентли-

қлар, бизнесни автоматлаштириш бўйича хизматлар тақдим этувчи ташкилотлар каби бўлимларда ресторан ва кафе соҳасининг барча замонавий йўналишлари қамраб олинган.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида «Йўқотилган жаннатни излаб...» деб номланган амалий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазмада читгарлик санъатига оид энг мукамал ва бетакрор, жозибадор намуналар, дастурхон, дўппи, рўмол, хошия қолиплари, фотолавҳалар, қизиқарли маълумотлар анъанавий санъат ихлосмандларининг эътиборига ҳавола этилган.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Самарқанд вилояти мусиқали драма театри жамоасининг «Кўчки» спектакли намойиш этилди.

Турк драматурги Тунжер Жужан ўғлининг «Кўчки» асари Туркиянинг шимолий қисмида жойлашган қишлоқ ва у ерда яшовчи аҳоли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Саҳна асарини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Валихон Умаров саҳналаштирган. Бош қаҳрамонлар образини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Мамедова, Меҳри Ҳақимова, Бахтиёр Раҳимов, Баҳрулло Раҳимов, Солижон Ҳақимов ҳамда иқтидорли ижодкорлар Сарвиноз Саитова, Шоҳсанам Облоқулова, Жамшид Муродов ва Лобар Аханова гавдалантирган.

ДЕКАБРЬ

1 ДЕКАБРЬ

«Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди ва мазкур таклифларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ушбу фармон қабул қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Олимлар клуби ташкил этилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳа асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ислохотларимизга дахлдорлик ҳиссини ривожлантириш, турли иллатларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий самара бераётгани таъкидланди.

2 ДЕКАБРЬ

Президент Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортига ташриф буюрди. Лойиҳа Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг банк ва жамғармалари ҳисобидан молиялаштирилади. Янги халқаро аэропортда соатига 1 минг 500 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари халқаро йўналишларда учиб келаётган йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш бўйича қилинаётган ишлар билан танишди, қайта қурилаётган кутиш залини ҳам бориб кўрди. Бу ерда замонавий меҳмонхона куриш, ахборот технологиялари асосида замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Тошкентдаги «Akfa Medline» тиббиёт марказида бўлди.

Мазкур тиббиёт маркази лойиҳаси 2017 йил 21 апрель куни тақдим қилинган бўлиб, давлатимиз раҳбари уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бу ерда юқори малакали мутахассислар ишлашини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Ўтган вақт мобайнида куриб фойдаланишга топширилган тиббиёт марказининг умумий майдони 2 гектар бўлиб, 5 блокдан иборат. 12 қаватли замонавий бино 160 ўринли стационарга эга. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ профилакторийси ўрнида ташкил этилган мазкур тиббиёт маркази энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Президент мамлакатимизда Жанубий Корея тиббиёт институти филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент иссиқлик электр станциясига ташрифи чоғида станциянинг янги буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.

Президент корхонада 370 МВтли янги буғ-газ қурилмасининг рамзий старт тугмасини босди. Корхонанинг илк энергоблоки 1963 йилда фойдаланишга топширилган. 1971 йилга келиб уларнинг сони 12 тага етган. Станциянинг умумий белгиланган қуввати 1860 мегаваттни ташкил этади.

Янги буғ-газ қурилмасининг фойдаланишга топширилиши билан қўшимча равишда йилига 2,6 миллиард киловатт соат электр, шунингдек, 110 минг геккалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

«Олий таълим муассасаларида коррупция ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинотчиликка қарши курашиш борасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги видео-селектор мажлиси ташкил этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари сўзга чиқиб, «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида коррупция ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш масалалари», «Таълим муассасаларида терроризм ва диний экстремизм, одам савдоси каби мудҳиш жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини янада кучайтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» ва «Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилдилар.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда халқаро талаблар асосида барпо этиладиган янги аэропорт лойиҳаси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев лойиҳа билан танишиш чоғида ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожига транспорт-коммуникация тизими муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ташкил этилаётган ишбилармонлик авиацияси бу борада янги имкониятлар, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратади. Лойиҳа ўзбекистонлик ва хорижлик ишбилармон доиралар вакилларига маҳсулотларини ташқи бозорга етказиб бериш, бизнес-шериклар топишда катта ўрин тутади.

4 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкентда Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб паралимпия спортчилари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

Ўзбекистон паралимпия ассоциацияси, Кўзи ожизлар жамияти, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотлар ходимлари ўртасида спортни оммалаштириш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш

тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган турнирда 8 жамоа баҳслашди. Мусобақада «Сувсоз» жамоаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўрин «DIMAХ» жамоасига насиб қилди, «Мастер деликатесов» жамоаси эса шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Тошкентда ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» фонди кубоги учун XIV республика турнири якунланди.

Диана Аристанова, Диана Полешева, Насиба Тожиохунова, Муҳаммадамин Абдурасулов, Давид Лутфуллаев ва Шохрух Искандаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жувтлик баҳсларида Жавохирбек Истамов ва Муҳаммадамин Абдурасуловга тенг келадигани топилмади. Қизлар ўртасида Хулқарой Шомуродова ҳамда Нилуфар Абдувалиева биринчи ўринни эгаллади.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича ўтказилган XI жаҳон чемпионатида дунёнинг 50 мамлакатидан келган полвонлар 15 вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 10 олтин, 6 кумуш ва 5 бронза медални қўлга киритди. 78 килограмм вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Кумуш Йўлдошева финал баҳсида россиялик Александра Власовани мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шунингдек, юртдошларимиздан Дилдор Шерматова, Моҳинур Мўминова, Гулнор Сулаймонова, Раҳима Йўлдошева, Камолиддин Расулов, Шухратжон Арслонов, Муҳсин Ҳисомиддинов, Шаҳрам Аҳадов ва Давлат Абраев биринчи ўринни эгаллади. Мусобақада Илҳом Жўраев, Муҳриддин Қурбонов, Малоҳат Рўзиева, Ойсулув Абдумажидова, Омонгул Алланазарова, Моҳинур Пирназарова кумуш медалга сазовор бўлди.

Жаҳон чемпионатининг бронза медали Гулмира Исматова, Гавҳар Худойкулова, Мафтуна Эсонова, Рината Илматова, Бегам Бойимова каби иқтидорли спортчиларимизга насиб қилди.

5 ДЕКАБРЬ

Мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Ари-

пов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Тошкентдаги Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасига ташриф буюрди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Мўйи Муборак мадрасасида сақланаётган Усмон мусҳафи ва бошқа тарихий-маърифий ёдгорликларни катта қизиқиш билан кўрди.

Кўксаройда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанини расмий кутиб олиш маросими ва музокаралар бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғанининг тор доирадаги музокаралари бошланди. Учрашувларда қарийб 20 ҳужжат ва 40 дан зиёд экспорт шартномаси имзоланди. Кўксаройдаги музокаралар якунида Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг Қўшма баёноти имзоланди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қарийб 20 ҳужжат имзоланди. Хавфсизлик масалалари бўйича қўшма комиссия тузиш, Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш, Мозори Шариф – Шибирғон – Маймана – Ҳирот темир йўлини барпо этиш, юк ташиш, божхона соҳасидаги алоқалар тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ташриф доирасида умумий қиймати 500 миллион доллардан зиёд бўлган 40 дан ортиқ экспорт шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон-Афғонистон музокаралари якунида брифинг ўтказилди.

Унда Шавкат Мирзиёев 2018 йил Афғонистонда Абу Райҳон Беруний илмий меросига бағишланган халқаро илмий конферен-

ция ўтказилишини маълум қилди. Шунингдек, Тошкентда олима аёлларга бағишланган халқаро симпозиум ҳам ўтказилади. Афғонистонда мангу кўним топган ўзбек алломаларининг қадамжолари биргаликда обод этилади.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига ташриф буюрди.

Афғонистон делегацияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникалари, маиший ускуналар ва бошқа саноат маҳсулотлари билан танишди. Тадбирда самимий дўстлик муносабатларининг ифодаси сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 25 дона «Isuzu» русумли автобус ва «New Holland» маркали 3 та трактор Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан биродар Афғонистонга ҳадя этилгани эълон қилинди.

Гонгконгда конкур – тўсиқлар оша от сакратиш бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида II Осиё чемпионати ўтказилди.

Унда истеъдодли чавандоз Саидамирхон Турғунбоев кумуш медални қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги «Hyatt Regency» меҳмонхонасида мамлакатимизга хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилишга бағишланган «FDIUZ» халқаро бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизга сармоядорларни жалб қилишнинг илғор воситалари ва имкониятлари, иқтисодиётни либераллаштиришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари каби муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди. «Globalscope International M&A Association» халқаро молия уюшмаси, «Strategy Partners Group», «RB Partners Group&Globalscope», «Islamic Corporation for the Development of Private Sector» каби халқаро компания раҳбарларининг давлат корхоналарига инвестиция киритишни рағбатлантириш, давлат-хусусий шериклик механизми, сармоядорларни жалб қилишда стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди. Анжуман иштирокчилари чел эл инвесторлари ва халқаро молия институтларини

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳақида хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасидаги ишлар жадал тус олганини алоҳида қайд этди.

6 ДЕКАБРЬ
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Афғонистон Президенти университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳузурида маъруза қилди. Муҳаммад Ашраф Ғанига Бухоро давлат университети фахрий доктори унвони берилгани тўғрисида диплом топширилди. Ўзбекистон заминидан Имом Бухорий ва Имом Термизий каби буюк алломалар етишиб чиққан. Бу ерда таълим олаётган ёшлар мана шундай боболарига муносиб бўлиб вояга етишмоқда, деди Президент Муҳаммад Ашраф Ғани.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани бошчилигидаги делегация аъзолари куннинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳрининг тарихий марказига ташриф буюрди.

Меҳмонлар кўхна Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси таркибига кирувчи Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди. Афғонистон делегацияси аъзолари Когон тумани ҳудудида жойлашган буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида бўлиб, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди. Шунинг билан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

«Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани

жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида асал байрами ва асал маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистонда асаларичилик: янги йўналиш, янги ислохотлар» мавзуида ўтган анжуманда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси раиси Шерали Суяроқулов, соҳа мутахассислари мамлакатимизда асаларичилик ривожини, асал ва асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни, унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумот берди. Тадбирда Ўзбекистон асаларичилари уюшмасининг истиқболли режалари айтиб ўтилди.

Қорақалпоғистонда Жанубий Корея киноси кунлари ўтказилди. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ҳамда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз мамлакатимизда яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган маданий тадбирлар доирасида корейлик киноижодкорлар томонидан яратилган бир неча бадиий ва мультфильмлар намоиш этилди.

7 ДЕКАБРЬ
Давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкентдаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Ва Ўзбекистон халқини Конституция куни билан табриклади.

«Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини соддалаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ II даражали «Шоншараф», «Дўстлик», «Мардлик» орденлари, «Жасорат», «Содик хизматлари учун» ва «Шухрат» медаллари билан тақдирланган бир гуруҳ ходимларга юсак мукофотлар топширилди. Президентимизнинг жорий йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонига кўра, 1 минг 540 нафар ички ишлар органлари ходими «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан тақдирланди.

Тошкентда «Нафосат – 2017» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов 4 асосий йўналиш – «Ишбилармон ва етакчи аёл», «Талаба қиз», «Ижодкор аёл» ҳамда «Эркин мавзу» бўйича

ўтказилди. Худудий босқичда қатнашган 20 иштирокчидан 3 нафари шаҳар танлов ҳайъат аъзолари томонидан мамлакат босқичида иштирок этиш учун танлаб олинди. Улар Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчилари Дилфуза Турсунпўлатова, Малоҳат Хўжакулова ҳамда Мадина Пўлатовадир.

Бош қомусимиз қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Григорий Ульконинг «Самарқандия» деб номланган ретроспектив кўргазмаси очилди.

Кўргазмага «Шоҳи Зинда», «Бибихоним», «Афросиёб», «Самарқанд. Ой», «Самарқандда тонг», «Шердор», «Регистон» каби асарлар қўйилган. Икки юздан ортиқ асарни ташкил этган экспозицияда портретлар, манзаралар, акварель намуналар, фотолар, монументал лойиҳалар эскизлари, хат ва матнлар мавжуд. Шунингдек, экспозициядаги картиналарда Бухоро обидалари, Орол ва олам кўринишлари акс этган.

Ўзбекистон Бадий академияси Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 25 йиллиги ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳисобот кўргазма очилди.

Мазкур кўргазма япон сумиэ рассомлик санъати гуруҳи аъзоларининг ижодий изланишларига бағишланди. Сумиэ рассомлик санъати Японияга XIV асрда кириб келган. Дастлаб аристократ ва самурайлар ўргана бошлаган бу санъат «суми» – туш, «э» – тасвир, яъни «тушда чизаман» деган маънони англатади. Ҳозирги кунда сумиэ санъатининг ижодкорлари дунё бўйича кўпчиликни ташкил этади.

9 ДЕКАБРЬ
«Ўзбекистон» Халқаро анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни ва ҳосил байрами ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, соҳа ходимлари байрам билан муборакбод

этди. «Мамлакатимизда ҳамма соҳа вакилларининг байрами бор. Лекин барчамизни, бутун ҳалқимизни боқадиган, кийинтирадиган қишлоқ хўжалиги ходимларининг байрами шу пайтгача йўқ эди. Махсус қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаганимиз, ўйлайманки, ҳаётимиздаги яна бир адолатли қарор, ҳалқимизнинг дилидаги гап бўлди», дейди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳасига бағишланган кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисда ҳудудларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ва жойлардаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган келгуси йил мамлакатнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозлари, бюджет даромадлари ва харажатлари параметрлари бўйича ёндашув ва таклифлар ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилинди. Муҳокамалар якуналари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

11 ДЕКАБРЬ

Фарғона туманидаги «Отчопар» ўйингоҳида халқ сайли сифатида ташкил этилган байрамда дехқону фермерлар, чорвадору боғбонлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Вилоят дехқонлари баракали ҳосил етиштириш мақсадида йил бўйи самарали меҳнат қилди. Хусусан, вилоят меҳнаткашлари томонидан 222 минг тоннадан зиёд пахта, 315,8 минг тонна ғалла етиштирилди. Ғаллачиликда эришилаётган ютуқларга соҳада алоҳида тизим яратилиб, кўп йиллик бой тажрибадан унумли фойдаланиш, уруғчиликка берилаётган эътибор ва агротехник тадбирлар ўз

вақтида тўғри ташкил этилгани, энг муҳими, дехқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қашқадарёда «Ҳосил байрами» ўтказилди.

Байрам тадбирида фермерлар, механизаторлар, ирригаторлар, агрономлар, томорқа ер эгалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирок этди. Тадбирда 2017 йилда вилоят аграр секторида эришилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Бу йил воҳа дехқонлари давлатга 420 минг тонна сифатли пахта хомашёси, 1 миллион тоннадан зиёд ғалла топширди. Қолган тармоқларда ҳам жиддий сифат ўзгаришларига эришилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори, академик Шавкат Солиҳов илм-фан соҳасида қўлга киритган катта ютуқлари учун Хитой Фанлар академиясининг хорижий аъзолигига сайланди.

Шавкат Солиҳов раҳбарлигида биологик фаол бирикмаларни ажратиш ва уларнинг тузилишини ва амалга оширадиган механизмини ўрганиш асосида ўндан ортиқ оригинал дори воситаси ишлаб чиқарилган. Бу тадқиқотлар натижасида вирус ва яллиғланишга қарши, қон тўхтатувчи таъсирга эга препаратлар бугунги кунда тиббий амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бу йил Хитой Фанлар академиясига саккиз мамлакатдан 16 олим сайланган. Улар орасида Нобель мукофоти совриндорлари, Манчестер университети профессори Андрей Гейм (Буюк Британия) ва Шимоли-Ғарбий университет профессори Жеймс Фрейзер Стодарт (АҚШ) ҳам бор.

12 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тизимдаги муаммо ва камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, долзарб вазифалар белгилаб берилди. Хусусий тиббиётни тизимли асосда ривожлантиришга қаратилган топшириқлар берилди. Хусусан, пойтахтимизда фаолиятини бошлаган «Акфа медлайн» хусусий тиббиёт муассасаси негизда мамлакатимизда

хусусий тиббиётни ривожлантириш ва уларга малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув-даволаш марказини ташкил этиш, мазкур тиббиёт маркази ҳамкорлигида Корея Республикасининг олий таълим тиббиёт муассасаси ва унинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Осло шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматилла Иргашев бошчилигидаги делегация Афғонистон бўйича Халқаро мулоқот гуруҳининг (ХМГ) навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари нуткида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ва 10-ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзуйидаги халқаро конференцияда сўзлаган дастурий нутқларининг асосий қисмларига алоҳида эътибор қаратилди.

1948 йил 9 июлда Сан-Франциско шаҳрида (АҚШ) имзоланган Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-Конвенцияси 2017 йилнинг 12 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди.

Ўзбекистоннинг ушбу конвенцияга қўшилиши 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган, ҳар бир инсоннинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқини кафолатловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи умумэтироф этилган меъёрларга ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг фундаментал конвенцияларига мамлакатимиз содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

«Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига

давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Россия ва Қозоғистонда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашди.

Нуфузли турнирда боксчиларимиздан Аҳмаджон Аҳмедов, Кобланбай Тўрабоев, Фарҳод Эшмухамедов, Руслан Абдуллаев, Асадбек Абдураимов, Фаррухбек Ҳасанов, Логин Петров, Нурилом Исомилов, Жаҳонгир Зокиров, Шоҳжаҳон Абдуллаев олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Н.Исмоилов мусобақанинг энг яхши боксчиси, дея тан олинди. Мусобақда 10 олтин медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Қозоғистонда ўтган халқаро турнирда Қозоғистон, Ўзбекистон, Россия ва Қирғизистон боксчилари ўн вазн тоифасида ғолиблик учун рингга кўтарилди.

Жамшид Худойбергенов, Иқболжон Муродов ва Темур Атабоев мусобақа ғолиби бўлди. Асадбек Шодибоев ва Наво Тамазов кумуш медалга сазовор бўлди, Темурбек Дехқонов бронза медални қўлга киритди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси 3 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медал билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Марказий Осиё кураш федерацияси матбуот анжумани ўтказди.

Анжуманда Марказий Осиё кураш федерацияси раиси Х.Муборақов ва бошқалар ўзбек кураши тобора раванг топаётгани, ўсиб келаётган ёш авлоднинг нафақат жисмонан бакуват, балки маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилаётгани, уларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Курашни янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

13 ДЕКАБРЬ
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ер ресурслари, геодезия ва кадастр

соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси фолиятини такомиллаштириш, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида муносабатларни комплекс тартибга солиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда таъсирчан назоратни таъминлаш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масалалари, соҳада ҳал этишни талаб қиладиган кўплаб муаммолар кўриб чиқилди.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов кутиб олди.

Сооранбай Жээнбеков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйди. Сооранбай Жээнбеков Мустақиллик майдони тинчлик, дўстлик ва эзгуликни тарғиб қилишда, ўзбек халқининг буюк келажакка ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга меъморий мажмуа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини кўриб чиқдилар. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.Қўчқоров маъруза қилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди. . Лойиҳа Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбековнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Ре-

спубликаси ва Қирғизистон Республикаси бизнес форуми ва кооперация биржаси ташкил этилди.

Анжумандоирасида «Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, қонунчилик ва ишбилармонлик муҳити» мавзусида давлат органлари вакиллари ва ишбилармонлар музокаралари ўтказилди. Курилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларига бағишланган шўъба йиғилишларида бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бундай тадбирларни ҳар йили ўтказишга келишиб олинди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Тошкент Фотосуратлар уйида буюк давлат ва жамоат арбоби, халқ севган адиб Шароф Рашидовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Мураккаб даврнинг матонатли шахси» номли фотокўргазма очилди.

Ш.Рашидов истеъдодли ёзувчи ва мохир таржимон сифатида ҳам ўзидан бой мерос қолдирган. Унинг «Икки дил достони», «Кашмир кўшиғи», «Дил амри», «Бўрондан кучли», «Ғолиблар», «Қудратли тўлқин» каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган. Шароф Рашидовнинг расмий учрашув ва

анжуманларда, оиласи, кенг омма ва дўст-биродарлари даврасида ўтказган онлари, сермазмун ҳаёти ва фаолиятини акс эттирган фотосуратлар кўрғазмадан жой олган.

14 ДЕКАБРЬ **«Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.**

Мазкур Фармон Республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларни изчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

Қатарда Халқаро теннис федерацияси томонидан ташкил этилган «Фьючерс» туркумига кирувчи турнирда Жўрабек Каримов яккалик ва жуфтлик баҳсларида муваффақиятли қатнашмоқда.

Турнирнинг биринчи даврасида Жўрабек Каримов италиялик Мирко Кутулини 7:5, 6:3, иккинчи даврада франциялик Энтони Эскоффиерни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида Ж.Каримов яна бир истеъдодли теннисчимиз Саидаъло Саидкаримов билан бирга дастлаб Босния ва Герцеговина вакили Нерман Фатич ҳамда польшалик Матеуш Терчинскини 6:3, 6:4, чорак финалда франциялик Жейми Флойд Анжел ва Уго Умберни 6:2, 6:0 ҳисобида енгиб, ярим финалга чиқди.

Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Пара-Осиё ўйинларида Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси 20 олтин, 6 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзолари Акбар Янгибоев, Муҳаммад Абдураимов, Фотима Омилова турли масофаларга сузиш бўйича баҳсларда бешта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди. Мусобақада пауэрлифтинг бўйича беллашган Шаҳзода Мамадалиева ўз вазн тоифасида шохсупанинг

энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, Нуриддин Менгзиёев кумуш, Муҳаммаджон Хўжахонов ва Аббосхон Раҳимжонов бронза медал билан тақдирланди. Енгил атлетиканинг ядро, диск, найза улоқтириш, турли масофаларга югуриш ва узунликка сакраш баҳсларида Бобуржон Омонов, Муҳаммад Рихсимов, Ёркинбек Одилов, Дамир Пашаев, Розияхон Эргашева, Сабина Суханова, Асила Мирзаёрова 14 олтин ва 4 кумуш медални терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди.

15 ДЕКАБРЬ **«Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.**

Мазкур Қарор республикада фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларини юқори малакали илмий кадрлар билан таъминлаш, тайёрланаётган мутахассисларнинг илмий ва касбий салоҳиятини ошириш, куръоншунослик, тафсир ва фикх, ҳадисшунослик, калом илми йўналишлари бўйича магистрларни, етук илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида қабул қилинди.

Қатарда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилаётган «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирда Жўрабек Каримов ярим финалга чиқди.

Мусобақанинг яккалик баҳсларида Жўрабек германиялик Жорж Фон Массоуни 6:1, 1:6, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шу тариқа Ж.Каримов мусобақанинг ярим финалида германиялик Бенжамин Хассанга қарши кортга чиқадиган бўлди.

Тошкентда ёшлар ўртасида ўтказилган республика очик мусобақасида юздан ортиқ атлет ғолиблик учун куч синашди.

Баландлик, уч ҳатлаб ва узунликка сакраш баҳсларида Осмон Абдуллаев, Руслан Қурбонов, Александр Степанов, Алина Яблокова, Роксана Худоёровага тенг келадигани топилмади. Турли масофаларга югуришда Владимир Гарамов, Мурод Абдулхаев, Виктор Цуренко, Малика Ражаббоева, Раиса Дробжева, Комила Мирсолиева марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. Тўсиқлар оша югуришда Александр Степанов ва Алина Яблокова олтин медални

қўлга киритди. Ядро улоқтиришда Регина Адашбоева ҳамда Рашид Содиқов энг юқори натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой эгаллади.

Тошкентдаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги бўлиб ўтди.

Спортчилар 15 вазн тоифасида жамоавий бўлиб беллашди. Финал баҳсида Бухоро ҳамда Сурхондарё полвонлари даврага тушди. Сурхондарёлик полвонларга бироз омад етишмади. Шундай қилиб, бухоролик курашчилар Ўзбекистон кубогига сазовор бўлди. 3-ўрин Самарқанд ҳамда қорақалпоғистонлик курашчиларга насиб этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институти ҳамда «Норма» профессионал ривожланиш маркази ҳамкорлигида яратилган Big.uz – бухгалтерлар малакасини баҳолаш тизими такдимоти ўтказилди.

Big.uz тизими бухгалтерларга билимларидаги камчиликларни тўлдириш ва ўз малакасини баҳолашга ёрдам беради. Иш берувчига эса ўз бухгалтерларини аттестациядан ўтказиш ва бизнесининг хусусиятларига мувофиқ тарзда уларнинг малакасини ошириш, бўш лавозимларга номзодларни танлашга кўмак беради. Шу билан бирга бухгалтерларнинг профессионал билим даражасини имтиҳонда баҳолайди.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Анъаналардан илҳомланган санъат» номли кўргазма очилди.

Кўргазма мамлакатимиз музейларида сақланаётган амалий санъат асарлари тўпламларидан иборат. Кўргазма экспозициясидан Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи, Фарғона вилояти ўлкашунослик музейи, Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи, «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси каби санъат масканларининг ноёб асарлари жой олган.

«Биз Ватанга таянчмиз» шиори остида талабалар ҳафталиги ўтказилди.

2017 йилнинг 15-19 декабр кунлари Тошкент шаҳрида «Биз Ватанга таянчмиз!» шиори остида талабалар ҳафталиги тадбирлари бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида талабалар театр студияла-

ри фестивали иштирокчи жамоаларининг чиқишлари 15-16 декабр кунлари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ва фестивал ғолибларини тақдирлаш маросими 17 декабр куни Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида, «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг финал босқичи 16 декабр куни «Истиклол» саройида, «Тафаккур синовлари» республика танловининг финал босқичи 18 декабр куни Ёшлар ижод саройида, «Ёш китобхонлар» кўрик-танловининг финал босқичи 19 декабр куни Тошкент молия институтида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга борди.

Президентнинг ташрифни Чимбой туманидаги 8-сонли болалар боғчасидан бошлади. Мазкур боғча 140 ўринга мўлжалланган бўлиб, 1992 йилда ташкил этилган. 37 нафар педагог ва тарбиячи уларга ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Президентимиз болаларнинг овқатланиш рациони билан қизиқди.

Президент Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Чимбой туманидаги академик лицейига ташриф буюрди.

Шу ерда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш борасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдим этилди. Давлатимиз раҳбари Чимбой тумани фаоллари, зиёлилари билан учрашди. Учрашувда бугун дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, аҳолини қийнаётган масалалар, таълим, тиббиёт тизимини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев Тахياتош туманига ташриф буюрди.

Бу ерда Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиладиган кичик саноат зоналари, 2018-2019 йилларда ҳудуд саноатини ривожлантириш дастури, самарасиз фойдаланилаётган объектлар негизда янги корхоналар ташкил этиш лойиҳалари, Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган режалар намойиш этилди. Мамлакатимиз саноати учун жуда зарур бўлган металл маъданига эга Тебинбулоқ конини ўзлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Хўжайли туманидаги барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

«Хўжайли агросаноат маркази» МЧЖ томонидан ташкил этилаётган мазкур марказ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. 15,3 гектар майдонни эгаллаган мажмуада 2018 йил 5 минг тонна мева-сабзавотни қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлаш имконияти яратилади. 150 киши иш билан таъминланади. Президентимизга 2018 йил Қорақалпоғистонда томорқалардан самарали фойдаланиш дастури лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида мелiorация ва ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишди.

Президентга чет эл инвестиция дастурлари асосида жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар натижасида Эллиққалъа, Беруний ва Тўртқўл туманларида 100 минг гектарга яқин майдон сув билан таъминланиб, йилига 269 миллион кубометр сув тежалади. 23 насос станцияси, Сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 450 дан ортиқ насос агрегатлари тўхтатилиши ҳар йили 52 миллион киловатт соат электр энергиясини иқтисод қилиш имконини беради.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ва фаоллари билан учрашуви бошланди.

Президентимиз учрашувда асосий диққат-эътибор ва саъй-ҳаракатлар ҳудудлар ва тармоқларни изчил ривожлантириш, аҳолининг ҳаётий муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилиши зарурлигини таъкидлади. Аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган тоза ичимлик суви муаммосини ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритди. Қорақалпоқ эли учун ниҳоятда муҳим ва

долзарб масала бўлган ичимлик суви муаммоси йиллар давомида ҳал этилмай келаётган эди, деди Шавкат Мирзиёев. Шуни инобатга олиб, қисқа вақт давомида 101 километрлик «Кўнғирот-Мўйноқ» сув қузури ва «Кўнғирот» сув тақсимлаш иншооти қуриб битказилди. Бунинг натижасида Мўйноқ туманидаги 25 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

16 ДЕКАБРЬ Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи куни Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатига ташриф буюрди.

Нукусда уч қаватли замонавий мактаб барпо этилган. Ибройим Юсупов ҳайкали ўрнатилган жой ижодкорлар, ёшлар учун яна бир хиёбонга айланган. Мактаб қошида китобларни таржима қилиш ва чоп этиш маркази ҳам ташкил этилган. Президентимиз бу ерда ўқитувчи ва ўқувчилар, қорақалпоғистонлик адиблар билан учрашди. Мактаб ўқувчилари Ибройим Юсупов шеърларидан ўқиб берди.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги собиқ «Нукус Рем-маш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш ҳисобига барпо этилган заводни бориб кўрди.

Бу ерда телевизорнинг тўрт ва чангютгичнинг ўн уч тури ишлаб чиқарилади. Президент заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини янада кўпайтириш бўйича топшириқлар берди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Биргина «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан умумий қиймати 27,5 миллиард сўмлик 12 лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. Президентимизга «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан келгусида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдим қилинди.

18 ДЕКАБРЬ «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги

тартибини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш ва танлаб олишнинг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қабул қилинди.

Тошкентдаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида муайтайнинг WMF йўналиши бўйича хаваскор спортчилар ўртасида Ўзбекистон очик турнири ўтказилди.

Тўрт юзга яқин муайтайчи ўртасида ўтган нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 44 олтин, 43 кумуш ва 70 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Тожикистон терма жамоаси 4 олтин, 3 кумуш ва 8 бронза билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Афғонистонлик спортчилар 2 олтин, 4 кумуш ва 7 бронза билан шохсупанинг учинчи поғонасидан жой эгаллади.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банкининг энергетика соҳаси бўйича мутахассислари ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ташаббуси билан Тошкентда «Ўзбекистонда энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва халқаро молиялаштириш стандартларини ўрганиб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш» мавзусидаги халқаро анжумани ўтказилди.

Анжуманда Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиё департаменти энергетика бўйича мутахассиси Сёнг Дак Ким Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз энергетика тизимида ўтказилаётган ислохотларга юқори баҳо берди, энергия самарадорлигини ошириш ва ҳамкорликни кучайтириш бўйича маъруза қилди. Тадбирда хориз давлатлари, хусусан, Европа ва Марказий Осиё давлатлари энергетика бозорида иш олиб бориш тажрибасига оид маълумотлар тингланиб, Осиё тараққиёт банки билан «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига техник кўмак кўрсатиш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишиб олинди.

Сирдарё вилояти Боёвут туманида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан

ўтказилган «Ҳосил байрами» тантанасида барча туманлардан деҳқон ва фермерлар, қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари, илмий муассасалар мутахассислари иштирок этди.

Байрам тадбирлари доирасида миллий урф-одатларимизга кўра дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари бир пиёла чой устида яқунланаётган йилни сарҳисоб қилиб, келгуси режалар хусусида фикр алмашди. Самарали меҳнати билан халқимиз фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшаётган соҳа ходимлари, фермерлар, томорқа эгалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда агрокимё маркази туман филиали бошлиқларига хизмат автомашиналари топширилди.

Тошкентда иқтидорли талаба-ёшлар иштирокида «Биз Ватанга таянчимиз!» шиори остида ёшлар ҳафталиги бўлиб ўтди.

Ҳафталик доирасида талабалар театр-студиялари фестивали ўтказилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган танловнинг саралаш босқичида мамлакатимиздаги тўққизта олий таълим муассасаси талабалар театр жамоаларининг миллий ва жаҳон адабиёти асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллари намойиш этилди. Энг сара асар, деб баҳоланган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти театр-студиясининг «Илон дара» ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаларининг «Манкурт» спектакллари Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида намойиш этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, моҳир ҳунарманд, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Абдуғани Абдуллаев вафот этди.

У улуг аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналарини юксак маҳорат билан яратиб, юртдошларимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Абдуғани Абдуллаевнинг миллий ҳунармандчилик санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонлари билан мукофотланган эди.

19 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мактабгача тарбия таълим тизимининг илк бўғини ҳисобланади. Соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялаш, аввало, шу тизимдан бошланади. Бироқ шу пайтгача бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Охириги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоизга камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 фоизи боғчаларга қамраб олинган, холос. Мактабгача таълим сифати – эртанги кунимизни ҳал қиладиган масала. Мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш фақатгина янги ташкил этилган вазирликнинг вазифаси эмас. Бу Президент, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан бошлаб, туман ҳокими, энг қуйи идора раҳбаригача – барчамизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиши керак, деди Президент.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) президенти Сердар Чамни қабул қилди.

Президент меҳмонни самимий қутлар экан, жорий йилнинг 25-26 октябрь кунлари Туркияга амалга оширилган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиққанини мамнуният билан таъкидлади.

Йил давомида болалар ўртасида ўтказилган шахмат фестивали ниҳоясига етди.

Саралаш босқичларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган ёш шахматчилар ярим финал баҳсларида имкониятларини синовдан ўтказди. Унга кўра Саидназар Неъматжонов, Жаҳонгир Комилов, Мубина Рашидова, Муниса Тўйчиева, Ақобир Жўраев, Омилжон Каримов, Умида Қурбонова, Мадинабону Исмоилжоннова, Шаҳриёр Шарипов, Расулбек Абдуллаев, Зухра Маннопова, Мафтуна Холмаматова шахмат бўйича мамлакатимиз чемпионатининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

2001 йилда туғилган болалар ўртасида Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги учун баҳслар ниҳоясига етди.

8 та футбол жамоаси қатнашган мусобақа финалида «Пахтакор» клуби «Бунёдкор» ёшларини 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, Кубок соҳибига айланди. 2-ўрин «Бунёдкор»га насиб этган бўлса, 3-ўринни Муборакнинг «Машъал» жамоаси эгаллади.

Нукусда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театри ташкил топганининг 90 йиллиги нишонланди.

Юбилей муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида вилоятлар ва Тошкент шаҳри театр жамоаларидан ташриф буюрган таниқли санъат намояндалари, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда театр босиб ўтган ижод йўли акс эттирилган видеофильм, санъат усталарининг концерт дастури ва турли йилларда саҳналаштирилган спектакллардан саҳна кўринишлари намоиш этилди.

20 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Мажлис кун тартибига 26 масала киритилган. Сенаторлар икки кун давомида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳамда 15 қонун ва бошқа масалаларни муҳокама қилишди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш раиси Д.Жумабеков бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрида бўлди.

Меҳмонлар дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қабрини зиёрат қилди. Қирғизистон делегацияси вакиллари буюк муҳаддис Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Регистон мажмуаси, Амир Темур макбараси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларда бўлди. Меҳмонларга осори-атикалар тарихи ва вилоятда кейинги йилларда олиб борилган бунёдкорлик-ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган ХХР Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Чан Ваньцюанни қабул қилди.

Президент меҳмонни самимий кутлар экан, турли даражадаги алоқалар фаоллашиб, самарали ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари жадал суръатларда изчил ривожланишига хизмат қилаётганини катта мамнуният билан таъкидлади.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Абдусалом Азизовнинг Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Чан Ваньцюан билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳарбий, ҳарбий-техник ва ҳарбий таълим соҳаларидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истикболлари, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари академияси ва Хитой Халқ озодлик армияси Миллий мудофаа университети ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Жиззах вилоятининг Фориш тумани Эгизбулоқ қишлоғида «Mega invest industrial» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, маҳаллий хомашё ресурслари негизида импорт ўрнини босадиган ва ички бозорни зарур истеъмол товарлари, дори-дармон воситалари, бутловчи буюмлар ва материаллар билан тўлдиришни таъминлайдиган корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида «Камолиддин Бехзод издошлари» ижодий танлови кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада Бадий академия тасарруфидаги П.Беньков номидаги республика рассомлик коллежи, А.Хўжаев номидаги республика дизайн коллежи, Қўқон тасвирий ва амалий санъат

коллежи ўқувчиларининг «Тасвирий санъат» ва «Амалий санъат» йўналишлари бўйича ижодий намуналари намойиш этилди. Таниқли рассомлар, санъатшунослар, бадий таълимнинг етакчи педагогларидан иборат махсус комиссия танлов ғолибларини аниқлади. Унда биринчи ўрин Муштарий Хусанова ва Рустам Эргашевга берилди. Иккинчи ўринга Ҳаётбек Мелибоев ва Сайидали Ботирхўжаев, учинчи ўринга эса Акбар Маматхонов ҳамда Дурдона Ўктамова муносиб топилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таржимон, адиб ва олим Иброҳим Ғафуровнинг 80 йиллик таваллуд айёмига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

И.Ғафуров «Ҳаё – халоскор», «Мангу латофат» ва бошқа қатор бадиалари ва мансуралари жамланган китоблари билан ҳам эътибор қозонган. Серқирра ижодкор фаолияти давомида жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Тадбирда И.Ғафуровнинг адабиётимиз равнақида қўшган улкан ҳиссаси, серқирра ижоди, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти, юксак инсоний фазилатлари хусусида сўз юритилди.

21 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мудофаа доктринаси очиқ хусусиятга эга, бу эса шунга ўхшаш концептуал ҳужжатлар қабул қилиш борасидаги чет эл тажрибасига мос келади. Ҳужжат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлиги, яқин қўшнилар билан амалий муносабатларни ривожлантириш устуңлигини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, шунингдек, мамлакатимиз мудофаа сиёсатининг шаффофлигини таъминлайди, хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа чет давлатлар билан самарали ҳарбий-сиёсий муносабатлар ва ҳамкорлик қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ўн учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон ички ишлар вазири П.Бобожоновнинг ички ишлар органларининг жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши курашиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва шу орқали жамиятимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш борасида янги механизм жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлашга оид масала кўриб чиқилди.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси томонидан тақдим этилган ушбу масала бўйича Шерзод Файзиев Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тавсия этилган. Масалани атрофлича кўриб чиққан сенаторлар Шерзод Файзиевни Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш бўйича қарор қабул қилди.

Сенатда ташқи ишлар вазири ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг таъкидлашича, Ўзбекистон томонидан хорижий давлатлар, аввало кўшни мамлакатлар билан олиб борилаётган очик, конструктив, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Хусусан, кўшни давлатлар билан муносабатларда мутлақо янги сиёсий муҳитни шакллантириш, сиёсий ишонч даражасини анча оширишда ва ҳамкорликнинг кўплаб соҳаларида самарали натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабековни қабул қилди.

Томонларнинг амалий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган қатъий сиёсий иродаси, турли даражадаги алоқалар ва ташрифлар фаоллашгани қисқа муддатларда салмоқли натижаларга эришиш ва ўзаро муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитиш имконини бергани алоҳида қайд этилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси парламент делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш истикболлари муҳокама қилинди. Учрашувда томонлар Қирғизистон парламент делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи, режалаштирилган музокаралар ва учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди. Қирғизистон делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «Амалий тадбирлар режаси» («Йўл харитаси») имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Афғонистон Ислом Республикасида бўлди.

Ўзбекистон делегациясини Президент Муҳаммад Ашраф Ғани қабул қилди. Афғонистон раҳбари томонларни қизиқтирган барча соҳаларда Ўзбекистон – Афғонистон мулоқотини кенгайтиришдан манфаатдор эканини яна бир бор тасдиқлади. Афғонистон пойтахтида Абдулазиз Комилов, шунингдек, Афғонистон Миллий бирдамлик ҳукуматининг Ижроия кенгаши раиси Абдулла Абдулла, Ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббани, Молия вазири Эклил

Ҳаким, Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Муҳаммад Хания Атмар билан учрашди.

Тошкентдаги «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги Республика техник ва амалий спорт турлари марказида «Биз чемпион» шиори остида «Мега спорт» мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ва қатор ташкилотлар томонидан ёшларни оммавий спортга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мусобақада олий таълим муассасалари вакиллари спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада Чирчиқ давлат педагогика институти жамоаси шоҳсупанинг биринчи ғоғонасидан жой олди.

Халқаро велосипедчилар иттифоқи (UCI) президенти Давид Лапартъен ва Осиё велосипед спорти конфедерацияси (АСС) президенти Усама Аҳмад Абдуллоҳ ал-Шафар бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

Мазкур спорт тури бўйича 2018 йил Тошкент велотрекида Осиё кубоги, 2019 йил шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионатини ўтказиш, велоспортнинг Олимпия тури ҳисобланган «ВМХ» ва «Маунтинбайк» йўналишларида спортчи ва мураббийларнинг тажрибасини ошириш мақсадида Тошкент вилояти ҳудудида мазкур турлар учун спорт комплексини (велодром) қуришда амалий ёрдам бериш, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Чорвоқ» эркин туристик зонасини яратиш тўғрисидаги қарорга асосланган ҳолда мазкур ҳудудда «Tour de Charwak Lake» халқаро велопойгаси ўтказилишини ташкил этиш бўйича фикр алмашилди. Халқаро велосипедчилар иттифоқи, Осиё велосипед спорти конфедерацияси ва Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси ўртасида меморандум имзоланди.

«Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи: туризмнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантиришнинг миллий ва халқаро тажрибаси» мавзусида тадбир ўтказилди.

22 ДЕКАБРЬ
Қашқадарё вилояти футбол федерациясида испаниялик футбол мутахассиси Кико Зунига билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги турли таълим муассасаларида фаолият юритаётган футбол мураббийлари, футбол федерацияси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Кико Зунига мураббийлик фаолияти давомида «Атлетико» (Мадрид) жамоасининг U-13 ва U-14 жамоаларини бошқарган. Шунингдек, у «Реал» (Мадрид) жамоасининг Хитойда жойлашган академиясида ҳам фаолият юритган.

Тошкентда 2001 йилгача бўлган йигит-қизлар ўртасида қиличбозлик бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик кубогида 300 га яқин спортчи қатнашди.

Мусобақанинг шамшир йўналиши яқкалик баҳсларида Тошкент вилоятдан Жалолиддин Душанбоев ва қорақалпоғистонлик Зайнаб Дайбекова биринчи ўринни эгаллади. Жамоавий баҳсларда Тошкент шахрининг ўғил болалар ва қизлар жамоалари шоҳсупанинг энг юқори ғоғонасидан жой олди. Андижонлик Аҳмадиллоҳон Солихўжаев ва тошкентлик Саидахон Ғозиева рапира йўналишида ғолиб бўлди. Шунингдек, жамоавий баҳсларда ўғил болалар ўртасида Андижон жамоаси олтин медални қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида Тошкент шахри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Шпаганинг жамоавий баҳсларида ўғил болалар ўртасида Навоий вилояти жамоаси, қизлар ўртасида эса Бухоро вилояти вакиллари ғолибликни қўлга киритди.

Ўзбекистон давлат санъат музейида тасвирий санъатда ўз йўлига эга бўлган мўйқалам соҳибаси Шамсирўй Ҳасанова ижодига бағишланган кўргазма очилди.

Кўргазмада муаллифнинг «Увайсий портрети», «Шоира Комила», «Самарқанд», «Регистон майдони», «Тоғ манзараси», «Чинорлар» каби ўттиздан ортиқ асари муҳлислар эътиборига ҳавола этилган.

Қамолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида «Эски шаҳарга саёҳат» номли рангтасвир асарлари кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди.

Кўргазмада «Эски шаҳар» гуруҳи аъзолари, таниқли ижодкорлар Дилором Мамедова, Абдуҳаким Каримов ва Дилмурод Йўлдошевнинг 70 дан ортиқ асари намойиш этилмоқда. Гуруҳ аъзоларидан бири Д.Мамедованинг асарларида гўзал юртимизнинг илҳомбахш манзаралари, тарихий меъморчилик ёдгорликлари тасвирланган. А.Каримов шарқ мумтоз шеърятининг улуғ намояндалари ижодига мурожаат қилиб дўстлик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ҳамда висол мавзуларида миниатюра ва рангтасвир ўзаро уйғунлашган санъат асарларини яратган.

23 ДЕКАБРЬ

Москва вилояти ёш томошабинлар театри жамоаси мамлакатимизга илк бор ижодий сафар билан келди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Москва вилояти театр жамоаси «Беш оқшом» спектаклини намойиш этади. Драматург Александр Володин пьесаси асосида саҳналаштирилган бу саҳна асари режиссёри - Павел Сафонов. Ҳар бир инсон ўзига бўлган ишончини орттириш, ҳаёт моҳиятини англаш, тўғри йўлдан адашмай ўз бахтини топиш ғоялари сингдирилган асарда Нонна Гришаева, Алексей Рижков каби иқтидорли актёрлар асосий образларни талқин этади.

25 ДЕКАБРЬ

«2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарор оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш, болаларда ногиронликни камайтириш, шунингдек, «Она ва бола скрининг» марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистонлик боксчилар Боку шаҳрида «А.Агаларов Cup-2017» халқаро турнирида иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бокс бўйича ўтказилган «А.Агаларов Cup-2017» халқаро турнирида иккитадан олтин ва кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Мусобақада Ҳалим Утегенов ва Жаҳонгир Раҳмонов биринчи ўринни эгаллади. Сардор Камолмирзаев ва Жавоҳир Тоғаймуродов кумуш медаль билан тақдирланди. Наво Тамазов, Темур Отабоев ва Самандар Холмуродов эса бронза медалга сазовор бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақада умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Янги йил арафасида Фарғона вилояти мусиқали драма театри ижодий репертуари яна бир асар билан бойитилди.

Озарбайжон драматурги Урдубоду асари асосида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сайдали Одилов томонидан қайта ишланган асар «Ютукқа чиққан келин» деб номланади. Спектаклни таниқли режиссёр Маҳмуд Ғуломов саҳналаштирди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Москва вилояти ёш томошабинлар театрида «Беш оқшом» спектакли намойиш этилди.

«Беш оқшом» спектаклининг саҳна юзини кўришида режиссёр Павел Сафонов, рассом Мариус Яцовскис, композитор Фаустас Латенас ва хореограф Алишер Ҳасановнинг ҳиссаси бор. Унда Нонна Гришаева, Алексей Рижков каби иқтидорли актёрлар асосий образларни талқин этган.

Ижодий сафар доирасида театр бадий раҳбари Нонна Гришаева билан талабалар иштирокида учрашув ташкил этилди.

26 ДЕКАБРЬ

Тошкентда футбол бўйича «Локомотив» жамоаси мамлакат чемпионати ва кубок баҳсларида бош совринни қўлга киритгани муносабати билан клуб аъзоларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Эзидиёр» ресторанида ўтган маросимда 20 нафар футболчига «Gentra» автомобиллари топширилди.

Сурхондарё вилоятидаги «Оллохёрохун» фермер хўжалиги

уч гектар майдонда стивея ўсимлигини очик далада парваришлаб, ундан маҳаллий иқлим шароитида кўпайтиришга мос уруғ олди.

Фермер етиштираётган ўсимлик Тошкент вилоятидаги «Чирчик стивея интерфарм» масъулияти чекланган жамиятида қайта ишланмоқда. Бу ерда шифобахш чой тайёрланиб, «Стивея ширин ҳаёт чойи» белгиси билан савдога чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида Бишкек шаҳрида имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Солиқ қонунчилигига риоя этиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида»ги битим кучга кирди.

Мазкур ҳужжат солиқ масалаларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам бериш ҳамда тажриба ва ахборот алмашишнинг самарали механизмларини кенгайтириш учун ҳуқуқий асос яратишга ҳамда икки давлатда солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган. Ушбу Битим доирасида ҳамкорлик томонлар давлатларининг солиқ идоралари орқали бир-бирларига ёрдам бериш тўғрисида сўров жўнатиш йўли билан амалга оширилади.

Тошкентда Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Яйра Абдуллаева кўплаб сахна асарларида бош ролларни ижро этган. «Қутлуғ қон»да Гулнор, «Бой ила хизматчи»да Гулбахор, «Мирзо Улуғбек»да Гавҳаршодбегим каби образларни етук ва профессионал даражада ижро этиб, ўзбек театр санъати тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган актёрлардандир.

Шунингдек, Я.Абдуллаева кинода яратган Гулбахор, Дилдор, Раъно, Саодат ва бошқа образлар ёрқинлиги, жозибаси билан алоҳида диққатга сазовордир. Ижодий кечада «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан устоз актриса ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Медиа-холл» мажмуасида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини

ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси билан ҳамкорликда Ижтимоий телерадиомаҳсулотлар IX миллий фестивали ўтказилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси жараёнларини ёритишга, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган энг яхши ижтимоий роликлар йўналишида ғолиблар аниқланди. Фестиваль доирасида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти ғолибларига сертификатлар топширилди.

27 ДЕКАБРЬ Тошкентда Ўзбекистон Енги атлетика федерациясининг йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Надия Дусанова йилнинг энг яхши спортчиси деб топилди.

Шунингдек, Андрей Петров «Йилнинг энг муваффақиятли спортчиси», Марат Ҳайдаров «Йилнинг энг иродаси кучли спортчиси», Сафина Саъдуллаева «Йил кашфиёти», Комила Ражабова «Йилнинг энг иқтидорли ёш спортчиси», Олег Аҳмеджонов «Энг яхши мураббий» дея эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Шарқ яққакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Миллий қаратэ федерацияси томонидан ўтказилган чемпионатда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон ва Афғонистон спортчилари қатнашди.

Турли ёш тоифаларида ўтган баҳсларда Ш.Боймуҳамедов, Ф.Аҳмаджонов, А.Усмонов, М.Хўжақулов, И.Сатторов, Ҳ.Бадалова,

Н.Муртазоева, М.Янгибоева, Г.Жолдасова, Б.Эгамбердиева, О.Солиева, Н.Тоҳирова каби истеъдодли каратэчиларимиз олтин медални қўлга киритди.

Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчи-хонасида «2017 йилда Ўзбекистон – Қирғизистон ҳамкорлиги ҳамда 2018 йилда ушбу алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари» мавзуда брифинг ташкил этилди.

Ташриф доирасида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик юксак даражада тараққий этаётганидан далолат беради.

2018 йилда барча соҳалар сингари савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, товар айланмасини 500 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Юртимизда Қирғизистон маданияти ва санъати кунларини ўтказиш, Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш кўзда тутилган.

28 ДЕКАБРЬ
Осиё – Океания кураш конфедерацияси 2017 йил якуни бўйича бир нечта номинацияларда энг яхшиларни аниқлади.

Унга кўра, Ёпиқ иншоотлар ва Жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари ғолиби, Жаҳон чемпиони, ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XII халқаро турнир совриндори **Шухрат Арслонов** «Йилнинг энг яхши курашчиси» деб топилди. Шунингдек, таиландлик Пулсак Сажатамнукул «Йилнинг энг яхши ҳаками», эронлик Ҳосро Далир Моейн «Йилнинг энг яхши мураббийи», Хитой Тайпейидан Хсен-Цу Янг «Йилнинг энг яхши аёл курашчиси», Жанубий Корея кураш федерацияси «Йилнинг энг яхши федерацияси», Туркманистонда ўтказилган Ёпиқ иншоотлар ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг кураш мусобақаси «Йилнинг энг яхши мусобақаси», 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган ёзги Осиё ўйинларига курашнинг расман киритилгани «Йилнинг энг яхши воқеаси», деб топилди. Кураш халқаро ассоциацияси президенти Ҳайдар Фармон ва Осиё – Океания кураш конфедерацияси президенти Комил Рўзиев «Кураш ривожига қўшган ҳиссаси учун» номинацияси бўйича тақдирланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида» ги қонуни кучга кирди.

Ушбу Қонунга мувофиқ «Келажак бунёдкори» медали билан ватанпарварлик, фидойилик, меҳнацеварлик фазилатларини намоён этиб, халқ манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилаётган, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ва шон-шухратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган, шунингдек ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади. «Келажак бунёдкори» медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолати ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда нутқ сўзлади.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришга умуман эътибор берилмагани ёки масалага юзаки ёндашилгани ушбу соҳадаги ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида нуқсонлар юзага келишига сабаб бўлмоқда, деди Президентимиз. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган минерал ўғитлар билан боғлиқ харажатлар қопланмаяпти. Оқибатда кимё корхоналарининг ишлаб чиқаришга сарфланган табиий газ, электр энергияси, фосфорит хомашёси, олтингугурт кислотаси ва бошқа турдаги товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш борасидаги имкониятлари чекланиб, кредитор қарздорлик ўсиб кетмоқда. Шу боис 2018 йилдан бошлаб, истеъмолчиларга минерал ўғит етказиб бериш «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳузурида ташкил қилинадиган «Ягона агент» воситачилигида биржа савдолари орқали амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

29 ДЕКАБРЬ

Президентнинг жорий йил 23 августдаги қарори асосида 2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Унда умумий қиймати 3,1 миллиард долларга тенг 43 та инве-

стиция лойиҳаси амалга оширилиб, саноат маҳсулотлари ҳажмини 2,4 марта, экспортни 2,7 баробар ошириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улушини 42,5 фоизга етказиш ҳамда 43 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 3,2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларини янада қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини рағбатлантириш, республиканинг академик илм-фани нуфузини ошириш мақсадида қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4907-сон Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида олиб бораётган фаол илмий-тадқиқот изланишлари натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлар ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Шунингдек, бу фармон билан 22 йиллик узоқ танаффусдан сўнг Фанлар академиясининг 32 нафар янги ҳақиқий аъзолари тасдиқланди.

31 ДЕКАБРЬ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида профессионал бокс бўйича ўтказилган мусобақада ҳамюртимиз Машхурбек Қамбаров навбатдаги ғалабасини қўлга киритди.

24 ёшли боксчимиз ушбу жангда украиналик Микола Кореневга қарши баҳслашади. Машхурбекнинг метин Ҳимояси ва тезкор зарбалари 44 ёшли Миколани мағлубиятга учрашида сабаб бўлди. Шу тариқа Машхурбек Қамбаров фаолияти давомидаги учинчи жангида ҳам ғалаба қозонди.

Таиланднинг Бангкок шаҳрида профессиональ боксчилар ўртасида ўтказилган турнирда Қобилбек Тўлабоев илк ғалабасини қўлга киритди.

Енгил вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари беллашувида Қобилбек мезбонлар шарафини Ҳимоя қилган Путтипхон Ракунга қарши ажойиб жанг ўтказди. Баҳсда боксчимиз рақибига қатор зарбалар йўллади ва уни техник нокаутга учратиб, ўзининг илк ғалабасини қўлга киритди.